

УМУМИЙ ПСИХОДИАГНОСТИКА

Маърузалар матни

I. ПСИХОДИАГНОСТИКА ПРЕДМЕТИ, МАҚСАДИ, ВАЗИФАЛАРИ

Болалар боғчасидаги, мактаблардаги ўқув-тарбия жараёни болаларнинг қобилияти ва лаёқатларини ҳар томонлама ривожлантиришга, улар шахсини шакллантиришга қаратилган. Педагогик жараённинг махсулдорлиги педагогнинг ўз ўқувчиларини яхши билишга, таълим на тарбиянинг хилма-хил методларини қўллашига боғлиқ.

Албатта, педагогика фан сифатида тарбиячига педагогик психология соҳасидаги тайёр «рецептларни» бера олмайди. Бундай кўникмалар болалар билан бевосита мулоқот жараёнида, улар хулқ-атворининг мотивларини, ҳиссий-шахсий хусусиятларини таҳлил қилиш жараёнида эгалланади. Бу ҳақида машҳур рус педагоги К.Д.Ушинский қуйидагича ёзган эди: «Биз ўқитувчиларга ундай ёки бундай қилинг, деб тушунча бермаймиз. Биз уларга: Сиз бошқармоқчи бўлган психик ҳодисаларнинг қонуниятларини ўрганинг ва уларга мос равишда ҳаракат қилинг», - деймиз.

Лекин тарбиячилар болалар психологияси бўйича билимларни жуда кам қўллайдилар, асосан ўқувчилар ўзлаштирмаганларида ёки тараққиётдан четлашиш ёки бузилишлар содир бўлгандагина фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Болаларнинг бундай ҳолатлари чегара ҳолатлари сифатида, психик тараққиёт камчилиги сифатида шахс акцентуациясининг турли кўриниши сифатида таснифланиши мумкин. Уларни аниқдаш учун болалар психологияси клиник патопсихология ва психиатрия каби соҳалардаги билимлар талаб қилинади. Бундан ташқари тарбиячига болалар психологиясининг акселерация (тез етилиш), педагогик қаровсизлик каби муаммоларни ҳал қилишига тўғри келади.

Ўқитувчи таълим ва тарбиядаги кийинчиликлар нима учун ва қандай пайдо бўлишини тушуниши учун, аввало бола психик тараққиётнинг асосий қонуниятларини билиши ва турли психик ҳолатларни ихологик диагностика методларини эгаллаши зарур. Ўқитувчининг психодиагностик тадқиқот ёки доимий кузатиш жараёнида олинган плгижаларни болалар билан ишлашда қанчалик тўғри фойдалана олиши ҳам муҳим ҳисобланади.

Тажрибага асосланган психологик диагностика фан сифатида XIX аср охирида вужудга келди. Худди шу даврда психологияда ўлчаш ғояси кенг тарқалди. Психодиагностиканинг мустақил фан соҳасига айланиши олимларнинг инсонлар психикасидаги индивидуал фарқларга қизиқишининг ортиши билан боғланган.

Психодиагностика психологик диагноз қўйиш ҳақидаги фандир. Бунда диагноз кўрсаткич ва тавсифномаларни биргаликда таҳлил қилиш асосида синалувчининг ҳолати ва хусусиятлари ҳақидаги хулосалардан иборат.

Психологик диагноз (diagnosis - грекча, аниқлаш, билиш деган маъноларни англатади) шахс индивидуал-психологик хусусиятларининг ҳозирги ҳолатига баҳо бериш, ривожланишини олдин-дан айтиб бериш (прогноз қилиш) ва психодиагностик текширув вазифалардан келиб чиқиб, тавсиялар ишлаб чиқишга қаратилган психолог фаолиятининг сўнгги натижасидир.

Психодиагностик тадқиқотлар амалиётида психологик диагноз кўйишининг 3 босқичи фарқланади:

1) **Симптоматик диагнозда** мавжуд ҳар қандай ЭХМ бажариши мумкин бўлган тадқиқотда олинган натижалар қайта иш-ланади.

2) **Этиологик диагнозда** (келиб чиқиш сабаблари) бирор хусусиятнинг мавжудлигигина эмас, балки унинг вужудга келиш сабаблари ҳам ҳисобга олинади.

3) **Типологик диагнозда** синалувчи шахс тузилишида олинган натижаларнинг аҳамияти ва ўрни аниқланади.

1.1. Психодиагностик тадқиқотларнинг вазифалари ва хусусиятлари

Болаларни психодиагностик тадқиқ қилиш ёш хусусиятларига, у ёки бу ёш даври учун етакчи фаолият турининг таъсирига, индивидуал типологик тавсифномаларнинг тараққиёт даражасига боғлиқ равишда баъзи хусусиятларга эга. Бола тараққиётининг ҳар бир ёш даври болалар билан ишлашнинг усуллари ва методларини, экспериментал тадқиқотнинг ўз мақсадлари ва вазифаларини талаб қилади.

Кичик ёшдаги болаларни психодиагностик текширув ёш ва педагогик психологиянинг соҳаси ҳисобланади. Олинган натижалар ёрдамчи характерга эга бўлиб, педагог томонидан бола психик таравқиёти хусусиятларини аниқлашда қўлланилади. Бунда таълим ва тарбия дастури, турли ҳаётий шароитларда (фаолиятда, мулоқотда ва бошқаларда) шахс хулқ-атвори характеристикаларини тузишда ҳисобга олинади. Экспериментал тадқиқотдан олинган натижалар оилада, боғчада, мактаб ва бошқа жамоат жойларида индивидуал ва гуруҳий тарбиявий-педагогик тадбирлар схемаси тузишда қўлланилиши мумкин. Ўқитувчи ўз ишида доимо болалар психофизиологик масалалари билан тўқнашади. Уни вақганчалик натижаларгина эмас (масалан, чоракнинг охирига келиб ўқувчиларнинг ўзлаштириши каби), балки у ёки бу жисмоний ва руҳий сифатларнинг ривожланиш истикболларини айтиб берадиган натижалар қизиқтиради.

Болалар боғчаларида ёки бошланғич мактабларда психодиагностик тадқиқотлар қўйидаги вазифаларни ҳал қилади:

1. Диагностика учун зарур маълумотларни олиш. Бунда бола психик ҳолати ва шахси хусусиятларининг баъзи белгилари кўринишини ўрганиш мақсадида тадқиқот олиб борилади. Тадқиқотда олинган маълумотлар ёрдамчи характерга эга бўлиб, бола хулқ-атворининг ҳақиқий хусусиятлари, унинг психик функциялари тараққиёт даражаси билан таққослашда фойдаланилади. Масалан: дарсда бола диққатининг барқарор эмаслиги, диққатини бир жойга тўплашга қийналиши, ақлий иш қобилиятининг

пастлиги, тез чалғиши ва бошқалар билан ажралиб туради. Лекин хулқ-атворнинг кўрсатилган белгилари бола хулқ-атвори эҳтиёжлари ва мотивлари иерархиясининг (босқичма-босқич) ўзгариши натижаси бўлиши мумкин. Бунда ўқитувчи шахс нормал ҳолати кўринишларидан бирига, ёки мия етишмовчилигининг функционал белгиларига дуч келади. Иккала ҳолатда ҳам у ёки бу ўқувчи уш.пмгириши ва интизомини пасайиши ташқаридан сезилсада, психодиагностик тадқиқотларда ўрганилаётган ўзгаришлар манбалари, ривожланиши ва келгусида қандай бўлиши психологик белгилари ҳам ўрганилади. Психодиагностик тадқиқотлар бола психик ривожланиши функциялари ривожланиш даражасининг, ақлий тараққиёт даражаси, ёш ва маълумот билан ўзаро боғлиқлигини ўрганиш учун ҳам ўтказилади. Бу тадқиқотлар болада маълум қизиқишлар, амалий малакалар ва касб танлаш пайти келганда жуда муҳимдир.

2. Психик тараққиёт ўзгаришини ўрганиш учун зарур маълумотларни тўплаш. Агар «кўндаланг кесим» методлари орқали психодиагностик тадқиқот маълум босқичда бола психик тараққиёти даражасини, яъни психик функциялар ривожланиши долзарб зонаси аниқланадиган бўлса, «узунасига кесим» (лонгитюд) психодиагностик тадқиқотларида бола психик тараққиёти хусусиятлари ривожланишда, яъни таълим ва тарбия жараёнида ўрганилади.

Ўйин ва ўқиш фаолиятида жуда кўп марталаб ўтказилган экспериментал-психологик тадқиқотлар бола шахсининг шаклланиши ва ривожланишига маълум фаолиятнинг таъсир кўрсаткичи бўлиши мумкин. Болада ўтказилган психодиагностик тадқиқотлар муҳим прогностик аҳамиятга эгадир, чунки қўлланилган методларнинг ўқув-тарбиявий таъсирини ҳисобга олган ҳолда шахс ривожланиши истиқболларини аниқлаш имкони яратилади.

3. Ақлий заифлик даражасини ёки бошдан кечирган касаллик туфайли психик камчиликларни аниқлашга қаратилган психодиагностик тадқиқотлар махсус ёки ёрдамчи мактабда ўқиши ҳақида масала ҳал бўлаётганида тиббий педагогик ҳайъат (комиссия) ёрдамидан фойдаланиш мумкин.

4. Болаларда пайдо бўлган етарлича ўрганилмаган янги психик ҳолатларни таҳлил қилиш учун илмий мақсадда психологик тадқиқот ўтказиш. Вазифа бундай кўйилганда тадқиқотчини қизиқтирган масала бўйича катта гуруҳларда тадқиқотлар ўтказилади. Бу ерда олинган натижаларнинг статистик ишончлилиги муҳим аҳамият касб этади.

1.2. Психодиагностика тарихи

Психологик диагностика фан сифатида XIX аср охирида экспериментал асосда вужудга келади. Психологик диагностиканинг вужудга келишида F.Galton (1879); J.Cattell (1890); H.Ebbinghaus (1891); A.Binet ва V.Henri (1896); A.Binet ва Th.Simon (1905)ларнинг ишлари катта аҳамиятга эга бўлади. Бу тадқиқотларда индивидуал фарқларни ўрганишнинг янги статистикага асосланган қуроли - тест ишлатила бошлаган. Психологияда психометрик йўналиш асосчиси F.Galton биринчи марта тестлар яратган. Дастлабки тест ақлни ўлчаш методи сифатида қўлланилди, кейинчалик эса ундан шахсни, унинг реакцияларини ўрганишда фойдаланила бошланди.

Психодиагностикада янги методларни ишлаб чиқариш психиатрик шифохоналарнинг эҳтиёжлари билан кучайтирилди. Кейинчалик эса касб танлаш ишлари билан боғлиқ психотехниканинг тараққиёти билан янада ривожлантирилди.

Психологик диагностика фан сифатида 1920 йилларда кенг шакллана борди. Швейцариялик психолог ва психиатр Н. Rorschach (1921)нинг «Психодиагностика» асари нашр этилиши билан психо-диагностикага асос солинди. Психодиагностика тушунчаси индивидни ўрганадиган барча методлар мажмуини ўз ичига олади. Бу китобнинг нашр этилиши билан психологик диагностика тараққиётида янги давр бошланди, бу психометриядаги янги шахсни ўрганиш методлари бўлмиш проектив методлар билан боғланган эди. Проектив психология бир бутун шахсни ўрганиш мумкин эмас, деб талқин қилувчи психометрик нуктаи назар ва бихевиоризмга қарши эътироз билдирувчи фан сифатида ривожлана бошлади.

Кейинчалик психодиагностикада янги методлар яратилиши билан бирга бирлаштирилган (комбинация қилинган) тестлар қўлланила бошланди. Масалан, акдни ўрганиш методлари орасида америкалик психолог D. Wechsler (1939, 1955)нинг субтестлари кенг тарқалди. Янги проектив методлар ҳам яратилиб, кенг қўлланила бошланди. (америкалик психолог G. Murray (1935, 1943)нинг Тематик Апперцепцион Тести (ТАТ), немис психологи S. Roslnwlig нинг фрустрацияга бўлган реакцияни ўрганиш бўйича тести ва бошқалар.) Шахсий саволномалар (MMPI, 16 PF) кенг тарқалди.

Собиқ совет психологиясида диагностик методлардан фойдаланиш ўз тарихига эга. Бу жараёнда шартли равишда 2 босқични ажратиш мумкин.

Биринчи босқич 20 йилларнинг бошидан 30 йилларнинг ўргасигача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврда педагогика ва психотехникада тест методлари кенг тарқалди. Бунга боғлиқ равишда педагогика - бола ҳақидаги фан ривожлана бошланди. Унинг предмети болалар ҳаётини ўрганиш, ирсиятнинг родини аниқлаш, жисмоний ва маънавий тараққиёт қонунларини аниқлаш, болалар психикасида касаллик кўринишларини ўрганишдан иборат (К.Н. Корнилов, 1917 й.)

Бу даврда психологик диагностиканинг ривожланишида М.С. Бернштейн, Л.С. Виготский, П.П. Блонский, С.Г. Геллерштейн, Н.Д. Левитов, Г.И. Россолимо, П.И. Шпильрейн, А.М. Шуберт ва бошқалар катта ҳисса қўшдилар. Олимлар томонидан илгари сурилган қатор илғор фикрлар кейинчалик ривожлантирилмади, чунки 1936 йилдан кейин бу соҳадаги барча тадқиқотлар тўхтатилди ва психодиагностиканинг кейинги ривожланишига жиддий тўсиқ юзага келди.

Машҳур рус психологи Л.С. Виготский шахс психик тараққиёти хусусиятларини ўрганишга муҳим ҳисса қўшди. Унинг таълимоти инсонга хос бўлган психик жараёнлар ва инсон онгининг тарихий ривожланишига бағишланди. Унинг фикрича, бола-лар психик тараққиёти инсоният маданиятини ўзлаштириши натижасида рўй беради. Бунда шахс шаклланишида таълим ва тарбия жараёнлари етакчи роль ўйнайди.

Психодиагностиканинг ривожланишидаги иккинчи босқич 50-60 йилларга тўғри келади. Бу даврда аклий тараққиётни ўрганишга катта эътибор берилди. Жумладан, А.А.Люблинская тадқиқотларида нутқ ва унинг функцияларининг ривожланиш хусусиятлари ўрганилган. А.Р.Лурия раҳбарлигида фаолиятни бошқаришда нутқнинг роли ўрганилди. А.Н.Леонтьев ва А.В.Запорожец раҳбарлигида асосий психик жараёнларнинг ривожланишида фаолиятнинг роли ўрганилган. Д.Б.Эльконин раҳбарлигида нутқнинг ривожланиши ва боғча даврида ўйиннинг етакчи фаолият тури сифатидаги роли аниқланди. Бу тадқиқотлардан олинган натижалар болалар учун таълим ва тарбия дастурларини тузишда асос бўлиб хизмат қилади.

Рус психологлари томонидан ишлаб чиқилган аклий тараққиётни сифатий таҳлил қилиш тамойили қатор вазифаларни ҳал қилишда ўз маҳсулдорлигини намоён қилди ва кўпгина тадқиқотларда ўз аксини топди (З.И.Калмикова, 1975, 1982; Г.А.Варданян, 1979; Л.А.Венгер, 1974; К.М.Гуревич, 1980; В.И.Войтко, Ю.З.Гильбух 1981; Д.Б.Эльконин, 1982; В.В.Столин, А.Г.Шмелев, 1987; Л.Ф.Бурлачук С.М.Морозов, 1989 ва бошқалар).

Психологик диагностикага кичик амалий йўналиш хос бўлиб, у ёки бу ходисаларни билишга ва тавсифлашга қаратилган. Б.Г.Ананьев (1968) психологик диагностикани психологик тадқиқотларга қаратилган йўналиш, деб таърифлаб, унинг мақсади, психофизиологик функциялар, жараёнлар ва шахс хусусиятлари ривожланиш даражасини аниқлаш, турли кўзғатувчилар таъсир қилганда инсон ҳолатини билиш, инсоннинг меҳнат қобилиятини, лаёқатини аниқлашдан иборат.

К.К.Платонов (1974) психологик диагностикани психик ходисаларнинг хосса ва хусусиятларини ўрганиш ҳақидаги фан, деб ҳисоблаган. К.Н.Гуревич (1974) инсонларни психологик ва психофизиологик белгилари бўйича ажратиш ва тавсифлаш методлари ҳақидаги фан деб ҳисоблайди. В.В.Столин ва А.Г.Шмелев (1984) психодиагностикани психологик диагноз кўйиш ҳақидаги фан деб ҳисоблайди. Диагноз (ташҳиз) - синалувчининг алоҳида кўрсаткич ва характеристикаларини чуқур таҳлил қилиш асосида унинг хусусияти ва ҳолати ҳақидаги хулосадир. Шу билан бирга психодиагностик тадқиқот, экспериментал тадқиқотдан тубдан фарқ қилади. Психодиагностик тадқиқотда аниқ индивид ёки индивидлар гуруҳи ҳақида маълумот олинади, экспериментал тадқиқотда назарий фа-раз текширилади. Шунинг ҳисобига психодиагностика махсус методик тамойилларга бўйсунди.

Лекин психологик диагностикага турлича таъриф беришларига қарамасдан, унинг асосий тушунчаси «психологик диагноз» тушунчаси бўлиб қолади. Ҳаётда биз касалхоналарда турли касалликларга диагноз (ташҳиз) кўйишларига ўрганиб қолганмиз. Бунда ташҳизнинг тўғрилиги текширишнинг турли клиник методлардан фойдаланишга боғлиқ бўлади. Қатор ҳолларда бундай диагностика мураккаб аппаратурили тест методларидан фойдалангандан кейингина мумкин бўлади. Экспериментал диагностикада ҳам тадқиқотчи турли методлар, аппаратурили тестлар

қўллади. Олинган маълумотлар асосида психолог синалувчини хулқ-атвори, фаолияти ҳақида хулоса чиқаради, яъни шахсга психологик диагноз қўяди.

Психологик диагноз қўйишнинг умумий шароитларига алоқадор асосий мезонларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

психологик диагноз инсонга хос бўлган махсус ҳодиса ва хусусиятларни очиб бериши керак;

хар қандай диагноз олинган натижаларни баён қилиши билан чегараланмаслиги, у ёки бу белгининг вужудга келиш сабаби, оқибати, кейинги ривожланиши ҳам қўшилиши керак. Бу даврда психологик диагностиканинг ривожланишида М.С.Бернштейн, Л.С.Виготский, П.П.Блонский, С.Г.Геллерштейн, Н.Д.Левитов, Г.И.Россолимо, П.И.Шпильрейн, А.М.Шуберт ва бошқалар катта ҳисса қўшдилар. Олимлар томонидан илгари сурилган катор илғор фикрлар кейинчалик ривожлантирилмади, чунки 1936 йилдан кейин бу соҳадаги барча тадқиқотлар тўхтатилди ва психодиагностиканинг кейинги ривожланишига жиддий тўсиқ юзага келди.

Машҳур рус психологи Л.С.Виготский шахс психик тараққиёти хусусиятларини ўрганишга муҳим ҳисса қўшди. Унинг таълимоти инсонга хос бўлган психик жараёнлар ва инсон онгининг тарихий ривожланишига бағишланди. Унинг фикрича, бола-лар психик тараққиёти инсоният маданиятини ўзлаштириши нати-жасида рўй беради. Бунда шахс шаклланишида таълим ва тарбия жараёнлари етакчи роль ўйнайди.

Психодиагностиканинг ривожланишидаги иккинчи босқич 50-60 йилларга тўғри келади. Бу даврда ақлий тараққиётни ўрганишга катта эътибор берилди. Жумладан, А.А.Люблинская тадқиқотларида нутқ ва унинг функцияларининг ривожланиш хусу-сиятлари ўрганилган. А.Р.Лурия раҳбарлигида фаолиятни бошқаришда нутқнинг роли ўрганилди. А.Н.Леонтьев ва А.В.Запорожец раҳбарлигида асосий психик жараёнларнинг ривожланишида фаолиятнинг роли ўрганилган. Д.Б.Эльконин раҳбарлигида нутқнинг ривожланиши ва боғча даврида ўйиннинг етакчи фаолият тури сифатидаги роли аниқланди. Бу тадқиқотлардан олинган натижалар болалар учун таълим ва тарбия дастурларини тузишда асос бўлиб хизмат қилади.

Рус психологлари томонидан ишлаб чиқилган ақлий тараққиётни сифатий таҳлил қилиш тамойили қатор вазифаларни ҳал қилишда ўз маҳсулдорлигини намоён қилди ва кўпгина тадқиқотларда ўз аксини топди (З.И.Калмикова, 1975, 1982; Г.А.Варданян, 1979; Л.А.Венгер, 1974; К.М.Гуревич, 1980; В.И.Войтко, Ю.З.Гильбух 1981; Д.Б.Эльконин, 1982; В.В.Столин, А.Г.Шмелев, 1987; Л.Ф.Бурлачук С.М.Морозов, 1989 ва бошқалар).

Психологик диагностикага кичик амалий йўналиш хос бўлиб, у ёки бу ҳодисаларни билишга ва тавсифлашга қаратилган. Б.Г.Ананьев (1968) психологик диагностикани психологик тадқиқотларга қаратилган йўналиш, деб таърифлаб, унинг мақсади, психофизиологик функциялар, жараёнлар ва шахс хусусиятлари ривожланиш даражасини аниқлаш, турли

кўзгатувчилар таъсир қилганда инсон ҳолатини билиш, инсоннинг меҳнат қобилиятини, лаёқатини аниқлашдан иборат.

К.К.Платонов (1974) психологик диагностикани психик ҳодисаларнинг хосса ва хусусиятларини ўрганиш ҳақидаги фан, деб ҳисоблаган. К.Н.Гуревич (1974) инсонларни психологик ва психофизиологик белгилари бўйича ажратиш ва тавсифлаш методлари ҳақидаги фан деб ҳисоблайди. В.В.Столин ва А.Г.Шмелев (1984) психодиагностикани психологик диагноз қўйиш ҳақидаги фан деб ҳисоблайди. Диагноз (ташхиз) - синалувчининг алоҳида кўрсаткич ва характеристикаларини чуқур таҳлил қилиш асосида унинг хусусияти ва ҳолати ҳақидаги хулосадир. Шу билан бирга психодиагностик тадқиқот, экспериментал тадқиқотдан тубдан фарқ қилади. Психодиагностик тадқиқотда аниқ индивид ёки индивидлар гуруҳи ҳақида маълумот олинади, экспериментал тадқиқотда назарий фараз текширилади. Шунинг ҳисобига психодиагностика махсус методик тамойилларга бўйсунди.

Тадқиқот ўтказиш учун экспериментал методикаларни танлашда қуйидагиларни эътиборга олиш зарур:

а) тадқиқот мақсади - психик тараққиёт даражасини аниқлаш, унинг ёшига, маълумотига мослиги, шахс хусусиятларини аниқлаш;

б) синалувчининг ёши ва унинг ҳаёт тажрибаси, унинг таълим ва тарбияси амалга оширилаётган шароит;

в) боланинг экспериментал тадқиқотга мослашиши, мулоқотга киришиши, вербал алоқа ўрнатиш хусусиятлари.

Танланган экспериментал психологик методикаларни болага қийинлиги ўсиб бориш даражасида бериш керак.

1.4. Экспериментал психологик тадқиқотларни ўтказиш, олинган натижаларни талқин қилиш ва хулоса чиқариш

Тарбиячи қанчалик кўп экспериментал психологик тадқиқотларни ўтказса, унинг тажрибаси шунчалик ортиб борди. У қуйидагиларни ўз ичига олади: бола фаолиятининг хусусиятларини ўзин ва ўқув вазиятларида таҳлил қилиш; мактаб, болалар боғчаси, оила шароитига мослашиш, мослаша олмаслик даражасини аниқлаш; боланинг ички ҳаётини тушуниб олиш истаги; шахси хусусиятларини ҳар томонлама ривожлантиришда унга ҳар қандай ёрдам кўрсатиш.

Психолог - экспериментатор фаолияти тадқиқотда таъсир қиладиган махсус хусусиятларга эга. Шунинг учун бўлажак тадқиқотчи М.П.Кононова (1963) таъкидлаганидек ўзида қуйидаги сифатларни шакллантирмоғи лозим.

а) тадқиқот қарорларини тез ва аниқ тузиш;

б) ўз диққатини бола топшириқни қандай бажараётганлиги-га ва унинг хулқ-атворини кузатишга қаратиш;

в) бола билан яхши алоқага киришиш, унинг ҳамма айтганини ёзиб, унинг хулқидаги баъзи реакцияларни тўғри баҳолаш қобилиятини йўқотмаслик ва бошқалар;

Бундан ташқари тадқиқотчи экспериментал текширувга тур-лича муносабатда бўлиши керак. Масалан, боғча ёшидаги болаларни қизиқтириш керакки, болалар экспериментатор хонасида кўпроқ бўлиб, унинг ҳамма талабларини бажаришга интилиши керак. Бунга болаларга қизиқарли расмларни кўрсатиб, уларни ҳикоя қилиб бериш ёки кубиклардан ҳар хил нарсалар ясаш орқали эришиш мумкин. Болада қизиқиш пайдо бўлиши билан бирга унинг хотираси, диққати, мантиқий жараёнлари ўрганилади. Бошланғич синф ўқувчилари ва ўсмирлар билан тадқиқот ўтказган пайтда улар билан шундай киришиб кетиш керак-ки, болаларда тажрибага қизиқиш, тадқиқотчига ишонч ва ўз ички дунёсини очиш истаги пайдо бўлсин. Шуни таъкидлаш керакки, ҳамма болалар ҳам текширувга қизиқадилар. Лекин баъзи ҳолларда, улар такроран тадқиқотда иштирок этишдан бош тортадилар. Кўпинча бу тенгдошларига нисбатан ёмон натижалар олганда, ёки экспериментатор томонидан ортиқча сўз эшитганда пайдо бўлиши мумкин. Бундай болаларга ўзгача муносабатда бўлиш даркор. Улар арзимас сабаб учун ҳам мақтовга мухтожлар.

Экспериментал-психологик тадқиқот натижалари ишончли бўлиши учун, тадқиқотчи уни ўтказишда маълум схема (умумий режа)га амал қилиши керак. Дастлаб тадқиқотчи боланинг ҳаёти унинг жисмоний ва психик тараққиётининг хусусиятларини, оилада, мактабда, боғчада таълим ва тарбиянинг ижтимоий маданий шароитларини ақс эттирадиган материаллар билан танишишдан бошлаш керак. Тадқиқотчи бола туғилишининг (онасида ҳомиладорлик токсикозлари бўлганлиги, чала туғилганлиги ва ҳ.к.), 3 ёшгача бўлган даврдаги тараққиётнинг хусусиятлари ҳақида ҳам маълумот муҳимдир (неврология ва танасида касаллик мавжудлиги - титраб-қалтирайдиган ҳуруж, кундузги ва тунги энурез (сийиб кўйиш), дудуқланиш, бош мия ва марказий нерв системаси касалликлари, бола қачондан бошлаб юра бошлаган, гапира бошлаган, боғчага ва мактабга келишдан олдин қандай ривожланган). Бу маълумотларни ота-оналар билан танишганда, бола шахсий дафта-ри билан танишганда, у билан бевосита суҳбатлашганда олиш мумкин.

Бола ривожланиши ҳақида маълумотларни хронологик кетма-кетликда баён этиш мақсадга мувофиқдир (1-жадвал).

1-жадвал

Бола жисмоний ва психик ривожланиш хусусиятлари.

Боланинг Ф.И.О	Бола ҳақида ижтимоий ва психологик маълумотлар				
	Туғилган йили	Ота-онаси ҳақидаги маълумот	Туғилишининг баъзи хусусиятлари	Соғ лиғи	Жисмоний ва психик ривожланиш хусусиятлар и

Боғчага, мактабга келиши билан тарбиячи янги маълумотларни қўшиб боради, Бу унта боланинг жисмоний ва психик тараққиётини ривожланишга кузатиш имконини беради.

Боланинг индивидуал-психологик хусусиятларини ўйин фаолиятида, топшириқларни бажариш жараёнида, ўқув фаолиятида, психологик-педагогик эксперимент шароитларида бола хулқ-атворини кузатиб ҳам ўрганиш мумкин. Кузатишда олинган маълумотлар олдиндан тайёрланган тадқиқот қарорига ёзилади.

Экспериментал-психологик тадқиқот шароитида кузатиш жараёни ихтиёрий бўлиб, одатда ҳаётий шароитларда эса педагог ихтиёрий равишда кузатади. Боғчада, бошланғич мактабда бўлажак тарбиячининг иши ихтиёрий ва ихтиёрсиз кузатиш малакаларини бир хилда ривожлантиришни талаб қилади.

Экспериментал-психологик тадқиқот ўтказишдан олдин педагог - тадқиқотчи бола билан суҳбатлашади. Бунда у бола билан ижобий-ҳиссий алоқа ўрнатиб, бажариладиган топшириқнинг мақсад ва вазифаларини тушунтириб беради. Суҳбат психологик тадқиқот методи сифатида бола ҳақида маълумот олишга имкон беради. Суҳбат олдиндан тайёрланган саволлар асосида ўтказилиши ёки ихтиёрсиз характер касб этиши мумкин. Бунда тадқиқотчи суҳбат жараёнида болага унинг оиласига ёки тенгқурларига тегишли бўлган, болага ёқмайдиган саволларни бермаслиги керак. Суҳбатда бола шахсининг хусусиятлари, ўзининг жисмоний ва психик ҳолатига, ишчанлигига баҳо бериши аниқланади.


Текширувчининг ижтимоий-маданий даражаси, маълумоти, қизиқишлари, эҳтиёжлари, ўзаро фикрлашув қобилиятлари аниқланади. Баъзи ҳолларда суҳбат психопрофилактик ва психотерапевтик мақсадларда ўтказилади, бунда бола бошидан кечираётган кўрқипч, хавотирлапиш, ўзига ишонмаслик каби ҳолатлар иўқотилади. Шундай қилиб, тарбиячи суҳбат жараёнида тадқиқот олдига қуйган вазифага боғлиқ равишда бола ҳаёти ҳақида муҳим маълумот олиши керак. Экспериментал психологик тадқиқот ўзининг қуйидаги шартли схемасига эга. (1-схемага қаранг).

Экспериментал вазиятда бола бериладиган йўл-йўриқ, кўрсатмани тушуниши муҳим рол ўйнайди. Кўрсатма тушунарли, боланинг ёши ва ақлий ривожланиш даражасига мос бўлиши керак. Бола топшириқни бажаришни бошлаганидан сўнг кўрсатмани мисоллар билан ёки, қўллаб-қувватлаш билан мустаҳкамлаш зарур, бу эса синалувчида фаолиятга ижобий муносабатни шакллантиради.

Тажриба жараёнида тадқиқотчи бола нимада қийналаётганини аниқлайди ва унга ёрдамлашади. Кўрсатмага киритилган барча қўшимча ва ўзгартиришлар ҳақидаги барча маълумотлар олдиндан тайёрланган тадқиқот қарорига ёзиб қўйилади.

Эксперимент жараёнида олинган натижаларни пухта ёзиб бориш, кейинги сифатий таҳлил ёритиб беради А.Биненинг (1910) таъкидлашича, экспериментал-психологик тадқиқотни ўтказиш учун ручка, озгина қоғоз ва кўп чидам зарур, деган эди. Тадқиқотчи у ёки бу олинган маълумотни иложи

борича тезроқ қарорга ёзиб олиши керак. Ҳар бир тажриба қарори алоҳида қоғозда бўлиши керак (2-жадвал) .



2- жадвал

Болани экспериментал- психологик текширув қарори

Топшириқ, унинг хусусиятлари	Кўрсатмани тушуниши	Топшириқни бажариш (муваффақиятли, муваффақиятсиз кетказилган вақт)	Синалувчи хулқ-атвори (ҳиссий, нутқий реакциялар)

Болани экспериментал - психологик текширув қарори

2- жадвал

Топширик, унинг хусусиятлари	Кўрсатмани тушуниши	Топширикни бажариш (муваффақиятли, муваффақиятсиз кетказилган вақт)	Синалувчи хулқ-атвори (ҳиссий, нутқий реакциялар)

Текширув қоғозлари ҳар хил бўлиши мумкин. Улар алоҳида психодиагностик тадқиқот натижаларини ёзиб олиш учун махсус шаклга эга бўлади.

Унда қатор методикалар мажмуи ҳам акс этиши мумкин. Текширув қоғозларини тўғри тўлдириш, қарорларини ёзиб бориш ҳар хил методикалар бўйича олинган натижаларни умумлаштириш, текширилаётган болаларни бир ёш гуруҳида таққослаш имконини беради. Тажриба давомида педагог-психолог бола фаолиятини иложи борида табиий шароитларга яқинлаштириши керак. Масалан, ўрта гуруҳ болалари учун шундай топшириқларни танлаш керакки, улар ўйин вачиятида бажарилсин. Катта боғча болалари ва ботланғич сииф ўқувчилари учун бу топшириқлар ўқув фаолияти элементлари билан бирга қўшилиши мумкин.

Экспериментал психологик тадқиқот бир неча босқичда ўтказилиши зарур. Бу боланинг янги шароитга яхши мослашишига, у билан ижобий алоқа ўрнатишга имкон беради. Биринчи босқичда тадқиқотчи бола билан алоқа ўрнатади, унинг қизиқиш ва эҳтиёжларини аниқлайди. Бола баъзи топшириқларни тадқиқотчи олдида бажаради. Иккинчи босқичда олинган маълумотларга аниқлик киритилади, бошқа методикаларда олинган натижалар билан ўзаро боғлиқлик аниқланади. Учинчи босқичда тажрибада олинган натижалар таҳлил қилинади, улар умумлаштирилиб, хулоса чиқарилади.

Олинган маълумотларни бир жойга тўплаб, тадқиқотчи синалувчи шахсининг характери, ақли, хотираси, ҳиссиёти, психик бузилишлар мавжудлиги ёки йўқлиги ҳақида хулоса чиқарилади.

Тадқиқотнинг сўнгги қисмидаги хулосалар шахсга психологик диагноз кўйиш, синалувчи психикасидаги ўзгаришларни олдиндан айтиб бериш, олинган маълумотлардан фойдаланиш имкониятлари билан боғлиқ равишда ҳамда педагог амалий фаолиятида тавсиялар бериш мақсадида қизиқарлидир. Шунинг эса тутиш зарурки, экспериментал вазият бола учун одатдагидан бошқача бўлади. Шунинг учун олинган натижалар ҳар доим ҳам ҳақиқий кўрсаткичларга мос тушмаслиги мумкин.

Экспериментал тадқиқот характерида боғлиқ равишда ундан олинган натижаларни ўқув тарбия жараёнида фойдаланиш мумкин.

Қуйидаги кузатишни келтирамиз: Тарбиячи боғчада машғулотлар ўтказиш жараёнида 6 ёшли Гулнора (К.) исмли қиз хулқ-атворидаги баъзи бошқаларникидан фарқ қилувчи хусусиятларни пайқаб қолади. Қиз машғулотларда тез-тез чалғиб кетади, кўпинча паришонхотир. Тарбиячи топшириғини тез бажармайди. Бир тапшириқни ташлаб, иккинчисига тез ўтиб кетади, ҳеч бир ишни охирига етказмайди. Ўқув топшириқлари

бажарилмайдиган бошқа вақтларда у ўзгалардан фарқ қилмайди. Қизнинг диққат, тафаккур, ҳиссий жараёнларини ўрганиш учун боғчада тадқиқот ўтказилди. Текширув натижалари қизнинг психик жараёнларида ҳеч қандай психик ўзгариш йўқлигини тасдиқлайдилар. Топшириқларни бажариш вақтида чарчаш, фаол диққат даражасининг пастлиги кузатилади. Лекин бу хусусиятлар синалувчи диққатини ишнинг бошқа шаклларига кўчириш билан осонликча бартараф этилган. Шундай қилиб, экспериментал психологик тадқиқот қизнинг психик тараққиёти нормада эканлигини, психик жараёнларнинг ўзгариб туриши эса баъзи омилларнинг таъсири натижаси эканлигини кўрсатди.

Тарбиячининг вазифаси - бу омилларни тўғри аниқлаш, кейинчалик бола билан индивидуал иш олиб бориб, кўрсатилган хусусиятларни йўқотишдан иборат. Юқоридаги мисолда ихтиёрий диққат даражасининг пастлиги, иш қобилятининг пастлиги ўзининг объектив сабабларига эга. Қизнинг 3 ёшгача ривожланиш тарихидан маълум бўладики, у асфиксия (кислород етишмаслиги сабабли бўғилиш) билан туғилган, туғруқдан сўнг бош мияси яллиғланган. Узоқроқ иш фаолиятида бу нарса ўз таъсирини кўрсатган, киз тез чарчаб қолади. Тарбиячи бола билан индивидуал иш олиб борганда, албатта шуни ҳисобга олиши зарур.

Болаларнинг экспериментал-психологик ўрганиш натижаларидан ўқув машғулотлари вақтида психик жараёнларининг ихтиёрийлигини ривожлантиришда ҳам фойдаланиш мумкин.

Психологик тадқиқот натижаларидан болалар билан индивидуал иш олиб боришдагина эмас, балки гуруҳий ўқув тарбия тадбирларини ўтказишда ҳам фойдаланиш мумкин. Бунда тарбиячи ўқув тарбия жараёнида ҳар бир гуруҳ аъзосининг ролини тўғри аниқлаши мумкин. Шунга асосан таъсирнинг у ёки бу шаклини ишлатиш мумкин. Психодиагностик тадқиқотлар тарбиячига гуруҳнинг, ҳар бир шахсимиг у ёки бу психик функциялари ривожланиш принципларини ҳисобга олган ҳолда ўқув тарбия жараёнини ташкил этиш имконини беради.

1.5. Психодиагностика ҳақида умумий тушунча

Ҳозирги замон психологияси ҳар хил усуллар билан одамнинг амалий фаолиятига таъсир қилиш имконига эга. Мана шундай усуллардан бири, бу ҳар хил тоифадаги одамларга психологик ёрдам кўрсатишдан иборатдир. Аммо, психология ёрдам кўрсатиш учун аввало улардаги психик ўзгаришлар сабабларини ва унга таъсир қилувчи омилларни аниқлаш зарурати туғилади. Бунда биз психодиагностика фанига ва унинг методлари ҳамда методикаларига мурожаат қиламиз. Ўз-ўзидан савол туғилади «психодиагностика» атамаси нимани англатади ва у нималарни ўрганади ҳамда унинг назарий амалий вазифалари нималардан иборат.

«Психодиагностика» атамаси психологик ташхис қўйиш деган маънони англатиб, шахснинг руҳий ҳолатида тўлиқ ёки бирор бир алоҳида хусусияти ҳақида хулоса чиқаришдир, бунда «ташхис» шахснинг тараққиёт кўрсаткичи ва тавсифномаларни биргаликда таҳлил қилиш асосида синалувчининг ҳолат

ва хусусиятлари ҳақидаги хулосалардан иборатдир. «Психодиагностика» атамаси илк бор Роршахнинг «Психодиагностика» асарининг чоп этилишидан сўнг психиатрияда тарқалган бўлиб, у тез орада тиббиётдан ташқарида ҳам кенг миқёсда оммалаша бошланди. «Диагноз», яъни «ташхис» эса шахс ривожланишидаги ҳар қандай оғишларни, ҳаттоки унинг ҳолат ва хусусиятларини конкрет тараққиёт даражасини аниқлаш демакдир.

Психодиагностика - бу махсус билимлар соҳаси бўлиб, индивид ёки гуруҳни психологик тараққиёт кўрсаткичларини, ҳолат ва хусусиятларини баҳолаш учун методика ва методологиялар назарияси ишлаб чиқиш билан боғлиқдир. Психодиагностика баҳолаш объекти сифатида, психология фани ўрганаётган ҳар қандай жараён бўлши мумкин. Масалан: ўзаро ҳамкорлик қилаётган шахсларнинг бир-бири билан кечаётган ҳатти-ҳаракати ва мулоқатида юзага келадиган, алоҳида бир одам сезгисидан бошлаб, мураккаб ижтимоий - психологик жараён билан тугатиш мумкин.

Психодиагностика фанининг назарий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- психик кўринишлар табиати ва уларни илмий жиҳатдан принципиал баҳолашнинг имкон даражасини аниқлаштириш;

- ҳозирги пайтда психологик кўринишларнинг миқдорини баҳолаш ва унинг илмий асосланганлик ҳолатини ўрганиш;

- психодиагностик усул ва услубларнинг асосий методологик талаблари нималардан иборат;

- психодиагностик тадқиқотнинг шарт-шароитлари, натижаларни қайта ишлаш ҳамда уларни интерпретация усулларининг ишончилиги нималарга асосланган;

- тест ва психодиагностик методларнинг тузилиши ҳамда илмийлигини текширишнинг асосий муолажаларини нима ташкил қилади.

Психодиагностика фанининг амалий вазифалари психолог фаолиятининг махсус соҳасига таалукли бўлиб, амалий психологик ташхис қўйиш билан боғлиқдир. Бунда муаммо на фақат назарий жиҳатдан, балки психодиагностик тадқиқотни ташкил қилиш ва ўтказишнинг амалий жабҳаларини қамраб олади ҳамда қуйидаги вазифалардан иборатдир:

1. Психология психодиагностга мутахассис сифатида қўйиладиган касбий талабларни аниқлаштириш;

2. Психолог ҳақиқатдан ҳам у ёки бу психодиагностик ме-тодларни мутахассис сифатида муваффақиятли ўзлаштириб олгани ҳақида минимал амалий шартлар яъни кафолат сифатида;

3. Психодиагностика соҳасида ўз ишини муваффақиятли амалга ошириш психолог ўзида мужассамлаштириши шарт бўлган билим, кўникма ва малакалар;

4. Психологнинг психодиагностика соҳасида малакали мутахассис эканлигини ҳамда амалий жиҳатдан тайёргарлигини баҳолаш мезонларини ҳамда дастурларини ишлаб чиқиш.

Бу вазифалар мажмуаси яъни психодиагностика фанининг назарий ва амалий вазифалари бир-бири билан боғлиқдир.

Ушбу соҳада етук мутахассис бўлиб етишиш учун, психолог назарияни ва амалий психодиагностиканинг асосларини юқори даражада ўзлаштириб олган бўлиши шарт.

Амалиёт индивид гуруҳнинг психик тараққиёт даражасини ҳамда қуйидаги вазифалардан бирини амалга оширади:

1. Бирор бир хусусиятга маълум тараққиёт ҳолатини аниқлаш;
2. Тараққиёт динамикасини ва қандайдир вақт даври мобайнида қайта тарбиялаш имконини аниқлаш;
3. Таълим-тарбия тарихи натижасида, ўтказилган педагогик эксперимент натижасида индивид ёки гуруҳ хулқида ва руҳиятидаги реал ўзгаришларни кузатиб бориш.

4. Шахс сифатларининг олдинги тараққиёт динамикаси Ва қонуниятларини таҳлили асосида келажакдаги тараққиётани аниқлаб олиш.

5. Синалувчи одамлар ёки гуруҳларни тараққиёт даражаси натижасига асосланиб келажакдаги ишлар учун тоифаларга ажратиш.

6. У ёки бу топшириқларни бажара олишига қараб индивид ёки гуруҳларни яроқлилигини аниқлаш, масалан ўз хизмат вазифасини бажара олишда касбий тайёрлигини текшириш.

7. Психокоррекцион ишлар олиб бориш мақсадида индивид ёки гуруҳни ижтимоий меъёрга мос ёки мос эмаслигини аниқлаш.

8. Индивид ёки гуруҳнинг келажак ҳаёт йўлига ёрдам бериш мақсадида тавсиялар ишлаб чиқиш.

Юқорида санаб ўтилган вазифалар психодиагностика фани учун умумий ҳисобланади. Бу вазифалардан кўпчиликлари мактабгача тарбия муассасаларида ва мактаб-таълим жараёнларида ҳар хил ёшдаги болаларга мос равишда олиб бориладиган иш жараёнларида у ёки бу даражада ҳал қилинади.

Психодиагностика хусусий жиҳатдан қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

- болани туғилгандан бошлаб мактаб таълим жараёнидаги ёш даврларини психологик тараққиёт динамикасини ўрганади (бшшш жараёнларини, интеллектуал қобилиятларини, шахс сифатларини ҳамда шахслараро муносабатларини). Бунда ҳар бир болага махсус психодиагностик карточка тўлдирилади ва унинг ривожланиш кўрсаткичлари ҳар ойда ёки йилда қайд қилиниб борилади.

- ҳар бир болани психик ва хулқий ривожланишидаги инди-идуал қобилиятларини текшириш, унинг ўртача стандарт меъёрлардан четлашишлари, яъни ижобий (ривожланишда олдиндми) ёки салбий (ривожланишдаги қолоқлиги) томонларини аниқлаш - болани таълим ва тарбия жараёнидаги ютуқларини аниқлаш мақсадида психологик хизмат кўрсатиш ва унинг натижасида амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

- ўз вақтида болани янада ривожлантириш мақсадида уни иқтидорини, лаёқатини ва индивидуал қобилиятларини ҳамда қизиқишларини ташхислаш ҳамда илмий асосланган психологик маслаҳат ва профориентация ишларини олиб бориш.

- ота-оналарга, ўқитувчиларга зарур бўлган боланинг мазкур психологик ҳолати ҳақида ҳар томонлама маълумотлар тўпланиб, болага мос равишда таълим ва тарбия методларини танлаш.

Психодиагностика фани психология тармоқларидан бири бўлиб, шахснинг индивидуал-психологик хусусиятларини, ақлий тараққиётини аниқлаб ўлчаш, яъни ҳисоблаб чиқарувчи методларини ўргатувчи фандир.

Психодиагностика - шахснинг индивидуал-психологик хусусиятлари фарқларини (аниқлаб ўлчашда) ҳар хил методлар билан аниқлаб ўлчасада, кейинчалик проектив методлар, сўровномалар пайдо бўлиши жараёнига асос бўлиб қолди. Шу билан бирга психодиагностиканинг ривожланишида назарий жиҳатдан методикаларнинг камлиги кўриниб қолди. Психодиагностикага математик-статистик методлар ва корреляция ҳамда таҳлил қилиш, факторли анализ пайдо бўлиш ва такомиллашуви, психометрик тадқиқ қилиш амалий жиҳатидан жуда катта аҳамият касб этади. Психодиагностиканинг жуда кўп турлари бор. Масалан: тиббиёт диагностикаси касалнинг келиб чиқишини ўрганади ва аниқлайди; техник диагностика - ҳар хил техника системалари, электрон ҳисоблаш машиналари, компьютерларнинг салбий хусусиятлари аниқланиб, уларни бартараф қилишни ўргатади; спорт диагностикаси - жисмоний жараёнларнинг ўзгариш ҳолатларини ўрганади ва аниқдайди; психологик диагностика - шахс ёки гуруҳларнинг психик хусусиятлари, ҳолатлари ва тараққиёт кўрсаткичларини аниқлаб, сифатли ва миқдорий жиҳатдан ўлчаб беради.

Тест - шахснинг ақлий тараққиётини, қобилиятини, иродавий сифатларини ва бошқа психик хусусиятларини текширишда қўлланиладиган қисқа стандарт масалалар.

Тестлаштириш - психодиагностика методларидан бири бўлиб, стандартлаштирилган савол ва топшириқлар ёрдамида индивидуал фарқларни ўрганиш алоҳида шкалалар билан ўлчаш.

Етуклик тестлари психодиагностика методларидан бири бўлиб, конкрет билим, малака ва кўникмаларнинг ўзлаштириш даражасини аниқлаб беради. Етуклик тести 3 га бўлинади: ҳаракат тестлари, оғзаки ва ёзма тестлар. Ҳаракат тестлари механизмлар, материаллар асбоблар билан ишлаш лаёқатини аниқлаб беради.

Интеллектуал тестлар - психодиагностика методларидан бири бўлиб, индивиднинг ақлий тараққиёти даражасини аниқлаб беради.

Проектив тест мотивациянинг англанилмаган ёки тўлиқ англанилмаган шаклларини ўрганишга қаратилган ва бу жиҳати билан инсон психикасининг тобора интим соҳасига киришнинг яғоиа психологик методидир.

«Проектив» атамаси илк бор **Лоуренс Фенк** томонидан 1939 йилда қўлланган. Шунингдек у шахсни тадқиқ этишнинг проектив методлари таснифини ҳам келтиради:

1. Структуралаш методлари (Роршахнинг сиёҳ доғлари тести, булутлар тести, уч ўлчамли проекция тести)
2. Конструкциялаш методикалари (МАР, олам тести)
3. Шарҳлаш методикалари (САТО, ТАТ, Рене Жиль тести)

4. Тўлдириш методикалари (тугалланмаган гаплар, хикоялар, Оне ассоциатив тести)

5. Катапсис методикалари (психограмма, проектив ўйин)

6. Экспрессияни ўрганиш методикалари (дастхат, мулоқот таҳлили)

7. Ижод маҳсулини ўрганиш методикалари (расмли тестлар, ёзма ишлар ва хоказо).

Бундай методикаларнинг асосий фарқи материал аниқмаслиги, хайрихоҳлик муҳити ва кадриятли фикрлар мавжуд эмаслигидир. Улар аввало шахснинг муносабатлар соҳасини акс эттиради ва мактаб неврози учун хос бўлган махсус реакцияларни аниқлаш имконини беради.

Мазкур ишлар ўқувчиларни мактаб, коллеж ва лицейларда ўқитиш давомида психологик-педагогик жиҳатдан чуқурроқ ўргатишга йўналтирилган бўлиб, уларнинг индивидуал хусусиятларини таълим ва тарбиядаги нуқсонлар сабабларини оритишга йўнатирилгандир. Психодиагностика ишлари гуруҳда ёки яқка ҳолда ўтказилади. Бу асосда амалий психологлар қуйидаги **вазифаларни** бажаради:

1. Ёш даври тараққиёти мезонларига мувофиқдигини онгли

3. Ота-оналар, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганлардан ташқари мутахассис психолог психодиагностик тадқиқот натижалари асосида тайёрлаган хулосаларини билишга ҳақлидир. Психолог ўз навбатида ота-оналарнинг ўз фарзандлари руҳияти ҳақидаги саволларига тўлиқ ишончли ва ҳаққоний жавоб бериши шартдир.

4. Психологик таъхис натижалари, шахс тарасқиётига таъсир қилувчи ҳар хил омилларни ҳамда ота-оналарнинг, педагогларнинг фикрларини инобатга олмасдан, боланинг таълим ва тарбиясига тааллуқли таклифларни ҳал қилишга асос бўла олмайди.

5. Таълим тизимида ишлаётган психолог, психологик таъхис ишларини, ўқитувчи ва тарбиячи билан ҳамкорликда олиб борган ҳолда, уларни бола руҳияти ҳақида зарур маълумотлар билан таъминлаб бориши шарт.

Психодиагностика қўлланилаётган кўпгина методикалар ёш меъёрлари атамаси билан боғлиқдир: Бу биринчидан руҳан ва жисмонан соғлом ҳамда тасодифан танлаб олинган болалар гуруҳида ўрганилаётган хусусиятларнинг ўртача тараққиёт даражаси билан боғлиқ ҳолда тавсифланади. Болада ёш меъёрлари ўрганилаётган хусусиятларнинг тараққиёт даражасининг оғиши, ўтказилган тадқиқотдан олинган натижалар билан аниқланади. Агар унинг индивидуал кўрсаткичлари меъёрдан юқори бўлса, у ҳолда бола ўз тенгқурларидан илгарилаб кетган, унинг акси бўлса тенгқурларидан орқада қолган деган, хулоса чиқарилади.

Иккинчидан - бу ўз-ўзидан меъёрларни ўрганиб туришдир. Бизга маълумки, жамиятнинг ривожланиб бориши билан болалардаги интеллектуал, шахсий ва ҳулқий тараққиётнинг ўртача кўрсаткичи ўзгариб боради. Бу, албатта бундан ўн йил олдинги меъёрлардан ҳозирги пайтда фойдаланиш мумкин эмаслигини кўрсатиб беради, шунинг учун ҳам ҳар бир методикани ҳар 3-5 йилда албатта қайта текшириб кўришни талаб қилади.

Учинчидан, боладаги у ёки психологик хусусиятларни тараққиёт даражасини баҳолаш унинг келажакдаги тараққиёти ҳақида муҳокама қилиб бўлмайди. Чунки бу унинг на фақат тараққиёт даражаси билан, балки боланинг ўқувчанлик қобилияти, янги ҳаётий тажрибаларни ўзлаштира олиши таълим сифати ҳамда кўпгина бошқа омиллар ва шароитлар билан боғлиқдир.

Бундан ташқари ҳар қандай психодиагностик методикаларни баҳоларда қўллаш ва хулоса чиқариш учун, аввало уни синаб кўриш керак.

Психодиагностик методикаларни ишлаб чиқиш ва синаб кўриш босқичлари қуйидагилардир.

Психодиагностика сўзи психологияда иккита асосий аҳамиятни касб этади. Биринчи илмий психологик билимлар ва тадқиқотлар соҳаси ҳисобланса, иккинчиси психологик билимларни амалиётда қўллаш олиш соҳасидир. Илмий соҳа сифатида психодиагностика: принциплар, ҳар хил психодиагностик методларнинг илмийлигини текшириш муолажаларини ва усулларини камраб олади. Амалий соҳа сифатида психодиагностик методларни амалиётда қўллаш олиш кўникма ва малакаларни психодиагностда шакллантиришга қаратилган.

Илмий ва амалий соҳада ҳам одамни психологик жараёнларни, хусусият ва ҳолатларни баҳолаш ҳақида фикр юритилади.

Ҳозирги замон психологиясида жуда кўп ҳар хил психодиагностик методлардан фойдаланилади, аммо уларнинг ҳаммаси илмий асосланган деб айта олмаймиз. Бундан ташқари, методлар ичида тадқиқот ва хусусий психодиагностик методлар мавжуд. Хусусий психодиагностик методлар шундай методлар сирасига кирадики, улар ўрганилаётган психологик хусусиятни аниқ миқдорий ва сифатий тавсифларини кўрсатиб бера олади, яъни бир хусусиятни баҳолаш мақсадида қўлланилади.

Юқорида айтиб ўтилган мақсад учун қўлланилмайдиган методлар фақат, психологик жараёнларни, инсоннинг хусусият ва ҳолатини ўрганидиган методлар тадқиқот методлари деб юритилади. Улар асосан эмпирик ва экспериментал илмий тадқиқотларда қўлланилади. Уларнинг асосий мақсади - ишончли билимлар, фактларни олишдир. Психодиагностик ва тадқиқот методлари фарқларини кўрсатиб берувчи иккита мисол кўриб ўтсак:

1 мисол. Шахсни психодиагностик текширув методи.

Бу 16 факторли Р.Кэттелл тести. Бу стандартлаштирилган саволнома ўзига 187 та мулоҳазани камраб олган бўлиб, 16 та гуруҳга бўлинган шкалалар мавжуд. Ҳар бир шкала ёрдамида шахсни алоқидида бир белгисини баҳолаш мумкин, бунда баҳолаш стандарт балларда берилади. Ушбу тестдаги мулоҳаза, кўрсатма, қўллашдаги муолажалар, натижаларни шарҳлаш ва хулосалар - ҳамма воқеа ҳодисаларда бир хил қўлланилади ва ўзгартирилмайди.

2 мисол. Шахсни тадқиқот қилиш методлари.

Масалан, одамни махсус шароитда кузатиш орқали. аниқ бир хулқини ўрганиш учун мўлжалланган эксперимент ишлаб чиқилмоқда. Экспериментни шундай тузиш мумкинки, тадқиқотчини қизиқтираётган

шахс хулқидаги кўриниш, белгиларни ҳар бирини алоҳида ўрганиш имконини берсин. Синовчи, синалувчилар хулқини кузатиш орқали шахс белгиларини алоҳида хусусиятларини ва унга мос хулқ-атвор шакллари хақида хулоса чиқариш учун ишлаб чиқарилган эксперимент ўтказди. Бундан ташқари болалар билан ўтказиладиган психологик-педагогик эксперимент уларни махсус экспериментал шароитда кузатиш имконини берувчи изланишлар ҳам тадқиқот методи деб юритилади.


Бу психодиагностик методлар ҳар хил психология соҳаларида ва ҳар хил инсонлар фаолиятида қўлланилади. Илмий психологияда бу методлар асосан экспериментал изланиш ва бу жараёни ташкил қилишда, амалий психологияда эса - психологик маслаҳат, психокоррекцияда ҳамда психологнинг касбий фаолиятидаги бошқа жабҳаларда, масалан, касб танлашида малакали мутахассислар тайёрлашда қўлланилади.

Тўғри ташкил қилинган экспериментда ҳамма вақт ҳам синалувчининг у ёки психологик хусусиятини тараққиёт даражасини аниқ баҳолаш зурур, чунки ўтказилган эксперимент ўрганилаётган хусусиятга таъсирини кўрсатдимиз, йўқми билиб олишимиз шарт. Юқорида айтиб ўтилган фикрлар психологик маслаҳат ва психологик коррекция ишларига ҳам тааллуқлидир. Психологик маслаҳат олиб бораётган, психолог миждодаги ҳар хил психологик хусусиятларнинг тараққиёт даражасини баҳолаши шарт. Унинг бу иши, бу ҳодисада шифокор меҳнатини ёдга солади, яъни шифокор беморнинг касалини аниқлаш ва муолажа методикаси аниқлашда диагностик ишлар ўтказди.

Психолог ҳам диагностика билан шуғулланар экан, аввал миждозни психологик тараққиёт даражасини ташхислаб, сўнгра маслаҳат ва коррекция ишларини амалга оширади.

Жаҳонда психодиагностик методларнинг мингдан ортиқ тури мавжуд бўлиб, бирор бир схематик қилиб олинмаса, фарқлаб олиш жуда ҳам мушкул ишдир. Психодиагностик методларнинг умумий схема классификациясини қуйидагича кўрсатиб ўтиш мумкин:

1. Кузатиш асосидаги психодиагностик методлар.
2. Саволномали психодиагностик методлар.
3. Объектив психодиагностик методлар, бунга инсон хулқ-атвор реакциялари анализ ва фаолият маҳсулдорлигини ўрганиш ҳам киради.
4. психодиагностиканинг экспериментал методлари. Кузатиш асосидаги психодиагностик методлар албатта, ўзига кузатиш олиб бориш ҳамда олинган натижалардан психодиагностик хулосалар чиқаришнинг муваффақиятли гаровидир. Бундай кучатишда стандарт схемалар ва шароитлар киритилади, унда нинимани кузатиш, қандай кузатиш, кузатиш натижаларини қандай қилиб белгилаб бориш, қандай баҳолаш ҳамда шарҳлаш асосида хулоса чиқариш аниқ белгилаб олинади. Юқорида кўрсатиб ўтилган психодиагностик талаблар-стандартлаштирилган кузатиш деб юритилади, Бунга мисол қилиб, қандайдир топшириқнинг ечими тўғрисида, кичик гуруҳнинг иш фаолиятини кузатсак (Р.Бейлс методи бўйича).



1. Шароитни енгиллаштириш
2. Муаммо ечимини таклиф қилиш
3. Саволларга жавоб бериш
4. Маълумотлар бериш
5. Тушунтириб бериш
6. Ёрдам беришни таклиф қилиш
7. Ёрдам сўраш
8. Тушунтириб беришни сўраш
9. Маълумотлар беришни сўраш
10. Саволларга жавоб беришни сўраш
11. Муаммо ечимини сўраш
12. Муаммони янада чигаллаштириш.

Бу схема хулқ-атворни кузатишнинг 12 хил типини қамраб олган, унда б та ижобий ва б та салбий кўринишларни ифодалаб берилган.

Кузатиш ратижаларини миқдорий таҳлил қилишда статистик методларни куйидагичатартибдакўллаш лозим:

Олинган натижаларни фоизлар бўйича ҳисоблаш - Ўртача арифметик қийматни топиш

- Ўртача квадрат оғишни топиш (сигма)

- Сон қаторидаги миқдорлар тарқоқлигини аниқлаш (дисперсия)

- Омиллар ўртасидаги муайян муносабатлар мавжудлигини таҳлил қилиш (корреляцион боғланиш)

- Методикалар ишончлилик даражасини аниқлаш (Стьюдент мезони)

Саволномали психодиагностик методлар махсус стандарт танлаб олинган саволларга ёзма ёки оғзаки жавобларни таҳлил қилишдир. Ушбу методнинг бир неча турлари мавжуд: анкета, саволнома, интервью. Анкета методи деб, синалувчи саволларга жавоб беришдан ташқари, ўзи ҳақида маълумот беришга айтилади.

Саволнома методи деб, синалувчига бериладиган саволлар мажмуаси айтилади. Бу саволлар очик ва ёпиқ усулда бўлади.

Ёпиқ саволлар деб, стандартлаштирилган жавоблар мавжуд бўлиб унта синалувчи ўзига мос жавобни беришига айтилади. Масалан: «ҳа», «йўқ», «билмайман», «розиман, рози эмасман», «ай-тиш қийин».

Очик саволлар деб, синалувчи мустақил равишда ҳоҳлаган жавобни беришга айтилади, бу жавоблар ёпиқ саволлардан фарқли равишда, фақат сифатий таҳлил қилинади.

Бундан ташқари саволномали психодиагностик методлар шахс сифатларини тўғридан-тўғри акс эттирувчи саволлар ҳамда тўғридан-тўғри йўналтирилмаган саволлар усулида бўлиши мум-кин. Тўғридан-тўғри йўналтирилган саволларга синалувчининг ўзида у ёки бу психологик сифатларнинг кўринишлари бор ёки йўқлиги ҳақидаги жавобидир. Тўғридан тўғри йўналтирилмаган саволлар, синалувчидаги ўрганилаётган хусусиятга

тўғридан-тўғри йўналтирилмаган бўлиб, аммо унинг шахс сифатининг бу хусусиятини психологик тараққиётини ўрганишга қаратилган бўлади. Масалан, шахс сифатларидан «хавотирланишни» диагностика қилиш учун саволларга мурожаат қилсак (безовталиқ ўйчанлик):

1. Хавотирланишга очиқ савол: «Кучли хавотирланиш ҳолатига тушиб қоладиган ҳодисалар ҳақида гапириб берсангиз».

2. Ёпиқ савол: «Сиз кўп ҳолларда хавотирланиш ҳолатида бўласизми? Қуйидаги жавоблардан бирини танланг ва белгиланг «ҳа», «йўқ», «баъзан», «билмайман».

3. Тўғридан-тўғри йўналтирилган савол: «Сизда хавотирланиш деган шахс сифати мавжудми?»

4. Тўғридан-тўғри йўналтирилмаган савол: «Сизда имтиҳон пайтида безовталиқ ҳолати вужудга келадими?»

Бундан ташқари ёзма саволномалардан ташқари, оғзаки саволномалар ҳам мавжуд, бу интервью деб юритилади. Унда психолог синалувчига ўзи савол бериб, учи жавобларни ёзиб боради, бу саволлар олдиндан аниқланиб, тайёрлаб қўйилади бу саволлар худди ёзма саволлар типигаги каби бўлиши мумкин.

Яна бир психодиагностик методлардан бири фаолият маҳсулдорлигини анализ қилиш орқали **контент-анализ** ҳисобланади. Контент-анализнинг вазифаси шундан иборатки, Одамни психологик тавсифини аниқлаш ва баҳолашда, уни нима иш қилаётганлиги, асосан ёзма ижоди маҳсулини таҳлили орқали ўрганишга қаратилгандир.

Экспериментни психодиагностик метод сифатидаги муҳим жиҳатлари шундан иборатки, синалувчининг бирон бир хусусиятини баҳолашда махсус психо диагностик эксперимент ишлаб чиқилади ва ташкил қилинади. Бундай эксперимент муолажалари учи а бир қанча тиббий воқеликларни ташкил қилади, яъни бу ҳодисалар синалувчининг ўрганилаётган хусусиятини намоён қилса, ҳамда бу сифатнинг тараққиётини баҳолаш ва белгилашни стандарт методикасини ишлаб чиқишга қаратилган. Психодиагностик экспериментни ташкил қилиш ва ўтказиш натижасида тадқиқотчи ўзини қизиқтираётган муаммоларга, махсус тарзда ташкил қилинган экспериментал тадқиқотда синалувчи хулқ-авторини кузатиш орқали маълумотларга эга бўлади. Масалан, тадқиқотчини шахс сифатларидан, хавотирланиш муаммоси қизиқтиради. Унда диагностик эксперимент куйидаги тарзда олиб борилади. Синалувчини имтиҳон синовлари каби воқелик ҳолатига туширилади ёки қандайдир мураккаб ишни вақт тиғизлигида қатъий натижалар олинган бажаришга ундайди. Синалувчи топшириқни бажараётган ишида, унинг хулқида ҳар хил юқори даражали «хавотирланиш» қилиб ва белгилаб бориш мумкин.

Биз юқорида кўрсатиб ўтган психодиагностик методлар ва трнинг турлари ҳамда қўлланиши ҳақида маълумотлар бердиқ ҳар қандай психолог юқори малакали мутахассис бўлиб етишиши учун, албатта ушбу психодиагностик методларни ўзлаштириши ва амалиётда фойдалана олиш кўникма ва малакаларига эга бўлиши шартдир.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Психодиагностика предмети.
2. Диагноз босқичлари.
3. Психодиагностиканинг назарий, амалий ва хусусий вазифалари.
4. Психодиагностиканинг фан сифатида вужудга келиши, ривожланиш тарихи.

II. ПСИХОДИАГНОСТИКАНИНГ КАСБИЙ-АХЛОҚИЙ ЖИХАТЛАРИ

2.1. Экспериментатор шахсига қўйиладиган талаблар

Психодиагностика - бу психологнинг касбий фаолиятидаги мураккаб ва жуда маъсулиятли соҳасидир. Мана шунинг учун ҳам психодиагностикага бир қатор ижтимоий-ахлоқий талаблар қўйилган ва булар қуйидагилардир:

1. Психодиагностика сирларини сақлаш;
2. Психодиагностик методикаларнинг илмий асосланганлиги;
3. Синалувчига зиён етказмаслик;
4. Хулосаларнинг объективлиги;
5. Таклиф қилинган тавсияларнинг самарадорлиги. Юқорида қайд қилиниб ўтилган талабларни, психодиагностиканинг тамойиллари сифатида хар бирини алоҳида кўриб чиқамиз.

Психодиагностиканинг сир сақлаш тамойили - синалувчи-нинг рухсатисиз олинган натижаларни эълон қилмаслик бу биринчи навбатда балоғат ёшига етган одамларга таалуклидир. Агар синалувчилар балоғат ёшига етмаганлар бўлса ҳамда психодиагностик натижаларни эълон қилиш учун ота-оналарнинг ёки болалар учун маънавий ва ҳуқуқий маъсул бўлган шахслар рухсати бўлиши шарт. Фақат баъзи ҳолларда илмий мақсадда, яъни экспериментал тадқиқотнинг бир қисми сифатида эълон қилиш бундан истиснодир, аммо синалувчиларнинг аниқ исми, шарифларини баён қилиш тавсия қилинмайди.

Психодиагностик методикаларнинг илмий асослангакляк тамойилида методикага валидлик ишончлилик талаби қўйилади, яъни олинган натижаларга тўлиқ ишонч имконини берсин.

Зиён етказмаслик тамойилида психологик ташхис натижаларини ҳеч қачон тадқиқотда қатнашган одамларга нисбатан зарар етказиш мақсадида фойдаланмаслик.

Хулосаларнинг объективлик тамойили тест ўтказётган одамнинг субъектив установакаларга тобе бўлмаслиги, тест олинган натижаларидан келиб чиққан ҳолда илмий асосланган бўлиб валидлигини ишончли методика ёрдамида ўтказилган бўлиши шарт.

Таклиф қилинаётган тавсияларнинг самарадорлик тамойилида тавсиялар албатта таклиф қилинаётган одамга ёрдам бериши шарт. Тест натижалари асосида таклиф қилинаётган тавсиялар бефойда ёки қўшилмаган тасодифий ҳолатларни келтириб чиқармаслиги керак.

Психодиагностика билан шуғулланувчи одамларга, махсус малакавий талаблар кўйилади. Асосийлари куйидагилардир:

- Назарий тайёргарлик;
- Психодиагностик методикаларни ва уларни ўтказиш шарт-шароитларини мукамал билиши;
- Бирон бир методикани амалиётда қўллаш олишда зарурий тажрибага эга бўлиши.

Ҳар қандай психодиагностик методика бўшлиқдан пайдо бўлмайди, балки (ташхислаш) ўрганилаётган объектнинг психологик назарияси асосида вужудга келади ва ривожланади. Масалан, интеллект тестлари, интеллектнинг ҳаётий воқеликларда намоён бўлиши, аҳамият тузилиши ва унинг табиати ҳақидаги илмий та-савурларга асосланади. Шахс тестлари, шахснинг тузилиши шахс хусусиятларининг тараққиёти ва табиати, илмий маъноси ҳақидаги назарияларга асосланади.

Психодиагностик методикалардан тўғри фойдалана олиш учун албатта унинг назарий асосларини билиш шарт, акс ҳолда психодиагност тадқиқот натижаларининг анализи, шарҳлаш ва хулосаларда хатоликларга йўл кўйиши мумкин.

Экспериментатор бирон бир психологик тестни мукамал ўзлаштириб олмаган бўлса ва ҳеч бўлмаганда ўзида ёки бошқа бир одам синаб кўрмаган бўлса, уни қўллашга ҳақли эмас. Бундан ташқари психодиагностик методикаларни қўллашнинг шарт-шароитларига қатъий амал қилиш шарт. Аммо ҳар қандай воқеликда ҳам психологик ташхис билан ким шуғулланишидан қатъий назар - мутахассисми ёки қизиқувчим куйидаги маънавий-ахлоқий меъёрларга қатъий риоя қилиши шарт:

1. Шахсни ўз хоҳишисиз психологик тадқиқотга жалб қилиш ман қилинади, фақат баъзи бир ҳодисалар бундан истисно, яъни суд ёки тиббиёт амалиётлари агар қонун билан чегараланмаган бўлса;

2. Психологик тестлар ўтказишдан олдин синалувчи. тадқиқот жараёнида ўзи англамаган ҳолда, ўз фикри ва ҳиссиётлари ҳақида маълумотлар бериб кўйиши тўғрисида огоҳлантириб кўйилиши керак;

3. Ҳар бир одам агар қонун билан чегараланмаган бўлса, тест натижаларини қачон, ким ва қандай мақсадда қўлланилиши ҳақида билишга ҳақлидирлар;

4. Психологик тест натижалари тадқиқот ўтказган шахс томонидан синалувчига тушунарли бўлган шаклда тайёрлаб тақдим қилинади;

5. Балоғат ёшига етмаган болалар билан ўтказилган тест натижаларини уларнинг ота-оналари ёки уларга маъсул шахслар билишга ҳақлидир;

6. Агар тест шахснинг психологик тараққиёт даражасини аниқлаш мақсадида ўтказилса, у ҳолда синалувчи на фақат тестнинг мақсадини, балки ким томонидан нима асосида тест натижаларининг хулосаси чиқарилишини билишга ҳақлидир;

7. Амалиётда психологик тестларни қўллашда асосий жавобгарлик улардан фойдаланаётган шахслар, ташкилотлар ва психологлар зиммасидадир.

2.2. Тестларнинг классификацияси

Психологияда тест деб, ўрганилаётган хусусиятни ривожланганлик даражасини, микдорий ва сифат кўрсаткичларини бир-бирига таққослаш имконини берувчи стандартлаштирилган психодиагностик методикага айтилади. Методиканинг стандартлаштирилган тушунчасини маъноси шундан иборатки, у воқеа, ҳодисалардан бошлаб синалувчига бериладиган кўрсатмалар, ҳисоблаш усули, олинган натижаларни шарҳлаш билан тугайдиган, бутун жараённинг ҳаммаси, доимо ва ҳар жойда бир хил қўлланилишига айтилади.

Тестлар ёрдамида олинган баҳоларни, агар тест тўғри қўлланилган бўлса, тест қачон, қаерда, қандай қилиб ва ким томонидан қўлланилгандан қатъий назар уларни бир-бири билан тенглаштириш, таққослаш деб юритилади. Ҳар хил психодиагностик методикаларда тестларнинг валидлик ишончлилиқ аниқлиқ ва бир хиллик мезонларига жуда қатъий талаблар қўйилади.

Тестларнинг жуда кўп турлари мавжуд ва уларни қўлланиш асосларига қараб бир неча гуруҳларга бўлиш мумкин: тест предметлиги бўйича (сифати бўйича яъни айнан сифатни тестлар ёрдамида баҳолаш); тестлар да топшириқлардан фойдаланишнинг алоҳида хусусияти; материаллар бўйича синалувчига талаблар; объект бўйича баҳолаш. Предметлиги бўйича тестлар интеллектуал шахсий ва шахслараро тестларга бўлинади. Тестларда топшириқлардан фойдаланишнинг алоҳида хусусияти бўйича амалий, образли ва сўзли тестлар. Тест материалларининг тавсифи бўйича синалувчига талаблар, бланкали ва аппаратуралли тестларга бўлинади. Объект бўйича баҳолаш - процессуал тестлар ютуққа эришиш тести, ҳолат ва хусусиятлар тести.

Интеллектуал тестлар шахсни ақлий фаолияти ривожланганлик даражаси ва уларни алоҳида билиш жараёнларини (идрок, диққат, хаёл, хотира, нутқ) баҳолашда қўлланилади.

Шахс тестлари инсоннинг барқарор индивидуал хусусиятлари, хатти - ҳаракатларини аниқлаш бунга: темперамент, характер, мотивация, эмоция ва қобилиятларни аниқловчи тестлар киради. Бундан ташқари гаахеда ҳар томонлама, шахс ҳолатини комплекс баҳолаш ёки алоҳида хусусиятининг ривожланганлик даражасини баҳолаш тестлари ҳам мавжуддир. Бунга Кэттелл, ММРІ ва бошқа тестлар киради.

Хусусий тестлар ёрдамида, шахснинг алоҳида белгилари, мотивлар, эмоциялар, масалан характер акцентуацияси, ҳавотирлиқ локус назорати, ютуққа эришиш мотиви, тажовузкорлик ва бошқалар аниқланади.

Шахслараро тестлар ҳар хил ижтимоий гуруҳларда одамларнинг муносабати сифатида ижтимоий-психологик ўз-ўзини аттестация қилиш тести.

Амалий тестлар ўзига топшириқ ва шаклларни қамраб олади, бунда синалувчи аниқ предмет материаллари ёки уларни алмаштирувчи материаллар билан кўргазмали-ҳаракатли режа билан амалий иш бажаради.

Образли тестлар, образлар, сурат, расм, схема ва тасаввурлар билан машқларни ўзи ичига олади.

Вербал тестлар сўзли топшириқлардан иборат, унда тушунчаларни аниқлаш хулоса чиқариш, ҳар хил сўзларнинг маъносини англаш ва таққослаш ҳамда бу сўзлар билан ҳар хил мантиқий операцияларни бажаришни ўз ичига олади.

Тестларда қўлланиладиган кўпгина топшириқлар комплекс характерга эга ва бу тестларда амалий, назарий, образли ва вербал топшириқлар мужассамлашган. Бу одамнинг, реал ҳаётидаги кўп вазифалари комплекс характерга эга эканлиги билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам, тестлар, одамни реал ҳаётдаги ютуққа эришиш имконияти ва хулқини айтиб бериш учун ўтказилади.

Бланкали тестлар синалувчида тест материаллари сифатида ҳар хил шаклдаги бланкаларда фойдаланилади, масалан, расмлар, схемалар, жадваллар ва саволномалар.

Аппаратурали тестлар - бу шундай тестларки, унда тест натижаларини қайта ишлаш ва кўрсатиш учун ҳар хил турдаги аппаратуралар қўлланилади, масалан, аудио ва видеотехника, электрон ҳисоблаш машиналари.

Процессуал тестлар деб, унинг ёрдамида қандайдир бир психологик ёки хулқий жараён ўрганилади ва унта аниқ миқдорий ва сифатий таҳлил берилади, масалан, материалларни эсда олиб қолиш жараёнига, индивидларнинг гуруҳда шахслараро ҳамкорлик жарёнига таҳлилни мисол сифатида келтириш мумкин.

Ютуққа эришиш тестлари кишининг қандайдир бир фаолиятида, билиш соҳасини қандайдир бир турида ютуғини баҳолашда қўлланилади, масалан, тафаккурнинг мантиқийлиги, диққатнинг барқарорлиги, вербал тафаккурнинг ривожланганлик даражаси.

Ҳолатлар ва хусусиятлар тестлари шахс психологик сифатларининг барқарорлигини диагностика қилиш билан боғлиқдир, масалан, шахс хислатлари, темперамент хусусияти, қобилиятлари ва бошқалар.

Проектив тестлар махсус гуруҳга ажратилади. Проектив тест кишининг у ёки бу психологик сифатини тўғридан-тўғри эмас, балки бавосита баҳолайди. Бундай баҳолаш кишининг кўп маъноли объектларни қандай қабул қилиши ва талқин қилишининг анализи натижасида олинади. Бунга: сурат сюжетининг ноаниқлиги, шакл-лсиз доғлар, тугалланмаган жумлалар ва бошқалар киради. Бундай объектларни таҳлил қилиш ва баҳолашда киши онгсиз равишда ўз-ўзининг «проекциясини» кўрсатиб бериш деб юритилади.

Бу гуруҳ тестларига, Роршах тести, Тематик Апперцептив Тест (ТАТ) ва бошқалар киради.

Проектив тестлар синалувчининг яширин ва англанилмаган психологик хусусиятларини психодиагностика қилиш зарурати туғилганда қўлланилади.

Психодиагностик эксперимент метод сифатида камдан-кам воқелиқда асосан кишининг зарур психологик сифатини бошқа усуллар билан аниқлаш ва баҳолаш имконияти бўлмаганда қўлланилади.

Процессуал тестлар, тадқиқотчини синалувчида кечаётган психик ва хулқий жараёнларнинг хусусиятлари қизиқтирганда қўлланилади, ютуққа

эришиш тестлари эса кишининг қобилияти, кўникма ва малакаларини баҳолаш вазифасини ўтайди.

Интеллект тестлари кишининг интеллектуал тараққиётининг умумий кўрсаткичини аниқлаш ва миқдорий баҳолаш зарурати туғилганда фойдаланилади.

Психодиагностик методлар сингари тестларга ҳам қабтий талаблар қўйилади:

1. Тестнинг ижтимоий-маданий адаптацияси.

Бу сўзлар тузилмаси тест топшириқлари ва тест баҳолари ҳамда синалувчига берилаётган ушбу тест топшириқлари ушбу жамият маданияти миллий кадриятларига мос бўлишлиги зарур деган маънони англатади. Масалан, Европада тузилган тест бошқа бир мамлакатда биринчи марта қўлланилаётган бўлса ва бу мамлакатда интеллект структураси сўз-мантқиқий бўлмаса, балки образли ёки амалий тафаккурли бўлса тест албатта ижтимоий маданий мослаштирилган булиши шарт. Агар тест мослаштирилмаган ҳолда, яъни қандай бўлса шундайлигига қўлланилса, у ҳолда биз жуда паст натижалар оламиз ва натижалар ушбу мамлакатда яшовчи кишиларнинг тафаккури тараққиётини кўрсаткичига мос келмайди. Ёки бунинг акси, яъни ушбу мамлакатда сўз-мантқиқ тафаккури асосий ролга эга бўлса тест топшириқлари амалий тафаккурга оид бўлса, у ҳолда биз ақлий тараққиётнинг ноадекват кўрсаткичига эга бўламиз.

2. Тест топшириқларининг содда тузилганлиги ва бир маънолилиги.

Ушбу талабга биноан, тестни сўз ва бошқа топшириқларида яъни, сўз, расмлар кишилар томонидан ҳар хил идрок қилиниши ва тушуниш моментлари бўлмаслиги керак.

3. Тест топшириқларини бажаришда вақтнинг чегараланганлиги.

Бунда психологик тест топшириқларини бажаришда вақт 1,5-2 соатдан ошмаслиги, чунки киши ўзининг иш қобилиятини юқори савияда узок муддат ушлаб туриши жуда мушкулдир.

4. Ушбу тест учун меъёрларининг мавжудлиги.

Тест меъёрлари деб, ушбу тестнинг репрезентативлигини ўртача кўрсаткичи тушунилади, яъни кўп одамлардан тўплаб олинган кўрсаткичларнинг ўртача кўрсаткичи билан индивиднинг кўрсаткичини таққослаш ва унинг психологик тараққиётни баҳолаш тушунилади. Тест меъёрлари асосан, синалувчиларнинг ёшга, жинсини аниқ билган ҳолда, катта танлама гуруҳидан олинган тест натижаларининг ўртача баҳоси ва кейинчалик уларни ёши, жинси ва бир қанча релевант кўрсаткичларини дифференциялаш билан аниқланади.

Тест меъёрлари - бу кишилар тараққиётининг ўртача кўрсаткичи. Ҳар қандай меъёр, ўлчов ҳам вақти билан ўзгариб туради, чунки ишлар давомида кишиларнинг ҳам психологик тараққиётида ўзгаришлар бўлади, масалан, ХХ асрнинг биринчи чорагида кишиларнинг интеллектуал тараққиётига қўйилган меъёрлар, шу асрнинг охириги чорагига қўйилган меъёрларга тўғри келмайди, чунки ушбу йиллар мобайнида кишиларнинг ақлий тараққиёт кўрсаткичлари анча юқоридир.

Бундан ташқари эмпирик қоидалар мавжуд унга кўра камида ҳар беш йилда тест меъёрлари қайта кўриб чиқилиши шартдир, асосан бу интеллектуал тестларга таллуқлидир.

Тест меъёрлари қўйилган талаблардан ташқари, тест ўтказишни, натижаларни қайта ишлаш ва таҳлил қилишни қағъий қоидалари мавжуддир. Булар қуйидагилардир:

1. У ёки бу тестни қўллаш учун психолог тест билан танишиб чиқиб, ўзида ёки бошқа бир кишида синаб кўриши керак. Бу тестни ўтказиш билан билан боғлиқ бўлган хатоликларни олдини олиш имконини беради.

2. Синалувчи тест топшириқларини бажаришидан олдин ва кўрсатмаларини яхши тушуниб олиши учун одцидан тайёргарлик кўриб қўйиш.

3. Тест ўтказиш вақтида, синалувчилар мустақил ишлаши, бир-бирига ҳалақит бермаслигини ва таъсирини ўтказмаслигини назорат қилиб туриш, чунки бу тест натижаларини ўзгартириб юбориши мумкин.

4. Ҳар бир тест натижаларини қайта ишлаш ва таҳлил қилиш учун асосланган ва аниқ ишланган математик-статистик усулларни олдиндан тайёрлаб қўйиш.

Биз тест турлари ва тест меъёрларига қўйилган талабларни ўрганиб чиқдик энди тест меъёрларини репрезентативлиги, валидлиги, ишончлигига тўхталиб ўтсак.

Тест тузилишининг асосий статистик принциплари 1980-йилларда В.С.Аванесов, А.Анастази, В.К.Гайда, В.П.Захаровларнинг адабиётларида тўлиқ ёритиб ўтилган. Аммо кўрсатиб ўтилган адабиётларда психометрик тестларнинг асосий муаммоси, тест меъёрлари, тўлиқ ёритиб ўтилмаган. Бу биринчи навбатда америкалик тестолог А.Анастазининг адабиётига таллуқлидир. Анастазининг яратган қўлланмаси, ғарб тестологлари томонидан иккита асосий принциплари зарурий танқидкй муҳокамаларга эга бўлмайди, булар диагностик меъёрий сифати тарзида статистик меъёрларнинг қўлланилиш муаммолари ва нормал моделларга ҳамма эмпирик маълумотларнинг тақсимланиши ҳақидаги маълумотлар муаммоси.

Энди биз дифференциал асосий тушунчалар тизими тузилишининг қисқача контекстини анализ қилиб ўтамиз.

1. Тест шкалаларининг статистик табиати. Психодиагностикада типик ўлчов тести - бу қисқа топшириқларнинг ёки пунктларнинг кетма-кетлиги, синалувчи томонидан топшириқлар бажарилиши натижасида сўнг уларнинг бир хил миқдорий таҳлил қилиниши демакдир. Масалан: алоҳида топшириқлардан тузилган интеллектуал тестларни интерпретация қилиниши: «ечими тўғри», «ечими нотўғри», «жавоб йўқ», (топшириқни ўтказилиб юборилиши, вақт етишмаслиги сабабли), шахсий саволномаларнинг таҳлил қилиниши: синалувчи томонидан таъкидланиши лозим бўлган жавоблар кўрилиши: «тасдиқлаши», «инкор қилиниши» (жавоблар, «рози эмасман», «йўқ»).


Умумий баллар калит орқали ҳисоблаб чиқилади, калит ҳар бир пункт бўйича сонлар билан ифодаланади. Масалан, тошпириқнинг тўғри ечимига -

нотўғри ёки ўтказиб юборилганига - «0». Бунда баллар тўғри жавобларнинг миқдорини кўрсатиб беради.


2. Психометрикада ўлчов муаммолари ва тест пунктларининг хусусиятлари.

Ўлчов кўрсаткичи «эталон» ҳисобланади. Эталон бу -ўлчанаётган хусусиятга берилган катталиқни бир маромда сақлаб турувчи физик объектдир, дифференциал психометрикада бундай физик эталонлар мавжуд эмас. Психометрикада эталон ролини тестларнинг ўзи бажаради, буни шундай тушуниш керак топшириқнинг мураккаблиги киши қобилиятига тўғри пропорционал катталиқ деб қараш мумкин. Яъни топшириқ қанча мураккаб бўлса, унинг ечимини топиш учун киши қобилиятининг даражаси шунча юқори бўлиши керак. Тест пунктларнинг кучи ва мураккаб-лигини тест ўтказиш ёрдамидагина аниқлаш мумкин. Мураккаблиқни аниқлаш «фоизли ўлчов» билан белгиланади, тест топшириқларига «тўғри» жавоб берган синалувчилар фоиз билан аниқланади, яъни «фоиз» қанча кичик бўлса мураккаблиқ шунча юқорида бўлади.

Тест пунктларнинг хусусиятини тест балларининг тақсимланиши кўрсатиб беради. Агар тест балларининг тақсимланиши эгрилиги ўнг томонли асимметрияга эга бўлса, унда тест мураккаб топшириқлардан тузилган, агар эгрилик чап томонли асимметрияга эга бўлса, у ҳолда тест топшириқлари содда тузилган ҳисобланади ва куйидаги кўринишга эга:



а) ўнг томонли
ижобий



б) чап томонли
салбий

2.3. Методикаларга қўйиладиган талаблар

Педагогик-психологик эксперимент, тадқиқотнинг ишончли воситаси бўлиши ҳамда натижаларнинг ҳаққонийлигига ишонч ҳосил қилиш учун ва ушбу натижалар асосида тўғри хулоса чиқариш учун тадқиқотда қўлланилган психодиагностик методика илмий асосланган бўлиши керак бунда методлар куйидаги талабларга жавоб бериши керак: валидлик ишончилиқ бир сифатлилик ва аниқлик. Энди ҳар бир талабни алоҳида кўриб чиқамиз.

«Валидлик» - атамаси Европа тилларидан олинган бўлиб ва у куйидаги маънони англатади: «тўлақонли», «яроқли», «мос». Психодиагностик методиканинг валидлик сифатидаги тавсифи унинг айнан ўрганилаётган психологик хусусиятга мўлжалланганлиги ва ушбу психологик хусусиятни баҳолашга мослиги ҳамда яроқлигини кўрсатиб беради.

Методиканинг валидлик тавсифи ўзига ушбу методика орқали ҳақиқатдан ҳам психологик сифатни ўлчаш мумкин деган хулосадан ташқари

унинг қўллаш мумкин бўлган соҳасини ва унинг шароитлари ҳақидаги маълумотларни ҳам ўзига қамраб олади

Психодиагностик методиканинг валидлиги ҳақида мулоҳаза қилар эканмиз, валидликнинг бир нечта турлари борлигини ва уларнинг ҳар бирини алоҳида кўриб чиқиш ҳамда баҳолаш зарурдир. Валидлик - назарий, амалий, эмпирик, ички ва ташқи бўлиши мумкин.

Назарий валидлик - қўлланилган методика ёрдамида олинган кўрсаткичларни, бошқа методик воситалардан олинган кўрсаткичлар билан яъни кўрсаткичлар орасида назарий асосланган боғлиқлик борлигини ва тадқиқ қилинаётган сифат кўрсаткичлари мослиги билан аниқланади.

Назарий валидликни битта назарияга таянган ҳолда, айнан бир хусусиятга тегишли ҳар хил методикалардан фойдаланиш натижасида олинган кўрсаткичларни корреляцияси билан текширилади.

Эмпирик валидлик - синалувчининг реакцияси ва хатти-ҳаракатини кузатиш орқали, унинг ҳаққоний хулқидаги диагностик кўрсаткичларининг бир-бирига мослиги билан текширилади. Агар синалувчининг характерини қўлланилган методика ёрдамида баҳоласак ушбу одамнинг ҳаётдаги характер кўринишини

қўлланилган методикадан олинган кўрсаткичлар билан бир хиллигини аниқласак у ҳолда методикани эмпирик ва амалий валидлик деб ҳисобласак бўлади.

Эмприк валидлик мезонлари бўйича методика одамларнинг амалий фаолият натижалари ҳамда ҳаққоний ҳаётий ҳуқуқларининг кўрсаткичларини таққослаш билан текширилади.

Ички валидлик - методикадаги топшириқлар, субтестлар, мулоҳазаларнинг умумий мақсадга мослигини англатади. Методикадаги субтестлар, топшириқлар ва ундаги саволлар қисман ёки бутунлай биз ўрганаётган хусусиятни ўлчай олмаса, у ҳолда ушбу методика ички валидлик эмас ёки ички валидлик етарли даражада эмас, деб ҳисобланади.

Ташқи валидлик - ҳам худди эмпирик валидликка ўхшаш, ундан фарқли томони шундаки, синалувчининг хулқида таалуқли асосий ташқи кўринишларнинг кўрсаткичлари билан методикадаги кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлигига эътибор қаратилади.

Методикани тузиш жараёнида дарҳол унинг валидлигини баҳолаш жуда мураккабдир. Одатда методиканинг валидлигини текшириш ва аниқлашда методикани узок муддат қўлланилгандан сўнг у ҳақида хулоса чиқариш мумкин, чунки юқорида кўрсатиб ўтилган валидликнинг тўрт тури ҳам текширилиши зарурдир.

Валидликнинг турларидан ташқари унинг мезонларини билиш аҳамиятга моликдир:

А) Хулқий кўрсаткичлар - синалувчининг ҳар хил ҳаётий воқеаликлардаги реакция ва хатти-ҳаракатлари;

Б) Синалувчининг фаолиятидаги ютуқлари: ўқув, иш, ижодий ваҳоказолар

В) Ҳар хил назорат синов ва топшириқларнинг бажарилганлиги ҳақида маълумотлар.

Г) Бошқа методикалар ёрдамида олинган маълумотлар - валидлик ёки текширилаётган методикани бошқа методика билан боғлиқлигининг етарли даражадалиги.

Методиканинг ишончилиги - методика ёрдамида барқарор, қабтий кўрсаткичларни олиш имкониятлари билан тавсифланади.

Психологик тест натижаларини назорат қилиш мураккаб омилларга тобедир ва бу қуйидагилардир:

- асбоб ускуналарнинг ўлчов сифати
- психологик тестларнинг доимий релевант тавсифи
- синалувчининг кўрсатмаларни тўғри тушуниши
- синалувчининг хулқи, хатти-ҳаракати
- синалувчининг долзарб психологик ҳолати.

Психодиагностик тадқиқот жараёнида ушбу омилларнинг ўзгариши ўлчовнинг ишончилиги даражасини пасайтиради, чунки бу омилларнинг доимийлигини сақлаб туришнинг имконияти йўқ, шунинг учун ҳам психодиагност методиканинг юқори даражада ишончилигига амин бўлиши жуда қийин. Ушбу омилларнинг асосийларидан бири методиканинг ўзини ишончлигидир, чунки қолган омиллар олинган натижаларнинг доимийлигига таъсир ҳиссаси анча кичикдир.

Психодиагностик методикаларнинг ишончилигини икки хил усул билан текшириб чиқиш мумкин:

1. Ушбу методика ёрдамида ҳар хил одамларда олинган натижаларни таққослаш;

2. Айнан бир хил шароитда методикани қўллаш ва ундан олинган натижаларни таққослаш;

Методиканинг аниқлиги - психодиагностик тадқиқот пайтида бирор бир хусусиятни баҳолашда озгина ўзгартиришга ҳам жавоб қайтариш қобилиятида намоён бўлади. Методиканинг аниқлигини техник ўлчов асбоб ускуналарнинг аниқлиги билан изоҳлаш мумкин. Масалан: сантиметрга бўлинган метрдан, миллиметрга бўлинган чизғич билан ўлчов аниқрокдир.

Психодиагностик методика қанчалик аниқ бўлса, ўлчовнинг сифати шунчалик юқори бўлади. Аммо амалий психодиагностикада ҳамма вақт ҳам ўлчовнинг аниқлиги баҳолашнинг юқори даражаси талаб қилинмайди. Масалан, бутун тадқиқотда танлама синалувчиларни иккига бўлиш керак бўлса, у ҳолда қўлланилаётган методика айнан шунчага мос ҳолда бўлиниши керак ундан кўпга ҳам камга ҳам эмас. Агар синалувчилар бешта гуруҳга бўлиниши шарт бўлса, у ҳолда бешта ўлчов шкаласи бор методикани қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади ва улар бешта пунктдан иборат бўлиши керак масалан «ҳа», «йўқдан кўра ҳа», «ё ҳа, ё йўқ», «йўқ ҳадан кўра», «йўқ» шаклида. Методиканинг бир сифатлиги ушбу методика ёрдамида олинган натижалар қай даражада, айнан бир хусусиятга таалуқли ўзгаришни ўлчаши билан тавсифланади. Агар ўрганилаётган хусусиятлардан олинган кўрсаткичлар, ушбу методика билан боғлиқ бўлмаган бошқа бир хусусиятни

кўрсаткичларни намоён қилса, у ҳолда ушбу методика бир сифатлилик мезонига мос бўлмайди. Масалан, тадқиқотчини шахсининг хулқ мотивларини баҳолаш қизиқтирса, у синалувчининг хулқ мотивларига таалуқли тўғридан-тўғри саволлар бериши мумкин, у ҳолда олинган жавоб-лар бир хиллик мезонига мос тушиши камдан-кам ҳолларда рўи бериши мумкин, чунки синалувчи ўз хулқ мотивларини англаган ҳолда экспериментаторга хулқ мотивларининг ижобий томонларини кўрсатишга ҳаракат қилади.

Ўқувчи, талабани фақат билимларни ўзлаштиришини баҳолаш ҳам бир сифатлик мезонини тўлиқ қаноатлантира олмайди, чунки билимни ўзлаштиришига ҳамиша ҳам объектив баҳо қўйилмайди, бунда ўқувчининг билимларидан ташқари, унинг ўқитувчи билан муносабати ва ўқувчининг хулқи кўриниши ҳам намоён бўлади.

Психодиагностикада бирор бир методикани қўллашдан олдин тадқиқотчи ушбу методикани валидди, ишончли, аниқлиги ва бир сифатлилик талабларига жавоб бера олишига тўлиқ ишонч ҳосил қилиши шарт. Айтиб ўтилган мезонлардан асосийлари: валидлик ва ишончлиликдир, агар ўлчов ускуналари бу иккала мезонга мос келмаса, у ҳолда психодиагностикада бу воситаларни умуман қўллаш мумкин эмас. Мабодо методиканинг аниқлиги ва бир сифатлиги тўлиқ бўлмаса ҳам методикани аниқ шартлар асосида қўллаш мумкин. Аммо қуйидагиларни унутмаслик зарурдир:

- ноаниқ методика, ўтказилаётган эксперимент натижалари бирор бир хусусиятдаги кичик ўзгаришларни аниқлаш имконини бермайди;

- методика бир сифатлигининг тўлиқ эмаслиги, ҳамиша ҳам айнан баҳоланаётган хусусиятдаги ўзгаришлар даражаси билан олинган кўрсаткичларни таққослаш имконини бермайди.

Психодиагностик натижаларга қўлланилган методикадан ташқари воқеа ҳамда ҳодисалар ҳам таъсир қилади, яъни берилган кўрсатмаларни синалувчи томонидан тўғри тушунмаслиги ва тест вақтида синовчининг хулқи ва шахс хусусиятлари ўз таъсирини кўрсатиши мумкин. Агар воқеаликни синалувчи имтиҳон сифатида қабул қилса, ўзини шу воқеликка мос тарзда тутати. Юқори хавотирли одамни ҳамиша ва ҳамма пайт юқори «хавотирлик» ҳолати қамраб олади, ҳар қандай ҳодисани хавф сифатида қабул қилади. Кичик даражали хавотирли одам бунинг аксидир, яъни ўзини эркин тутати.

Синалувчиларнинг хулқи, хатти-ҳаракати ва уларнинг кўрсатган натижалари, кўрсатмаларни қандай тушуниши билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам кўрсатмаларнинг аниқ тузилиши ва уларни тез англаб олинишига, психологик ташхисда қатъий талаблар қўйилади:

- кўрсатма содда ва тушунарли бўлиши;
- бир хил маънодаги сўз ва талаффузларни ўзига қамраб ол-маслиги;
- кўрсатмани иложи борида ёзма шаклда бўлишига (кўрсатма бераётган шахс, кўрсатмани ҳар хил паралингвистик таркибий қисмлар орқали ифодаланиши мумкин: мимика, талаффуз, темп, пауза ва хатти- ҳаракатлар).

Баъзан тадқиқот натижаларига синовчининг хулқи ва хатти-ҳаракати ҳам таъсир қилиши мумкин. Масалан, экспериментатор ҳақида синалувчининг

фикри ижобий бўлса, унинг хатти-ҳаракатида, муносабатида имкони борича синовчига яхши натижа беришга ҳаракат қилади. Бунинг акси бўлса, экспериментаторга нисбатан sinalувчида антипатия бўлади.

Асосий кўрсатма: экспериментатор босиқ, мувозанатли, хатти-ҳаракати sinalувчиларга нисбатан, яхши ва дўстона бўлиши керак.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Психодиагностиканинг тамойиллари қайсилар?
2. Психодиагност шахсига қўйиладиган талаблар ҳақида нималарни биламиз?
3. Психодиагностиканинг маънавий-ахлоқий меъёрлари.
4. Тестларнинг турлари, меъёрлари.
5. Психодиагностик тадқиқотларни ўтказиш.
6. Методиканинг валидлиги, валидлик турлари, мезонлари.
7. Методиканинг ишончлилиги.
8. Методиканинг аниқлиги ҳақида нималарни биламиз?

Ш. БОЛАЛАР ТАФАККУРИ ВА УНИНГ ИНДИВИДУАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ

Тафаккур ижтимоий ҳаёт шароитида шаклланадиган жараён бўлиб, у даставвал кенг предметли фаолият сифатида намоён бўлади. Кейинчалик у «ақлий» хатти-ҳаракат характери олиб олган шаклга айланади. Тафаккур инсон билиш фаолиятининг олий шакли сифатида атроф оламни умумлаштирган ҳолда воситали акс эттириш имконини беради, предметлар билан ҳодисалар ўртасида алоқа ва муносабатларни ташкил қилади.

Тафаккур — янгиликни қидириш ва очишдан иборат психик жараён. Бу янгилик субъектив бўлиши мумкин, яъни уни кимлардир қачовлардир топган бўлиши мумкин, лекин субъект тафаккур жараёни ёрдамида ўзи учун уни янгидан кашф этади, акс ҳолда биз кўпроқ хотира, ўтган тажрибаларимизни қайта тиклаган бўламиз. Болаларни ўқитишда тафаккурнинг шу муҳим хусусиятини асос қилиб олиш мумкин.

Мактабгача тарбия ёши — психик ривожланишнинг интенсив босқичи ҳисобланади. Айнан мана шу ёшдан болада жуда катта ўзгаришлар рўй беради, яъни психофизиологик функцияларнинг такомиллашуvidан бошлаб, то мураккаб шахсий янги образларнинг пайдо бўлишигача бўлиб ўтадиган жараёнлар содир бўлади. Янги образларни ҳаёлий ҳодисаларни анализ қилиш мактабгача тарбия ёшидаги болаларга хосдир, аммо натижалар ҳамиша ижобий бўлмаса ҳам, болалар фаолиятини таҳлил қилганимизда, биз шу нарсага амин бўлдик-ки, болалар предметларни тасаввур қилибгина қолмай, уларнинг ўзаро боғлиқлигини ҳам ҳаёлан тасаввур қилар экан.

Тасаввурнинг ривожланиши, тафаккурнинг шаклланаётган жараёни билан тавсифланади, бу шаклланиш боланинг ҳаёлий тасаввурларининг ихтиёрий кўрсаткичлари билан боғлиқдир. Бундай имконият 5-6 ёшли болаларда янада юқорироқ бўлади, чунки, бола янги ақлий ҳаракат усуллари жуда тез ўзлаштириб олади. Ақлий фаолиятда янги усулларнинг

шаклланиб бориши, ташқи предметларнинг ҳаракатини ўзлаштириб олишдаги бола ҳаракати, таълим ва тарбия жараёнида муҳим аҳамиятга эга. Бу ўз навбатида мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг образли тафаккурини ривожланиши учун энг мақбул имконият давридир.

4-5 ёшли болаларда кўникма ва малакаларнинг ривожланиши ҳамда шаклланишида интенсивлик кўзга ташланади, бу эса ташқи муҳитни ўрганишга замин яратади. Ақл ривожланишидаги бундай кўрсаткич, кўрғазмали ҳаракат тафаккурга «тайёргарлик даври» ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида болани ташқи ва уни ўраб турган атроф-муҳитни ўрганиш жараёнида фактларга асосланган ҳолда тасаввур ва тушунчага эга бўла олишига кўмак беради. Кўрғазмали-ҳаракат тафаккур тури, тафаккурнинг янги турларини шаклланишига, яъни кўрғазмали-образли тафаккурнинг ривожланишига хизмат қилади. Бу пйу билан таърифланадики, бола муаммоли вазиятларнинг ечимини тасаввурлар шаюшда қабул қилган ҳолда амалий ҳаракатларни қўлламайди. Мактабгача тарбия ёшининг сўнгида кўрғазмали - образли тафаккурнинг энг юқори формаси кўрғазмали-схематик тафаккурнинг ривожланиши кўзга ташланади.

Кўрғазмали-схематик тафаккур ташқи муҳитни ўзлаштириб олиш учун жуда катта имкониятлар яратади, яъни ҳар хил предметларни ва ҳодисаларни умумлаштиришнинг модели учун манба бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари тафаккурнинг кўрғазмали-схематик формаси, мантиқий тафаккурни ривожлантиришнинг асосий негизи ҳамдир.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, 5-7 ёшли болалар муаммоли вазиятларни ечимини топишда масалага тафаккурнинг уч хил формаси билан ёндашар экан. Булар:

- кўрғазмали - ҳаракат тафаккур;
- кўрғазмали - образли тафаккур;
- мантиқий тафаккур.

Мактабгача тарбия ёшдаги болаларда асосан образли сўз мантиқли ва кўрғазмали-ҳаракатли тафаккур тури ривожланган бўлади. Сўз мантиқ тафаккур тури эса мактабгача тарбия ёшидаги болаларда энди ривожланиш даврида бўлади. Мана шунинг учун ҳам мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг интеллектини диагностика қилиш учун, биринчи навбатда образли сўз мантиқли ва кўрғазмали-ҳаракат тафаккур турларига эътибор қаратиш керак.

Биз баён қилаётган психодиагностик методикалар тафаккурнинг айнан мана шу икки турига тааллуқлидир.

Образли - сўз-мантиқ тафаккур ҳам, кўрғазмали-ҳаракат тафаккур ҳам ўзига хос бир қанча хусусиятларга эга. Ушбу хусусиятлар ҳар хил топшириқлар ечимини излаш босқичларида намоён бўлади. Мана шу боғланишлар ва муносабатлар туфайли болалардаги образли - сўз-мантиқ ва кўрғазмали-ҳаракат тафаккурни диагностикалаш учун, биз ҳар иккала тафаккур туриви муқим жиҳатларини инобатга олган ҳолда, ушбу тафаккур турларига бештадан методика тавсия қиламиз.

Кичик ва катта мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг интеллектуал тараққиёт кўрсаткичлари ёш давлари билан бир-биридан фарқланиши сабабли, ушбу методик мажмуага 3 ёшдан 4 ёшгача ва 4 ёшдан 5 ёшгача болаларнинг ёшидаги фарқларини инобатга олган ҳодда алоҳида ҳар хил вариантлар киритилган.

Энди ҳар иккала тафаккур турига тавсия қилинган методикаларга тўхталиб ўтамиз.


Образли, сўз-мантикли тафаккур турини баҳолаш учун методикалар

3.1. «Мантиксиз тасвирлар» методикаси

Ушбу методика ёрдамида болани атрофдаги борлиқ ҳамда ушбу моддий дунёдаги бир қанча объектларнинг орасида ўзаро боғланишлар ва муносабатлар ҳақида элементар образли тасаввурлари: ҳайвонлар билан, уларнинг ҳаётий кўринишлари билан, табиат билан баҳоланади.

Ушбу методика ёрдамида боланинг мантиқий мулоҳазаси ва ўз фикрини грамматик жиҳатдан тўғри ифода қилиши аниқланади. Методикани ташкил қилиш жараёни қуйидагича олиб борилади:

1-расмда тасвирланган кўринишлар болага тавсия қилинади. унда ҳайвонлар билан боғлиқ бир қанча «мантиксиз» ҳодисалар манжуд.



1- расм.

Болага расмни кўрсатиш жараёнида, унга қуйидаги маънода кўрсатма, берилади: «Диққат билан ушбу расмдаги тасвирларни кўриб чиқ ҳамда бизга шуни айтчи, расмда ҳамма нарса ўз жойида чизилганми ва ушбу объектлар тўғри тасвирланганми? Агар сен қайсидир объектни ўз жойида тасвирланган эмас, деб ҳисобласанг, нима учун шундай бўлиш кераклигини тушунтириб бер ва сен бизга аслида қандай бўлиши кераклигини айтиб бер?».

Кўрсатманинг иккала қисми ҳам кетма-кетлик билан бажарилади. Биринчи навбатда бола хатоларни айтиб беради ва расмларда кўрсатиб беради, сўнгра ҳақиқатдан қандай бўлишлигини изоҳлаб беради.

Расмларни кўриш ва топшириқни бажариш вақти чегараланган, яъни уч дақиқа вақт берилади. Бу вақт мобайнида бола иложи борича мантиксиз воқеликни кўпроқ топиши ва ҳақиқатдан қандай бўлиш кераклигини тушунтириб беради. Натижаларни баҳолаш

10 балл агар бола берилган 3 дақиқа мобайнида расмдаги ҳамма мантиксиз тасвирларни (жами 7 та) аниқлаб ҳамда қониқарли тушунтириб

бера олишга улгурса ва ҳақиқатдан қандай бўлишини шарҳлаб бера олса, ушбу баҳо қўйилади:

8-9 балл бола ҳамма мантиқсиз тасвирларни аниқлаб ва белгилаб чиқса, аммо бирдан учтагача тасвирни ҳақиқатдан қандай бўлишини шарҳлаб бера олмаса қўйилади;

6-7 балл бола ҳамма мантиқсиз тасвирларни аниқлаб ва белгилаб чиқса, аммо 3 дан 4 гача тасвирни ҳақиқатдан қандай бўлишини шарҳлаб бера олмаса қўйилади;

4- 5 балл бола ҳамма мантиқсиз тасвирларни аниқлайди, аммо 5 - 7 тагача тасвирни чегараланган вақт мобайнида шарҳлаб беришга улгура олмаса қўйилади;

2-3 балл бола чегараланган вақт мобайнида 1 – 4 тагача тасвирни аниқлаб бера олмади ва шарҳдашга вақти етмаса;

0-1 балл — чегаралашан вақт мобайнида бола расмдаги 7 та мантиқсиз тасвирлардан 4 тасини топса қўйилади.

Изоҳ: 4 ва ундан юқори балл, агар бола берилган 3 дақиқа мобайнида топширикни биринчи қисмини тўлиқ бажара олса, аммо уларни тушунтириб ва шарҳлашга улгура олмаса қўйиш мумкин.

Тараққиёт даражаси ҳақида хулоса чиқариш:

10 балл — жуда юқори

8- 9 балл — юқори

4-7 балл — ўртача

2- 3 балл — паст

0-1 балл — жуда паст

3. 2. «Йил фасллари» методикаси

Ушбу методика 3 ёшдан 4 ёшгача болалар учун мулжалланган. Болага 2-расм кўрсатилади ва ушбу расмларга диққат билан қараб, расмнинг ҳар бир қисмида йилнинг қайси фасллари тасвирланганлиги ҳақида сўралади. Топширикни бажариш учун 2 дақиқа вақт берилади. Ушбу берилган вақт мобайнида бола нафақат йил фаслларини айтиб бериши, балки нима учун эканлигини ва фаслларнинг белгиларини кўрсатиб бера олиши ва ушбу қисмда айнан мана шу фаслга тегишли эканлигини асослаб бериши керак.



2-расм.

Натижаларни баҳолаш.

10 балл берилган вақт мобайнида бола расмдаги йил фаслларини бир бири билан боғлиқ ҳолда тўғри айтиб бера олса ва ҳар бир йил фаслнинг иккитадан белгисини кўрсатиб бера олса (жами ҳар бир йил фаслининг 8 та белгисини кўрсатилса) қўйилади.

8-9 балл бола расмдаги ҳар бир йил фаслларини бир-бирига боғлиқ ҳолда тўғри айтиб берса ва йил фаслларининг умумий олганда 5- 7 тагача белгисини тўғри кўрсатиб бера олса қўйилади.

6-7 балл бола йил фаслларини тўғри аниқлаб, аммо ўз фикрини тасдиқловчи жами 3 - 4 та фасллари белгисини кўрсата олса қўйилади;

4-5 балл бола фақат йил фаслларининг фақат 2 тасини аниқлаб бера олса ва ўз фикрини тасдиқловчи жами 1-2 тагача йил фасллари белгисини кўрсатиб берса қўйилади;

0-3 балл бола йил фаслларининг бирортасини ҳам тўғри аниқлай олмаса ва бирорта ҳам фасл белгисини кўрсатиб бера олмаса (ушбу баллар боланинг йил фаслларини топишга ҳаракат қилганлигига боғлиқ ҳолда) қўйилади.

Тараққиёт даражасига хулоса чиқариш.

10 балл — жуда юқори

8-9 балл — юқори 6-7 балл — ўртача 4-5 балл — паст 0- 3 балл — жуда паст

3.3. «Бу ерда нима ортиқча?» методикаси

Ушбу методика 4 ёшдан 5 ёшгача бўлган болаларга мўлжалланган ва бундан олдинги методикага ўхшашдир. Бу методика болаларнииг образли, сўз-мантикли тафаккур жараёнининг анализ ва умумлаштириш операцияларини тадқиқ қилади. Методикада болаларга ҳар хил предметлар тасвирланган расмлар тавсия қилинади ва қуйидагича кўрсатма берилади: «Ҳар бир расмда тасвирланган 4 та предметдан бири ортиқча. Диққат билан расмга қараб, қайси бир предмет ортиқча ва нима учун ортиқча эканлигини тушунтириб бер». Топшириқни бажариш учун 1 дақиқа вақт берилади.



3-расм. Натижаларни баҳолаш.

10 - балл бола ўзига берилган топширикни 1 дақиқадан кам вақтда бажариб, ҳар бир расмдаги ортиқча предметни нима учун ортиқча эканлигини шарҳлаб бера олса қўйилади;

8-9 балл бола топширикни 1 дақиқадан 1,5 дақиқагача тўғри бажара олса қўйилади;

6-7 балл бола топширикни 1,5 дақиқадан 2 дақиқагача тўғри бажара олса қўйилади;

4-5 балл — бола топширикни 2 дақиқадан 2,5 дақиқагача тўғри бажара олса;

2-3 балл бола топширикни 2,5 дақиқадан 3 дақиқагача тўғри бажара олса қўйилади;

0-1 балл бола 3 дақиқа мобайнида топширикни тўғри бажара олмаса қўйилади.

Тараққиёт даражаси ҳақида хулоса чиқариш:

10 балл — жуда юқори

8-9 балл — юқори

4-7 балл — ўртача


2-3 балл — паст

0-1 балл — жуда паст

3.4. Методика «Расмларга қандай предмет етмайди»

Бу методика 3 ёшдан 4 ёшгача бўлган болаларнинг тафаккурини диагностик тадқиқ қилиш учун мўлжалланган. Топширикни бажаришдан олдин бола билан тушунтириш ишлари олиб борилади, яъни унга расмлар кўрсатилишини ва бу расмларда болалар тасвирланганлиги, ушбу тасвирлар тўлиқ бўлиши учун қандайдир предметнинг етишмаслигини, бу предметлар расмнинг пастки қисмида тасвирланганлиги айтиб ўтилади.

Болага бериладиган топширикнинг асосий моҳияти шундан иборатки, бола иложи борича расмдаги тасвирлар тўлиқ бўлиши учун зарур предметларни топиб кўрсатиб бериши керак.



4-расм. Натижаларни баҳолаш.

10 балл— топширикка кетган вақт 30 сониядан кам бўлса қўйилади;

8-9 балл — топширикни бажаришга кетган вақт 31 сониядан 49 сониягача бўлса қўйилади;

6 — 7 балл — топширикни бажаришга кетган вақт 50 сониядан 69 сониягача бўлса қўйилади;

4 — 5 балл — топширикни бажаришга кетган вақт 70 сониядан 89 сониягача бўлса қўйилади;

3 балл — топширикни бажаришга кетган вақт 90 сониядан 109 сониягача бўлса қўйилади;


0 - 1 балл — топширикни бажаришга кетган вақт 110 сония ва ундан кўп бўлса қўйилади;

Тараққиёт даражаси ҳақидаги хулоса 1,3 методика сингари чиқарилади.

3.5. «Гуруҳларга бўлиб кўрчи» методикаси

Ушбу методика 4 ёшдан 5 ёшгача бўлган болаларнинг образли сўз-мантқиқли тафаккурини баҳолаш учун мўлжалланган. Болага 5-расмдаги тасвирлар; кўрсатилиб, қуйидаги йўриқнома берилади:

«Диққат билан ушбу расмдаги тасвирларни кўриб чиқ ва уларни иложи борича кўп гуруҳларга бўляб чиқ. Ҳар бир гуруҳга, умумий белгиси бир хил бўлган фигураларни кирит ва ҳар бир фигуранинг номини айт, ҳамда қандай белгилар асосида бўлиб чиққанингни тушунтириб бер».



5-расм.

Топширикни бажаришга 3 дақиқа вақт берилган.

Натижаларни баҳолаш.

10 балл — бола ҳамма фигураларни 2 дақиқадан кам вақтда гуруҳларга бўлиб чиқса кўйилади.

Бу фигуралар гуруҳи куйидагича: учбурчак айланалар, квадратлар, ромблар, кизил фигуралар, (расмда улар қора рангда берилган), кўк фигуралар (улар тўғри чизик билан штрих килинган), сариқ фигуралар (улар катаклар билан белгиланган), катта фигуралар, кичик фигуралар;

8 - 9 балл бола ҳамма фигураларни 2,0 дақиқадан 2,5 дақиқагача бўлиб чиқса кўйилади;

6-7 балл — бола ҳамма фигураларни 2,5 дақиқадан 3,0 дақиқада бўлиб чиқса кўйилади;

4-5 балл — 3 дақиқа мобайнида бола 5 дан 7 гача гуруҳга бўлиб чиқса кўйилади;

2- 3 балл— 3 дақиқа мобайнида бола 2 дан 3 тагача гуруҳга бўлиб чиқса кўйилади;


0-1 балл—3 дақиқа мобайнида бола 1та гуруҳдан кўп гуруҳга бўла олмаса кўйилади.


Тараққиёт даражаси хақида хулоса 1,3 — чи методика сингари чиқарилади.

Кўргазмали - ҳаракатли тафаккур турини баҳолаш учун методикалар

3.6. «Контурларни бирлаштириш» методикаси

Болаларга 6-7 расмлар кўрсатилади ва ушбу методикадаги топширикнинг мақсади тушунтириб берилади, яъни қалам ёки ручка ёрдамида имкони борича тез ва аниқ чап томондаги контурларни ўнг томонда берилган расмларга кўчириб чиқиш зарур. Бунда боланинг чизикларни тўғри чизганлигига ва фигураларнинг бурчакларини аниқ бирлаштира олишига эътибор қаратиш зарурдир. Топширик бажариб бўлингандан сўнг пазифанинг тоза, аниқ ва тезлиги баҳоланади.





7-расм. Натижаларни баҳолаш.

Топшириқни бажариш тезлиги ва сифатига қараб балларда баҳоланади.

10 балл—бола ҳамма топшириқни бажаришга 90 сониядан кам вақт сарфлаб, фигураларнинг бурчаклари тўғри ва аниқ бирлаштира олса ҳамда чизиклар берилган контурларга аниқ мос келса қўйилади;

8 - 9 балл— топшириқни бажаришга 90 сониядан 109 камчиликларнинг чизикнинг тўғри сониягача вақт сарфланса, аммо қуйидаги бирортаси мавжуд бўлса: бир ёки иккита эмаслиги; Икки ёки учта чизиклар фигура бурчаклари нотўғри бирлаштирилган бўлса; иккитадан тўрттагача чизиклар контурдан ташқарига чиқиб кетган бўлса; тўрттадан бештагача фигура бурчаклари бирлаштиришда, ноаниқликка йўл қўйилган бўлса қўйилади;

6-7 балл— ҳамма топшириқни бажаришга 105 дан 120 вақт сарфланса, аммо қуйидаги камчиликларнинг мавжуд бўлса: уч ёки тўртта чизикнинг эгрилиги: олтитагача фигура бурчакларини нотўғри бирлаштирилганлиги; бештадан олтитагача чизиклар контурдан ташқарига чиқиб кетганлиги; олтитадан еттитагача фигура бурчакларини бирлаштиришдаги ноаниқлик бўлса қўйилади;

4-5 балл — топшириқни бажаришга 120 дан 135 сониягача вақт сарфланса, аммо қуйидаги камчиликларнинг бирортаси мавжуд бўлса қўйилади: беш ёки олтита чизикнинг эгрилиги; еттитадан ўн тагача бурчакларни нотўғри бирлаштирилганлиги; еттита ёки саккизта чизикнинг контурдан чиқиб кетганлиги; саккизтадан ўн тагача бурчакларнинг ноаниқ бирлаштирилганлиги;

2-3 балл — топшириқни бажаришга 135 дан 150 — сониягача вақт сарфланса қўйилади. Қуйидаги камчиликлардан бирортаси мавжуд бўлса: 7 тадан 10 тагача чизикнинг эгрилиги; 11 тадан 20 тагача бурчакларнинг нотўғри бирлаштирилганлиги; 9 тадан 10 тагача чизикларнинг контурдан ташқарига чиқиб кетганлиги; 11 тадан 17 гача бурчакларнинг ноаниқ бирлаштирилганлиги;

0-1 балл — топшириқни бажаришга 150 сониядан кўп вақт сарфланса қўйилади. Бир ёки иккита чизикдан ташқари, қолган чизикларнинг нотўғри

чизилганлиги; бир ёки иккита бурчакдан ташқари, қолган бурчакларни бирлаштиришдаги хатоликлар;

Тараққиёт даражаси ҳақида хулоса чиқариш.

10 балл — жуда юқори.

8-9 балл — юқори

4-7 балл — ўртача

2-3 балл — паст

0-1 балл — жуда паст

3.7. «Лабиринтдан чиқиш, йўлини топ» методикаси

Ушбу топшириққа болаларга 8-расм кўрсатилиб, топшириқда лабиринтнинг тасвирланганлиги, унда стрелка билан лабиринтга кириш нуктаси ва чиқиш жойлари кўрсатилганлиги тушунтириб ўтилади. Бунда бола учли таёқчани олиб, расм ичидан юргизиб, лабиринтдан имкони борича тез чиқиб кетиши ҳамда таёқчани имкони борича аниқ юргизиб, лабиринт деворига тегиб кетмаслиги керак.



8-расм. Натижаларни баҳолаш.

10 балл — топшириқ бола томонидан 45 сониядан кам вақт мобайнида бажарилса, аммо бола таёқча билан лабиринт деворига бирор марта ҳам тегиб кетмаса қўйилади;

8-9 балл — топшириқ бола томонидан 45 сониядан 60 сониягача вақт мобайнида бажарилса, ўгаш жараёнида 1-2 марта лабиринт деворига тегиб кетса қўйилади;

6-7 балл— топшириқ 60 сониядан 80 сониягача вақт мобайнида бажарилса ва лабиринтдан ўтиш жараёнида 3-4 марта лабиринт деворига тегиб кетса қўйилади;

4-5 балл— топшириқ 80 сониядан 100 сониягача бажарилса, бола лабиринтдан ўтиш жараёнида, лабиринт деворига 5-6 марта тегиб кетса қўйилади;


2-3 балл топшириқ 100 сониядан 120 сониягача бажарилса, бола лабиринтдан ўтиш жараёнида, лабиринт деворига 7- 9 марта тегиб кетса қўйилади;

0-1 балл— топширикни бажаришда 120 сониядан кўп вақт сарфласа ёки умуман бажара олмаса қўйилади;

Тараққиёт ҳақидаги хулоса 6 — методикадаги каби чиқарилади.

3.8.«Фигураларни қирқиб чиқ» методикаси

Ушбу методика 4-5 ёшли болаларнинг кўргазмали - ҳаракатли тафаккурини ўрганишга мўлжалланган. Топшириқнинг мақсади, қоғозга чизилган фигураларни тез ва аниқ қирқиб олишдан иборат. 9-расмда берилган 6 та квадратда ҳар хил фигура тасвирланган. Ушбу расмлар болага бир бутун ҳолатда берилмайди, балки ҳар бир квадратдаги расмлар алоҳида берилади. Бунинг учун тадқиқотчи расмларни олти та квадратга қирқиб чиқади. Болага ҳар бир квадратдаги тасвирлар кетма- кетликда берилади. (Расмлар тартиб рақами билан белгиланган) ва қайчи билан имкони борича, фигураларни тез ва аниқ қирқиб олиш керак.



9-

расм. Натижаларни баҳрлаш.

Методика натижаларини баҳолашда, бола топширикни бажариш жараёнидаги вақт ва аниқликка эътибор қаратилади.

10 балл - ҳамма фигуралар бола томонидан 3 дақиқадан кам вақтда қирқиб олинса, ҳамма фигуралар контури андазадан 1 мм дан кўп фарқ қилмаса қўйилади;

8-9 балл - ҳамма фигуралар 3 дақиқадан 4 дақиқагача қирқиб олинса, ҳамда фигуралар контури аслидан 1 мм дан 2 мм гача фарқ қилмаса қўйилади;

6-7 балл - ҳамма фигуралар 4 дақиқадан 5 дақиқагача қирқиб олинса, ҳамда фигуралар контури аслидан 2 мм дан 3 мм гача фарқ қилмаса қўйилади;

4-5 балл - ҳамма фигуралар 5 дақиқадан 6 дақиқагача қирқиб олинса, ҳамда фигуралар контури аслидан 3 мм дан 4 мм гача фарқ қилмаса қўйилади;

2-3 балл - ҳамма фигуралар 6 дақиқадан 7 дақиқагача қирқиб олинса, ҳамда фигуралар контури аслидан 4 мм дан 5 мм гача фарқ қилмаса қўйилади;

0-1 балл - бола топширикни 7 дақиқадан кўп вақт мобайнида бажара олмаса ҳамда қирқиб олинган фигуралар контури аслидан 5 мм дан кўп фарқ қилса қўйилади;


Тараққиёт ҳақида хулоса 6 методикадаги каби чиқарилади.

3.9. «Тасвирларни кўчириш» методикаси

Ушбу методика 3 ёшдан 4 ёшгача бўлган болаларга мўлжалланган. Топширикниг моҳияти пгундан иборатки, 10 расмда ўнг томондаги махсус тайёрлаб қўйилган квадратлар ичига, шу расмдаги, чап томонда берилган катаклар ичидаги тасвирларни кўчириш керак. Бунинг учун болага қора фламастер берилиб, қуйидагича кўрсатма берилади

«Ўнг томондаги катакларга, айнан чап томондаги фигураларга ўхшаш расмларни чизиш керак. Бунда иложи борича тоза ва бўяладиган жойларда бўшлиқ қолдирмасликка ҳамда фигуралар контуридан чиқиб кетмасликка ҳаракат қилиш керак».

Топширикни бажаришга ажратилган вақт 5 дақиқа.



10-расм.

Натижаларни баҳолаш.

10 балл - бола ҳамма топширикни 5 дақиқа мобайнида бажариб бўлди. Унда бўяладиган жойларда бўшлиқ қолмаса, чизилган фигуралар контури эса топширик андозасидан 1 мм дан кўп фарқ қилмаса қўйилади;

8-9 балл—бола топширикни бажаришга 5 дақиқа вақт сарфласа, унда бўяладиган ҳар бир фигураларнинг 1-2 жойларида бўшлиқ қолса, чизилган фигуралар контури аслидан 1 мм дан кўп фарқ қилмаса қўйилади;

6-7 бал — бола топширикни бажаришга 5 дақиқа вақт сарфласа, бўяладиган ҳар бир фигураларнинг 3-4 жойларида бўшлиқ бўлса, чизилган бир неча фигуралар контури аслидан 1,5 мм дан кўп фарқ қилмаса қўйилади;

4-5 балл — бола 5 дақиқада 4-5 фигурани бўяшга улгурса, аммо бўялган фигураларнинг 5 дан 1 қисмидан кам жойларида бўшлиқ бўлса ва аслидан 2 мм гача фарқ қилмаса қўйилади;

2-3 балл бола 5 дақиқада 2-3 фигурани бўяшга улгурса, аммо бўялган фигураларнинг 5 дан 1 қисмидан кам жойларида бўшлиқ бўлса ва аслидан 2 мм гача фарқ қилмаса қўйилади;

0-1 балл — бола 5 дақиқада битта фигурани бўяшга улгурса ҳамда бўялган фигуранинг 4 дан бир қисмида бўшлиқ бўлса ва фигура аслидан 3 мм гача фарқ қилмаса қўйилади;

Тараққиёт даражаси ҳақида хулоса чиқариш.

10 балл — жуда юқори

8- 9 балл — юқори

4- 7 балл — ўртача

2-3 балл — паст

0-1 балл — жуда паст

Топширикни бажаришда хатога йўл қўядилар. Лекин улар бу тошнирикни тезроқ бажарадилар. 10-11 ёшли болалар куллангани яхши тушунадилар, ўз хатоларини ўзлари тузатадилар

3.10. Болаларнинг билиш фаолиятини ўрганиш учун ўйинчоқлардан фойдаланиш

Боланинг дастлабки тараққиётида ҳаракат ва фикрлаш жараёнларини диагностика қилиш мақсадида ўйинчоқлардан фойдаланиш ўта маҳсулдор усул ҳисобланади. Ўйинчоқ болага тўплаган шжрибасини намоён қилиш, уни ижодий қайта кўриш (қуриш-яш), янгиларини яратиш имконини беради. Болада ўйинчоқлар қанчалик кўп бўлса, унда шунчалик кўп ижодий кучлари ривожланади, бола шунчалик тез ташқи муҳитни ўзлаштириб олади.

А.А.Файвусович (1928) тадқиқотларининг кўрсатишича, диққатнинг кўчишини ва атрофдаги предметларга ички эҳтиёжни шакллантириш мақсадида, болалар боғчасидаги ўйинчоқларни алмаштириб туриш зарур. Масалан: 6 ойгача бўлган болаларда бир кунда 2-3 марта, 1-2 ёшдаги болаларда бир кунда 3-4 марта, 3 ёшгача болаларда бир кунда 4-5 марта алмаштириб туриш зарур.

Содда ва аниқ ўйинчоқларга, мураккаброқ ва мавҳумроқ ўйинчоқлар кўшиш, уларни боланинг психик тараққиётига мослаб танланиши болада фазовий ва сўз-манتيқий тафаккурнинг ривожланишига имкон беради. Қоидага кўра ўйинчоқларнинг диагностик ўлчовлари бўлиб қуйидагилар хизмат қилади:

а) ўйинчоқларни кўрганда болада ҳиссий кўзғалиш мавжудлиги ва уни ушлаб кўриш истаги;

б) ҳаракатларнинг фаоллиги ва кўпроқ ушлаб кўриш;

в) ўйинчоқни уни бажарадиган функциясига мос равишда ўйнаш;

г) ўйин вазиятида янги (алмаштирувчи) элементларнинг мавжудлиги;

д) ўйиннинг давомийлиги;

е) берилган ўйинчоққа эҳтиёжнинг сақланиши.

Бу эҳтиёжлар 1-3 ёшдаги болаларда ўйин вазиятида фаоллик-ни аниқлашга қаратилган. Каттароқ ёшдаги болалар учун диагностик ўлчовлар бир мунча кенгайди. Уларга нутқ ривожланганлиги, фазовий кўриш тасаввурларининг, хаёлининг, тафаккур операцияларини бажариш усуллари ривожланганлиги каби ўлчовларни киритиш мумкин. Шунинг учун ҳам мактабгача тарбия муассасасида тарбиячи у ёки бу психик жараёнларни ривожлантириш мақсадида дидактик материаллардан фойдаланиш мумкин. (Расмларга қараб ҳикоя тузуш, кубиклар яшаш, расмлар чизиш ва бошқалар).

3.11. Қисмлардан расм ҳосил қилиш

Методика А.Н.Бернштейн (1911) томонидан таклиф этилган бўлиб, тафаккур хусусиятларини, расм яхлитлигини таҳлил қила олиш, унинг баъзи қисмлари кетма-кетлигини ўрната олиш қобилятини ўрганишга мўлжалланган. Тажриба ўтказиш учун расмлар тўплами (мураккаблиги ортиб борадиган 6 та расм) керак бўлади: Биринчи 3 та расм 4 қисмга бўлинган бўлиши керак қолганлари кўпроқ қисмларга бўлинади. Бунда биринчи ва тўртинчи расм бир хил бўлиши керак лекин улар ҳар хил қилиб ке-силган бўлади. Тадқиқотни бир неча марта такрорлаш учун рас-мларнинг турли вариантлари бўлиши зарур. Расмлар намуналари ихтиёрий равишда танланиши мумкин, масалан, ҳайвонларнинг, алоҳида предметларнинг расмлари. Болага расм қисмлари тўнқарилган ҳолда тартибсиз, намунасиз кўрсатилади.

Тадқиқотчи тадқиқот қарорида топшириқ, унинг охириги нати-жлси қиичл вақт бажарилганлигини ёзиб боради. Синалувчининг ҳаракатларини таҳлил қилишга, ҳаракатнинг мақсадга йўналтирилган режаси мавжудлиги ва йўқлигини аниқлашга у ақлий фаолият жараёнида таянч белгиларга таянганлигига эътибор-ни қаратиш зарур.

3-5 ёшдаги синалувчилар учун бундай топшириқларни бажаришда расм намунаси ҳам кўрсатилиб турилади. Бола қўлланманк қанчалик яхши ўзлаштиргани, илгари идрок этилган образни унинг алоҳида қисмларидан қайта ярата олганини таъкидлаш мумкин. Тадқиқот қарорида боланинг ҳаракатлари баён этилади: тартибсиз «синаш ва хато қилиш» ҳаракатларига эга, мақсадга йўналтирилган ва бошқалар. Бундай топшириқларни бажариш хусусиятлари, фақатгина фазовий кўриш хаёли, кўргазмали тафаккур ҳолати ҳақидагина эмас, балки тафаккур танкидийлигининг шаклланиш даражаси ҳақида ҳам билиш имконини беради.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Мактабгача тарбия ёшидаги болалар тафаккурининг индивидуал хусусиятлари?
2. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг образли тафаккурини тадқиқ қилишнинг қандай методикаларини биласиз?
3. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг кўргазмали-ҳаракат тафаккурини тадқиқ қилишнинг қандай методикаларини биласиз?

IV. МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ ЁШИДАГИ БОЛА ШАХСИ ВА ШАХСЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРИНИ ЎРГАНИШ

Боғча ёшидаги болалар шахсининг шаклланишига кўра, бу даврни 3 босқичга ажратиш мумкин:

- биринчи давр - 3- 4 ёш оралиғида бўлиб, эмоционал жиҳатдан ўз-ўзини бошқаришнинг мустаҳкамланиши билан боғлиқдир;

- иккинчи давр - 4-5 ёшни ташкил қилиб, ахлоқий ўз-ўзини бошқариш шаклланади;

-учинчи давр эса, шахсий ишчанлик ва тадбиркорлик хусусиятларининг шаклланиши билан тавсифланади.

Мактабгача даврда ахлоқий тушунчалар борган сари қатъийлаша боради. Ахлоқий тушунчалар манбан сифатида уларнинг таълим-тарбияси билан шуғулланаётган катталар, шунингдек тенгдошлари ҳам бўлиши мумкин. Ахлоқий тажрибалар асосан мулоқат, кутиш, тақлид қилиш жараёнида, катталарнинг маъхов ва танқидлари таъсирида ўтади ҳамда мустаҳкамланади. Бу баҳо ва мақтовлари боланинг муваффақиятга эришишига бўлган ҳаракатларининг ривожланишида муҳим ўрин тутаяди.

Боғча ёшидаги даврда болаларда мулоқатнинг янги мотивлари юзага келади, бу шахсий ва ишбилармонлик мотивларидир. Шахсий мулоқат мотивлари - бу болани ташвишга солаётган ички муаммолар билан боғлиқ, ишбилармонлик мотиви эса, у ёки бу ишни бажариш билан боғлиқ бўлган мотивлардир. Бу мотивларга аста-секинлик билан билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш билан боғлиқ ўқиш мотивлари киради.

3-3,5 ёшлар оралиғида ўзларининг муваффақият ва муваффақиятсизликларига ўз муносабатларини билдиради ва бу муносабат, асосан ўзларига берадиган баҳолар асосида шаклланади. 4 ёшли болалар эса, ўз имкониятларини реал баҳолай оладилар. Лекин, 4-5 ёшли болалар ҳали шахсий хусусиятларини идрок этишга ва баҳолашга қодир эмаслар, шунингдек ўзлари ҳақида маълум бир хулосани бера олмайдилар, ўз-ўзини англаши, лаёқати катта боғча ёшида ривожланиб, аввал у қандай бўлгани ва келажакда қандай бўлишини фикрлаб кўришга ҳаракат қиладилар.


Мактабгача тарбия ёшидаги бола шахсини тадқиқ қилиш жуда мураккаб жараён дир, чунки кўпгина шахс методлари, катта ёшли одамларга мўлжалланган ва болани ўз-ўзини анализ қилиш имкониятларига асосланмаган. Бундан ташқари психодиагностика ёрдамида ўрганаладиган шахс сифатлари мактабгача тарбия ёшида тўлиқ шаклланмаган ва бекарор дир.

Болалар психодиагностикаси ихтиёрида фақат махсус проектив методлар, яъни болани ютуққа эришиш мотивлари ва хавотирланиш,) ҳолатларини ўрганиш методлари мавжуд дир ёки шахс сифатларини баҳолашда эксперт методларидан фойдаланиш мумкин. Бунда эксперт сифатида болани яхши биладиган катталар, тарбиячилар, ота-оналар майдонга чиқадилар. Фақат ана шундай тарзда болани шахс сифатларига баҳо бера олиш имкониятларига эга бўламиз.

Биринчи методикамиз болалардаги ютуққа эришиш мотивининг тараққиёт даражасини баҳолашга мўлжалланган. Бунда мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг ҳар хил вазиятлардаги фаолиятида муваффақиятга фаол интилишлари ташхисланади. Ютуққа эришиш мотиви шахсга туғма ҳолатда берилмайди. Балки мактабгача тарбия ёшида шаклланиб-бориб, бола мактабга қабул қилинаётган даврга келиб, боланинг бекарор шахс сифатига айланиши мумкин. 5-6 ёшли болаларда, ушбу эҳтиёж уларнинг индивидуал сифатларида бир-биридан жуда катта фарқланади. Бунда ютуққа эришиш мотиви кучли бўлган болалар асосан ҳаётида жуда катта муваффақиятларга

эришадилар, агар ушбу эҳтиёж суст ривожланган бўлса, у холда омадсизликлардан қочиш мотиви болаларда юқори ўринда туради.

4.1.«Эслаб қол ва расмларни қайта чиз» методикаси



Болага кетма-кетлик билан иккита расм кўрсатилади, уни бола бир дақиқа мобайнида кўриб чиқиб, эслаб қолиш зарур, сўнгра эса худди шундай катталиқдаги оқ қоғозга қайтадан чизиб бериши тушунтириб бериледи.

Бола томонидан бажарилган иш баллар сифатида баҳоланади ва таҳлил қилинади.

Бола томонидан бажарилган ишнинг сифатий таҳдили

I-расмдаги чизикларнинг бирлашуви

1а. Ҳар қандай бир-бири билан бирлашиб кетмаган чизиклар гуруҳи + 1 балл билан баҳоланади.


1б. Ҳар қайси чизиклар гуруҳи бошқа чизиклар билан бирлашиб кетган бўлса, - 1 балл билан баҳоланади.

Масалан:



2а. Ҳар қайси параллел чизиклар 3 ёки 1 тадан ортиқ чизиклар + 1 балл билан баҳоланади.

2б. Агар параллел чизиклар бир-бири билан бирлашиб кетган бўлса, - 1 балл билан баҳоланади.



Изох

3 а. Ҳар қайси икки ва ундан кўп тўлқинсимон чизиклар, агар уларнинг узунлиги баландликларидан 3 марта катта бўлмаса ҳамда улар билан кесишмаса + 1 балл билан баҳоланади.

3 б. Бунинг акси бўлса - 1 балл билан баҳоланади.

Масалан:  → (+1)

 → (-1).



4. Расмда геометрик фигураларга ўхшаш чизиклар + 1 балл билан баҳоланади. Х ёки бундан истесно

Масалан:

 → (+1).

5. Ҳар қандай 3 ва ундан ортиқ геометрик фигуралардан тузилган ва жамланган расмлар + 1 балл баҳоланади.


Масалан:

 → +1,  → (+2)

6^а. Ҳар бир айлана шаклидаги ва бир неча марта такрорланган, аммо ўртасида бўшлиқ бўлган чизиклар + 1

6^б. Бунинг акси бўлса - 1

Масалан:

 → (+1)  → (-1).

7^а. Ҳар қайси алоҳида жойлаштирилган нуқта + 1

7^б. Ҳар қайси ўз табиий шаклидан катталаштирилган ва икки марта нуқта устида юритилган бўлса - 1 балл билан баҳоланади.

Масалан:

 → (+1),  → (-1)

8^а. 3 ва ундан ортиқ нуқталар жамланмаси + 1 баҳо билан баҳоланади.



8^б. Агар улар бир-бири билан бирлашиб кетган бўлса - 1 балл билан баҳоланади.

Юқоридаги расмлар таҳлиliga умумий изох:

1. Агар 3 ва ундан ортиқ параллел чизиклар, бир хил масофада ва бир хил шаклда тасвирланган бўлса, яъни

 SSS,  

гуруҳ чизиклар деб қабул қилиниб, + 1 балл билан баҳоланади, ёки гуруҳ чизиклари деб юритилмайди. Улар алоҳида якка чизиклар деб юритилиб, + 1 балл билан

баҳоланади  


2. Ҳар қайси синалувчининг натижалари алгебрик усул билан умумлаштирилади.

II – расмда фойдаланилмаган масофалар


Расмда график тасвирлар билан тўлдирилмаган масофа ҳисоблаб чиқилади, энг куйи қисмдан энг чекка қисмигача см ҳисобида ўлчаб борилади, яъни 1 см 1 ва «+» белгиси билан олинади.

III. Диагонал конфигурациялар


Диагонал конфигурациялар деб, $15^{\circ} - 75^{\circ}$ ча масофада тўғри чизиклар бир-бири билан туташтиришига айтилади.



Диагонал конфигурация деб юритилмайди, сабаби у параллелограмм асоси бўлиб қоляпти.


 Бу ҳам юқоридаги каби баҳоланади.

Изох: Ҳар қайси диагонал конфигурация алоҳида баҳоланади. Ҳар бир диагонал чизик алоҳида баҳоланмайди.


Масалан: / + 1 балл; // + 1 балл  + 1 билан баҳоланади, аммо  + 2 балл билан баҳоланади, чунки бу фигура иккита алоҳида конфигурациядан иборат.

IV. S шаклдаги чизиклар

Икки хил эгилишдан ташкил топган ва улар қарама-қарши йўналишга йўналтирилган бўлса, алоҳида баҳоланади.

Масалан:  ва + 1 балл баҳоланади.

V. Тўлқинсимон чизиклар

Ҳар бир  икки ва ундан ортиқ, тўлқинсимон чизиклар бир йўналишда тасвирланмаган бўлса алоҳида баҳоланиб, + 1 балл билан баҳоланади.

Умумий баллар жамланиб, боланинг ютуққа эришиш мотиви тараққиёт кўрсаткичи ва муваффақиятсизликдан қочиш мотиви кўрсаткичи аниқланади.

4.2. «Керакли чехрани танла» методикаси

Ушбу методика америкалик психологлар Р.Тэмпл, Н.Доркий ва В.Амен томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, болаларни хавотирланиш даражасини ташхислаш учун мўлжалланган. Ушбу методика болалар ҳаётида рўй берадиган ҳодиса ва воқеаликларни акс этгирган 14 та расмдан иборат бўлиб, расм икки хил вариантда ўғил ва қизлар учун алоҳида вариантларда берилган. Ҳар бир расм кўншмча равишда иккита болалар юзи берилган, бирида «Қувноқ» ва «Хомуш».

Таклиф қилинган расмларда мактабгача тарбия ёшидаги болаларда ҳар қилиб учрайдиган ҳаётий воқеаликлар тасвирланган ва улар болаларда юқори даражадаги хавотирланиш ҳолатини уйғотиши мумкин. Масалан: 1-расм (кичик болалар билан ўйин), 5-расм (катта ёшли болалар билан ўйин), 13-расм (бола ота-онаси билан) болада ижодий эмоционал кўринишга эга, 3-расм (тажовузкорлик объекти), 8-расм (танқид хайфсан), 10-расм (тажовузкорона ҳаракат) ва 12-расм (ёлғизланиш) салбий эмоционал ҳаракатга эга, 6-расм (ёлғиз ўзини ухлатиш), 7-расм (юз-кўлини ювиш), 9-расм (инкор қилиш), 11-расм (ўйинчоқларни йиғиш) ва 14-расм (ёлғиз ўзи овқатланиш) тасвирлари икки хил, яъни ижобий ва салбий характерга эга. Икки хил характерланган расмлар асосий проектив талқинларга эга.

Тадқиқотчи болага расмларни тартиб раками билан кўрсатиб бориб, уларнинг ҳар бир ига кўрсатма бериб боради. Масалан: 1-расм кичик болалар билан ўйин «Сен нима деб ўйлайсан, боланинг юзи қувноқми ёки хомушми?».

Ҳар бир боланинг оғзаки жавоблари қайдномада белгилаб борилади. Болалардан олинган натижалар ҳам миқдор ва сифат жиҳатдан таҳлил қилинади.

Миқдорий анализ қайдномаси олинган натижалар асосида боланинг хавотирланиш индекси аниқланади.

$$ХИ = \frac{\text{эмоционал негатив танловлар миқдори } X}{14} \cdot 100\%$$

14

3,5 ёшдан 7 ёшгача болалар хавотирланиш кўрсаткичи бўйича қуйидаги 3 шартли гуруҳларга ажратилади:

1. Юқори хавотирланиш даражаси. ХИ 50 % кўи бўлса
2. Ўртача хавотирланиш даражаси. ХИ 20 % дан 50 % гача бўлса
3. Қуйи хавотирланиш даражаси. ХИ 0 % дан 20 % гача бўлса.

Сифат таҳлилида эса боланинг ҳар бир жавоби алоҳида таҳлил қилинади ва унинг атрофидаги одамлар билан мулоқатдаги эмоционал тажрибасига хулоса берилади.

4.3. «Мен кимман» методикаси

Ушбу методика ёрдамида мактабгача тарбия ёшдаги боланинг ўз-ўзини баҳолаши ташхисланади. Тадқиқотчи 10 хил шахс сифатлари ҳақида савол бериб, қайдномада белгилаб боради ва улар балларга айлантирилади.

Натижаларни баҳолаш

«Ҳа» шаклидаги жавоблар 1 балл билан «Йўқ» шаклидаги жавоблар 0 балл билан баҳоланади. «Билмайман» ва «Баъзан» жавобларни 0,5 балл билан баҳоланади. Боланинг ўз-ўзини англаши умумий баллар йиғиндиси билан аниқланади.

Бола тараққиёти ҳақида хулоса:

10 балл - жуда юқори

8-9 балл - юқори

4-7 балл - ўртача

2-3 балл - паст

0-1 баллгача - жуда паст

№	Шахс сифатларини шарҳлаш	Оғзаки жавоблар шкаласини баҳолаш			
		Ҳа	Йўқ	Баъзан	Билмайман
1	Яхши				
2	Меҳрибон				
3	Ақлли				

4	Тартибли				
5	Гапга кирувчан				
6	Эътиборли				
7	Мулойим				
8	Қобилиятли				
9	Меҳнатсевар				
10	Ростгўй				

4.4. Шахслараро муносабатларни ўрганиш методлари

«Бола атрофдаги одамлар билан қавдай муносабатда» методикаси. Ушбу методик саволнома боланинг коммуникатив сифатларини баҳолашга мўлжалланган. Ушбу методик саволнома ёрдамида боланинг атрофидаги одамлар билан коммуникатив қобилиятлари ташхисланади ва бу куйидаги мезонларга асосланади.

1. Меҳрибонлик
2. Одамларга эътиборлилиги
3. Ростўйлиги
4. Мулойимлиги
5. Мулоқатчанлиги
6. Сахийлиги
7. Ҳамиша бировларга ёрдам беришга тайёрлиги
8. Ҳақиқатгўйлиги
9. Ҳаётий қувноқлиги
10. Масъулиятлиги

Ота-оналарга, тарбиячиларга ва қариндошларга мўлжалланган коммуникатив шахс саволномаси.

1. Сизнинг фарзандингиз меҳрибонми?
 - а) ҳа
 - б) йўқ
 - в) баъзан
 - г) билмайман
2. Сизнинг фарзандингиз эътиборлими?
 - а) ҳа
 - б) йўқ
 - в) баъзан
 - г) билмайман
3. Сизнинг фарзандингиз ростўйми?
 - а) ҳа
 - б) йўқ
 - в) баъзан
 - г) билмайман
4. Сизнинг фарзандингиз мулойимми?
 - а) ҳа

б) йўқ

в) баъзан

г) билмайман

5. Сизнинг фарзандингиз мулоқатчанми?

а) ҳа

б) йўқ

в) баъзан

г) билмайман

6. Сизнинг фарзандингиз сахийми?

а) ҳа

б) йўқ

в) баъзан

г) билмайман

7. Сизнинг фарзандингиз ҳамиша бировларга ёрдам беришга 1 айёрма?

а) ҳа

б) йўқ

в) баъзан

г) билмайман

8. Сизнинг фарзандингиз ҳақиқаттўйми?

а) ҳа

б) йўқ

в) баъзан

г) билмайман

9. Сизнинг фарзандингиз ҳаётдан қувноқ ва завқланувчими?

а) ҳа

б) йўқ

в) баъзан

г) билмайман

10. Сизнинг фарзандингиз маъсулиятлими?

а) ҳа

б) йўқ

в) баъзан

г) билмайман

Натижаларни баҳолаш:

Боланинг ҳар бир «ҳа» жавоби 1 балл билан, «йўқ» жавоби 0 балл билан, «билмайман», ёки «баъзан» жавоблари 0,5 балл билан баҳоланади.

10 балл - жуда юқори

8-9 балл - юқори

4-7 балл - ўртача

2-3 балл - паст

0-2 баллгача - жуда паст

4.5.«Ҳаракатдаги танлов» методикаси

Ушбу методиканинг мақсади - мактабгача тарбия ёшдаги болаларнинг шахслараро муносабатини гуруҳларда ўрганиш ва баҳолашдан иборат. Ушбу

методика болалар учун мўлжалланган социометрик методлардан бири ҳисобланади.

Гуруҳдаги ҳар бир болага уни қизиқтирадиган ва ўзида бўлишни хоҳлайдиган предметлар берилади. Бу ҳар хил ўйинчоқлар, расмлар ҳамда пшринликлар бўлиши мумкин. Бола куйидагича кўрсатма олади: сенга берилган 3 та предметнинг ўзингга ёқадиганини энг яқин ўртоқ деб ҳисоблаган одамнингнинг шкафига қўй, кейинги предметни эса ўртача ўртоғинг шкафига, охиргисини эса ўзинг билан унчалик ўртоқ бўлмаган одамнинг шкафига қўй.

Ҳар бир бола ушбу предметларни тарқатиб бўлгандан сўнг, тадқиқотчи ҳар бир болада қанча предмет йиғилгани ҳақида хулоса чиқаради ва боланинг гуруҳдаги социометрик ўрни аниқланади. Бу

$$C = \frac{K}{n-1} \times 100\%$$

куйидаги формула билан ишлаб чиқилади: $n-1$ бунда C -боланинг ўртоқлари билан шахслараро муносабатдаги ўрни, K - эса боланинг ўртоқларидан олган предметлар миқдори, n - гуруҳда тестда қатнашган болалар сони. Натижаларни баҳолаш:

10 балл - агар боланинг кўрсаткичи 100% бўлса 8-9 балл - боланинг кўрсаткичи 80-99% бўлса 6-7 балл - боланинг кўрсаткичи 60-79% бўлса

4-5 балл - боланинг кўрсаткичи 40-59% бўлса 2-3 балл - боланинг кўрсаткичи 20-39% бўлса 0-1 балл - боланинг кўрсаткичи 0-19% бўлса

10 балл - жуда юқори

8-9 балл - юқори

4-7 балл - ўртача

2-3 балл - паст

0-3 баллгача - жуда паст

4.6 Билиш фаолиятини диагностика қилиш методлари

Шахсни исихологик ўрганишда экспериментал методикалар мажмуи қўлланилади (С .Я.Рубинштейн (1970); Б.В.Зейгарник (1976); В.М.Блейхер (1976); Е.Т.Соколова (1980); Л.Ф.Бурлачук, С.М.Морозов (1989). Лекин болалар тараққиётининг психологик диагностика қилиш методларига бағишланган амалий тавсиялар жуда кам. (И.А.Сикорский, 1901; Э.Клапаред 1911; К.Н.Корнилов, 1921; И.В.Крук 1983; А.С.Спиваковская, 1988). Педагогика инсти-тутлари талабалари учун педагогик фаолият амалиётида қўллаш мумкин бўлган аниқ психологик методларни берадиган ўқув қўлланмалари йўқ. Психология бўйича мавжуд ўқув қўлланмалар эса талабаларни болаларни психологик ўрганиш метод ва методикалар билан жуда оз даражада таништиради. (В.С.Мухина, 1985; М.В.Гамезо, И.А.Домашенко, 1986).

Илк болалик даврининг психодиагностикаси турли ёш даврла-рида бола ривожланишини баҳолашда имкон берадиган унинг психик тараққиёт меъёрларига мос ёки мос эмаслигини аниқлаш, мавжуд меъёрдан четга чиқишларини аниқлаш, уни тузатишнинг индивидуал чораларини

режалаштириш ва олдини олиш бўйича воситалар ва методлар мажмуидан иборат.

Турли ёш давридаги болалар гуруҳини текширишда психодиагностика методикалари ўз хусусиятларига эга. Масалан, чакалоқлик давридаги болаларни текширишда сенсомотор ҳаракатларни ўрганишга мўлжалланган методлар қўлланилади: бошини ушлаб туриши, предметларни ушлаши, ўтириши, қайрилиб қараши предметнинг орқасидан кўз билан қараши ва бошқалар. (А.Анастази 1982) 3 сшдан 6 ёшгача бўлган болаларни текширишда содда ҳаракатларни ёки оғзаки қўлланмаларни бажаришга қаратилган топшириқлар берилади. Қалам ва қоғоз, пластилин ва бошқа ўқув воситалари қўлланиладиган топшириқлар бола катта бўлган сайин қийинлаштириб борилади.

Болаларни психологик текширувда чет эл ва собиқ совет психологлари фойдаланадиган анъанавий методикаларни кўриб чиқамиз.

4.7. Сенсомотор таъсирланиш ва диққатни ўрганиш учун методикалар

Инсоннинг сенсомотор соҳаси асосий нерв жараёнлари ҳаракатчанлиги типини, ихтиёрий диққат даражасини, ишга қобилиятлилиқ суръатини характерлайди. Маълумки, бола ҳаётининг дастлабки йилларида жисмоний ва рухий сифатларининг ривожланишида сенсомотор фаоллик бош мия фаолиятида шартли реффлектор алоқаларнинг мустақамланишига имкон беради (Я.П.Фрумкин, С.М.Лившиц, 1979). Улар шу билан бирга темперамент, ирода, ҳиссиёт хусусиятларининг ҳамда билиш психик жараёнларининг ривожланишига имкон беради (Э.А.Толубева, 1980; Э.Б.Аюрова, 1986).

Масалан, 1-2 ёшли болалар сенсомотор соҳасини текширишда анъанавий методлардан фойдаланиб, у ёки бу ҳаракат малакаларининг қандай шакланганлигига, улар маълум ёш давридаги ўртача кўрсаткичи қанчалик мослигига эътибор берилади. Кўпинча бу тадқиқотлар болалар мотор ҳаракат ривожланишидаги кечикишларни аниқлашга қаратилган бўлади. Ҳаракат ривожланишида кечикиш мажудлиги кейинчалик боланинг барча психик тараққиётида кечикиш содир бўлишининг объектив замини сифатида қаралиши керак. Шу билан бирга, эрта юрган бола ўз тенгдошларини барча томондан қолдириб кетади, деб фараз қилиш ҳам хатодир. Бола ҳаётининг биринчи икки йилидаги умумий жисмоний тараққиёт боланинг кейинги ақлий тараққиётини белгиламайди (Р.Н.Муссен, 1987).


Боланинг сенсомотор соҳада ривожланиш даражаси ҳақида унинг атрофидаги турли предметлар, жумладан, ўйинчоқлар билан ҳаракат қилиш хусусиятлари дарак бериб туради. Ўйинчоқдан диагностик қурол сифатида фойдаланиш унинг теварак-атрофидаги ҳодисаларни билишга интилиши ва фаоллик даражасида ҳамда предметлардан фойдаланишда амалий кўникмаларнинг

мажудлигини аниқдаш имконини беради. Каттароқ болаларни текширишда конкрет психологик методикалардан фойдаланиш мумкин.

Чунки худди шу даврдан бошлаб, сўзли топшириқларни бажариш бўйича йўл-йўриқларни тушуна бошлайди, унда зарур шахсий сифатлар шаклланган бўлади, билишга қизиқиш риножланган бўлади, у катталар билан бирга экспериментал психологик тадқиқотларда нисбатан узоқроқ иштирок этиш холатида бўлади.

СЕГЕН ДОСКАСИ

Бу методика олигофренопедагогика асосчиларидан бири ').('егсн гомонидап ишлаб чиқилган бўлиб, боланинг шаклларни фарқлаш қобилиятини аниқлашга, моторика хусусиятларини ўрганишга қаратилган (Н.А.Шиварев, 1970).Қаттиқ қоғоз ёки кардонга 1-расмдаги фигуралар чизилади.



1-расм. Сеген доскаси

Кейин уларни эҳтиёткорлик билан қирқиб олинади. Ҳар бир иариант бир-биридан мураккаблиги билан ажралиб туради: №1 -доскада 2 та ҳар хил бутун фигуралар бор; №2 - доскада 2 та фигура бўлиб, уларнинг ҳар бири икки қисмдан иборат; №3 -доскада ҳар бири икки ва уч қисмдан иборат 4 та фигура; №4 –доскада икки қисмдан иборат 5 фигура.

Болага 10 сония давомида доска кўрсатилади. Кейин доскадаги фигуралар стол устига тушадиган қилиб ағдарилади. Экспериментатор уларни аралаштириб, ҳар бир фигурани ўз жойига қўйишни боладан сўрайди. Тажриба бошида экспериментатор 2-3 намунани кўрсатиб бериши мумкин, ҳар бир фигурани ўз жойига қўйишни болдан сўрайди. Тажриба бошида экспериментатор 2-3 намунани кўрсатиб бериши мумкин. Кейин боланинг ўзи топшириқни қандай бажараётганини диққат билан кузатади. Бунда бола «синаш ва хато қилиш» каби ҳаракатлар қиладими, фигураларни жойига қўйишда бола қанчалик диққат-эътиборли, бунда у қанчалик ўрганади, тадқиқотчи шу қабиларга эътибор бериб, кузатиши керак. Биринчи топшириқни бажаргандан сўнг, кейинги қийинроқ топшириққа ўтилади. Синалувчининг ҳар бир топшириқни бажариш вақти, унинг қилган ҳаракатлари махсус қоғозга ёзиб борилади. (3-жадвал)

Синалувчи топшириқларни ўзи бажара олмаса, 1 дақиқадан сўнг унга ёрдамлашиш мумкин.

3-жадвал

Фигураларни жойлаштириш бўйича топшириқларни бажариш қарори

Доска №	Синалувчи ҳаракатлари	Кўрсатилган ёрдам тури	Топшириқни бажариш вақти

--	--	--	--

Бу методика жуда содда бўлиб, 3 ёшдан катта болаларни тек-пширишда фойдаланиш мумкин. Болалар фигураларни ўйин деб қабул қилиб, бу топшириқларни қизиқиб ўйнайдилар.

V.КИЧИК МАКТАБ ЁШИДАГИ ЎҚУВЧИЛАР ПСИХОДИАГНОСТИКАСИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Болаларда мактабга чиқиш вақтида психологик ривожланиш даражасига кўра ўзига хос хусусиятлар пайдо бўлади. Бу хусусиятлар шундан иборатки, болалар бир-бирларидан интеллектуал-ахлоқий жиҳатдан фарқланадилар. Улар бир хил кўрсатма на психодиагностик ҳолатга ҳар хил жавоб беришлари мумкин. Яъни мактабга кираётган болаларга катталар учун мўлжаллаш ап иеиходиагностик тестлар мос келади. Баъзи ривожланиши паст бўлганларига боғча ёшидаги болалар учун мўлжалланган тестлар тўғри келади. Асосан, ўз-ўзини вербал баҳолаш, ташки муҳитни онгли баҳолаш ҳолатидаги тестларда бу аниқ билинади. Шунинг учун кичик мактаб ёшидаги болаларда у ёки бу психодиагностик тестни ўтказишдан аввал боланинг реал психологик ривожланишига мос келувчи тестни танлаб олиш керак. 6-7 ёшдаги болаларни мактаб таълимига тайёргарлигига оид эмпирик маълумотларга кўра, 50 % дан 80 % гача болалар у ёки бу жиҳатдан бошланғич таълим дастурини ўзлаштиришга тайёр эмас. Кўп болалар мактабга чиқишга тайёр бўлсалар-да, ақлан 5-6 ёш даражасида ривожланган бўладилар. Агар бундай болага унинг учун мураккаб ва қизиқарсиз психологик тестлар берилса, бу тестлар ривожланган ақл, диққат-эътибор ва хотира талаб қилганлиги сабабли, улар тестни бажара олмайдилар. Бу интеллектуал қобилиятнинг йўқлиги эмас, шахсий психологик ривожланиш етарли бўлмаганлиги сабабли содир бўлади.

Агар вазифани ўйин сифатида қизиқарли қилиб берилса, тест натижаси юқори бўлиши мумкин. Мазкур ҳолатлар болалар пходиагностикасида амалий психологлар томонидан ҳисобга олиниши керак.

3-4 синф ўқувчилари учун қизиқарли ва катталарга сўлжалланган тестлар ҳам тўғри келиши мумкин. Тест ўтказишда фаоллик руҳий қизиқиш юқори бўлса, натижа ҳам юқори бўлади. Агар катталар тест вақтида онгли равишда иродасини ишга солиб ўзини бошқара олсалар, кичик ёшдаги мактаб болалари ва ҳатто ўсмилар ҳам буни бажара олмайдилар. Катталар учун мўлжалланган тестларни кичик мактаб ёшидаги болаларга қўллашда маълум чеклашлар мавжуд. Бу чекланишлар шахслараро муносабатлар, шахс ва идрокни таҳлил қилишга мўлжалланган тестларга тегишлидир. Катталар учун қўлланилаётган интеллектуал (ақлий) тестларнинг кўпчилиги сўз-мантиқий тафаккурнинг ривожланиш даражасини аниқлаш учун ишлатилади. Бу хусусият кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларида тараққий этиб, ўсмирлик даврига келиб ривожланиши тугалланади. Амалиёт ва ҳаётдаги ўрнига кўра, кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларида кўрғазмали-ҳаракат ва кўрғазмали-образли тафаккур сўз-мантиқий тафаккурдан устун туради. Бундан ташқари катта одамлар учун мўлжалланган тестлар уларнинг ҳаётий тажрибасини

хисобга олган ҳолда тузилади. Шунинг учун бу тестлар кичик болаларда қўлланганда жиддий ёндашиш ва соддалаштирилиши лозим. Баъзан кичик мактаб ёшидаги болалар учун янги вариантдаги тестлар тузишга тўғри келади. Бу ҳолатда янги муаммо туғилади, яъни бир психологик сифатни, тузилиши ва маъноси ҳар хил тестларнинг натижасини солиштириш орқали аниқлаш лозим бўлади. Катталарни турли тестлар ёрдамида баҳолаш, уларни солиштиришни талаб қилади ва доимо бир хил натижа бермайди. Тестлараро солиштиришнинг натижаси ўтказиш коэффициенти билан баҳоланади. Бунда бир тестдан иккинчи тестга ўтишда мумкин бўлган хато кўзда туталади. Ўтказиш коэффициенти бир психологик хусусиятни баҳолаш учун мўлжалланган икки усул натижалари сифатида қаралади.

Ўтказиш коэффициенти учун текширилувчиларнинг сони етарли даражада кўп бўлиши, шахсий кўрсаткичлар дисперцияси эса жуда кичик бўлиши керак. Масалан: ўсмирлар Векслернинг болалар ва катталар учун мўлжалланган тестларидан, 1- да 100 % кўрсаткич, 2 - да эса 85 % кўрсаткич билан баҳоланишди. Ўтказиш коэффициенти 1,25 ни ташкил қилади. Бу коэффицент кичик мактаб ёшидаги болалар учун мўлжалланган тест натижасини катта ёшдагилар учун мўлжалланган тест натижасига бўлиб олинади. Олинган 1,25 натижа амалий психолог учун болаларни кичик ёшдаги болалар тест варианты билан текшириб, ўсмирларни катта ёшдаги одамлар теста билан текшириш, бу бевосита кўрсаткичларни 1,25 га бўлиб ёки кўпайтириб, катта ёшлилар тести натижасига солиштириш имконини беради.

Катта ёшлилар учун мўлжалланган шахсни ўрганувчи тестларни болалар психодиагностикасида қўллашдаги чекланишлар жиддий аҳамиятга эга, чунки катталардаги сифатлар кичик болаларда бўлмаслиги мумкин. Аксинча, кичик болалардаги ўзига хос хусусиятлар катталарда бўлмаслиги ҳам мумкин. Шунинг учун катта ёшлилар тести етарли даражада валидликка эга бўлмаслиги мумкин. Биринчи томондан, ҳали боладаги йўқ хусусиятни баҳолаш керак бўлади. Иккинчи томондан, улардаги бирор бир хусусиятни баҳоламай қолиш мумкин.

Бу ҳолатдан чиқиш учун катта ёшлилар тестини болалар учун қўллашда унинг психологик ўсиши ва ёшга боғлиқ психологик хусусиятларини билиш лозим. Буларни билган ҳолда тест натижаларини баҳолаш мумкин. Болалар ва катталарнинг шахсий ривожланиш даражасини бевосита солиштириш, баҳолаш жуда қийин катталар шахсини миқдорий баҳолашдан кўра сифат жиҳатдан баҳолаш муҳимроқдир. Лекин миқдорни баҳолашнинг хдм алоҳида ўрни мавжуд.

Тавсия этилаётган психодиагностик методлар тазими мактабга кираётган кичик ёшли болаларнинг ва бошланғич синф ўқувчиларининг ақлий жараёнларини, шахсий ва шахслараро муносабатларини, улардаги амалий кўникмаларни баҳолаш мақсадида фойдаланилади. Бу тизим асосида болаларни мактабга психологик тайёргарлигини, уларнинг бошланғич синфларда ўзлаштириш даражасини баҳолаш мумкин. Бундай психодиагностик баҳолаш комплексига куйидагилар киради:

1. Атроф-муҳитда умумий мўлжал олиш.
2. Болаларнинг мактаб таълимига муносабати.
3. Диққат-эътибор.
4. Хотира.
5. Тафаккур.
6. Нутқ.
7. Бадиий-тасвирий қобилият.
8. Мактаб малакаси ва кўникмалари.
9. Муваффақиятга эришиш мотивлари,
10. Шахс хусусиятлари.
11. Шахслараро муносабатлар.

“Бу тўпламга методикалардан фойдаланиб, боланинг мактабга тайёргарлиги ёки тайёр эмаслигини баҳолаш ва ўз ривожланишидан олдинда бораётганлигини аниқлаш мумкин. Бу усуллар боланинг қобилиятларини аниқлаш ва у билан мақсадга мувофиқ ҳолда машғулоти олиб боришга ёрдам беради. Методикалар тўплами мактабдаги маълум бир тарбиявий ишларнинг самарадорлигини тўғри баҳолаш имконини бериш билан бирга 6-7 ёшдан 10-11 ёшгача бўлган болаларни ўрганишда қўллаш мумкин бўлган усулларни ҳам ўз ичига олади. Бу усуллар ёрдамида олинган баҳолар битта ягона стандарт тизимга ўтказилади ва кичик мактаб ёшидаги мактаб ўқувчисининг психологик ривожланиши индивидуал харитасига ёзилади. Тўпламга 3 хил типдаги методикалар киритилган.

1. Бола энди мактабга кираётганда қўлланиладиган услублар.
2. Мактаб таълимига тайёргарлигини ва руҳий ривожланганлигини баҳоловчи тестлар.
3. Боланинг руҳий ривожланишини аниқловчи тестлар. Болалар учта асосий соҳада - билиш жараёнлари, шахс хусусиятлари, шахслараро муносабатлар асосида психологик жиҳатдан ўрганилади. Агар боланинг руҳий ривожланиш даражаси баҳоланиши зарур бўлса, уларнинг ҳар бири махсус усуллар билан баҳоланиши мумкин.

Бу тўпламдаги методикалар диққат, тафаккур, хотира, нутқ ва идрокнинг ривожланиш даражасини аниқлайди. Ўқув фаолияти мотивацияси, муваффақиятга эришиш, ўртоқлари ва катта ёшлилар билан муносабат хусусиятларини аниқлашга қаратилган. Психологияда ҳар бир билиш жараёнларини ўрганишда турли-туман натижалар олинганлиги сабабли методикаларнинг минимал аниқлигига эътибор берилган. Биринчидан, бола тарбиясига таъсир этувчи ҳолатлар, иккинчидан, ўқитиш ва тарбия таъсирида шаклландирган хусусиятлар, масалан: диққат - эътибор, хотира, идрок тафаккур, нутқ, тасаввур, муваффақият мотивацияси ва шу қабилар. Ҳар бир методика битта кўрсаткични баҳолашга имкон беради ва 5-10 минут вақт талаб қилади. Ҳар бир болани ҳар томонлама текшириш учун 3-6 соат вақт керак бўлади. Тавсия этилаётган услублар ёрдамида болани психодиагностика қилиш қуйидаги вазифалар ечимини беради:

1. Мазкур бола қандай ривожланаётганлигини аниқлаш.
2. Боладаги лаёқат ва қобилиятни ўз вақтида аниқлаш.

3. Ўқишдан ортда қолиш ёки нотўғри тарбиянинг сабабини топиш.

4. Келажакда танланадиган касбга тайёрланиш ва танлаш учун болага, ўқитувчига ва ота-оналарга илмий асосланган тавсиялар бериш.

Бу методикалар ёрдамида болани текширишда вақтни тежашнинг яна бир усули яқка тартибда эмас, балки гуруҳий текшириш олиб боришдир. Бу шарт-шароитлар тўғрисида ҳар бир услубдан кейин ёзма изоҳлар берилган. Агар изоҳлар йўқ бўлса, бу услубни ҳам яқка тартибда, ҳам гуруҳ шароитида қўллаш мумкин.

Психодиагностик текширишга киришишдан олдин қуйидаги иларни бажариш лозим:

1. Методика матнини диққат билан ўқиб, танишиб чиқиш керак.
2. Изоҳлар мавжуд бўлса, уни ўқиш лозим.
3. Методикани қўллаш учун керакли нарсаларни тайёрлаш.
4. Методика ёрдамида ҳеч бўлмаса 1 та болани синов учун мукамал текшириб, натижаларни таҳлил қилиб кўриш лозим.

5.1. Боланинг мактаб таълимига тайёргарлиги ва билиш жараёнлари ривожланиш даражасини аниқлаш методлари

Болаларнинг маиший турмуш ҳақидаги тушунчаларини аниқлаш, атроф-муҳитда мўлжал ола билишини ўрганиш. Боланинг турмуш ҳақидаги тушунчалар бойлигига: ўзи, яқинлари, қариндошлари, атрофдагилари, у яшаётган ҳудуддаги кишилар, буюмлар ҳақидаги тушунча ва билимлари киради. Бундай билимлар боланинг ёши ошган сари ортиб боради.

Турмуш ҳақидаги тушунчалар бойлигини тадқиқ этиш учун 6-7 ёшдан 10-11 ёшгача болаларга бериладиган саволлар 10 тадан ошмаслиги керак. Ҳар бир ёш учун саволлар маъно жиҳатидан бир хин бўлса ҳам, лекин аста-секин мураккаблашиб боради. Масалан: миктабгача тарбия ёшидаги болага «Исминг нима?» деб савол берсак 1-синф ўқувчисига бу савол бироз бошқача берилади: «Исминг ва фамилиянг нима?», 2-синф: «Ота-онангни исми ва фамилияси қандай?», 3-синф: «Бувинг ва бувангни фамилияси ва исми қандай?» тарзида ўзгариб боради. Саволларнинг ҳар бир ёш хусусиятларини, шу ёшдаги турмуш ҳақидаги тушунчалар бойлигини, шу саволларга жавоб бера олиш қобилиятини ҳисобга олиб тузилганлиги юқоридаги мисолдан ҳам кўриниб турибди. Ҳар бир ёшдаги бола шу саволларга жавоб бера олишига қараб балл билан баҳоланади.

Қуйидаги методикада жавоблар 0-1 балл билан баҳоланади. Лекин баъзан шундай ҳолатлар ҳам бўладики, боланинг жавобини 0 ёки 1 балл билан баҳолаб бўлмайди, шунинг учун мезонга 0,5 баллни киритишга тўғри келади. Баъзан саволларга жавоб бериш жараёнида бола саволга билмагани учун эмас, бу саволга жавоб бериш имконияти йўқлиги ёки ҳоҳдамагани учун жавоб бермаслиги ҳам мумкин ва тадқиқотчи бундай ҳолатни эътиборга олиши керак.

«Болаларнинг теварак-атрофдаги умумий йўналиши ва маиший билимлар бойлиги»

Методиканинг ушбу варианты мактабга қабул қилинаётган болалар учун мўлжалланган. Шунингдек 1-5 синф ўқувчиларининг теварак-атрофдаги йўналиши, маиший билимлар бойлиги ҳам шунга ўхшаш вариантлар орқали ўрганилади. Жавоблар таҳлили, баҳолар чиқариш, шу асосда тараққиёт даражасини белгилаш ўртасида ҳам ўхшашлик мавжуд. Мактабга энди қабул қилинаётган болалар учун саволлар:

1. Исминг нима? (фамилияни исми билан бирга айтиш хато ҳисобланади).

2. Ёшинг нечада?

3. Ота-онангни исмлари нима?

4. Сен яшаётган шаҳар қандай номланади?

5. Сен яшаётган кўча қандай номланади?

6. Сенинг уйинг ва квартирангни номери қандай?

7. Қандай ҳайвонларни биласан? Улардан қайсилари ёввойи ва қайсилари уй ҳайвонлари? (камида иккитадан ҳайвон номини айтиши керак).

8. Йилнинг қайси фаслида дарахтлар барг чиқаради ва қайси фаслда тўкилади?

9. Куннинг сен уйғонадиган, тушлик қиладиган ва ухлашга тайёрланадиган пайти нима деб аталади?

10. Сен фойдаланадиган кийимлар ва ошхона жиҳозларининг номларини айтгин?

(тўғри жавоб - 3 тадан кам бўлмаган кийимлар ва 3 тадан кам бўлмаган ҳар хил ошхона жиҳозлари айтилиши керак)

Ҳар бир саволга берилган тўғри жавоб учун бола 1 баллдан олади. Максимал балл, бола барча саволга тўғри жавоб берса 10 баллни ташкил этади. Ҳар бир саволга жавоб бериш учун 30 секунд вақт ажратилади. Шу вақт ичида жавоб бермаса, хато деб ҳисобланади ва 0 балл билан баҳоланади.

Барча саволларга тўғри жавоб бериб, 10 баллни қўлга киритган бола мактабда ўқиш учун тўлиқ психологик тайёр ҳисобланади. Шу вақт ичида болага кўшимча саволлар ҳам бериш мумкин, аммо айтиб бериш керак эмас.

1-синф учун саволлар

1. Сенинг фамилиянг, исминг ва отангнинг исми нима?

2. Ойинг ва дадангнинг ёши нечада?

3. Бувинг ва бобонгнинг исмлари нима?

4. Сен яшаётган давлатнинг пойтахти қандай номланади?

5. Сенинг кариндошларинг яшайдиган кўча қандай номланади?

(Бу саволга тўғри жавоб учун ҳеч бўлмаганда қариндошларк яшайдиган кўчалардан бирининг номини тўғри айтиши керак).

6. Сенинг кариндошларинг ёки танишларингнинг уй номери ва квартирасининг номери қандай?

7. Уйингиз атрофида учратиш мумкин бўлган қушларни сана?

8. Қайси ойда қор ёғади ва қачон эрий бошлайди?

9. Сен мактабга асосан соат нечада кетасан ва мактабдан келасан? (тўғри жавоб соат билан бирга минути ҳам кўрсатилгани ҳисобланади?).

10. Уйларингда бор бўлган асбобларнинг номини айт? (Бу саволга тўғри жавоб - учтадан кам бўлмаган асбобларнинг номи айтилса).

2-синф учун саволлар.

1. Сенинг ота-онангни исми, фамилияси ва отасининг исми нима?
2. Аканг ёки синглингнинг ёши нечада?
3. Бирон-бир яқин қариндошларингни фамилияси, исми ва отасининг исми нима?
4. Сен яшайдиган вилоятнинг бош, катта шаҳри қандай номланади?
5. Сенинг қариндошларинг ёки танишларинг яшайдиган шаҳар ва кўча қандай номланади?
6. Сенинг тоганг ёки холанг яшайдиган уй ва квартира номери қандай? (тўғри жавоб учун иккаласидан бирининг манзилени тўғри айтса етарли).
7. Ўрмонда яшайдиган ҳайвонлар қандай номланади? (тўғри жавоб учун улардан камида тўрттасини номини айтиши керак).
8. Қайси ойда дарахларда куртаклар пайдо бўлади? Қайси ойдан бошлаб сен яшайдиган ерда барглар саргаяди?
9. Ойинг ва даданг асосан соат нечада ишдан қайтишади? (тўғри жавоб учун минутини айтмасдан соатини айтсагина кифоя).
10. Уйларингда мавжуд бўлган барча жиҳозларни айт? (тўғри жавобга камида учта ҳар хил жиҳоз номини айтиши керак).

3-синф учун саволлар

1. Бувинг ва бобонгнинг исми, фамилияси ва отасининг исми нима?
2. Бувинг ва бобонгни ёши нечада? (Агар улар ҳаёт бўлмаса, уларнинг ҳаётлик вақтларидаги охириги йилидаги ёши нечада).
3. Узок қариндошларингдан биронтасини фамилияси, исми ва отасининг исми нима? Аввал ким ҳақида гапирмоқчи эканлигингни айт? (Бу саволга жавоб ҳеч бўлмаганда узок қариндошларидан бирини номини айтиши ҳисобга олинади).
4. Сен яшайдиган туман қандай номланади? (Бу саволни бир неча марта ўзгартириш мумкин).
5. Сенинг ота-онанг туғилган шаҳар қандай номланади? (Тўғри жавоб боланинг ота-оналаридан бирини туғилган жойини айтиши керак).
6. Қариндошларингнинг телефон номери қандай? (Тўғри жавоб учун фақат битта номер айтса кифоя).
7. Дарёда яшайдиган баликларнинг номларини сана?
8. Дунёнинг қайси мамлакатларида қиш ёки ёз бўлмайди?
9. Асосан соат нечада нонушта ва кечки овқат қиласан? (Тўғри жавобга соат ва минутни айтиши керак).
10. Транспорт воситаларини баъзи бирлари қандай номланади? (Тўғри жавоб учун транспортларнинг номини учтадан кам айтмаслиги керак).

4-5 синфлар учун саволлар.

1. Сенинг тоганг ёки холангнинг фамилияси, исми ва отасини исми нима? (Қариндошларидан ҳеч бўлмаганда бирини фамилияси, исми ва отасининг исминини айтиши кифоя).

2. Тоганг ёки холагнинг ёши нечада? (Тўғри жавоб учун улардан бирининг ёши кўрсатилиши керак).

3. Қўшниларингдан бирининг фамилияси, исми ва отасини исми нима? (Тўғри жавоб учун ҳеч бўлмаганда битта қўшнисини айтиши етарли).

4. Сенинг Республиканинг билан чегарадош бўлган давлатлар пойтахтлари қандай номланади? (Бу саволга тўғри жавоб учтадан кам бўлмаган давлат пойтахтини айтиши зарур).

5. Сенинг бувинг ва бобонг туғилган шаҳар қандай номланади?

6. Қариндошларинг яшайдиган шаҳарларга қандай кўнғироқ қилиш керак? (Тўғри жавоб ҳеч бўлмаса бирига қандай кўнғироқ қилиш мумкинлигини айтиши ҳисобга олинади).

7. Денгизда яшайдиган ҳайвонлар қандай номланади? (Тўғри жавоб шундай ҳайвонлардан камида иккитасини айтиши керак).

8. Дунёнинг қайси мамлакатлари жуда совуқ ва жуда иссиқ? (Тўғри жавоб учун ҳеч бўлмаганда шундай мамлакатлардан бирини, қайсиниси экватор зонасида жойлашган ва шимолий қутбга яқин бўлган биронта мамлакат айтилиши лозим).

9. Шанба ва якшанба кунлари соат нечада телевизорда сенинг сеvimли кўрсатувларинг бошланади? (Тўғри жавоб учун бундай кўрсатувлардан камида иккитасининг соати, минутини айтиши керак).

10. Бирон бир қизиқарли нарсани қаердан ўқиш мумкин? (Китоблар, газеталар ва журналлар назарда тутилади).

5.2. «Боланинг мактаб таълимига муносабати» методикаси

Бу методиканинг мақсади мактабга янги қабул қилинаётган ўқувчиларда ўқиш мотиви ёки ўқишга қизиқишлари бор-йўқлигини аниқлашдан иборат. Боланинг ўқишга муносабати, бошқа руҳий белгилар билан бир қаторда ўқишга ва мактабга тайёр ёки тайёр эмаслигини белгиловчи ҳолатдир. Боланинг билиш жараёнлари нормал бўлса ҳам, бошқа болалар билан ўзаро муносабатлари қониқарли бўлса ҳам уни мактаб таълимига тайёр, деб айтиш қийин. Ўқишга қизиқиш бўлмаса ҳам иккита руҳий тайёргарлик белгиси - яъни билиш жараёнлари, коммуникативлик қобилиятлари яхши ривожланган бўлса, ўқишнинг дастлабки босқичида мактабга ва билим олишга бўлган қизиқиш уйғониши мумкин. Амалиёт шуни кўрсатадики, айтиш кичик мактаб ёшидаги болаларни 0 баллик ва 1 баллик мезон орқали баҳолаш билан чекланмаслик керак.

Биринчидан, бу ерда қийин саволлар бўлиши мумкин, шунинг учун болалар бирига тўғри, бирига нотўғри жавоб бериш эҳтимоли бор.

Иккинчидан, берилаётган жавобларнинг бир қисми тўғри, бир қисми нотўғри бўлиши ҳам мумкин.

Агар бола қийин саволларга тўлиқ жавоб бера олмаса, 0,5 балл билан баҳоланади, тўғри, шубҳа уйғотмайдиган тўлиқ, яхши баҳога лойиқ жавоб берса 1 балл билан баҳоланади, жавоб бир томонлама ёки тўлиқ бўлмаса 0,5

балл билан баҳоланади. Масалан, 2-савол: «Нима учун мактабга бориш керак?» -деган саволга тўлиқ бўлиш, учун шундай жавоб бериши керак:

«Керакли билим, кўникма ва малакалар ҳосил қилиш учун». Нотўлиқ жавоб «Ўқиш учун». Нотўғри жавобларда у билим олиш, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Масалан, «Мактабда маза қилиб ўйнаймиз». Агар кўшимча саволдан кейин бола тўлиқ жавоб берса 1 балл, кўшимча саволлардан кейин ҳам ўз фикрларига ҳеч қандай ўзгартириш киритмаса 0,5 балл.

Натижалар таҳлиliga кўра 8 баллдан юқори балл тўплаган болалар мактаб таълимига тўлиқ тайёр, 5-8 балл тўплаганлар тўлиқ тайёр эмас, 5 баллдан кам тўплаганлар эса мактаб таълими учун тайёр эмас деб топилади.

Болаларга тавсия этиладиган саволлар.

1. Мактабга боришни хоҳлайсанми?
2. Нима учун мактабга бориш керак?
3. Мактабда нима билан шугулланасан? (одатда мактабда нима қилишади).
4. Мактабга боришга тайёр бўлиш учун нима қилиш керак?
5. Дарс нима? Унда нима билан шугулланишади?
6. Мактабдаги дарсларда ўзини қандай тутиш керак?
7. Уй вазифаси нима?
8. Нима учун уй вазифаси бажарилади?
9. Мактабдан уйга келиб нима билан шугулланасан?
10. Мактабга бориб ўқий бошласанг, ҳаётингда қандай ўзгаришлар рўй беради?

Саволнинг мазмунига мос келувчи жавоблар тўғри деб қабул қилинади. Агар нотўлиқ бўлса, кўшимча саволлар берилади. Ҳар бир саволнинг маъносини бола тўғри тушунганлигига аҳамият бериш керак.

Ушбу методика бўйича болалар тўплаши мумкин бўлган максимал балл - 10 бўлиб, бу боланинг руҳий жиҳатдан мактаб таълимига тўла тайёр эканлигини билдиради.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Боланинг мактабда ўқишга психологик тайёрлигининг мезонлари?
2. Боланинг мактабда ўқишга психологик тайёрлигини қандай методикалар орқали аниқлаш мумкин?

VI. ДИҚҚАТНИ ДИАГНОСТИКА ҚИЛИШ МЕТОДЛАРИ

Диққатнинг барқарорлиги ва маҳсулдорлигини аниқлаш.

Болага Ландольт ҳалқачалари тасвирланган варақ кўрсатилади ва куйидагича кўрсатма берилади: (7-илова).

«Ҳозир биз сен билан битта ўйин ўйнаймиз. Бу ўйиннинг номи «Диққатингни бир жойга тўпла ва тезроқ ишлашга ҳаракат қил» дсб аталади. Бу ўйинда сен бошқа болалар билан мусобақалашасан. Биз сени қандай натижага эришганингни кўрамиз ва бошқа болаларнинг натижалари билан солиштирамиз. Мен ўйлайманки, сенинг натижаларинг ҳам бошқаларникидан қолишмайди». Болага Ландольт ҳалқачалари варақаси

кўрсатилади ва нима қилиш кераклигини тушунтирилади. Ҳалқа каторини навбатма-навбат диққат билан кўриб чиқиб, улардан кўрсатилган ёриғи борини топиб, ўчириб ёки чизиб чиқиши керак.

Бу иш 5 минут вақт давомида бажарилади. Текширўвчи ҳар бир минут орасида «Чиз» деган сўзни айтади. Бола Ландольт ҳалқаларини кўриб чиқаётганда, қаерга келган бўлса, ўша жавобга шу буйруқдан сўнг вертикал чизиқ чизади. 5 минут вақт ўтгач, текширилувчи «Тўхта» деган буйруқни эшитганда сўнг ўша ерга 2 та вертикал чизиқ чизиб, ишни тўхтатиши керак. Тадқиқотчи натижаларни таҳлил қилар экан, бола томонидан 1 минутда ва умумий 5 минутда қанча халқаларни кўриб чиққан, 1 дақиқада ва 5 минут давомида нечта хатога йўл кўйганлигини аниқлайди. Бола диққатини маҳсулдорлиги ва барқарорлиги қуйидаги формула асосида аниқданади.

$$S = \frac{0.5 N - 2.8n}{Q}$$

Бунда S - диққатнинг маҳсулдорлиги ва барқарорлиги, N -бола томонидан ҳар бир минутда кўриб чиқилган халқалар миқдори, n -бола томонидан йўл кўйилган хатолар миқдори.

Натижанинг миқдорий таҳлилида ҳар бир 60 секундлик вақт учун алоҳида формула асосида ҳисоб бажарилади.

Барча S - кўрсаткичлари учун график чизилади.

Ушбу график асосида бола диққатининг маҳсулдорлиги ва барқарорлиги динамикасининг ўзгариши ҳақида хулоса чиқариш мумкин.

6.1.«Диққатнинг бўлинишини баҳолаш»

Бу методикани ўтказиш учун Ландольт халқалари керак бўлади. Энди болага юқоридаги методикадаги каби ҳаммасини эмас, балки икки хил типдаги халқаларни икки хил усул билан белгилаш тошнириғи берилади (7-илова).

Натижалар таҳлили юқоридаги методикадаги сингари амалга оширилади.

6.2. «Диққатнинг кўчишини баҳолаш»

Бу методикани ўтказиш учун Ландольт халқалари керак бўлади.

Болага қуйидаги кўрсатма берилади. 1 минут оралиғида фақат бир типдаги халқаларни, иккинчи вақт оралиғида иккинчи хил типдаги халқаларни, белгилаб боришингиз керак. Шу ҳолат 3-4-5 чи вақт оралиғида ҳам такрорланади. Натижалар юқоридаги методикадаги каби таҳлил қилинади (7-илова).

Ландольт халқалари. Диққатнинг хоссаларини ўрганиш учун

6.3. «Диққат ҳажмини аниқлаш»

Кичик мактаб ёши ва ундан катта ёшдаги ўқувчилар диққатининг ҳажми мактабгача тарбия ёшидаги болаларга қўлланган методика асосида аниқланади. Бу методиканинг моҳияти шундан иборатки, унда болага 1-2 секунд давомида 8 та карточка навбатма-навбат кўрсатилади. Текширилувчи

бу расмдаги предметларни эслаб қолиб, нималар тасвирланганинг айтиш зарур.

Бола диққатининг ҳажми 10 баллик тизимда баҳоланади.

10 балл - диққатнинг ҳажми 6 бирлик ва ундаи юқори.

8-9 балл - диққатнинг ҳажми 4-5 бирликни ташкил этади.

4-7 балл - диққат ҳажми 2-3 бирликни ўз ичига олади.

0-3 балл - диққат ҳажми 2 бирликдан кам бўлса.

10 балл - тўплаган болалар нафақат мактаб таълимига тўла тайёр, балки тенгдошларидан анча илгарилаб кетган.

8-9 балл - бола мактаб таълимига тўла тайёр, лекин 3-4 синф ўқувчилари учун нормадан биров паст ҳисобланади.

4-5 балл - мактабга энди бораётган бола учун бу кўрсаткич қониқарли, лекин мактаб ўқувчиси учун жуда паст.

0-3 балл - бу кўрсаткич мактабгача ва кичик мактаб ёшидаги болалар учун етарли даражада, яхши ривожланмаган диққатнинг ҳажмига эга. Бундай болалар мактаб таълимига тайёр эмас.

6.4. Пьерон - Рузер методикаси

Методика қуриш-ясаш хусусиятлари, мақсадга йўналган кўникмаларни эгаллаш имкониятларини, ҳаракатларнинг янги усулларини ўзлаштиришни ўрганишга мўлжалланган. Бу методика ёрдамида ихтиёрий диққат ҳажми, унинг барқарорлиги ҳақида билиб олиш мумкин. Таҷриба ўтказиш учун 10 қатордан геометрик фигуралар чизилган махсус қоғоз вароғи олдиндан тайёрланади (2-илова).

Юқоридаги тўртта фигурага турли белгилар қўйиб чиқилиб, қоғоздаги бошқа фигураларга ҳам худди шундай белгилар қўйиб чиқиш синалувчига таклиф этилади. У ўз ҳаракатларини намуна билан солиштиришга мумкин. Олинган натижаларни таҳлил қилиш ва қайта ишлашда 100 та фигурани чизишга кетган вақт, бўлиши мумкин бўлган хатолар сони, топшириқни бажариш характерини таҳлил қилишда ёш меъёрларини ҳисобга олиш зарур (4-жадвал).

4-жадвал.

7-8 ёшли болалар учун Пьерон - Рузер методикаси бўйича қоғозни тўлдириш нормалари (М.П.Кононова натижалари, 1963) ,

Тўлдириш вақти	Хатолар сони	Сифати (%) 0
1 дақиқа 15-сония	-	100
1 дақиқа 45-сония	2	60
1 дақиқа 50-сония	3	50
2 дақиқа 10-сония	6	20

сония		
-------	--	--

Бунда синалувчининг чалғиганлиги, ишни давом эттириш за-рурлиги хақида эслатилганлиги ва ҳоказолар эътиборга олинади.

Диққатнинг кўчиши, узоқ давом этадиган ақлий ишга қобилиятини ўрганиш мақсадида И.В.Крук (1986) томонидан таклиф этилган методиканинг ўзгартирилган вариантини қўллаш мумкин. Унинг мазмуни қуйидагича: Бола 1-чи қоғозни тўлдиргандан сўнг, тўлдириш қўлланмаси ўзгартирилиб, 2-чи қоғозни таклиф этилади; ўша белгиларни бошқа геометрик фигураларга қўйиб чиқиш керак. Кейин 3-чи қоғоз кўрсатилади: тоқ қаторлар 1-қоғоз намунаси бўйича, жуфт қаторларни 2-чи қоғоз намунаси бўйича тўлдирилади. Олинган натижалар қуйидагича қайта ишланади. 1 ва 2-чи қоғозларни тўлдириш учун кетган вақт орасидаги фарқ вақт етишмовчилиги - E ни аниқлаш орқали амалга оширилади:

$$E=t_1+t_2$$

Бу ерда t - қоғозларни тўлдириш учун кетган вақт. Бундан тапқари хатолар фарқи (ХФ) қуйидаги формула билан аниқланади.

$$ХФ=3К-/К+2К/;$$

Бу ерда k - ҳар бир қоғозни тўлдиришдаги хатолар.

Хатолар фарқи кўрсаткичи ихтиёрий диққат даражасининг пастлиги, ақлий иш қобилияти ёмонлиги мезони сифатида қаралиши мумкин. Болалар бу топшириқни қизиқиб бажарадилар, яхшироқ натижалар олишга интиладилар. 5-6 ёшли болалар қоғозни тўлдиришда юқоридаги 4 та фигурага қараб бажарадилар. 9-10 ёшли ўқувчилар эса 1 дақиқадан сўнг бу ишларни эслаб қолиб мустақил бажарадилар.

6.5. Шульт жадвали бўйича сонларни излаш

Бу методика диққатнинг кўчиш ва бўлиниш хусусиятларини, сенсомотор реакциялар тезлигини ўрганиш учун фойдаланилади. Синалувчиларга 1 дан 25 гача сонлар ихтиёрий жойлаштирилган 5 та жадвал кетма - кет кўрсатилади (3-илова).

У сонларни тартиб билан излаб кўрсатиши ва овоз чиқариб айтиши керак. Ҳар бир топшириқни бажариш вақти тадқиқот қарорига ёзиб борилади (5-жадвал).

Синалувчи фаолиятини миқдорий баҳолашдан ташқари сенсомотор реакциялар тезлигининг сифатий таҳлили ҳам амалга оширилади. «Топшириқни бажариш хусусиятлари» бўлимига синалувчи ўзини қандай тутганлиги, вербал ва эмоционал реакциялари ёзиб борилади. 6-7 ёшли болалар учун 1 жадвални 1-1,5 дақиқа қараш меъёрий ҳисобланади, ўртача ўқувчилар учун 45 сониядан 1 дақиқагача меъёр ҳисобланади. Катта боғча давридаги болалар ва 1-2 синф ўқувчилари баъзи сонларни чалкаштириб юборадилар. 10-12 ёшли болалар учун сенсомотор реакциялар тезлиги ошиши, ҳаракатларнинг автоматлашуви характерлидир.

5-жадвал.

Шульт жадвалидан фойдаланишда тадқиқот қарори

№	Тошшириқни бажариш	Вақт
---	--------------------	------

жадвал	хусусиятлари	(сония)

Ҳар бир топшириқни бажариш хусусиятларига ҳамда 5 та жадвал бўйича олинган натижаларни таҳлил қилиб, тадқиқотчи нерв жараёнлари ўсишини, жисмоний ва рухий зеркиш ходисасини аниқлайди. Масалан, агар ҳар бир кейинги топшириқ бажариш вақти ошиб борса, тез чарчаш, ихтиёрий диққат даражасининг сусайганлигидан далолат беради. Бу методикадан фойдаланиш болаларнинг диққати хусусиятларини тажрибада ўрганиш имконини беради.

6.6. Крепелин бўйича санаш ва ҳисоблаш

Бу методикадан мураккаб сезги ҳаракат реакцияларини, иш қобилиятини, ихтиёрий диққат барқарорлигини аниқлаш, психик жараёнлар кечишининг тезлигини аниқлаш учун фойдаланиш мумкин. Бу методикани кўллаш учун синалувчи бир неча ўнликлар ичида энг содда арифметик операциялар - қўшиш ва айиришки билиши керак. Крепелин методикасида синалувчига қўшилиши ва айрилиши керак бўлган сонлар жуфти ёзилган махсус қоғоз таклиф этилади (4-илова).

Крепелин бўйича ҳисоблашда, (масалан: 30 да 3 гача, ёки 100 дан 7 гача) тадқиқот қарорида тўхтаб қолишнинг узоқлиги ва хатолар характери қайд этиб борилади.

Масалан:

30-3....27....24....21....19*....18....15....12....9....6....3....0 Хато ҳисоблашлар ҳам ҳисобга олинб (*) билан белгилаб қўйилади, синалувчига хатоларни тўғрилаш таклиф этилади. Вақт нуқта билан қайд этилади. Қоидага кўра «нуқта» шартли равишда 1 сонияга тўғри келади.

Шуни қайд этиш лозимки, бу методика ақлий иш қобилияти жлдпллигини ўрганишга ҳам мўлжалланган. Бажарилган қўшиш ва айиришлар сопи кўплиги ақлий малаканинг автоматлашганидан, диққатпи узоқ вақт бир нарсага тўплай олиш қобилияти мавжудлигидан далолат беради. Бажарилган топшириқлар сонининг камлиги, кўп тўхтаб қолиш фаол диққатнинг барқарор змаслигидан, психик тез чарчашга мойилликдан далолат беради.

6.7. Бурдон корректур синови

Бошланғич ва ўрта мактаб ўқувчилари фаол диққатининг хусусиятларини, унинг кўчиши хусусиятларини урганиш учун В.Воигёопнинг корректур синови методикасидан фойдаланиш мумкин. Бу методика диққатнинг тебраниши, кўриш ашшизатори узоқ вақт ишлаганда бир хил кўрув кўзғатувчиларга нисбатан синалувчининг чарчашини аниқлашга имкон беради. Бунинг учун П.А.Рудик томонидан ўзгартирилган Бурдон тести махсус қоғозда кўрсатилади. Қоғозда ҳарфлар тасодифий равишда ёзилган бўлиб, синалувчи уларнинг иккитаси ёки тўрттасини ўчириши керак. Бунда экспериментатор ҳар 30 ёки 60 сонияда синалувчи қалами турган жойни белгилаб кўяди, шу билан бирга барча топшириқни бажариш учун кетган умумий вақт ҳам ҳисобга олинади.

Тажрибани бир синалувчи устида индивидуал ва гуруҳ билан ўтказиш мумкин. Тажрибани бошлашдан олдин, синалувчиларга кўрсатма тушунтирилади ва 1 дақиқа давомида машқ қилдириб ўргатилади, машқлардан сўнг синалувчи асосий вазифани бажаришга киришади. Тажриба 5 дақиқа давом этади (5 илова).

Тадқиқот натижаларини қайта ишлаш махсус қоғоз орқали амалга оширилади. Унда ўчирилладиган ҳарфлар ўрни ва ўчирилладиган ҳарфлар сони ўнг томондан ва ҳар бир қаторга ўтганда бу ўчирилладиган сонларнинг йиғиндиси чап томонда бери-яди. Калит (бланк)ни синалувчи қоғози устига кўйиб тадқиқотчи миқдорий таҳлилни осонгина олиб бориши мумкин (6-илова).

Корректур синовии бажариш натижалари (диққатнинг тўпланганлиги, топшириқни бажариш тезлиги диққатнинг кўчиши)ни миқдорий аниқлаш мумкин. Диққатнинг тўпланганлик даражаси (К)ни қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаш мумкин.

$$K = \frac{\Pi_1 - \Pi_2 - \Pi_3}{\Pi} * 100\%$$

бу ерда Π_1 тўғри ўчирилган ҳарфлар йиғиндиси;

Π_2 ўчирилмай қолган ҳарфлар йиғиндиси;

Π_3 - нотўғри ўчирилган ҳарфлар йиғиндиси;

Π - ўчирилладиган ҳарфлар АМКЗ ларнинг умумий йиғиндиси.

Диққатнинг тўплашиш даражаси (К)ни топиш учун умумий ва илганин ҳар бир дақиқаси бўйича (K_1, K_2, K_3, K_4, K_5)ларни ҳисоблаш мумкин.

Испхотехникада диққатнинг тўпланиши (К)ни сифатий баҳолашда қуйидаги мезон қабул қилинади: жуда яхши - 81-100%, яхши - 61-80%, ўрта - 41-60%, ёмон - 21-40%, жуда ёмон - 0-20%.

Топшириқни бажариш тезлиги кўрсаткичи (А) қуйидаги формула билан аниқланади:

$$A = \frac{S}{t}$$

бу ерда S - синалувчининг корректур жадвалда ишлаган киёми; t - бажарган вақти.

Диққатнинг кўчишини ўрганиш учун синалувчи корректур жадвалдаги тоқ ва жуфт қаторлардаги ҳар хил ҳарфлар тўпламини ўчириш таклиф этилади. Диққатнинг кўчиш даражаси (С) қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$C = \frac{S_0}{S} * 100.$$

бу ёрда S_0 хато ишланган қаторлар сони; S - синалувчи жадвалда ишланган қаторларнинг умумий сони.

Тадқиқот натижаларини график тарзида тасвирлаш мумкин.

Бунда абсцисса ўқига - иш тезлигининг ўзгариши (маълум вақт бирлигида қараб чиқилган ҳарфлар сони) ва ордината ўқига аниқликнинг ўзгариши (ўша вақт оралиғида хатолар сони) жойлаштирилади. Бу диққатнинг ўзгарувчанлиги характерининг ривожла-нишини кузатиш имконини беради. Тўғри ўчирилган ҳарфлар сони-а қараб диққат барқарорлиги даражаси ҳақида гапириш мумкин. Хатоларни қоғознинг ҳамма ерида борлиги диққатнинг тебраниши ҳақида маълумот беради. Агар тажриба охирида хатолар кўпайиб кетса, диққатнинг умумий кучсизлиги, иш қобилиятининг сустлигидан далолат беради. Топшириқни тез бажариш ва хатоларнинг йўқлиги ўқувчида ихтиёрий диққат барқарорлигидан далолат беради,

Боғча ёшидаги болаларда бу тадқиқотни ўтказиш учун француз офтальмологи E.Landolt томонидан корректур синовнинг узукларга асосланган ўзгартирилган вариантини қўллаш мумкин.

Тажриба қоғози турли тарафга қаратилган - узукларнинг тасодифий тўпламидан иборатдир (7-илова).

Тажриба ва унда олинган натижаларни қайта ишлаш, худди V.Bourdon жадвали методикасидай олиб борилади.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Сеген доскаси методикаси орқали нималарни ўрганиш мумкин?
2. Пьерон-Рузер методикасининг мазмуни қандай?
3. Ландольт ҳалқачалари методикаси орқали нималарни ўрганиш мумкин?
4. Бурдон корректур синови методикаси орқали нималар ўрганиладй? Унинг қандай ўзгартирилган вариантларини биласиз?

VII. ХОТИРАНИ ДИАГНОСТИКА ҚИЛИШ МЕТОДЛАРИ



Барча ёшдаги болаларда хотира жуда кучли ривожланади. Кичик болалар ҳам вақт ва фазони яхши фарқлай оладилар, сўз бойлиги ортиб боради. Буларнинг барчаси боланинг катталар билан, тенгдоншари билан мулоқотга киришиши натижасида содир бўлади.

Хотиранинг ривожлиниши бола билан ишлашда таълимнинг қийси методларн устунлигига, уий ўраб турган муҳит идрок образлари билан қанчалик «бойлигига» боғлиқ. Материалнинг сезги органларига таъсир этиши, идрок хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кўриш, эшитиш, уялаб кўриб билиш, ҳид билиш, таъм билиш хотиралари ажратилади. Материални эсда олиб қолиш ва упи қайта эсга туширишга боғлиқ равишда ҳаракат, механик, образ (пссоциатив), мантиқий, ҳиссий хотираларга ажратилади. Маълумотни сақлашнинг узоклигига боғлиқ равишда қисқа муддатли (оператив) ва узок муддатли хотиралар ажратилади. Маълумотни эсда олиб қолиш, инсон томонидан бирор мақсад қўйилмасдан ихтиёрсиз, ўрганилаётган материални эсда сақлаб қолиш учун мақсад қўйилганда ихтиёрий эсда олиб қолинади. Умумий хотира олинган материални эсда олиб қолиш, эсда сақлаш ва қайта эсга туширишдан иборат жараён бўлиб, бу таркибий қисмларни доимо ривожлантиришни талаб этади.

Психологияда хотирани ўрганиш учун махсус методикалар маижуд.

7.1.«Қисқа муддатли кўриш хотираси ҳажмини аниқлаш»

Болага галма-гал куйидаги А ва Б расмлар кўрсагалади.



Болага расмнинг А ва Б қисмлари кўрсатилгандан сўнг унга трафарет шакли тақдим этилиб, боладан олдинги расмдаги ҳар бир қисмдаги барча чизикларни ушбу трафаретда ифода этиши талаб этилади.

Ҳар иккала тажриба натижалари хотира орқали тўғри қайта эсга туширилган чизик деб, намуна сифатида кўрсатилган чизиклардан узунлиги ва йўналиши жиҳатидан ҳеч қандай фарқ қилмайдиган чизиклар қабул қилинади (чизиклардан четланиш, унинг букланиши бурчаклари сақланган ҳолда битта катакдан ошмаслиги лозим)!


Тўғри эсга туширилган чизиклар сони кўриш хотираси ҳажмининг кўрсаткичи ҳисобланади.


7.2. «Тезкор кўриш хотирасини баҳолаш»

Хотиранинг ушбу тури масалани ечиш жараёнида тўғри жавобни аниқлаш учун керакли ахборотни шахс қай даражада узок муддат хотирада сақлай олиши мумкинлиги билан белгиланади. Ахборотни сақлаб туриш вақти, тезкор хотиранинг қўшимча сифатларига масалани ечиш вақтида бола томонидан йўл қўйилган хатоларини ҳам кйритиш мумкин. (хато деганда масалани ечиш учун керак бўлган ахборотни сақлай олмаслик каби хусусиятлар назарда тутилади). Боланинг тезкор кўриш хотирасини ва унинг

кўрсаткичларини қуйидаги тажриба билан аниқлаш мумкин. Болага тартиб билан 15 секундга мўлжалланган 6 тадан ҳар хил штрихланган учбурчаклар ифодаланган карточка тақдим этилади. Бола шундай карточкадан бирини кўриб бўлгандан сўнг, бу карточкани олиб қўйилиб, ўрнига 24 та учбурчакни ўз ичига олган катга карточка кўрсатилади. Ушбу карточкада албатта бола ҳозиргина курган 6 та учбурчак ҳам тасвирланган.

Вазифанинг мақсади, бола ушбу карточкадаги 24 та учбурчакдан аввалги алоҳида берилган карточкадаги 6 та учбурчакни қидириб топиб, тўғри кўрсатишидан иборат.





Кўриш хотираси ривожланиш даражасининг кўрсаткичи, масалани ечиш вақтидан (минут ҳисобида) қилинган хатолар сонини айириш ва уларнинг йиғиндисига 1 сонини кўшиш билан аниқланади.

Бола томонидан қайси бир сабабга кўра нотўғри кўрсатилган учбурчаклар хато деб қаралади.

Бу кўрсаткич қуйидагича аниқланади: Ҳар бири 6 та учбурчакни ўз ичига олган 4 та карточкалардаги тўғри топилган учбурчаклар йиғиндисини топиб, уни 4 га бўлинади, бу тўғри жавобларнинг ўртача миқдоридир.

Ушбу сонни 6 дан айрилади ва ҳосил бўлган натижа хатоларнинг ўртача сонини ифодалайди. Шундан сўнг боланинг вазифани ечиш учун сарфлаган ўртача вақти барча вазифаларни ечиш учун сарфлаган умумий вақтини 4 га бўлиш орқали аниқланади. Боланинг 24 та учбурчакни карточкадан тўғри топиши учун сарфлаётган вақтининг охирини билиш учун текширувчи томонида: «Сен кўлингдан келганича вазифани ечиб бўлдингми?» деган санолини бериш орқали аниқланади. Бола берилган саволга тўлиқ ивдонч билан жавоб бериб, учбурчакларни қидиришни тўхтатсагина у ўз ишини якунлади, деб ҳисобланади. Боланинг умумий (24 талик) карточкадаги 6 та учбурчакни топиш учун сарфлаган ўртача вақтини у томонидан йўл қўйилган хатолар сонига бўлинса, қидирилаётган кўрсаткични қўлга киритиш имкониятига эга бўлинади.

Боланинг умумий (24 учбурчакли) карточкадан учбурчакларни тўғри ёки нотўғри топганлиги тўғрисидаги ахборотни аниқлаш жараёнининг тезлигини ошириш учун 24 учбурчакни ҳар бирининг чап бурчаги остита бирин-кетин рақамлаб чиқиш билан эришилади. Масалан, биринчи 6 та учбурчакли карточкага (карточка рақами рим рақами билан 6 тадан белгиланган). Умумий (24 учбурчакли) карточкадаги 1,-3,-8,-12,-14,-16- учбурчаклар биринчисига

2,-7,-15,-18,-19,-21- учбурчаклар иккинчисига

4,-6,-10,-11,-17,-24- учбурчаклар учинчисига

5,-9,13,) кўрсаткичларини 10 балли шкала орқали стандарт кўрсаткичларга ўтказиш услубини такдим этиш мумкин.

Натижаларни баҳолаш.

10 балл 8 ёки ундан юқори бирликдан иборат қисқа муддатли хотира ҳажмига эга бўлса, бу ҳол 10-12 ёшли болаларга тегишлидир.

Шундай 10 баллни қисқа муддатли хотираси 7-8 бирликни ташкил этган 6-9 ёшли болалар ҳам қўлга киритадилар.

8 баллни 6-9 ёшли болалар 5-6 та бирликни эслаб қолсалар қўлга киритадилар.

10-12 ёшли ўқувчилар эса, қисқа муддатли хотира ҳажмида 6-7 бирликни эсда қолдиришлари керак.

4 балл 6-9 ёш бўлган, қисқа муддатли хотира ҳажми, 3-4 бирликни ташкил этган ўқувчилар оладилар. Шунча баллни ёши 10-12да бўлган, қисқа муддатли хотира ҳажми, 4-5 бирликни ташкил этган ўқувчилар ҳам оладилар.

2 балл 6-9 ёшли болаларга, агарда уларнинг қисқа муддатли хотира ҳажми 1-2 бирликдан иборат бўлса берилади. Шунча баллга ёшлари 11-12 да бўлган болалар қисқа муддатли хотира ҳажми 2-3 бирликдан иборат бўлса, эга бўладилар.

О балл билан 6-9 ёшли, кўрсаткичлари нолга тенг бўлган болалар баҳоланадилар. Шу балл 10-12 ёшли қисқа муддатли хотира ҳажмини 0-1 бирлигига эга бўлган болаларга берилади.

Ривожланиш даражаси ҳақида хулосалар

6-7 ёшли болаларни, уларнинг қисқа муддатли хотираси ҳажмининг баҳолари асосида мактабда ўқиши учун тайёрлиги ҳақида хулосалар қуйидагича чиқарилади:

Мактаб таълими учун тўлиқ тайёрланган ва қисқа муддатли хотираси ҳажми яхши ривожланган деб, 10 балл тўплаган болалар қабул қилинади.

Мактаб таълими учун умумий тайёрланган ва қисқа муддатли хотира ҳажми ўртача ривожланган деб 8 балл тўплаган болалар тан олинади.

Ўқитиш учун тўлиқсиз тайёрланган деб қисқа муддатли хотира ҳажми 4 балли болалар ҳисобланадилар.

Қисқа муддатли хотира ҳажми 2 балли бўлган болалар мактаб таълими учун тайёр эмас, деб хулоса чиқарилади.

Ва ниҳоят, умуман мактабда ўқитишга тайёр эмас деб, қисқа муддатли хотира ҳажми 0 га тенг бўлган болалар ҳисобланади.

7.3. «Эшитиш хотирасини баҳолаш»

Бу хотира турини аниқлаш учун болага 1 секунд оралиғида 4 та сўзлар тўплами кетма-кет ўқиб берилади.

I. Ой, дарахт, сакрамоқ, сариқ, кўғирчоқ, сумка;

II. Гилам, стакан, сузмоқ, оғир, китоб, олма;

III. Диван, ҳазиллашмоқ, пальто, телефон, санчқи, довюрақ;

IV. Мактаб, одам, ухламоқ, қизил, дафтар, гул.

Шу сўзлар тўпламини эшитиб бўлгандан сўнг, синалувчига тахминан секунд ўтгач, кейинги 36 та сўзлар тўплами шошилмай, ҳар бир сўз 1 секунддан оралиқ билан ўқиб эшиттирилади.

Стакан, мактаб, санчқи, тугма, гилам, ой, стул, одам, диван, сигир, телевизор, дарахт, куш, ухламоқ, довюрақ ҳазиллашмоқ, қизил, оққуш, сурат, ўғри, сузмоқ, тўп, сариқ, сакрамоқ дафтар, пальто, китоб, гул, телефон, олма, кўғирчоқ, сумка, от, етмоқ, фил, уй.

Бу 36 та сўзлар тўплами тасодифий кетма-кетликда барча қатордаги сўзлардан иборат.

Ҳар бир тўпламдаги сўзларни фарқлаш учун уларни турли чизиқлар билан белгиланади.

t-тўпламдаги сўзлар тагига 1 та тўғри чизиқ чизилган; 2-сўзлар тўпламига 2 та тўғри чизиқ чизилган; 3-сўзлар тўпламига битта утуи чизиқ ва охириги 4-сўзлар тўпламига икки қатор узун чизиқ чизилган.

Бола эшитган 36 та сўзлар ичида қисқа тўпламдаги сўзлар бор ёки йуқлигини топиб, бор бўлса “ха”, бўлмаса «йўқ» деб жавоб бериш керак. Катта тўпламдаги сўзлардан кичик тўпламдаги олиши учун болага 5 секунд вақт берилади. Агар фарқлай олмаса, тадқиқотчи кейинги сўзга ўтиб кетади.

Баҳолаш натижалари

Тезкор эшитиш хотираси кўрсаткичи катта тўпладан 6 та сўзни топиши учун кетган ўртача вақтга қараб аниқланади. Ўртача пактни топиш учун бола топширикни бажариш учун сарфлаган умумий вақтни 4 га бўлинади.

Ўртача вақтни хатолар сонига бўлиб, 1 ни қўшилса, оператив эшитиш хотираси ҳажми аниқланади. Нотўғри топилган ёки топа олинмаган сўзлар хато ҳисобланади.

7.4. «Бевосита хотирани диагностика қилиш»

Методикани ўтказиш учун қоғоз ва ручка керак бўлади. Тадқиқот ўтказишдан аввал болага қуйидагича кўрсатма борилади:

(Ҳозир мен сенга турли хил сўз ва гаплар айтаман ва бир тўхталиб оламан. Сен мана шу тўхталган вақтимда айтган сўз ёки гапларимни эслаб қолиб уни қоғозга ёзишинг, расмини чизишинг керак бўлади.

Тезроқ ёзишга, чизишга ҳаракат қилгин. Мен айтадиган сўзлар кўп, вақтимиз эса оз».

Болага бирин-кетин қуйидаги сўз ва иборалар айтиб берилади. «Уй, таёқ, дарахт, баландга сакраш, куёш нур сочмоқда, кувноқ одам, болалар тўп ўйнашяпти, соат тўхтаб қолди, қайиқ дарёда сузаяпти, мушук балиқ емоқда».

Тадқиқотчи ҳар бир сўз ёки сўз бирикмаларини айтиб бўлгандан сўнг 20 секунд танаффус қилади. Шу вақт ичида бола айтилганларни ёзиши, чизиб олиш керак.

Агар бу вақт ичида бола топширикни бажаришга улгурмаса, тадқиқотчи уни тўхтатиб қўйиб, навбатдаги сўзни ўқийди. Тажриба тугагандан сўнг, боладан қоғозга чизилган расм ёки ёзилган сўзлардан фойдаланиб, сўз ва сўз бирикмаларини айтиб бериши сўралади.

Натижалар таҳлили:

1 балл — ўз чизмалари ва ёзувларидан фойдаланиб, айтилган сўзларни тўғри ва хатосиз эсга тушира олса;

0,5 балл - чизгилари, ёзган нарсаларига асосланиб, берилган сўзга яқинлашиб эсга туширса;

0 балл - нотўғри эсга туширилса.

Умумий максимал кўрсаткич - 10 балл

Бу баллни бола барча айтилган сўзларни тўғри тўлиқ эсга туширса тўплай олиши мумкин. Минимал кўрсаткич - 0 балл.

Ривожланиш даражаси ҳақида хулоса

10 балл - бевосита эшитиш хотираси жуда юқори даражада ривожланган.

8-9 балл - бевосита эшитиш хотираси юқори даражада ривожланган.

4-7 балл - бевосита эшитиш хотираси ўртача даражада ривожланган.

2-3 балл - паст даражада ривожланган.

0-1 балл - кучсиз ривожланган бевосита эшитиш хотирасига эга.

7.5. «Эсда қолдириш жараёнининг динамик хусусиятлари»

Болага 10 та сўзлардан таркиб топган қатор бир неча марта қайтариш орқали эслаб қолиш учун тавсия этилади.

Ҳар бир такрорлашдан сўнг, бола томонидан эслаб қолинган сўзлар сони аниқланади.

Қуйидаги сўзлар қаторининг бирортасидан фойдаланилади.

1. Уй, парта, оқ, яхши, ноқ бўр, кучли, пиёла, шам, стол.
2. Мушук ручка, қичил, ёмон, олма, пол, кучсиз, сличим, чироқ, қалам.
3. Қўғирчоқ, қошиқ, қизил, машина, баланд, чутка, она, китоб; товук, анор.
4. Ит, дераза, гул, гилам, конверт, осмон, ҳарф, уйку, куйи, пичоқ.
5. Соат, шамол, балиқ, юлдуз, фил, қанд, қоғоз, стул, арқон, шафтоли.

Эслатма: Болаларнинг эса қолдириш динамикасини диагностика қилишда, мактабгача ва кичик мактаб ёшидаги болалар учун сўзлар қаторини шундай тузиш керакки, биринчи сўз-иккинчи сўзга, иккинчи сўз- учинчисига алоқадор, маънодош оўлмаслиги лозим.

Боланинг эслаб қолиши ва қайта айтиб бериш учун тадқиқотчи сўзлар қаторини 6 мартагача қайтариши мумкин (ундан кўп эмас).

Ҳар бир қайтаришдан сўнг тўғри ва хатосиз эслаб қолинган сўзларни белгилаб бориб, графикда акс эттирилади.




График асосида:

1. Эслаб қолиш динамикаси;
2. Эслаб қолиш маҳсулдорлиги аниқланади;

Графикда ҳар бир такрорлашдан сўнг эслаб қолган сўзларни сони ортиб борса - эслаб қолиш динамикаси яхшилигини билдиради.

- Агар кўрсаткич ўзгармаса, ўртача даражадалигидан далолат беради.

- Агар ҳар бир такрорлашдан сўнг ҳам эслаб қолган сўзлар сони камайиб борса, эслаб қолиш динамикасининг сустлигини билдиради.

Натижалар таҳлили

Олинган натижалар бўйича бола эслаб қолиш динамикаси қуйидагича баҳоланади: Етарли даражадаги яхши динамик эса қолдириш жараёни - аъло.

Эса қолдириш ўртача динамик жараёни - қониқарли.

Эса қолдириш динамик жараён эмас - қониқарсиз. Шунингдек бу жараён қуйидаги баллар мезони бўйича ҳам баҳоланади.

10 балл — бола 10 та сўзни хатосиз тўғри эслаб қолиб, айта олган ва бунга 6 марта такрорлаш шарт бўлмаган. 8-9 балл - 6 марта такрорлашдан сўнггина 10 та сўзни тўғри эслаб қолса.

6-7 балл — 6 марта такрорлашдан сўнг 7-9 та сўзни эса қолдирса.

4-5 балл - 6 марта такрорлашдан сўнг 4-6 тагача сўзни эслаб қолса.

2-3 балл - 6 марта такрорлашдан сўнг фақат 2-3 та сўзни эслаб қолиб айтса.

0-1 балл - 6 марта такрорлашдан сўнг ҳам 1 та сўзни ёки умуман эсда қолдира олмаса.

Ривожланиш даражаси ҳақида хулоса

10-8 балл - бола мактаб таълимига тайёр, унинг эсда қолдириши юқори ва ўртача динамикликка эга.

4-7 балл - ўқишга етарли даражада тайёр эмас. 0-3 балл - умуман мактаб таълимига тайёр эмас.

7.6. Мейли тести ёрдамида кўриш ва эшитиш хотирасини ўрганиш

R.Meili тести 1961 йилда ишлаб чиқилган бўлиб, 7-14 ёшли болалар ва катталарнинг кўриш ва эшитиш хотирасини ўрганишда фойдаланилади. Тадқиқот икки босқичдан иборат (6-жадвал).

Биринчи босқичда расмда тасвирланган предметларни хотирада олиб қолиш ва кўриш хотираси ўрганилади. Иккинчи босқичда тадқиқотчи ўқиб берган сўзларни - предметларнинг номларини эшитиб, эсда олиб қолиш қобилияти ўрганилади. Бу тадқиқотлар бир кунда ўтказилмайди, бу эса хотиранинг ўрганилаётган хусусиятларини яхшилаб таҳлил қилишга имкон беради.

Тажриба ўтказиш учун турли предметлар тасвирланган 60 та сўзлар тўплами - 2 - қаторда керак бўлади. Кўриш хотираси ўрганилаётганда куйидаги қўлланма берилади: «Ҳозир мен сизга турли предметлар тасвирланган расмларни кўрсатаман, сиз уларнинг номини исталган тартибда айтасизлар». Расмларнинг ҳар бири 2 сония курсатилади. 10 сония танаффусдан сўнг синалувчи предметларни айтади. Экспериментатор тўғри айтилган предметларни ҳам, расмда йўқ бўлган кўшиб кўйилган предметларнинг номини ҳам ёзиб боради. Расмларнинг 2-сериясини бошқа куни, сўзлар қатори бўйича тажрибалар ҳам бошқа кунлари ўтказилади.

6-жадвал

Мейли тести учун қўзғатувчи материал тадқиқот босқичлари

1 - босқич		2 - босқич	
Расмларнинг 1-серияси	Расмларнинг 2-серияси	Сўзларнинг 1-қатори	Сўзларнинг 2-қатори
Нўхат	I чиғаноқ	Картон	Жадвал
Эшак	кровать	Вагон	Ҳафта
Калит	труба	Дехқон	Сўм
Арава	нок	Пианино	Қарға
кўнғирокча	супурги	Ботинка	домна печи
Стол	эчки	Карта	Ари
Олча	букет	Тепалик	Кўзойнак
Этик	трамвай	Ушоқ	Сув
Вилка	арра	Перо	Овчи
Балиқ	стул	Кумир	Кўй

Бочка	бола	Олмахон	Булут
Бош	болға	Қурол	Терак
буфет	пицца	Иигитча	Қалам
атиргул	ғилдиракли арава	Нок	Велосипед
паровоз	тароқ	Дастурхон	Ботинка
кресло	замбарак	Шўрва	Эчки
байроқ	дарахт	Плаш	Салон
Хўроз	олма	Мушук	Соҳил
Қайчи	китобча	Пичоқ	Бурун
зонтик	шляпа	босма қоғоз	Пўкак
Ваза	уй	Сирка	Меҳмонхона
Сигир	ит	Гул	Совун
Диван	скамейка	Меҳнат	Илон
каптар	эшик	Осмон	Това
Соат	пиёла	Гугурт	Куш
Қария	даре	Сиёҳ	Салат
кўзойнак	печь	Кулф	Ракета
Чироқ	скрипка	Қул	Нонушта
Оёқ	папирос кути	Дарахт	Қор
пианино	от	Ёнғин	Труба

Эшитиш хотирасини ўрганиш бўйича тадқиқот ҳам шундай ўтказилади. Синалувчига куйидаги қўлланма берилади: «Мен hozir сизга сўзлар қаторини ўқиб бераман, сиз бўлса эшитиб бўлганингиздан сўнг, уларни исталган тартибда менга айтиб бера-сиз». Тадқиқотчи тадқиқот қарорига синалувчи айтган барча сўзларни такрорлаганларни ҳам, йўқ сўзларни кўшиб кўйганларини ҳам ёзиб боради. Олинган натижалар фоизларда миқдорий ўлчаш орқали таҳлил қилиниши мумкин.

7.7. Кўриб эсда олиб қолинган нарсани қайта тиклаш

Кўриш хотираси хусусиятларини D.Wechsler (1945) таклиф этилган методика ёрдамида ўрганиш мумкин. Бу методика хотира шкаласини ўрганиш субтестларидан биридир. Синалувчига турли геометрик фигуралар тасвирланган расмларга қараш таклиф этилади (8-илова). Ҳар бир расм синалувчига 10 сония кўрсатилади. Кейин синалувчи тоза оқ қоғозга кўрган нарсасини қайта эсга тушириб, чизиши керак. Тажриба натижаларини миқдорий таҳлил қилиш мумкин.

Фигура А: 1) икки кесишган чизиқ ва икки байроқ - 1 балл; 2) тўғри жойлаштирилган байроқ - 1 балл; чизиқлар кесишганда тўғри бурчак - 1 балл. Энг юқори баҳо - 3 балл.

Фигура Б: 1) катта квадрат иккита диаметри билан - 1 балл; 2) катта квадрат 4 кичик квадрат - 1 балл; 3) ички диаметр барча ички квадратлар билан - 1 балл; 4) квадратчалардаги 4 та нуқталар - 1 балл; 5) аниқ тақсимланганлик - 1 балл. Синалувчи олиши мумкин бўлган энг юқори баҳо - 5 балл.

Фигура В: 1) очик тўғри тўртбурчак - 1 балл; 2) марказ ва ўнг ёки чап томон тўғри эсга туширилган- 1 балл; 3) бир нотўғри чизилган қисмни ҳисобга олмаганда - фигура умуман тўғри - 1 балл; 4) фигура тўғри эсга туширилган - 1 балл; энг юқори баҳо - 3 балл.

Фигура Г: 1) катта тўғри бурчак ичида кичик тўғри бурчак - 1 балл; 2) ички тўғри бурчакнинг ҳамма учлари ташки тўғри бурчак учлари билан бирлаштирилган - 1 балл; 3) кичик тўғри бурчак катта тўғри бурчакда аниқ жойлаштирилган - 1 балл; энг юқори баҳо - 3 балл. Энг юқори натижа - 14 балл.

Бу методикадан болалар боғчаларининг катта ва тайёрлов гуруҳ болаларини ҳамда бошланғич синф ўқувчиларини текширишда фойдаланиш мумкин. Бу топшириқларни бажарганларидан сўнг болаларни нафақат геометрик фигураларни хотирада олиб қолиш ва уни эсга тушириш қобилиятлари ҳақидагина эмас, балки хотира бўйича расм чизиш малакаларининг шаклланганлиги, сенсомотор фаолият ҳолати ҳақида ҳам билиб олишга имкон беради.

7.8. Бентоннинг кўриш хотирасини ўрганиш тести

Бу тестни A.L.Benton (1952) турли шаклдаги расмларни кўриб эсда олиб қолиш хусусиятларини ўрганиш учун ишлаб чиққан. Синалувчига кўрсатиладиган расмлар 3 гуруҳга бирлаштирилган. Барча гуруҳлар ўзаро тенг. Уларнинг ҳар бири 10 та намуна карточкаларидан тузилган. Карточкаларда бир нечта оддий геометрик фигуралар акс эттирилган (8-илова).

Ҳар бир карточка 10 сония кўрсатилади. Карточкалар кўрсатилгандан сўнг уларда чизилган фигураларни эсга тушириб чизиш таклиф этилади. Олинган натижалар миқдорий ва сифатий таҳлил қилинади. Синалувчи тўғри чизган фигура 1 балл билан, нотўғри чизилган фигура - 0 балл билан баҳоланади. Тадқиқот натижаларининг умумий баҳоси фақатгина кўриш хотирасининг ҳолати ҳақидагина эмас, балки ақлий тараққиёт даражаси ҳақида ҳам билишга имкон беради.

7.9. Товушларни эслаб қолиш учун ўтказиладиган синовлар

Маъносиз сўзларни эсда олиб қолиш учун ўтказиладиган синовлар механик хотира ҳажмини ўрганишга қаратилган. Тажриба қуйидагича ўтказилади: синалувчига алоҳида қоғозга ёзилган товушлар айтилади (7-жадвал), кейин исталган тартибда эсга тушириш сўралади.

Тадқиқот натижаларини тадқиқот қарорига қайд қилиш схемаси
Синалувчи Ф.Иёши
11,5 ёшсинфи
5 синфВали К
5-03.2004
сана10-00
вақт

ўқувчиси

Қўзғовчи ма- териал	Кўрсатишлар сони									
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
1-серия										
на	-	-	-	-	-	-				
ко		-			-	-				
да			-	-	-					
ра	-		-	-	-					
ту			-	-	-					
ма		-	-	-	-					
но	-		-	-	-					
зи	-		-	-	-					
ну				-	-					
да		-	-		-					
Айтилган «ортиқча» то- вушлар	си		ру да							
Эсга туширил- ган товуш	3	5	7	7	8	10				
2-серия	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
салом	-	-	-	-	-					
доли				-	-					
козим	-		-							
мира		-		-	-					
нулим		-	-		-					
кирям	-		-	-	-					
вокар	-		-	-	-					
торик		-		-	-					
сиза		-		-	-					
вига					-					
Айтилган «ортиқча» сўзлар										
Эсга туши- рилган сўзлар сонини	4	5	6	6	9					

Аввал 1-сериядаги қўзғатувчи материал 10 та бир бўғиндан иборат товушлар ўқиб берилади ва синалувчидан уларни такрорлаш сўралади, кейин бу товушлар яна ўқиб берилади. Тадқиқот қарорига барча товуш бирикмалари қайд этилади. Навбат билан ҳар бир кўрсатишдан сўнг жадвалда айтилган сўз бирикмалари ва товушлар қайд этилади. Икки серияни ўтказиш учун ўртача 12 дақиқа вақт керак бўлади.

7.10. Эслаб қолиш учун синов

10 та сўзни эслаб қолиш учун диққатни барқарорлигини аниқлашда синов ўтказиш мумкин. Бу методикадан катта боғча ёшидаги болалар ва кичик мактаб ўқувчилари хотирасини аниқлашда фойдаланиш мумкин. Тажриба ўтказиш учун бир қаторга ёзилган 10 та сўз керак бўлади. Сўзлар шундай танланган бўлиши керакки, улар орасида алоқа ўрнатиш қийин бўлсин. Эслаб қолиндиغان сўзлар

№1
Тоғ
Арра
Атиргул
Совун
Нон
Оёқ

№2
Ўрмон
Нон
Дераза
Стул
Сув
Ака

Перо
Кўзойнак
Диван
Дарё

От
Кўл
асал
Болға

Тажрибани бошлашдан олдин синалувчига куйидаги кўрсатма берилади: «Ҳозир мен сизни эслаб қолиш қобилиятингизни текширмоқчиман. Бунинг учун мен сизга сўзларни ўқиб бераман. Кейин сиз эсда олиб колганларингизни менга айтасиз». Бунда олдиндан тайёрлаб кўйилган тажриба қарорида синалувчи айтган сўзлар ёзиб олинади (8-жадвал).

8-жадвал

10 та сўзни эслаб қолиш ва уни қайта эсга тушириш бўйича
тадқиқот қарори

Сарвар Н.
синалувчи Ф.И.
02.03.2004 й
сана

11,5 ёш
ёши
11-20
вақт

5 синф
ўқувчиси

Кўзғатув- чи сўзлар	Кўрсатишлар сони										1 соат ёки 40 дақиқада эсга туширилган сўзлар	
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10		
Тоғ	-	-	-	-								-
Арра	-			-								-
атиргул		-	-	-								-
Уруғ	-			-								-
дараза		-	-	-								-
Нон			-	-								-
Перо			-	-								-
кўзойнак	-		-	-								-
пальто		-	-	-								-
Дарё	-	-	-	-								-
айтилган «ортиқча» сўзлар												
Эсга туши рилган сўз лар сони												

Тажриба қарорида синалувчи «мустақил» айтган сўзлар ҳам қайд этилади. Бир қайта эсга тушириш босқичи Давомида «ортиқча» сўзларни ва такрорлашларни ҳисобга олган ҳолда эсга туширилаётган сўзнинг тартиб номери бўйича неча марта такрорланганлигини ҳисоблаш мумкин. Навбатдаги кўрсатишларда синалувчидан олдинги айтилган сўзларни ҳам ҳозирги айтилган сўзларни ҳам қайта эсга тушириш сўралади. Тажриба ўтказиш учун ўртача 5-7 дақиқа вақт кетади.

7.11. Бавосита эслаб қолиш методикаси

Бавосита эсда олиб қолиш методикаси ёрдамида (А.Н.Леонтьев, 1928) фақатгина ассоциатив, мантиқий хотирани эмас, тафаккур хусусиятларини ҳам аниқлаш мумкин. Тадқиқотчи синалувчи эслаб қолиши учун бериладиган 10-15 та сўзларни (9, 10 - жадвал), ҳамда 20-30 та расмли карточкалар тўпламини танлайди. Расмлар сўзларни бевосита акс эттирмайдиган қилиб, мустақил танланиши мумкин.

**5-7 ёшли болалар учун бавосита эсда олиб қолиш методикасида
ишлатиладиган кўзғовчи материал**

Синалувчи эслаб қолиши учун айтиладиган сўзлар	Ҳар хил бевоситаликни ифода- лайдиган расмлар
тушки Ёруғ куш овқат боғ Кийим ўқиш Йўл Тун стул Дала Хато ўрмон Тут От сичқон	Нон кровать пичок диван Олма Чана дарахт мактаб биноти Шкаф Чироқ идиш соат сигир Кўйлак Велосипед қалам мушук автомобиль Уйча диван самокат аравача Хаскаш Кулупнай

Катта боғча ёшидаги ва кичик мактаб ёшидаги болаларни текшириш учун турли серияларда ҳар хил сўзлар ва расмлар танланиши зарур: биринчи серияда улар анча аниқ бўлиши керак иккинчи серияда мавҳумроқ бўлиши ҳам мумкин. Расмларнинг ҳажми бир хил ва бўялган бўлиши керак.

Болаларнинг мактабга чиқишдан олдин хотирасини тезда аниқлаш мақсадида бу методиканинг Л.Н.Поперечная (1979) томонидан ўзгартирилган вариантдан фойдаланиш мумкин. Унинг мазмуни: кўзғатувчи материални ўзгартириш, ҳажмини қисқартиришдан иборат. Бунда 15 та сўз ва 25-30 расм ўрнига 5 та сўз ва 16 та расмлар берилади. Таҷрибани бошлашдан олдин тадқиқотчи бола билан биргаликда ҳамма расмларни қараб чиқади, болага тушунарсиз расмларни тушунтириб беради. Кейин болага қуйидаги кўрсатма берилади:

**8-12 ёшли болалар учун бавосита эсда олиб қолиш методикасида
ишлатиладиган кўзғовчи материал**

Синалувчи эсда олиб қолиши учун ўқиб бериладиган сўзлар	Ҳар хил бавоситаликни ифода- лайдиган расмлар
ёмғир жанжал учрашув жавоб ёнғин меҳнат ғам ўйин мажлис куч эрталаб кўшни театр отряд байрам	Дастурхон, от, стул, болта, телефон, дафтар, лампочка, пат, қалам, гул, белкурақ шапка, хаскаш, дарахт, самолёт

**Бавосита эслаб қолиш методикасининг узгартирилган варианты
учун кўзғатувчи материал**

Синалувчи эсда олиб қолиши учун ўқиб бериладиган сўзлар	Ҳар хил бавоситалик имконини берадиган расмлар
--	---

ёнғин ёмғир мехнат хато ғам	ошхона, асбоб, мактаб доскаси, тарок, куёш, глобус, кўза, хўроз, девор, болалар иштони, от, кўча чироғи, ботинка, соатлар, қалам, завод трубалари, нон дўкон
---	---

«Ҳозир мен сизларга сўзларни ўқиб бераман, сиз бўлсангиз уларни яхшироқ эслаб қолиш учун уларга мос расмларни танлайсиз. Бу расмлар кейин сўзларни қайта эсга туширишга ёрдам бериши зарур». Биринчи «ёнғин» сўзи берилади. Агар бола 15 сония да-вомида ишга киришмаса, у кўрсатмани яхши тушунганлигини аниқлаш керак. Кўрсатма яна такрорланади. Агар 20-30 сониядан кейин бола топшириқни бажаришга киришмаса, тадқиқотчи тушунтира бошлайди: «Сиз «ёнғин» сўзини эсга туширишга ёрдам берадиган расмни карточкани танлашингиз зарур. Қандай расм ёнғинни, тугун чиқаётганини эслатишини караб чиқамиз. Мана масалан, бу ерда завод трубалари, тутун юқорига чиқаётгани тасвирланган. Бу расм сизга «ёнғин» сўзини эслаб қолишга ёрдам берадими?». Бола тасдиқлаб бошини силкийди ва қандай эслаб қолиш кераклигини тушунганлигини айтади. Кейин тадқиқотчи кейинги сўзни айтади, синалувчи бўлса зарур карточкани танлайди. Карточкани танлаш учун 30 сониягача вақт берилади. Кўпинча болалар тезроқ танлашади. Ҳар бир танлашдан сўнг, тадқиқотчи болани нима учун худди шу расмни танлаганини, у айтилган сўз билан қандай боғланганлигини сўрайди.

Ҳамма сўзлар айтилиб, уларга мос расмлар танланганидан кейин, экспериментатор уларни бир четга олиб қўйиб, болага хоти-рани ўрганиш бўйича бошқа топглириқ беради, масалан кубиклардан фигура яшаш. 15 ёки 30 дақиқадан сўнг, унга сўзларни эслаб қолиш учун танланган расмлар кўрсатилади. Бола эслаб қолган сўзни айтиши керак. Бунда у ёки бу расм хотирада қандай боғланишларни ҳосил қилишини аниқлаш зарур. Тадқиқот жараёнида тажриба қарори тўлдириб борилади (12-жадвал).

12-жадвал

Бавосита эсда олиб қолиш тажрибасининг қарори

Эслаб қолиш учун берилган сўзлар	Расмни танлаш вақти (сония)	Расмни танлаш мотиви	Қайта эсга тушириш

Тўғри қайта эсга туширилган сўзлар болага турли ёрдамчи воситалардан фойдаланиб эслаб қолиш жараёнининг кучли ривож-ланганлигидан далолат беради (А.Н.Леонтьев, 1928).

7.12. Пиктограмма методи

Бевосита эса олиб қолиш хусусиятларини пиктограмма, яъни расмли ассоциациялар методи орқали ҳам ўрганиш мумкин. Пиктограмма экспериментал-психологик тадқиқот усули сифатида биринчи марта Л.В.Занков (1935) томонидан қўлланилган. Синалувчи аниқ сўзни расмдаги тасвир орқали эслаб қолиши керак. Синалувчи сўз ва тасвир ўртасидаги алоқани ўйлаб топиши керак бу эса кейинчалик сўзни қайта эса туширишига имкон беради.

Расм ва сўз ўртасидаги ассоциатив алоқани шакллантириш жараёнида инсон шундай мазмунли алоқаларни танлайдики, унинг фикрича, бу расмлар сўзни эслаб қолиш учун яроқли бўлади. (А.Р.Лурия, 1967). Шунинг учун ҳам бу методика орқали тадқиқот ўтказиш фақатгина ассоциатив, бевосита хотира хусусиятларинигина эмас, фикрлаш фаолияти характери, тушунчали тафаккурнинг ривожланиш даражаси ҳақида ҳам билиш имконини беради. (С.В.Лонгинова, С.Я.Рубиштейн, 1972, Б.Г.Херсонский, 1988).

Методиканинг мазмуни пгундан иборатки, синалувчи аниқ бир сўзни - тушунчани эслаб қолиш учун ўзи мустақил расм ёки схема чизади. Бу чизилган расм ёки схема кейинчалик сўзни - тушунчани эса туширишга ёрдам бериши керак. Алоҳида ҳарф ёки сўзларни ёзиш тавсия этилмайди. Тажриба ўтказиш учун олдиндан тайёрланган қоғоз вароғи ва қалам керак бўлади.

Синалувчига қуйидаги кўрсатма берилади: «Мен сизга сўзларни айтаман, сиз бўлсангиз уларни эслаб қолиш учун кичикроқ расм чизиб олинг. Расм чизиш тезлиги ва расмнинг сифати сизни хавотирлантормасин. Асосийси, сиз кейин расмга қараб турйб, эслаб қолиш учун қандай сўзлар берилганлигини айтсангиз бўлди».

Сўзлар (ёки сўз бирикмалари) қуйидагилар бўлиши мумкин:

Қувноқ байрам

Кўр бола

Тараққиёт

Гаранг кампир

Қоронғу тун

Ғамгин

Уруш

Оғир иш

Ҳокимият

Қаттиқ кўл ўқитувчи

Совуқ қотаётган қиз

Қўрқинч

Қорни оч одам

Касал аёл

Дўстлик

Бола қанчалик ёш бўлса, топширикни бажаришга у шунчалик қийналади. Бу уларда тафаккурнинг аниқ услуби, механик хотира устунлиги, расм чизиш малакаларининг етарлича ривожланмаган-лиги билан боғлиқ. Лекин 11-12 ёшдан болалар материатянинг қисмлари ўртасида боғланишлар (ассоциация) ўрнатишда кўринадиган анланган операциялар асосида эслаб қола бошлайдилар.

Тадқиқот мобайнида қуйидаги қисмларни ўз ичига оладиган қарор тўлдирилади (13-жадвал).

13-жадвал

«Пиктограмма» методи бўйича тадқиқот қарори

т/р	Сўзли кўзгатувчи	Расм	Шарҳлаш	Жавоб

Пиктограмма методикаси ёрдамида ассоциатив жараёнлар хусусиятлари, болада сўзнинг аниқ ёки мавҳум мазмуни ўртасидаги алоқа ўрната олиш хусусиятлари ҳақида билиш мумкин.

7.13. Ҳикояни қайта эсга тушириш

Сўз-мантиқ хотира хусусиятларини ўрганиш ҳикояни қайта эсга тушириш методикаси ёрдамида амалга оширилиши мумкин. Бунда фақатгина матнни тушуниш ва эслаб қолиш қобилиятигина эмас, балки оғзаки ва ёзма нутқ қобилиятлари ҳам аниқланади. Тажриба ўтказиш учун турли мураккабликдаги ҳикояларни тайёрлаб олиш керак. Уларни алоҳида қоғозларга компьютерда ёзиб олиш мумкин. Кичик болалар учун ҳикоялар қисқача, мазмуни тушунарли бўлиши керак. Бундай ҳикояга мисол келтирамиз:

Қадим замонда болалар яшаган экан. Уларга онаси ёғоч от совға қилади. Болалар кучук ва мушукни отга миндириб, сайр қилдира бошлайди. Яхши сайр қилиб юрганда, от бирдан юрмай қолибди. Болалар қараса, отнинг оёғи синиб қолган экан. Болалар Анвар амакини чақиришибди ва у отни тузатиб берибди.

Ҳар бир ҳикояда сифатий таҳлилдан бошқа, миқдорий таҳлил қилиш имконини берадиган маълум сўз бирликлари сонини ажра-тиб олиш керак. Бунда ҳикоя бошқача турга, яъни миқдорий таҳлил қилганда тадқиқотчи учун қалитдай ҳолга келади. Масалан:

Бир бола /бор эди/. Унинг исми /Аброр эди/. Аброр/ онаси би-лан /кўчага/ ўйнашга чикди/. Аброр /тез-тез чоғиб бораётиб/, тошга

/қоқилиб тушди/ ва йиқилди/. Аброрнинг оёғи /лат еди/. Унинг оёғи/ қапиқ оғриди/. Онаси Аброрни /докторга олиб борди. Доктор оёғини/ бойлаб кўйди/, ва у оғримай қолди/.

Каттароқ бола учун мураккаброқ ҳикоялар танланиши мумкин. бирикмаларининг маълум миқдори ажратилган бир неча ҳикояларни келтирамиз:

1. Ўн йиллик/ 136/ - ўрта мактаб/ ўқувчиси/ ўн икки ёшли/ Санжар/ ёчги таътилни/ бувисиникида/, қишлоқда/ ўтказди. Кечки пайт/ ўрмондан/, қайтаётиб/, Санжар темир йўлнинг/ тузатилмаганлигини/ пайқаб қолди/. Санжар бу ҳақда темирйўлчиларга хабар берди/. Авариянинг/ олди олинди/. Ҳушёрлик/ кўрсатган бола/ мукофот/ билан тақдирланди/.

2. Душанба куни кечқурун/ америка пассажир самолети/ «Боинг»/ Канада яқинида/ бошқа самолетга урилди/. 180 та йўловчининг барчаси, жумладан 18 та аёллар/ ва 9 та болалар ҳам/ ҳеч нарсани кўриб бўлмайдиган/ қоронғи/ қор бўронига қарамасдан/, бўронли кунда/ қутқазилди. Ҳамма пассажирлар/ «Россия» теплоходи билан/ портга етказилди.

Ҳикояни қайта эсга тушириш бўйича тажрибани турли тар-тибда ўтказиш мумкин. Боғча ёшидаги болаларга ҳикояни экспериментатор ўқиб

беради. Кейин иложи борича матнга ўхшаш қилиб, эшитилган ҳикояни эсга тушириш сўралади. Бошланғич синф ўқувчилари эса ҳикояни мустақил ўқишлари ёки эшитишлари мумкин.

Шуни эсда тутиш керакки, ҳикояни идрок қилиш, уни ўқиб бериш усулига боғлиқ. Тадқиқотчи ҳикояни ўқиб бериши синалув-чига ҳикоя мазмунини тушунишни осонлаштиради, «эшитганини» идрок қилиши учун кўпроқ куч, диққатнинг кўпроқ барқарорлиги талаб этилади (СЯ.Рубинштейн, 1970). Синалувчи мустақил ўқиганида унда матнни бир неча марта қараб чиқиш имконияти туғилади, шу билан бир вақтда ёмон ўқилганда матннинг мазмунини тушунишда қийинчилик вужудга келади. Ҳикояни ёзма равишда нга тупширигада янада кўпроқ қийинчиликлар вужудга келади. шунинг учун ҳам кўпчилик синалувчилар ҳикоя қилиб беришни афзал кўрадилар. Агар бола эшитган ҳикоясини айтиб беришга қийналса. ўргатувчи дарё элементларини қўллаши мумкин. (СЯ.Рубинштейн, 1962, 1970). Ҳикоя бир неча марта ўқиб берилади ва кейин синалувчи билан бирга ўқилганини муҳокама қилинади.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Кўриш хотирасини қандай методика ёрдамида ўрганиш мумкин?
2. Эшитиш хотирасини қандай методика ёрдамида ўрганиш мумкин?
3. Пиктограмма метода орқали нимани ўрганиш мумкин?
4. Ҳикояни қайта эсга тушириш методикасининг мазмунини айтиб беринг?

VIII. ХАЁЛНИ ДИАГНОСТИКА ҚИЛИШ МЕТОДЛАРИ

Бола хаёлини баҳолашда турли хил ижодий ишлар: расм мшпш, ҳикоя тузиш, буюмларни ясаш билан боғлиқ жараёнларда фантазиянинг намоён бўлишига эътибор берилади.

8.1. «Нутқий фантазия» методикаси

Болага бирор жонли манжудот (одам ёки ҳайвонлар) ҳақида (ёки боланинг хоҳишига кўра) ҳикоя тузиш ва уни сўзлаб бериш топшириғи берилади. Бунинг учун болага 5 минут вақт ажратилиб, шундан 1 минута ҳикоя ёки эртасни ўйлаб олиши учун берилади.

Бола ҳикояни сўзлаб бериш жараёнида, унинг фантазияси қай даражадалигини билиш учун қуйидагиларга эътибор берилади.

1. Хаёл жараёнининг тезлиги.
2. Образларнинг ўзига хослиги, оригиналлиги.
3. Фантазия (тасаввур)нинг бойлиги.
4. Образларнинг чуқур ишланганлиги.
5. Образларнинг ҳиссий - таъсирчанлиги.

Юқоридаги белгиларнинг ҳикояда акс этганлигига қараб, ҳар бири 0 балдан 2 балгача баҳоланади.

"Нутқий фантазия" методикаси учун баённома

№	Бола хаёлининг баҳоланаётган белгилари	Ушбу белгиларнинг баллдаги баҳоси		
		0	1	2
1.	Хаёл жараёнининг тезлиги			
2.	Образнинг ўзига хослиги, оригиналлиги.			
3	Фантазиянинг бойлиги.			
4	Образларнинг чуқур ишланганлиги			
5	Образларнинг ҳиссий таъсирчанлиги			

Бола ҳикояни сўзлаб бераётганида, тадқиқотчи юқоридаги жадвалга, ҳикояда мезондаги белгиларнинг намоён бўлишига қараб мос баллар билан белгилаб боради.

Ривожланиш даражаси ҳақида хулосалар.

10 - балл - жуда юқори

8-9 балл - юқори

4-7 балл - ўртача

2-3 - қуйи

0-1 балл - жуда паст

8.2. «Расм» методикаси

Тадқиқотни ўтказиш учун қоғоз ва фламастерлар (камида 6 хил рангда) керак бўлади. Болага ана шулардан фойдаланиб, бирор бир расмни ўйлаб, чизиш топшириғи берилади. Бунинг учун 5 минут вақт белгиланади.

Тадқиқот натижалари таҳлили қуйидаги жадвал ёрдамида амалга оширилади.

14-жадвал

№	Бола хаёлининг баҳоланаётган белгилари	Ушбу белгиларнинг баллдаги баҳоси		
		0	1	2
1.	Хаёл жараёнининг тезлиги			
2.	Образнинг ўзига хослиги, оригиналлиги			
3.	Фантазиянинг бойлиги.			
4.	Образларнинг чуқур			

	ишланганлиги			
5.	Образларнинг таъсирчанлиги	ҳиссий	1	

Ривожланиш даражаси ҳақида хулосалар

10 - балл - жуда юқори 8-9 балл - юқори 4-7 балл - ўртача 2-3 - қуйи

0-1 балл - жуда паст

8.3. «Ҳайкалтарошлик» методикаси

Болага 5 минут давомида пластилидан бирор бир нарса ўйлаб топиб, яшаш топшириғи берилади.

Бола фантазияси, топшириқни бажаришдаги қобилияти қуйидаги балл - мезони бўйича баҳоланади.

0-1 балл — 5 минут мобайнида бола ҳеч нарса ўйлаб топиб ясай олмаса;

2-3 балл - агар бола ту вақт ичида бирор оддийроқ нарсаларни, мислан: кубик айланаларни ясаса;

4-5 балл Агар бола фақат 4 қисмдан иборат нарса ясаса;

5-7 балл - Бой фантазияси билан ажралиб турадигар,

ғайриоддий нарса ясаса;

8-9 балл — Бола оригинал нарсани ўйлаган, лекин ясалишида камчиликлари бўлса;

10 балл - агар ўйлаб топилган нарса оригинал ва пухта, эстетик дид билан ясалган бўлса.

Ривожланиш даражаси ҳақида хулоса

10 балл - Бола мактаб таълимига тайёр.....

8-9 балл - Мактаб таълимига тайёр деса бўлади.

6-7 балл - Мактабга тайёргарлиги ўртача

4-5 балл - Боланинг мактаб таълимига тайёргарлиги етарли

эмас.

3 баллдан паст - Бола мактаб таълимига умуман тайёр эмас. Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Расм" методикаси орқали нималарни аниқдаш мумкин?

2. "Ҳайкалтарошлик" методикасининг мазмунини айтиб беринг.

("Нуткий фантазия" методикаси қандай ўтказилади?)

IX. ТАФАККУРНИ ДИАГНОСТИКА ҚИЛИШ МЕТОДЛАРИ

9.1. «Объектларни ўхшашлиги ва фарқини аниқлаш, сабабини тушунтириш, тушунчаларни таърифлаш» методикаси

Тушунчани таърифлаш, сабабларини изоҳлаш, предметларнинг ўхшашлик ва фарқини аниқлаш каби тафаккур жараёнларини баҳолаш орқали биз боланинг ақлий ривожланиш даражасини ўрганиш мумкин.

Бу тафаккур жараёнлари боланинг куйидаги саволларга тўғри жавоб беришига қараб аниқланади.

1. Бу ҳайвонларни қайси бири катта? Отми ёки итми?
2. Эрталаб одамлар нонушта қилади. Кундузи ва кечқурун овқатлангандачи?

(Тўғри жавоб: Тушлик ва кечки овқат)

3. Кундузи кўчада ёруғ, кечқурунчи? (Тўғри жавоб - қоронғи).
4. Осмон кўм-кўк ўтларчи? (Тўғри жавоб; яшил рангда).
5. Гилос, ноқ олхўри ва олма - бу.....(Тўғри давом эттириш - мевалар).
6. Поезд ўтаётганда нега шлагбаумни туширилади?
7. Тошкент, Хива, Самарканд - нима? (Тўғри жавоб - шаҳарлар).
8. Соат неча бўлди? (Болага соатни кўрсатиб вақтни айтиб бериш сўралади) (Тўғри жавоб соат миллари кўрсатган вақт).

9. Сигирнинг кичигини бузоқ дейилади. Кичик ит ва қўйни нима дейилади? (Тўғри жавоб; кучук ва қўзи).

10. Ит кўпроқ нимага ўхшайди? Мушукками ёки товукқа? Жавоб бер ва тушунтириб бер, нима учун шундай деб ўйлайсан?

11. Автомобилга тормоз нима учун керак? (керак бўлганда автомобиль тезлигини пасайтиришни кўрсатувчи бирор бир жавоб тўғри деб топилади).

12. Болта ва арра бир-бирига қай жиҳатдан ўхшаш?

(Бажариладиган ишларни кўрсатувчи жавоб тўғри).

13. Олмахон билан мушук орасида қандай ўхшашлик бор? (Камида иккита ўхшаш белгиларни тўғри кўрсатилган жавоб тўғри. Мавалан, булар - ҳайвонлар, дарахтга чиқа оладилар, Қалин юнг билан қомланганлиги, думи ва тўртта оёғи борлигидир).

14. Миҳ винт, шуруп бир-биридан нимаси билан фарқ қилади? (Тўғри жавоб - миҳнинг юзаси текис, винт ва шуруп бурама кертикли; миҳ-болға билан урилади, винт ва шуруп буралади; шуруп конус шаклида, иинтва миҳ юмолоқдир).

15. Футбол, узунликка ва баландликка сакраш, теннис, сузиш нима? (Тўғри жавоб - булар спорт турлари, жисмоний машқлари тури).

16. Трапспортнинг қандай турларини биласиз? (транспорт воситасининг - камида икки турини айтиши керак).

17. Ёш одам катта одамдан қандай фарқланади? (Жавобда кексалар билан ёшлар ўртасидаги камида иккита фарқ саналади).

18. Нима учун одамлар жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланади? (Куйидаги жавоблар тўғри деб топилиши мумкин ўзининг саломатлигини сақлаб туриш, кучли бўлиш, қадди-қомати келишган бўлиши, чиройли бўлиш, спортда муваффақият қозониш ва мусобақаларда ютиш учун).

19. Нима учун ишламаслик ёмон дейилади? (Тўғри жавоб вариантлари - чунки ҳамма одамлар ишлашлари керак негаки я.чнш яшаб бўлмайди; чунки бу одам ўрнига бошқалар ишлаши керак бўлади; ишламаса керакли нарсаларни сотиб ололмайди; озиқ-овқат, турар жой ва бошқалар)

20 Нима учун конвертга марка ёпиштирилади? (Тўғри жавоб почта орқали жўнатилаётган хабарлар учун I уилмадиган ҳақ)

Натижаларни қайта ишла

Ҳар бир бир гўгри жавоб учун 0,5 балл берилади, боланинг қилиши мумкин бўлган юқори баллар 10 га тент бўлади.

Изоҳ. Боланинг мустақил фикр юритиб саволнинг моҳиятига мос келадиган жавоби кўрсатилган жавобда бўлмаса ҳам тўғри ҳисобланади. Юқоридаги методика мактабга кираётган боланинг сўз-мантиқий фикр юритиш қобилиятини психологик ташхис қилиш учун қўлланилади. Бу методика юқорида айтилган ақлий, хулоса чиқара олиш қобилиятидан ташқари боланинг ақлий фикрлай олиш фаолияти тўғрисида ҳам озми-кўпми хулоса қилиш имконини беради.

Текширувчида бола жавобининг тўғрилигига ишонч ёки нотўғри деб хулоса чиқариш учун асос бўлмаса, у ҳолда бундай жавобга 0,5 балл берилади.

Боланинг жавобини тўғри ёки нотўғри деб баҳолашдан аввал бола саволни тўғри тушунганлигига ишонч ҳосил қилмоқ керак. Масалан: ҳамма болалар ҳам шлагбаум нималигини билавермайди ва 19 саволнинг маъносини англаб ета олмайдилар.

Баъзан «ишламоқ» сўзи ҳам кўшимча тушунтириш талаб қилади, чунки мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг ҳаммаси ҳам буни била олмайдилар.

Ривожланиш даражаси ҳақида хулоса:

10 балл - жуда юқори 8-9 балл - юқори 4-7 балл - ўртача 2-3 балл - қуйи 0-1 балл - жуда паст

9.2. «Тушунчанинг шаклланиши»

Методика материали геометрик шакллар - уч хил (кизил, сариқ, зангори) ёки бошқа аралаш рангдаги ва уч хил ўлчамдаги учбурчак тўртбурчак доирачалар каби геометрик шакллардан иборат.

Бу шаклларнинг белгилари:

Шакли, ранги, катталиги - уч хил ҳарфлар орқали сунъий тушунча ҳосил қилинади, бу боланинг она тилида ҳеч қандай маънога эга эмас. Бу тажрибада қуйидаги сунъий тушунчалардан фойдаланилади:

Бир белгили тушунча:

Биг-юмалоқ;

Каб-катта;

Дав-учбурчак


Бос-тўртбурчак;

Див-ўртача;

Лаг-яшил;

Тум-кичкина;

Нич-сариқ



2-расм. “Тушунчаларни шаклланиши” методикаси учун геометрик шакллар.

Икки белгили тушунча

- Дис - қизил ва катта
- Буд - яшил ва катта
- Вар - сариқ ва кичик
- Роз - сариқ ва катта
- Веч - яшил ва кичик
- Қип-қизил ва ўрта ўлчамда
- Зук - сариқ ва ўрта ўлчамда
- Куд - зангор ва ўрта ўлчамда
- Сио - қизил ва кичик ўлчамда

Уч белгили тушунча

- Мук - қизил, учбурчақ кичик
- Чар - қизил, юмалок, ўрта
- Бес - қизил, тўртбурчақ катта
- Нич - яшил, учбурчақ кичик
- Сев - яшил, юмалок, ўрта
- Бат - яшил, тўртбурчақ катта
- Гут - сариқ, учбурчақ кичик
- Ганн - сариқ, юмалок, ўрта

Сов - сарик, тўртбурчак катта

Юқоридаги рўйхатдан кўриниб турибдики, киритилган сунъий тушунчада биттадан то учтагача белги бор.

Шакллар мос ўлчамда, турли рангда қилиб (ҳаммаси бўлиб 27 та шакл) рангли қоғозлардан кесиб тайёрланади ва 8x8-см қилиб қирқилган картон карточкаларга ёпиштирилади.

Рангли шакллар ёпиштирилган карточкалар бола олдига ихтиёрий равишда ҳаммаси кўриниб турадиган ва ўргана оладиган қилиб териб кўйилади. Карточкалар 7 донадан 3 қатор ва битта 6 донали тўла эмас, қатор қилиб терилади.

Текширилувчи тадқиқотчи берган вазифа бўйича буйруқ берилгандан сўнг ўйлаб топилган тушунчани излашни бошлайди. Карточкалардан бирини олиб, уни бошқаларидан алоҳида кўйиб бу йўлда биринчи кадамни ташлайди. Тажриба ўтказувчи бу танланган карточкада изланаётган белги бор ёки йўқлигини тасдиқлайди, у эса изланаётган белгилар бор карточкаларни топгунча излашни давом эттиради. Тажриба ўтказувчи тасдиқлагач, текширилувчи бу тушунчага аниқлик киритиб, унда изланган белгиларнинг қай бири борлигини изоҳлаб бера олиши керак.

Тадқиқотчи текшириш бошида бир белгили, сўнгра эса 2 та белгили тушунчани, охирида 3 та белгили тушунчани ўйлаб топиши керак. Тушунчани ўйлаб туриб, текширувчи текширилувчига уч ҳарфдан иборат номни ва у ўзида мужассамлаштирилган белгиларни айтади.

Текширилувчига шу белгиларни ўзида акс эттирган карточкалар шаклини топиб, бу белгиларни санаб беришини ва шу орқали тушунчага аниқлик киритиши таклиф қилинади. Битта белгини ўзида жам қилган тушунча - ранг, шакл ёки ҳажми - текширувчи томонидан юқори рўйхатдан ихтиёрий танлаб олинади; икки белгили тушунча, ўртадаги рўйхатдан, уч белгини жам қилган карточка қуйидаги рўйхатдан танланади.

Текширилувчига учта вазифани ечиш учун 3 минутдан вақт берилади. Агар текширилувчи шу вақт ичида масалани ўзи еча олмаса текширувчи унта ёрдам беради: ўзи исталаётган белгиси бор карточкани олади ва дейди «Бу карточкада керакли белги бор» (Бола ўзи шу белгини топиб айтиб беради). Агар яна бир минутдан сўнг бола керакли белгини топа олмаса, текширувчи иккинчи маротаба ёрдам беради: исталаётган белги бор карточкани кўрсатади. Агар навбатдаги вазифани бажариш бошлангандан сўнг 5 минут ўтиб ҳам исталаётган тушунчага сўз билан аниқлик киритилмаса, унга яна худди ўша типдаги саволдан масала игрилади. Агар бу вазифани ҳам уддалай олмаса тажриба гўхтатилади. Агар бола биринчи вазифани ўзи уддалай олган тақдирда белгини излаш ва аниқлаш ёки ёрдам бергандан кейин, унга навбатдаги ундан мураккаброқ вазифа берилади. Бунда 2 хил белгини излаш ва аниқлаш керак бўлади. Кўп белгили мураккаб масалалар болага бундан оддийроқларини уддалай олгандагина берилади.

Натижани баҳолаш

Тажриба қуйидагича баҳоланади:

10 балл- бола биринчи уринишдаёқ ҳар уччала вазифани ажратилган вақт давомида ўзи бемалол уддалади. 8-9 балл - бола ажратилган вақт ичида уччала вазифани ечади, лекин унга уч бор уринишда 9 минутдан ортиқ вақт кетган ва бир-икки марта ёрдам берилган.

6-7 балл — бола вазифани бажариш учун уч маротаба уриниш ва бир-икки айтиб беришгандан сўнг биринчи ва иккинчи вазифани бажарган, аммо учинчисини бир-икки айтиб бериш ва уринишдан сўнг ҳам еча олмаган.

4-5 балл - бола жуда қийинчилик билан икки-уч айтиб берилгандан сўнг биринчи ва иккинчи вазифани ечади, учинчисини эса еча олмайди.

2-3 балл - бола икки уриниш ва икки маротаба айтиб беришдан сўнг биринчи вазифани ечади. Иккинчиси ва учинчисини еча олмайди.

0-1 балл - айтиб берилгандан сўнг ҳам, масалаларни еча олмайди.

Ривожланиш даражаси ҳақида хулоса:

10 балл - жуда юқори; 8-9 балл - юқори; 4-7 балл - ўртача; 2-3 балл - қуйи; 0-1 балл - жуда паст.

Боланинг ривожланиши даражаси ҳақида хулоса Бу методика натижалари қуйидагича баҳоланади: Агар боланинг тўплаган бали 10 га тенг бўлса, кўрғазмали- ҳаракат тафаккури жуда юқори ривожланган ҳисобланади. Агар боланинг тўплаган бали 4,8 дан 8,0 гача бўлса, кўрғазмали-ҳаракат тафаккури юқори ривожланган бўлади.

Агар 1,5-3,5 балл тўплаган бўлса, кўрғазмали-ҳаракат тафаккури ўртача ривожланган бўлади, боланинг ўзи эса ўқишга тайёр ҳисобланади. Агар умумий йиғилган баллар 0,8 дан юқори бўлмаса болада кўрғазмали-ҳаракат тафаккури кам ривожланган, бола эса мактабда ўқишга шу кўрсаткич бўйича тайёр эмас, деб ҳисобланади.

9.3. «Ақлда ҳисоблай олиш» методикаси

Ушбу методика ёрдами билан боланинг арифметик амалларни ва турли хил каср сонлар яъни, оддий, ўнли, бутун касрларни тезликда ақлда ишлай олиш қобилиятини психодиагностика қилиш мумкин.

Агар болага санокни мактаб ёшига қадар ўргатилган бўлса, унда берилган методикани мактабгача тарбия ёшидан бошлаб қўллаш мумкин. Асосан, бу методика мактаб ёшидаги ўқувчи болаларнинг қобилиятларини баҳолашга хизмат қилади.

Жадвалда берилган мисоллар намунасини болага тартиб билан оддийдан мураккабга қараб ўқиб эшиттирилади. Бола тезлик билан ўқилган мисолларни миясида ишлаб, оғзаки жавоб бериши лозим. Жадвалнинг ўнг ва чап томонига тўғри ишланган арифметик мисолнинг баллари келтирилган.

Жадвалдаги келтирилган барча намуналар гуруҳларга ажратилган. Агар берилган гуруҳлардаги 3 мисолдан, 2 тадан кам бўлмаган мисолни еча олмаса, унда болага аниқ бали ёзиб қўйилади.

Жадвалдаги намунада баллар миқдорига мос келувчи баҳолар бири-биридан горизонтал йўналишдаги чизиқлар билан ажратилган. Улар орасида боланинг берилган мисолларга тўғри жавоби учун оладиган баллари

жойлашган. Топшириқни тўла бажаришга кетган умумий вақт 5 минутга тент.

Топшириқ моҳияти бола шу вақт ичида қанча кўп мисол ишлаши билан белгиланади. Намунада берилган тўғри жавоблар фақатгина тадқиқотчига маълум бўлиш керак бу унга боланинг жавобларини текшириб боришда қўлланма бўлиб хизмат қилади.

«Ақлда ҳисоблай олиш» методикасига мисоллар

15-жадвал

Баҳолар баллда		Мисоллар	Баҳолар баллда	
0,8	0,1	$1.5+2=7$ $25.0,83+0,12=0,95$ $2.4+5=9$ $26.0,47+0,35=0,82$ $27.0,22-0,13=0,09$	$3.6-2=4$	0,7 3,2
	0,2	$4.9-6=3$ $0,43=0,44$ $29.0,22$	$28.0,87-$ $5.3*2=6$ $0,1=0,022$ $6.2*4=8$ $30.0,15*02-0,03$	0,8

0,2	7.9/3=3	8.6/2=3	0,8	
	31.0,21:0,1=2.1	33.		
0,3	32.0,48:0,24=2,0	11.16-4=12	0,9	
	9.10+6=16	36.9/6-		
1,6	1\4+1/4=1/2	5/16=1/4	0,9	2.0
	10.12+4=16	14.6*3=18		
0,3	34.1/4+2/4=3/4	17.25+32=57	1,1	
	35.3/5+1/8=29/40	41. 1/2+2/4= 1,0		
0,4	12.19-7=12	18.41+23=64	1,1	2,4
	5/16=1/4	43.9/10-		
0,3	13.4*3=12	20.67-21=46	1,1	2,4
	37.1/3*1/3=1/9	21.16*5=80		
0,4	38.2/8*3/8=3/32	45.2/6:1/2=1/6	1,3	
	15.18/3=6	46. 3/16:		
0,4	39.4/5:2/5=2,0	22.22*4=88	1,3	
	16.15/5=3	У ₄ =9/64		
0,4	40.5/16:3/16=5/3	47.4/12:2/3=1/2	1,3	
	41. 1/2+2/4= 1,0	24.84/14=6		
0,4	18.41+23=64	48.8/32:4/16=1	1,3	
	42.8/32+3/4=1,0			

Бола томонидан 5 минут вақт ичида тўплаган балларнинг йиғиндиси кейинчалик 10 баллик шкала асосида стандартлаштирилган балларга ўтказилади.

Ривожланиш даражаси ҳақида хулоса:

7,7 балл ва ундан кўп: жуда юқори 5,7-7,6 балл - юқори; 2,5-5,6 балл - ўртача; 0,9 -2,4 балл - паст; 0,8 балдан кам: жуда паст.

Бунда 7,7 -10.0 гача ораликдаги баллар йиғиндиси жуда яхши натижани кўрсатиб, боланинг математик қобилияти кучли эканлигидан далолатдир.

5,7-7,6 гача ораликдаги баллар кўрсаткичи яхши натижани билдириб, боланинг математик қобилияти ўртача эканлигини кўрсатади.

2,5-5,6 гача ораликдаги баллар боланинг математик қобилиятларини кучсиз эканлигини кўрсатади.

0,9-2,4 гача ораликдаги баллар натижаси боланинг математикани ўзлаштириш учун қобилиятсизлигидан далолат беради.

0,8 дан оз натижа кўрсаткичи боланинг математик тафаккури ривожланишидан орқада қолганини билдиради.

9.4. «Рубик кубиклари»

Бу метод боланинг кўргазмали-ҳаракат тафаккурининг ривожланиш даражасини ташхис қилиш учун мўлжалланган. Бизга таниш бўлган Рубик кубикларидан фойдаланиб, болага мураккаблик даражаси ҳар хил бўлган амалий вазифалар берилади, бу вазифаларни тиғиз вақт шароитида ёчишни таклиф қилинади. Куйида шундай топшириқлардан 9 таси келтирилган ва сўнгида қавс ичида баллар миқдори кўрсатилган. Ушбу баллар бола 1 минутда ечган топшириқ сони билан белгиланади. 9 та масалани ечиш учун 9 минут вақт берилади.

Эслатма: 1 топшириқни ечгандан сўнг - иккинчисига ўтишда Рубик кубиклари ранги ўзгартирилиб берилади.

1-топшириқ: Бир хил рангдаги 3 та квадратдан хоҳлаган юзаси билан устунча ёки чизикча шаклини ясаш (0,3 б).

2-топшириқ: Бир хил рангдаги квадратлардан хоҳлаган юзаси билан 2 та устунча ёки 2 та чизикча ясаш (0,5 б).

3-топшириқ: Бир хил рангдаги квадратчалардан кубикнинг бир томонини ясаш (0,7 б).

Маълум бир рангда юза ясаш ва унга 1 та

4-топшириқ чизикчани ёки устунчани 3 та квадратлардан ясаб ёндаштириш (0,9 б).

5 топшириқ: Кубикнинг юзасини тўла йиғиб, унга қўшимча худди шу рангда 2 та чизикча ёки устунча ясаб ёндаштириш (1,16).

6-топшириқ: Кубикнинг 2 та юзасини бир хил рангдаги квадратлардан ясаш (1,3 б).

7-топшириқ: 2 та юзаси бир хил 2 та кубик ясаш ва ундан ташқари худди шу рангдаги квадратлардан бир устун ёки бир чизикча ясаш (1,5 б).

8-топшириқ: Бир хил рангдаги квадратлардан 2 та кубик юзаси ясаб, ёнига ўша рангда бир хил 2 та ёки чизикча ҳам қўйиш (1,7 б).

9-топшириқ: Кубикнинг 3 та юзасини бир хил рангда ясаш (2,0 б).

Натижани баҳолаш

Агар тўпланган баллар 10 га тенг бўлса, кўргазмали-ҳаракат тафаккури жуда юқори даражада ривожланган.

Берилган вақт давомида бола вазифани тўғри ҳал қилиб, 4,8-8,0 балл тўплаган бўлса бу тафаккур тури юқори даражада ривожланган.

1,5-3,5 балл - бу тафаккур турининг ўртача ривожланганлигини билдиради, бола мактаб таълимига тайёр ҳисобланади.

1,5 балгача - кўргазмали-ҳаракат тафаккури яхши ривожланмаган, бола мактаб таълимига тайёр эмас,

9.5. «Равен матрицаси»

Ушбу методика кичик мактаб ёшидаги болаларнинг кўргазмали-образли тафаккурини ўрганишга мўлжалланган бўлиб, унинг асосий вазифалари машҳур Равен тестидан олинган. У 10 та аста-секин мураккаблашиб борувчи Равен матрицаларидан иборат.

Болага аста-секин мураккаблашиб борувчи 10 қисмдан иборат вазифа берилади. Масалан: Матрицада бўлақларни жойланишидаги қонуниятни

топиш: ва қуйида берилган 8 та расм ичидан шу матрицага мос келувчи қисмларни топиш керак. (Матрицанинг шу қисми ичида ҳар хил расмлари бор байроқчалар сифатида берилган). Катта матрица тузилишини ўрганиб, байроқчалар ичидан бола катта матрицага жойлашиши учун мантиқан мос келувчи қисмни аниқлаши керак.

Боланинг 10 та топшириқни бажариши учун 10 минут вақт берилади. Вақт тугагач, тадқиқотчи тажрибани тўхтатади ва тўғри аниқланган матрицалар сони ҳамда вазифани бажаришда тўпланган умумий балл ҳисобланади, ҳар бир тўғри бажарилган матрица учун 1 балдан баҳоланади.

Ривожланиш даражаси ҳақида хулоса:

10 балл - жуда юқори 8-9 балл - юқори 4-7 балл - ўртача 2-3 балл - қуйи. 0-1 балл - жуда паст.

9.6. Косс кубиклари

Бу методика 1923 йилда S.C.Kohs томонидан таклиф этилган бўлиб, фазода иш тутиш, диққат, зийраклик қуриш ясаш хусусиятларини ўрганишга мўлжалланган. Бу методика D.Wechsler нинг (1939, 1955) методикасига ақлни текшириш субтести сифатида киритилган. Одатда уни катталарни текширишда қўллашади, лекин бундай топшириқларни болалар ҳам қизиқиб ўйнайдилар. Болалар берилган намунага кўра кубиклардан фигуралар ясашларй керак.

Тажриба ўтказиш учун бир хилда бўялган пластмасса ёки ёғоч кубиклар керак бўлади. Кубикларнинг катталиги 3x3 см, шакли ва ранги ҳар хил фигуралар чизилган 10 та расм зарур. Синалувчи учун кўрсатма: «Шундай фигурани тўртта кубикдан ясаб қур». Расмнинг биринчи намунаси кўрсатилади ва синалувчи таклиф этилган фигурани кубиклардан ясай бошлайди.

Кубикларни расмнинг устига қўйиб, топшириқни бажариш ман этилади. Вақт ҳисобга олинади. Топшириқни бажаришнинг аниқлигига ва узоқлигига боғлиқ равишда миқдорий баҳо қўйилади.

Боғча ёшидаги ва бошланғич синфдаги болалар топшириқни бажаришганда озроқ ёрдам бериш мумкин. Бола агар қийналса, 1-2 фигурани ясаб кўрсатиш керак. Бунда экспериментатор фақатгина ясаб кўрсатмасдан, қуриш принципини ҳам тушунтиради. Фигурани ясаб бўлгач, экспериментатор кубикларни бузиб ташлайди ва синалувчига мустақил кубикларни ясашни айтади. Тадқиқот қарорида кўрсатилган ёрдам ва бажарилган вақт ёзиб қўйилади.

9.7. Линк куби

Бу методика диққат барқарорлигини, зийраклигини, ҳиссий реакцияни аниқлашга имкон беради. Тажриба ўтказиш учун 3x3 см. катталиқда бир хил 27 кичик кубиклардан иборат куб керак. Кичик кубчаларнинг томонлари 3

хил (қизил, яшил, сарик) рангларга бўялган бўлади, улардан ташки томонидан бир хил рангдаги катта кубик ясаш мумкин бўлсин.

Болага бир хил рангли куб кўрсатилади (масал қизил), сўнгра бузиб ташлаб, худди шундайини яна қуриш кераклиги айтилади. Экспериментатор кўшимча равишда болага, агар у қизил томонини ичкарида қолдирса, унда қизил ранг ташқари томонда етишмаслиги айтилади. Тошпирикни бажариш вақтида синалувчининг зийраклигига, ўқувчанлигига, тез бажаришига, хиссиётига аҳамият берила-ди. Буларни ҳаммаси олдиндан тайёрланган тадқиқот қарорига ёзиб қўйилади. синалувчи қуриш усулини қанчалик тез ўзлаштирилганлиги ҳам ёзиб қўйилади, 3 томондан ҳам қизил кубикчани бурчакларига, битта ҳам қизил томони йўқ кубикни ўртага жойлаштириш керак. Синалувчи 3-4 кубикни қўлига олиб, қуриш усулини яхши тушунмаган бўлса, унта айтиб ёрдам кўрсатилади. Лекин бу боланинг зийраклиги оз ривожланганлигидан далолат беради.

Экспериментатор бола топширикни бажараётганида унинг ҳаракатларини, хатоларини, диққати хусусиятларини кузатиб ёзиб боради. Масалан диққатдаги хатолар қуйидагича бўлиши мумкин:

а) у ёки бу кубикнинг жойини тўғри аниқлаб, синалувчи уни нотўғри айлантриб юборади, шундан сўнг хатони тўғрилаш қийин бўлади;

б) ўртага икки томони қизил кубик қўйиб қўйилса ҳам шундай хато бўлиши мумкин, ўртага фақат бир томонида қизил бор кубикларни қўйиш керак.

Бу хатолар диққатнинг паришонлигидан, барқарор эмаслигидан далолат беради. (С.Я.Рубинштейн, 1970). Бу вазифани бажаришда болалар икки усулни қўллайдилар. Биринчиси, мувафакқиятсизроқ бўлиб, синалувчи навбатдаги жойни тўлдириш учун кубик излайди. Иккинчи усулда, синалувчи ҳар бир кубикни қўлига олиб, унинг учун мос жойни излайди. Одатда топширикни бажаришни биринчи усул билан бошлайдилар, лекин бир оздан сўнг иккинчи усул билан топширикни бажаришга киришади.

Болалар кубикларни қуришга турлича муносабатда бўладилар. Масалан, 3-4 ёшли болалар қўллангани дарров тушунмайдилар ва уларнинг кўпчилиги топширикни бажаришда тартибсиз ҳаракат қиладилар. 6-7 ёшли болалар бўлса, хатоларга йўл қўйсалар ҳам, диққат билан тартиблироқ ҳаракат қиладилар. Бошланғич синф ўқувчилари ҳам топширикни бажаришда хатога йўл қўядилар. Лекин улар бу топширикни тезроқ бажарадилар. 10-11 ёшли болалар қўллангани яхши тушунадилар, ўз хатоларини ўзлари тузатадилар.

9.8. Классификация

Гуруҳлар бўйича классификация қилиш методикаси биринчи марта К. Goldstein (1920) томонидан тақлиф этилган бўлиб, кейинчалик Л.С.Виготский (1934) ва Б.Г.Зейгарник (1958) томонидан ўзгартирилган. Методика умумлаштириш ва мавҳумлаштириш жараёнлари даражасини ўрганиш учун қўлланилади. Шу билан тажриба вазиётида топширикни бажараётганда синалувчи хулқ-атвор хусусиятлари, унинг хатоларга

муносабати ҳамда ёрдам берилганда, уларни кузатиш қобилиятлари кўринади.

Тажриба ўтказиш учун ҳар хил предметларнинг, ўсимликларнинг, ҳайвонларнинг расмлари тасвирланган картинкалар керак бўлади. Бунда расмларда Б.В.Зейгарник (1958) таклиф этган рангли безаш, турли умумлаштириш даражалари акс этган бўлиши керак. Боғча болаларини текширишда (С.Я.Рубинштейн, 1970) карточкаларнинг баъзиларидан (ўлчаш асбоблари, ўқув қуроли) фойдаланмаслик керак чунки болалар улар ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга эмаслар. Бу методикаларнинг бошқа вариан-тида предметларнинг, ўсимликларнинг, ҳайвонларнинг номлари карточкаларга ёзилган бўлиши мумкин. Бу (оғзаки) варианта каттароқ болаларни (3-4 синф ўқувчиларини) текширишда қўллаш мумкин.

Шундай қилиб, методиканинг биринчи варианта предметли классификация, иккинчи варианта - оғзаки классификациядир, иккала вариант ҳам болаларнинг умумлаштириш, янги тушунчаларни шакллантириш қобилиятини аниқлайди.

Синалувчига қуйидаги қўлланма берилади: «Ҳозир сиз турли предметлар, ўсимликлар, ҳайвонлар, теварак атрофдаги барча нарсалар тасвирланган карточкалар тўпламини оласиз. Сиз уларни қайси нарса нимага киришига қараб гуруҳларга ажратасиз». Кейин тадқиқотчи бир карточкани олиб синалувчидан унда нима тасвирланганини сўрайди. Тўғри жавоб олгач, уни бир томонга қўйиб қўяди. Кейин навбатдаги карточкани олиб, унда нима тасвирланганини ҳам аниқлайди. Бу тасвирлар бир-бирига қанчалик ўхшашлиги ва фарқ қилиши уларни бир гуруҳга киритиш мумкинлигини аниқлайди. Синалувчи кўрсатмани тушуниб карточкаларни муस्ताқил гуруҳларга ажрата бошлаганидан сўнг, тадқиқотчи томонидан кўрсатиладиган ёрдам тўхтатилади. Классификация методидида оғзаки методни қўллашда ҳам юқоридаги каби кўрсатма берилади. Бунда тадқиқотчи синалувчига предметларнинг белгилари ва хусусиятларини кўрсатиб, бир гуруҳга киритиш кераклиги ҳақида йўл-йўриқ бермаслиги керак. Предметли классификация бўйича тажрибалар 3 гуруҳда бажарилади. Биринчи босқичда синалувчи карточкаларни кўрсатма бўйича ажратади. «Тадқиқотчи тадқиқот қароридида синалувчи ҳаракатларини, ажраташ хусусиятлари (масалан, «шкаф», «пальто» ёки «велосипед» ва «спортчи» карточкаларини қайси гуруҳга киритганлиги)ни ёзиб боради. Барча карточкалар гуруҳга ажратилиб бўлинганидан сўнг иккинчи босқичга ўтилади. Бир турдаги белгиларига кура карточкаларни каттароқ гуруҳларга бирлаштириш ҳақида синалувчига қўлланма берилади. Иккинчи босқич синалувчи ўз ҳаракатларни тўғрилашга киришганидан бошланади. Синалувчи кўрсатилган ёрдамни қандай қабул қилишига, ўхшаш хатоларни тўғрилай олишига эътибор қаратилади. Бу босқич энг узок давом этади, чунки бу босқичда топшириқни бажариш давомида нима учун ҳар бир карточка у ёки бу гуруҳга киритилганлиги аниқланиб, барча ҳаракатлар батафсил ёзиб борилади. Синалувчи у ёки бу карточкани бир гуруҳга киритилганлигига эмас, синалувчининг тушунчаларини умумлаштириш қобилияти ҳам аниқланади. («мебель», «уй

хайвонлари», «транспорт» ва бошқалар). Синалувчи учинчи босқичда расмлар гуруҳини бирлаштириб, янада камроқ гуруҳлар қолиши керак ва уларни кандайдир тушунча билан умумлаштириш керак. Баъзан қўлланмада «ўсимликлар», «хайвонлар», «оконсиз предметлар», «одамлар» деб гуруҳлар сони аниқ кўрсатилади.

Тадқиқотчи синалувчи топшириқни бажараётган вақтда тадқиқот қарорини тўлдириб бориши зарур (16-жадвал),

16-жадвал

Предметли классификация бўйича тадқиқот қарори

Тадқиқотчи ҳаракатлари	Синалувчи ҳаракатлари	Синалувчи тушунтиришлари

Классификация методикасидаги оғзаки усул қўлланганда синалувчи аниқ тушунчалар, сўзларни гуруҳларга ажратиши керак. Бу ерда расмнинг таъсири йўқ бўлиб, синалувчи сўзларнинг мазмуни-ни яхши тушунади, атрофдаги предмет ва ходисалар ҳақида маълум билимларга эга бўлади. Шу билан бир вақтда классификациянинг бу усулида синалувчи предметларни ўзига маълум гуруҳларга ажратиш қобилияти осонлик билан аниқланади. Тадқиқотчи синалувчи билан бирга тадқиқот натижаларини муҳокама қилганда унинг тафаккур жараёнлари хусусиятлари ҳақида қўшимча маълумот олади.

Юқорида қайд этилган усуллардан ташқари умумлаштириш геометрик фигураларни классификация қилиш методикаси (Ю.Ф.Поляков, 1954) ҳам қўлланиши мумкин. Тажриба ўтказиш учун 3 белгисига: рангига, шаклига, катталигига кўра фарқланадиган геометрик фигуралар тасвирланган 2 та тўплам (ҳар бирида 24 тадан карточка бор) керак бўлади. Геометрик фигураларнинг биринчи тўплами эркин жадвал сифатида бўлиши мумкин (9-илова). Иккинчи тўпламда худди у геометрик фигуралар тасвирланган алоҳида карточкалар бўлиб, болага белгилари бўйича гуруҳлаш учун берилади.

Тажриба бошида синалувчига намуна 30 сония кўрсатилади ва унга берилган алоҳида карточкаларни ўхшаш белгисига кўра 2 гуруҳга ажратиш кераклиги айтилади. Тадқиқот қароридан ажратишга кетган вақт, хатолар характери қайд этилади. Тажриба жараёнида умумлаштириш қобилиятини шакллантириш бўйича ўргатувчи даре элементларидан фойдаланиш мумкин.

9.9. Ортиқчасини ўчириш

Ортиқчасини ўчириш методикаси умумлаштириш ва чалгиш, муҳим белгини ажратиш каби тафаккур жараёнлари даражасини

ўргатиш учун қўлланилади. Бу методиканинг ҳам икки тури бор: предметли ва сўзли.

Методиканинг предметли турида кўзгатувчи материал алоҳида қоғозларда берилиши зарур. Ҳар бир қоғозда (карточкада) 4 та предмет тасвирланган (10 илова). Расмлар оқ-қора ёки рангли бўлиши мумкин.

Синалувчи 4 та предметдан, умумий белги бўйича бирлашувчи 3 тасини танлаши керак. Одатда куйидаги кўрсатма берилади:

«Бу расмларга диққат билан қаранг. Бу ерда 4 та предмет тасвирланган, сиз 3 та предметни бирлаштириб турадиган нарсани топиб, уша ном бериш керак бир предмет бу гуруҳга кирмаган-лиги учун уни ўчириш керак». Тадқиқотчи биринчи топширишни синалувчи билан бирга бажаради, кейин у мустақил ишга киришади. Бу методикадан болаларни ва катталарни текширишда фойдаланиш мумкин. Методиканинг огзаки вариантыни 11-12 ёшдан катта болалар учун қўллаш мумкин. Тажриба ўтказиш учун сўзлар катори ёзилган махсус қоғоз варога керак бўлади. Қўлланма: «Ҳар бир каторда 5 та сўз бор, 4 та сўзни бир гуруҳга киритиб, бу гуруҳга ном беринг, бир сўз ортиқча бўлиб, уни ўчириш керак».

1. Стол, стул, кровать, пол, шкаф.
2. Сут, қаймоқ, қатик, сузма, гўшт.
3. Ботинка, этиқ боғич, туфли, тапочка.
4. Волга, арра, миҳ болта, ранда.
5. Ширин, иссиқ, аччиқ, нордон, шўр.
6. Терақ тол, дарахт, арча, шафтоли.
7. Самолёт, арава, одам, кема, велосипед
8. Аброр, Мурот, Азиз, Аскарров, Наби.
9. Сантиметр, метр, килограмм, километр, миллиметр.
10. Пальто, плашь, кўйлақ тугма, шим.
11. Уй, орзу, машина, сигир, дарахт.

Тажриба натижаларини тадқиқот қарорида қайд этилади (17-жадвал).

17-жадвал

Ортиқчасини ўчириш методикаси бўйича топшириқларни бажариш қарори схемаси

Карточка №	Ўчирилган предмет	Ажратилган гуруҳ (умумлаштирувчи сўз)

Тўғри ва нотўғри ечимлар билан бирга синалувчи қўлланмани қандай тушунганлиги, ўргатувчи дарслардан сўнг ўз хатоларини тўғриланганлиги ҳақида ҳам қайд этилади. Синалувчининг топшириқни ечишда ўз усулини тушунтиришига ҳам эътибор бериш зарур.

9.10. Муҳим белгини ажратиш

Бу методика тафаккур хусусиятларини, предметларнинг муҳим белгиларини ажратиш қобилиятини текширишда фойдаланилади. Ажратиладиган белгиларни характериға кўра, тафаккур услуби, яъни аниқ ва мавҳум тафаккурнинг устунлиги ҳақида билиш мумкин. Бу методикани 3-4 синф ўқувчиларини текширишда қўллаш мумкин.

Тажриба ўтказиш учун махсус қоғоз вароғига ёзилган сўзлар керак бўлади. Кўрсатма: «Ҳар бир каторда бир асосий сўз ва 5 та унта тегишли сўз қавс ичида берилади. Бу сўзлардан қавс олдида турган сўзга кўпроқ алоқадор бўлган икки сўзни тагиға чизиш керак».

1. Боғ /дарахт, боғбон, кўрғон, ер/
2. Дарё /соҳил, балиқ, балиқчи, сув, сув ўтлари/
3. Шаҳар /автомобиль, бино, велосипед, кўча, оломон/
4. Омборхона /пичанхона, от, том, мол, деворлар/
5. Китоб /расмлар, уруш, қоғоз, севги, матн/
6. Ўйин /карта, ўйинчилар, жарималар, жазо, қоида/
7. Мусиқа /овоз, санъат, жаранг, олқишлар, куй/
8. Ўқиш /кўз, асар, китоб, расм, сўз/
9. Кубик /бурчаклар, чизма, томонлар, тош, дарахт/
10. Касалхона /хона, боғ, врач, радио, беморлар/
11. Бўлиш /синф, бўлинувчи, қалам, бўлувчи, қоғоз/

12. Спорт /медаль, оркестр, мусобақа, ғалаба, стадион/

Топшириқни бажаришда синалувчининг кўрсатмани тушунганлиги, йўл қўйган хатоларига эътибор қилинади. Агар синалувчи топшириқни бажариш шартларини тушунмаган бўлса, тадқиқотчи дастлабки икки мисолда топшириқни қандай бажариш зарурлигини кўрсатиб беради. Барча ҳолларда синалувчининг топшириқни қандай бажарганлигини муҳокама қилиш зарур. Баъзи муҳокама жараёнида синалувчи кўшимча фикрлар билдиради, хатоларни тўлдирди. Синалувчининг хатолари аниқ-вазиятли тафаккур хусусиятларини акс эттириши билан, шошмашошарлик натижаси бўлиши мумкин.

9.11. Сунъий тушунчаларни шакллантириш

Болаларда тушунчали тафаккур хусусиятларини ўрганиш учун Л.С.Выготский ва Л.С.Сахаров (1930) методикасининг ўзгартирилган усулини (Л.В.Говоркова) қўллаш мумкин. Бу методика ёрдамида боланинг мақсадга йўналтирилган ва кетма-кет ҳаракатларини бажара олиш қобилияти, бир неча йуналишида таҳлил қила олиш қобилияти аниқланади.

Методика учун қўзғатувчи материални тайёрлаш унчалик қийин эмас (11-илова). Картон қоғоздан шакли (2 хил), рангли (қизил ва яшил) ва катталиги (4 вариант) бўйича фарқланувчи 16 та фигура қирқиб олинади. Фигураларнинг орқасига шартли белгилар, масалан «оке», «тик» ва бошқалар ёзилади.

Тажриба қуйидагича ўтказилади: Синалувчига бир фигурани бериб, шундай фигураларни йиғиш кераклиги айтилади. Синалувчи ҳар бир олган фигуранинг орқасини ўгириб, тўғри ёки нотўғри танланганлигига ишонч ҳосил қилади. Тадқиқот натижалари ҳақида сунъий тушунчани шакллантириш учун зарур танлаш сони бўйича ҳамда «ўргатиш характери, уларни синалувчининг идрок қилиш. топшириқни тўғри ва нотўғри бажариш реакцияси бўйича фикр юритиш мумкин. Синалувчига қуйидаги кўрсатма берилади: "Ҳар бир фигура ўз белгисига эга. Масалан, биринчи фигура "окс" деб аталади. Сиз барча фигураларни навбат билан қараб чиқиб, улар "окс" гуруҳига кириш ёки кирмаслигини аниқлашингиз зарур. Шундан сўнг тадқиқотчи синалувчи билан бирга бир неча танлов синовларини бажаради. Синалувчида сунъий тушунча шаклланиши учун, шундай синовлардан

нечтаси керак бўлганлигига, тажриба жараёнида қандай хатоларга йўл қўйганига эътибор бериш зарур.

9.12. Сунъий тушунчаларни шакллантириш қобилиятини ўрганишда таълимий дарслардан фойдаланиш

Таълимий дарсларни қўллаш янги билимларни эгаллашда боланинг яширин имкониятлари ҳақида тўғри маълумот олиш имконини беради. Методнинг мазмуни геометрик фигураларни классификация қилишдан иборат (А.Я.Иванова, 1965). Асосий топшириқда геометрик фигуралар тасвирланган 24 карточкадан фойдаланилади (9-илова). Назорат тажрибаларида 12 та карточка ишлатилади. Геометрик фигуралар ранги (яшил, сариқ, қизил), шакли (квадрат, учбурчақ айлана, ромб), катталиги (катта, кичик) бўйича бир-биридан фарқ қилади.

Болага карточкалар кўрсатилиб, уларни 3 ёки 4 гуруҳга ажратиш таклиф қилинади. Топшириқ гуруҳлашнинг мумкин бўлган 3 вариантыга мос равишда 3 қисмдан иборат: ранги, шакли ва катталиги бўйича гуруҳлаш. Агар бола 30 сония давомида мустақил топшириқни бажаришга киришмаса, унга ёрдам кўрсатилади. Бунда ўргатувчи тажриба қарорида топшириқнинг биринчи қисмини бажариш учун кетган вақт, хатолар сони қайд этилади. Топшириқнинг 2 чи ва 3 чи қисмида болага карточкаларни бошқа мумкин бўлган вариантыда, лекин ўхшаш белгиси бўйича гуруҳлаш таклиф этилади. Агар синалувчи карточкаларни яна топшириқнинг биринчи қисмидагидай гуруҳласа, унинг ҳаракатлари сустигидан, диққат кўчишининг сустигидан далолат беради. Агар бола 30 сония давомида топшириқни бажаришга киришмаса, тадқиқотчи унга яна шакл ва катталик белгиларини ўргатувчи даре тушунтиради. Топшириқнинг ҳар бир қисмини бажариб бўлгандан сўнг, боладан нима учун бундай гуруҳларга ажратганини оғзаки сўралади. Болага бундай топшириқларни бажариш учун геометрик фигуралар тасвирланган 12 та карточкалар тўплами берилади: уларни ранги (олов ранг, жигар ранг, сиёҳ ранг), шакли (овал, трапеция), катталиги (катта, кичик). Натижада ўхшаш топшириқларни бажаришда тўпланган тажрибани кўчиришда белгилар соний қайд этилади.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Классификация методикасининг моҳияти?
2. Ортиқчасини ўчириш методикаси орқали нималарни ўрганиш мумкин?
3. Муҳим белгини ажратиш қандай методика?
4. Сунъий тушунчаларни ажратиш методикаси қаддай ўтказилади?
5. Бола тафаккурини яна қандай методикалар орқал» ўрганиш мумкин?

X. БОЛАЛАР НУТҚИНИ ЎРГАНИШ МЕТОДЛАРИ

10.1. «Тушунчаларни таърифлаш» методикаси

Ушбу методикани ўтказиш учун болага қуйидаги сўзлар тўплами берилади:

1. Велосипед, миҳ газета, соябон, мўина, қахрамон, учмоқ, бирлаштирамоқ, тишламоқ.

2. Самолёт, тугма, китоб, илон, дўст, ҳаракатланмоқ, туташтирмоқ, урмоқ,

аҳмоқ.

3. Автомобил, ҳаво, журнал, этиқ танга, кўрқмоқ, қочмоқ, боғламоқ, пичирламоқ, тиканли.

4. Автобус, қистиргич, хат, шляпа, пар, чақимчи, айланмоқ йиғламоқ, жойламоқ, туртмоқ.

5. Мотоцикл, қисқич, эълон, ботинка, тери, душман, қоқилмоқ, йиғмоқ, урмоқ,

дағал.

Болага кўйидагича кўрсатма берилади:

«Олдинда ҳар хил сўзлар тўплами турибди. Тасаввур қил, сен ушбу сўзларнинг бирортасини ҳар қандай маънони англатишини билмайдиган киши билан учрашиб қолдинг. Сен бу кишига ҳар қайси сўз нимани англатишини тушунтиришинг лозим, масалан «велосипед» сўзини олайлик. Сен шу сўзни қандай изоҳлар эдинг ?

Шу тарзда болага кўйидаги мисолдаги 5 та тўпламдан олинган сўзларга кетма-кетликда аниқлик киритиши айтилади. Масалан: автомобил, миҳ газета, танга, кахрамон, боғланмоқ айланмоқ.

Ҳар бир берилган тўғри жавоб учун бола 1 балдан кўлга киритади. Ҳар бир сўзни таърифлаш учун 30 секунддан вақт берилади. Агар бу вақт ичида бола берилган сўзни таърифлай олса, тадқиқотчи бу сўзни қолдириб, тартиб билан яна янги сўзни ўқиб беради.

Эслатма:

1. Агар бола ўқишни билса ва бу унга қийинчилик туғдирмаса сўзларни ўзи ўқиб изоҳлаши мумкин. Бошқа ҳолларда тадқиқотчи сўзларни болага ўзи ўқиб беради.

2. Бола ҳар бир сўзни изоҳлашдан аввал у шу сўзнинг нима эканлиги ва маъносига тушунадими-йўқми ишонч ҳосил қилиши лозим. Буни кўйидаги саволларни бериш орқали аниқлаш мумкин: Бу сўзни биласанми? Ёки Сен бу сўзнинг маъносига тушунасанми ва бошқалар. Бола томонидан тасдиқ жавоб олингандагина тадқиқотчи болага сўзни мустақил равишда маъносини изоҳлашни таклиф қилади ва ўзи вақтни белгилаб беради.

3. Агар бола томонидан берилган жавобда сўзларни изоҳи тўлиқ бўлмаса, унда болага ўртача 0,5 балл, умуман тўғри изоҳлай олмаса- 0 балл қўйилади.

Натижаларни баҳолаш

Бола топширикни бажаришда кўлга киритилган баллар йиғиндисининг энг юқориси - 10 баллга, қуйиси - 0 баллга тенг бўлади.

Таҷриба сўнггида жами баллар ҳисобланади. Шу болани қайта психодиагностика қилиш зарур бўлса, янги сўзлар тўпламидан фойдаланиш тавсия қилинади.

Равожланиш даражаси ҳақида хулоса:

10 балл -жуда юқори 8-9 балл - юқори 4-7 балл -ўрта 2-3 балл- қуйи 0-1 балл- жуда паст

10.2. «Пассив сўз бойлигини аниқлаш»

Бу методика болага кўзғатувчи материал сифатида юқоридаги методикадаги каби ҳар бир 10 та сўздан иборат 5 та тўплам тавсия қилинади.

Мазкур методика қуйидаги тарзда олиб борилади. Болага биринчи тўпламдан биринчи сўзни, яъни вертолёт сўзини ўқиб эшит-тирилади ва қолган тўпламлардан бир гуруҳга мансуб маъно жиҳатидан мос келувчи сўзни топишни сўралади. Қолган тўпламлардаги сўзларнинг ҳар бирини 1 секунд вақт оралиғида сеин-асталик билан ўқиб берилади. Ўқиб эшиттириладиган вақт давомида бола маъно жиҳатидан мос келувчи сўзни тўпламдаги қаторлардан топиб кўрсатиши лозим.

Масалан: агар олдинроқ «велосипед» сўзини эшитган бўлса, кейинги тўпламдан «транспорт» турига кирувчи, иккинчи сўз «самолёт» сўзини топиши керак.

Машғулот шу тарзда давом этиб, бола кейинги тўпламлардан «автомобил», «автобус», «мотоцикл» сўзларини топиши лозим.

Агарда бола тўпламдаги сўзларни бир бор ўқиб эшиттирганда топа олмаса, тезлик билан сўзларни яна бир бора ўқиб эшиттирилади. Агар биринчи ўқилганда бола сўзни топса-ю, бу нотўғри бўлса, тадқиқотчи хатони белгилаб қўяди ҳамда кейинги қаторни ўқийди.

Болага керакли сўзни топиши учун 4 та қатордаги барча сўзларни ўқиб эшиттиргач, тадқиқотчи тўпламдаги 2-сўзни ўқишни бошлайди ва бу бола биринчи тўпламдаги сўзларни барча қолган тўпламлардан тўғри топгунга қадар давом эттирилади.

Эслатма: тадқиқотчи иккинчи ва қолган қатордаги сўзларни ўқиб эшиттиришдан олдин, болага ҳар бир топилган сўзнинг маъносини эсдан чиқариб қўймаслиги учун уни эслатиб туриши лозим.

Масалан: Агар бола биринчи тўпламдаги «велосипед» сўзига мос келувчи «самолёт» ва «автомобил» сўзларини, 2 ва 3-қатордан топиб улгурган тадқиқотчи 4-қаторни ўқиб беришдан олдин унга қуйидаги сўзларни айтиши керак: «Демак биз сен билан бир гуруҳга маъно жиҳатидан кирувчи «велосипед», «самолёт», «автомобиль» сўзларини топишга улгурдик. Сен бунини ёдингда еаклаб тур, мен қуйидаги қатордаги сўзларни ўқиганимда, юқоридаги сўзларга мос келувчи сўзни эшитишинг билан менга айтасан».

Натижаларни баҳолаш

10 балл агар бола 40-50 тагача сўзнинг маъносини тўғри топса 8-9 балл бола 30-40 тагача сўзларнинг маъносини тупгунтира олса

6-7 балл агар бола 20-30 тагача бир гуруҳга кирувчи сўзларни тўғри топса

4-5 балл агар бола 10-20 тагача сўзларнинг маъносини тўғри топса

-3 балл агар бола томонидан 10 тадан оз сўз маъно жиҳатидан бирлаштиришга эришилса

Ривожланиш даражаси ҳақида хулоса

10 балл- жуда юқори 8-9 балл- юқори 4-7 балл-ўртача 0-3 -паст

10.3. «Фаол сўз бойлигини аниқлаш» методикаси

Болага инсонлар ва ҳар хил предметлар тасвирланган расм кўрсатилади. 5 минут давомида бола ана шу расмда нима тасвир-ланганини иложи борича батафеил сўзлаб бериши керак.

Боланинг нутқи алоҳида баённомада қайд этилади ва таҳлил қилинади.

Кичик мактаб ёшидаги боланинг фаол сўз бойлиги кўрсаткичларини аниқлаш методикаси баённомаси.

№	Қайд этилаётган нутқ белгилари	Сўзлардан фойдаланиш тезлиги
1.	От	
2.	Феъл	
3.	Сифат	
4.	Сифатдош	
5.	Сифатларнинг бошланғич шакли	
6.	Сифатларнинг нисбий даражаси	
7.	Сифатларнинг орттирма даражаси	
8.	Боғловчи гап	
9.	Олд кўшимча	
10.	Юкламалар	
11.	Гапнинг бош бўлаклари	
12.	Чунки, лекин, яъни ва бошқа кўринишдаги боғловчили кўшимчалар	
13.	Чунки, пгунинг учун кўринишдаги кўшма гаплар	
14.	«Биринчидан», «менимча», «менга шундай туюлади» каби турли сўзлар	

Бу баённомада болада сўзлардан фойдаланишнинг тезлиги белгиланади. Нутқининг ривожланиши даражаси аниқланади.

Психодиагностик синовдаги мана шу барча белгилар баённоманинг ўнг томонида акс этади.


Натижани баҳолаш

10-балл боланинг нутқида юқоридаги белгилардан камида 10 таси учраш лозим

8-9 балл камида 8-9 таси учраши лозим 6-7 балл камида 6-7 таси учраши лозим 4-5 балл камида 4-5 таси учраши лозим 2-3 балл камида 2-3 таси учраши лозим 0 балл бола сўзлаб бера олмади, ёки 2 та белгилар мавжуд.

Ривожланиш даражаси ҳақида хулосалар:

10 балл- жуда юқори 8-9 балл- юқори 4-7 балл-ўртача 2-3 балл - қуйи 0-1 балл - жуда паст



10.4. Ассоциатив жараёнлар кечишининг хусусиятлари ва тезлигини ўрганиш

Инсон ақлий фаолияти характери кўп омилларга билим ва кўникмалар даражасига, ассоциатив алоқалар ҳосил бўлиш тезлигига, тафаккур тезлигига, умумлаштириш ва мавҳумлаштириш жараёнларининг ривожланганлигига боғлиқ. Бу хусусиятларни ўрганиш учун ассоциацияни тадқиқ қилишга мўлжалланган методика маҳсулдор ҳисобланади. Бу методика ёрдамида олинган мп.пумотлардан синалувчида нуткнинг ривожланиш хусусиятлари ҳақида ҳам билиб олиш имконини беради. Ассоциацияларни содда усул билан ўрганиш мумкин. Синалувчига «сўз ўйини» ўйнаш таклиф этилади, бунда масалан иложи борича тезроқ 60 та ихтиёрий сўзни айтиш мумкин. Тадқиқотчи бунда барча сўзларни ва танаффусларни қарорда қайд этиб боради. /Тўхтаб қолишлар, нукталар сифатида қайд этилади/, 1 нукта шартли равишда 1 сонияга тўғри келади/. Агар синалувчи атрофдаги предметларни айта бошласа, кўрсатма яна бир марта тушунтирилади: «Кўз олдингизда турган нарсаларни айтмасликка ҳаракат қилинг. Давом этинг». Агар синалувчи бир бутун гапни алоҳида сўзлардан иборат қилиб, айта бошласа ҳам уни тўхтатиб, кўрсатмани такроран тушунтирилади.

Одатда мактаб ёшидаги болаларда бу топшириқ қийинчилик туғдирмайди. Қоидага кўра, улар 4-7 сўзни қандайдир соҳадан айтадилар. Масалан, ...ручка, қалам, дафтар, ...телевизор, радио, ...кўл, оёқ, кулоқ бурун, кўз, бош, ...сигир, мушук кучук хўроз, от, ...арава, трактор, машина, поезд, самолёт, ракета ва бошкалар.

Бу тадқиқот болада атроф-муҳитни идрок қилиш, сўз бойлиги ҳақида тасаввур пайдо қилади. Ассоциацияларнинг ҳосил бўлиш хусусиятлари ва

тезлигини ўрганишда ассоциатив эксперимент ёки сўзга жавоб реакциялари методи ҳам қўлланилади. (А.Г.Иванов-Смолинский, 1928).

Тажриба ўтказиш учун олдиндан ўзаро боғлиқ бўлмаган сўзлар қўзғатувчилар тўплами тайёрлаб олинади.

Сўзли ассоциатив эксперимент учун қўзғатувчи материал

Сўз	Сония	Жавоб	Сўз	Сония	Жавоб
Олма			мушук		
Соат			тарвуз		
Ака			арава		
Китоб			чўнтак		
Олов			Қиш		
Қўғирчоқ			вилка		
Иш			қулоқ		
Лампочка			кундуз		
Диван			байрам		
Гул			мактаб		

Синалувчига куйидаги қўлланма берилади: «Мен сизга сўзларни айтаман, сиз бўлсангиз менинг ҳар бир сўзимга миянгиз-га келган биринчи сўз билан жавоб беринг». Тадқиқотчи тажриба вақтида боланинг жавоб реакцияларини ёзиб олади. Жавоб реакциялари учун вақт нормаси 1-1,5 сония. Лекин жавоб реакцияларининг яширин вақти турлича бўлиши мумкин, бу кўпроқ сўз қўзғатувчи характериға, унинг бола учун қандай аҳамият касб этишиға боғлиқ бўлади. Сўз қўзғатувчилар ўзига хос шартли сигнал ҳисобланади, жавоблар бўлса бу сигналлар билан боғлиқ нутқ реакцияларидир, қоидаға кўра улар шаклланган шартли рефлекслар мажмуини ўзида акс эттиради. Шунинг учун ҳам баъзи сўз қўзғатувчилар бола учун муҳим аҳамиятға эға бўлади, уларға бола тезда жавоб топади. Боланинг тажрибаси билан боғлиқ бўлмаган бошқа сўзларға жавоб топишда кўпроқ вақт талаб қилинади. Баъзи ҳолларда бола у ёки бу сўзға алоҳида иборалар билан ёки хонада жойлашган предметларнинг номини айтиш билан жавоб қайтаради. Бундай ҳолларда болага қўлланмани яна бир марта эслатиб, тушунтириш керак сўз ўйинини мустақил давом эттириш зарурлигини уқтириш керак.

Олинган натижаларни қайта ишлашда жавоб реакцияларнинг ҳосил бўлиш тезлигига, аниқлигига, сўз-қўзғатувчига мослигига эътибор берилади. Синалувчи жавобларининг сифатий таҳлили унинг жавобларни синалаётган тенгдошлар гуруҳининг жавоблари билан солиштириш орқали амалға оширилади.

Ассоциатив эксперимент ёрдамида олинган натижалар фақатгина болаларда нутқнинг ривожланиши, тафаккур фаолияти хусусиятлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиб қолмай, балки уларнинг тажрибаси сўз бойлиги, улар бошидан кечираётган аффектив ҳиссиётлар ҳақида ҳам билиб олиш имконини беради. Булар билан боғлиқ равишда ушбу методика шахсни ўрганишнинг проектив методикаси сифатида фойдаланилиши мумкин.

10.5. Ҳикояда тушириб қолдирилган сўзларни тўлдириш

Бу методика Н.Еbinghaus /1891/ томонидан таклиф этилган бўлиб, нутқ ривожланиш хусусиятларини 10 ёшдан катта болаларда ассоциатив жараёнларни ўрганишда қўлланилади. Синалаётган болалар яхши ўқий олишлари ва ўқитилган матннинг мазмунига

тушунадиган бўлишларай керак.

Тажриба ўтказиш учун унчалик мураккаб бўлмаган ҳикояларнинг бир неча вариантыни тайёрлаб олиш керак. Бу ҳикояларда ихтиёрий тартибда баъзи сўзлар туширилиб қолдирилган бўлади. Ҳикоялар алоҳида қоғозларга ёзилган ҳолда берилади.

Кўрсатма: «Қўйидаги ҳикояда умумий мазмундан келиб чиқиб, тушириб қолдирилган сўзларни ўрнига қўйинг»,

1-вариант

Деразамни олдида бир туп _____ ўсган. У оқ ўрик. Жудаям _____ . Ҳар йили эрта _____ оппоқ бўлиб _____, биринчи бўлиб гуллайди. Шу _____ гуллаганда _____ жонимни ховучлаб тураман: «Ох, _____ ёғмасайди, _____ бўлмасайди, тезроқ туғиб олсайди...». Лекин бари бир _____ бошланиб кетади, баъзан _____ айланиб кетади. Мана яна қор аралаш ёмғир _____ ўрик бечора _____, иссиқ гулларни қаерга яшириниши билмай мункайиб турибди.

Баъзи болалар биринчи гапни ўқиганларидан сўнг, ҳикояни умумий мазмўнини тушунмасдан топшириқни бажаришга киришадилар. Шунинг учун ҳам кўпинча синалувчи ҳар бир гапни алоҳида- алоҳида идрок этиш, жавоблар /ўрнига қўйилган сўзлар/ ҳам мантиқий алоқани акс эттирмайди. Ишни баҳолашда ассоциа-тив алоқаларнинг ҳосил бўлиш тезлиги, матннинг мураккаб жойла-ридаги қийинчиликлар ҳисобга олинади. Тўғриланганлигига, грамматик хатоларига эътибор берилади.

Мавзунини мустахкамлаш учун саволлар:

1. "Тушунчаларни таърифлаш" методикасининг мазмуни?
2. "Пассив сўз бойлиги" қандай аниқланади?
3. "Фаол сўз бойлигини" қандай аниқлаш мумкин?
4. Ассоциатив жараёнларнинг пайдо бўлишини қандай аниқлаш мумкин?

XI. ИНТЕЛЛЕКТНИ ПСИХОМЕТРИК ТЕКШИРИШ

Психометрикага асосланган тестлар қўлланиладиган аниқ методикалардан фарқ қилади. Бу тестларни ишлаб чиқишда асосан боланинг психик тараққиёти даражасини акс эттирувчи, ўрнатилган меъёрдан четга чиқишларни, тенгдошлар гуруҳини таққословчи миқдорий кўрсаткичларга эътибор берилади. "(В.М.Блейхер, Л.Ф.Бурлачук 1978). Уларнинг мураккаблиги бир хил ёшдаги синалувчиларнинг катта гуруҳларида амалга оширилади (В.В.Столин, А.Г.Шмелев, 1984).

Болаларни текширишга мўлжалланган чет эл тестлари асосан Бине-Симон ёки Стенфорд-Биненинг ақлий тараққиёт шкалалари тиии бўйича тузилган.

11.1. Ақлни ўлчашнинг Векслер шкаласи

Интеллектни текширишнинг энг кенг тарқалган методларидан бири америкалик психолог ва психиатр D.Wechsler /1949/ тбмонидан ишлаб чиқилган болалар интеллектини ўлчаш шкаласидан AWechsler Intelligence Scale for children WISC/. Бу методикага 1974 йилда сўнгги марта 5 ёшдан 15 ёшгача бўлган болаларни текшириш учун ўзгартиришлар киритилди. /WPPSI/

Россияда биринчи бўлиб Векслер шкаласи В.М.Бехтерев номли Ленинград психоневрологик илмий тадқиқот институтида мослаштирган. Методика Б.Г. Ананьев (1969) мактаби психологлари томонидан интеллект тараққиётини узоқ йиллар ўрганишда, жумладан болаларда психик тараққиётдан четга чиқишлар ва орқада қолишларни дифференциал-диагностика қилишда кенг қўлланилган.

WISC мослаштирилган вариантнинг субтестларини келтирамиз. (А.Ю.Панасюк, 1973). Тадқиқот ўтказишда махсус қарордан фойдаланиш зарур.

Д.Векслер методи бўйича тадқиқот қарори (болалар варианты)

Фамилияси, исми _____

Туғилган йили _____ туғилиш тартиби _____

Жинси _____ Онаси _____ маълумоти _____

Ёши _____ ой _____

Тадқиқот ўтказилган кун _____

Тадқиқот натижалари

Субтестлар	Вербал						Новербал					
Дастлабки баҳолар	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
Шкала баҳолари												
Интеллектуал кўрсаткичлар и/ИК/	ВИК=						НИК=					
	УИК=											

Вебрал шкала

4. Умумий билимдонлик субтести. Нисбатан содда маълумот-лар ва билимлардан хабардорликни текширади. 30 та савол берилади, ҳар бир тўғри жавоб 1 балл билан баҳоланади.

Масалан: ҳафтада кеча кун бор?... Йилнинг тўрт фаслини айтинг?... Ошқозон нима учун керак?...

5. Умумий зийраклик субтести. Ибораларнинг мазмунини тўлиқ тушунишни, фикрлаш қобилиятини, ижтимоий меъёрларни тушунишни баҳолайди. Синалувчидан тасвирланган вазиятда мумкин бўлган ечимлар

хақида жавоб бериш талаб қилинади. 14 та савол берилади, жавобнинг аниқлигига қараб баҳо қўйилади: 0, 1, 2.

Масалан, Бармоғингизни кесиб олсангиз нима қиласиз? ... Дўконга нон олиш учун келсангиз, у ерда нон йўқ экан, сиз нима қиласиз? ... Нима учун жинойтчиларни қамокқа қамайдилар?

6. Арифметик субтест. Синалувчи диққатининг тўпланишини, сонли ифодаларни тез ечишини текширади. Синалувчидан арифметик масалалар сериясини оғзаки ечиш талаб қилинади. Жавобнинг аниқлигига, кетган вақтга боғлиқ равишда баҳо қўйилади.

Масалан: Сизда 8 та копток бор эди, яна 6 та сотиб олиб беришди, коптоклар сизда нечта бўлди?

Бундан ташқари, педагог ўқув жараёнининг самарадорлигига бевосита таъсир қилувчи объектив ва субъектив омиллар (ўқувчининг тафаккур хусусиятлари, хотираси, диққати), тарбия жараёнида ҳисобга олиниши лозим бўлган хусусиятлари (хулқ-атвор мотивлари, ўқувчининг эҳтиёжлари ва қизиқишлари)ни ўрганади. Бошқача қилиб айтганда, педагогнинг диагностик фаолияти ҳам кўп қиррали ва узгарувчан характерга эгадир.

Фан тарихга назар ташласак, 20-30 йилларда психология, педагогика ва бошқа фанлар соҳасида тупланган тажриба ва билимларни умумлаштириш, улардан таълим тарбия жараёнида унумли фойдаланиш борасида катта ишлар амалга оширилган. Бу борада шу йилларда “умумий ва универсал фан” сифатида ривожлантирила бошланган “ПЕДОЛОГИЯ” “юлдўзларидан” П.П.Блонский, Л.С.Виготскийлар томонидан педагогик психодиагностика соҳасида амалга оширган ишлари, ишлаб чиқилган назарий билимлари ҳозирги кунда ҳам уз долзарблигини йўқотмаган.

Аммо 1936 йилда педологиянинг каттик танқид қилиниши оқибатида педология ва педологик қарашлар бутунлай йўққа чиқарилди. Бу эса

психология (аниқроғи шу даврдаги “Психотехника”) ва педагогика фанларининг ҳам ривожланишга катта салбий таъсир кўрсатди. Фақат 50-60 йиллардагина психодиагностика, педагогик психодиагностика бирозгина жонланди. Аммо педагогикада, шу жумладан ҳозирги замон педагогикасида ҳам махсус равишда тестлар, суровлар утказилиши кам учрайдиган ҳол бўлиб, асосий тадқиқотлар психодиагностика соҳасида олиб борилганлиги маълум. Ҳозирги вақтда ҳам психодиагностик тадқиқотлар орасида педагогик диагностика ишлари кенг, етарли даражада, атрофлича ва чуқур олиб борилмоқда.

Собик СССРда “педагогик диагностика” термини 50-60 йилларда А.С.Белкин томонидан турли журналлардаги мақолаларда киритилди. Педагогик диагностиканинг атамалари ва методологияси у томонидан 1979 йилда “Ўқувчиларнинг педагогик қаровсизлиги” номли ўқув қўлланмасида бетафсил баён қилинди (1).

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 80 йилларгача “Педагогик диагностика” атамаси асосан мақолаларда, турли тезислар ёки кам тиражли тупламларда учрайди. 80 йиллардан бошлаб эса, шу вақтгача педагогика ва психология фанларининг ҳамкорлик соҳаси сифатида шаклланиб, ривожланиб келаётган, кўпчилик алоҳида билим ва тажриба соҳаси, деб қарамаётган, бу соҳа энг долзарб соҳалардан бирига айланмоқда.

Бунинг исботи сифатида қуйидаги далилларни келтиришимиз мумкин:

1987 йилда А.И.Кочетов таҳрири остида “Мақтабда педагогик диагностика”, 1988 йилда Н.К.Голубевнинг “Тарбия жараёнини диагностика ва прогноз қилиш” асарлари босмадан чиқди. 1990 йилда, Тошкентда К.З.Зариповнинг “Ўқитувчилар малакасини оширишнинг узлуксиз тизимида педагогик диагностика”, 1992 йилда, Екатеринбургда Е.А.Михайличевнинг “Педагогик диагностиканинг назарий асослари” мавзусидаги докторлик ишлари химоя қилинди.

Чет элларда бу соҳада олиб борилган ва рус тилига таржима қилиниб, узбек мутахассислари ҳам танишиш имкониятига эга бўлган ишлардан К.Ингенкамнинг 1991 йилда босмадан чиққан “Педагогик диагностика” (муаллифнинг ёзишича “педагогик диагностика атамаси у томонидан 1968 й. таклиф қилинган ва киритилган), ва Э.Стоунснинг “Психопедагогика”. Таълимнинг психологик назарияси ва амалиёти” (1984), бир гуруҳ немис психодиагностлари томонидан тайёрланган “Психодиагностика: назария ва амалиёт” (1986) каби асарларини кўрсатиш мумкин.

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикасида билимларни баҳолашнинг рейтинг тизимига ўтиш, таълим жараёнини такомиллаштириш, шу жумладан тест методининг билимларни баҳолаш усули сифатида кенг қўлланилиши, турли психологик методикаларга, айниқса, ўқувчиларнинг ақлий ривожланиш даражасини ўрганишга бўлган қизиқиш ва эҳтиёжларнинг ошиши Республикамизда педагогик ва психологик-педагогик диагностиканинг назарий ва амалий жиҳатдан ривожланишига катта туртки берди. Психологик-педагогик диагностика бугунги кунда мактаб, боғча ва бошқа турли типдаги ўқув билим юртли психологлари

ва педагоглари олдида турган муҳим вазифалар, уларнинг реал эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда шаклланмоқда ва ривожланмоқда.

Психологик-педагогик диагностиканинг ривожланиб келаётган фан тармоғи эканлигини, унинг амалий ва долзарблиги билан бир вақтда бу соҳанинг аниқ чегаралари, бошқа фанлардан фарқи ва ўзига хос хусусиятлари ҳозирча тулиқ таркиб топмаганлигини кўрсатиб ўтиш лозим. Шунинг учун биз психологик-педагогик диагностиканинг баъзи томонларигагина кискача тухталиб ўтишга ҳаракат қиламиз.

Шундай томонлардан бири, шаклланиб келаётган фан соҳасининг асосий объектлари, қандай йўналишларда иш олиб борилишига тухталиб утмоқчимиз.

Назорат саволлари:

1. Психологик-педагогик диагностика кўрсининг асосий вазифаларига нималар киради?

а) талабаларни психологик педагогик диагностикасининг назарий асослари йўналишлари, босқичлари ва тамойиллари билан таништиринг?

б) шахс психологиясида, хулк-атворда юз берадиган салбий узгаришларни тузатиш, уларга ёрдам бериш усулларини шарклаб беринг?

в) психологик педагогик диагностиканинг назарий ва амалий жиҳатларни ривожлантириш учун нима килмоқ керак?

ПСИХОЛОГИК-ПЕДАГОГИК ДИАГНОСТИКАНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ.

Психологик-педагогик диагностиканинг асосий йўналишлари педагогик амалиётнинг талаб даражасидан келиб чиққан ҳолда шаклланмоқда. Шу сабабли ҳам унинг йўналишларини, бу йўналишларнинг моҳиятини психологик-педагогик диагностика педагогик амалиётнинг қайси соҳаларида қўлланилишини кўрсатмасдан туриб тулиқ очиб бериб бўлмайди. Биз қуйида психологик-педагогик диагностика қўлланилиши жуда катта амалий аҳамиятга эга бўлган соҳалардан бири нечатасини шартли равишда (ҳаётда эса улар умумий, битта педагогик жараённинг ажралмас қисмларидир) ажратиб олдик. Улар қуйидагилар:

1. Таълим-тарбия назарияси ва методикаси.

2. Бошқариш ва амалиёт.

3. Дидактика ва хусусий методика.

4. Педагогик социология.

5. Ижтимоий психология.

6. Педагогик психология.

Бу соҳаларнинг асосий вазифалари, предмети педагогик ва психологик адабиётларда, ўқув қўлланмаларида жуда кенг ёритилганлигини ҳисобга олиб уларга батафсил тухталиб утмаймиз.

Юқорида келтирилган ҳар бир соҳада психолог ёки шу соҳаларга қизиқувчи мутахассислар маълум диагностик ишларни амалга оширадилар. Мана шу ишлар мажмуаси психологик-педагогик диагностиканинг йўналишларини ташкил қилади. Ҳар бир соҳада ўзига хос диагностик ишлар олиб борилади ва бу ишларнинг мазмуни психологик-педагогик диагностиканинг йўналишларини ташкил қилади. Бу йўналишларга қуйидагилар киради (Михайличев Е.А., 1997)

1. Тарбияланганлик даражасини диагностика қилиш.
2. Ташқилий-методик диагностика.
3. Дидактик диагностика.
4. Ижтимоий-педагогик диагностика.
5. Ижтимоий психологик-педагогик диагностика
6. Педагогик психодиагностика.

Йўналишларнинг мазмунига қисқача тухталиб утаммиз:

ТАРБИЯЛАНГАНЛИК ДАРАЖАСИНИ ДИАГНОСТИКА ҚИЛИШ- бу йўналиш ўқувчиларнинг тарбияланганлигини, уларнинг хулқ-атворини, одоб ахлоқини, тарбияланувчанлигини (тарбиявий таъсирларга берилиши)ни ўрганишдан иборатдир.

ТАШҚИЛИЙ - МЕТОДИК ДИАГНОСТИКА - педагогларнинг квалификациясини, ўқув жараёнининг услубий таъминланганлик даражасини баҳолашдир.

ДИДАКТИК ДИАГНОСТИКА- педагогик жараёнини такомиллаштириш учун хизмат қилишдир (ўқув жараёнининг ташқилий методик томонларидан ташқирини). Ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма жавобларини, жавоблардаги типик хатоларни, уларнинг сабабларини, ўқув фаолиятидаги салбий узгаришларни, ўқувчиларда ўқув, меҳнат малака ва кўникмаларининг ривожланганлик даражасини, таълим олишга нисбатан мойилликлари диагностика қилинади.

ИЖТИМОИЙ-ПЕДАГОГИК ДИАГНОСТИКА- ўқувчиларнинг педагогик қаровсизлиги, мослашганлик даражаси, тарбияси оғир болаларни диагностика қилишда ижтимоий омилларни ҳисобга олувчи йўналишдир. Диагностика педагоглар томонидан мактабдан, ўқув юртидан ташқирини олиб борилади. Шу сабабли диагностика жараёнида оила социологияси ва иқтисоди, ҳуқуқ социологияси, дам олиш социологияси, иқтисодий социология каби соҳаларда қўлланиладиган методикалар ва кўрсаткичлардан фойдаланишни такозо қилади.

ИЖТИМОИЙ ПСИХОЛОГИК-ПЕДАГОГИК ДИАГНОСТИКА- бу йўналиш социология, ижтимоий психология, педагогикани уз ичига камраб олган бўлиб, ўқувчилар, педагоглар, ота-оналар гуруҳларини, ўқувчиларга оммавий коммуникация воситаларининг (радио, телевидение, газеталар ва хоказо) таъсирини, ўқувчиларнинг бурч ва ҳуқуқлари, улар орасидаги муносабатларни ўрганишга йўналтирилгандир.

ПЕДАГОГИК ПСИХОДИАГНОСТИКА- психологик-педагогик диагностиканинг энг яхши ривожланган ва муҳим йўналишларидан бири бўлиб, унга ўқувчиларнинг ақлий ривожланиш даражасини аниқлаш, уз-

ўзини баҳолаши, психологик “химоя усуллари”ни, ўқувчи ўзининг психик ҳолатларини, уларнинг характерининг асосий сифатларини ва бошқа индивидуал-психологик хусусиятларини ўрганишга қаратилгандир.

ПСИХОЛОГИК-ПЕДАГОГИК ДИАГНОСТИКАНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ.

Албатта, ҳар қандай фан соҳаси ўзига хос объектга ва предметга ва уларга мос келадиган татқиқот ёки амалий ўрганиш методларига, уз тамойилларига эгадир. Психологик-педагогик диагностикада қўлланиладиган методлар ва тамойиллар ҳозирги змон психология фани ва педагогика фанида орттирилган илмий, амалий тажрибалар, шаклланган тамойиллар асосида шаклланмоқда. Шу билан бирга уз хусусиятларига эга ҳамдир. Бунинг сабаби психологик-педагогик диагностика қўлланиладиган методлар ва тамойиллар фанда бирор янгилик очишдан кўра кўпроқ мавжуд билимлар, методлар, тамойилларнинг амалда самарали қўлланилишига хизмат қилади. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, психологик-педагогик диагностиканинг қуйидаги тамойилларини кўрсатиб ўтиш мумкин:

1. Диагностика назарияси ва методикаларининг илмий асосланганлиги. Диагностика объектини яхлит равишда генетик ва тизимли таҳлил қилиш, уларни моделлаштириш, қўлланиладиган методикалар, кўрсаткичларнинг илмий асосланганлиги, олинган натижалар ва уларнинг интерпретациясининг ишончлилиги, аниқлигини, валидлигини пухта ишлаб чиқилган методологик асосларда таъминлаш. Илмий асосланганлик тамойили қўлланилаётган методикаларнинг этник, ижтимоий муҳитга, шу жумладан диагностика утказилаётган ўқув юрти ва ўқув гуруҳига мослигини талаб қилади. Бу тамойилга амал қилиш педагог-диагностиларни турли хил енгил, “кўзига яхши кўринган” ёки “қулига тушиб қолган” методикаларни билиб-билмай қўллашдан сақлайди.

2. Диагностиканинг изчиллилиги ва аниқ йўналганлиги. Психологик-педагогик диагностика бошқа психодиагностик, педагогик диагностикадан фарқли равишда аниқ йўналишга, аниқ объектга ва мақсадга қаратилган. Шу сабабли диагностика фаолияти (жараёнининг) натижалари умумий хулосалар, абстракт мулоҳазалардан эмас, балки аниқ шахсга (масалан, ўқувчи), аниқ гуруҳга тегишли бўлиши, диагностика натижасида аниқ хулоса чиқариб, камчиликларни бартараф қилиш, ёрдам беришнинг аниқ йўллари кўрсатиб бериши лозим.

3. Диагностика шакл ва методларининг оптималлилиги. Қўлланилаётган методикалар, ўқувчига ёндашиш усуллариининг амалиётчи психолог, педагог ёки педагог-диагностга кам куч ва вақт сарфлаб, ўқувчи ҳақида муҳим, сифатли, катта амалий аҳамиятга эга маълумотлар йиғишга имкон бериши. Диагностиканинг шакл ва методларининг оптималлигини таъминлаш учун педагогикада ва психологияда кўп йиллар давомида

кўлланилиб келаётган, қулай, оддий ва шу билан бирга самарали методларини танлаш ва кўллаш зарур.

4. Ўрганиш объекти ҳақидаги фактларни йиғиш, баён қилиш ва тўғри йўлга солишнинг бирлиги. Ўрганилаётган объект ҳақида маълумотлар йиғиш, уларни педагогларга кўрсатиш ва диагностика жараёнида ўрганилаётган ўқувчига ёки ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштиришда, камчиликлари бартараф қилишда ўқув юрти раҳбарларига, педагогларга маълум психологик, педагогик ёрдамлар бериш, тўғри йўлга солиш, кўллаб-қувватлаш функцияларнинг биргаликда олиб борилиши.

5. Диагностиканинг кетма-кетлиги ва узлуксизлиги- диагностиканинг босқичма-босқич амалга ошира бориб, ўқув жараёнига, ўқувчининг ўзлаштиришига халақит бераётган сабабларни очиш, олинган натижалардан кейинги босқичларда, ўқув-тарбия жараёнида узлуксиз фойдаланишда юзага чиқади.

6. Диагностика методлари ва жараёнларининг қулайлиги ва оммобоплиги. Диагностика методларининг оддийлиги, педагоглар, амалий психологлар, ўқув юрти раҳбарлари, текширилувчи учун қулайлиги, уларда диагностика нисбатан қизиқиш, интилиш уйғотишга хизмат қилишини таъминловчи тамойил.

7. Диагностиканинг ҳар томонлигига (комплекслиги). Бу тамойил ўқувчи шахсини, унинг индивидуал-психологик хусусиятларини, рухий жараёнларнинг ривожланганлик даражасини, ўқув фаолиятининг бошқа хусусиятларини ўрганиш учун танланган методлар ва методикалар ўқувчини бир бутун ҳолда, ҳар томонлама ўрганиш, таърифлаш, ёндошиш имконини беришда юзага чиқади. Диагностик методикалар бир-бири билан боғлиқ бўлиши, бир-бирини тўлдириш бу тамойилнинг асосий талабларидан биридир.

8. Диагностиканинг ўқувчи ривожланишининг келажагини, оқибатларини олдиндан кўра олиш (прогноз қилиш) имконияти бера олиши. Ҳар қандай психологик- педагогик диагностика ўқувчининг кечаги ёки бугунги кундаги ривожланиш даражасини, ўқув жараёнининг ташкил қилинганлик даражасини кўрсатиб бериш билан чекланиб қолмаслиги лозим.

Диагностик жараёнда ўрганилаётган объектнинг “келажаги”, эртанги куни ҳам, тараққиёт тенденциялари, ҳам маълум омиллар таъсирининг оқибатлари очиб берилиши керак. Шу ҳолдагина, прогноз моҳиятидан келиб чиққан ҳолда таълим-тарбия жараёнида йўл қўйилаётган хатолар, ўқувчи тараққиётидаги кўзга ташланган камчиликларни бартараф қилиш, тўғри йўлга солиш имконига эга бўламиз. Шу сабабли психологик- педагогик диагностика методларининг прогностик бўлиши энг муҳим талаблардан биридир.

Психологик-педагогик диагностиканинг методлари Тестлаш ақлий ривожланишни баҳолаш методи сифатида

Тестлаш индивидуал фарқларни таҳлил қилишнинг объектив методи сифатида XX асрнинг бошларида вужудга келган.

“Тест” тушунчаси биринчи бўлиб у ёки бу рухий жараёнларни ва шахс хусусиятларининг ривожланганлиги даражасини объектив ўлчашга қаратилган киска стандартлаштирилган вазифалар (саволлар), топшириқлар тизими сифатида инглиз психологи Ф.Гальтон томонидан киритилган. Инсон психик хусусиятларининг ирсиятга асосланганлиги ҳақидаги ғояга таянган ҳолда, Гальтон сенсомотор сифатларни, синалувчиларнинг турли хил сезувчанлик хислатларини ўлчаш ишларини олиб боради.

Гальтон ғоялари кейинчалик америкалик психолог Д.Кеттелл тадқиқотларида ривожлантирилди.

Тестлашнинг ривожланишидаги кейинги кадам тест методининг оддий сенсомотор сифатларини ва хотирани текширишдан, “ақл”, “интеллект”, терминлари билан белгиланувчи олий психик функцияларни ўлчашга ўтиши бўлди. Бу кадам таниқли психолог А.Бине билан Г.Симоннинг ҳамкорлигида қўйилди.

Назарий негиз сифатида ўша вақтда ҳукмрон мавқели функционал психологиянинг назарияси танлаб олинган бўлиб, унда психик ривожланиш бир қатор туғма функцияларнинг сон жиҳатидан ўсиши тушунилар эди.

Бу концепцияга кўра, Бине шунақанги вазифаларни танлашга ҳаракат қиладики, уларни ечиш таълимига, яъни олинган битимларга асосланган бўлмасин, ҳар бир ёш даври учун шундай тестларнинг сериясини топишимиз керакки, уларнинг ечилиши шу ёшдаги болаларга хос, муътадил хусусиятли ҳисоблансин. Тестлар мактаб билимларига нисбатан мустақил бўлсин, бу яъни синовларнинг натижаси боланинг ҳақиқий ақлий қобилиятларининг кўрсаткичи, вазифасини бажарсин: улар ҳулосага охирги натижаларни берсинки, буни биз синалувчининг умумий ақлий истеъдоди сифатида қабул қилайлик.

Боланинг интеллекти ҳар қандай вазифани бажаришда намоён бўлади, деган ғоядан келиб чиққан ҳолда Бине, ўзи танлаётган тест топшириқларини назарий асослаш зарур, деб билмади ва тестларни тузишда асосан интуицияга таянди. Биненинг бу масалага нисбатан муносабати унинг қуйидаги мулоҳазаларида аниқ кўрсатиб берилган: “фарқ йўқ, қандай текстлар бўлишидан қатъий назар, энг асосий улар кўп бўлсин”.

Бине ва Симон 3 ёшдан 15 ёшгача бўлган вақтларда диққат, хотира, тафаккурни ўрганишга қаратилган бир қатор экспериментларни ўтказганлар. Статистик методлар ёрдамида ишлаб чиқилган натижалар ҳар бир ёш гуруҳи учун норма, яъни мезоний ўлчов, деб қабул қилинди. Бу билан индивидуал фарқ белгилаш ўз-ўзига эмас, балки боланинг

бошига нисбатан олиниб, унинг ривожланишини кўрсатувчи нормативларга йўл очилди.

Агарда бола ўз тенгдошларининг кўпчилиги бажарган масалаларни бажара олса, бу норма деб белгиланган. Бироқ бундай масалалар бола учун жуда ҳам енгил ёки аксинча жуда ҳам қийин бўлиши мумкин. Шунга кўра “ақлий ёш” (*Mental age(MA)*) тушунчаси киритилиб, у боланинг хронологик ёшига (*chronological Age (CA)*) мос, келиши ёки ундан фарқ қилиши эҳтимол. Уларнинг мос келмаслиги ёки ақлий қолоқликни (*MA CA* дан қоляпти), ёки ундан илгарилаб кетиши (истеъдодлийларни (*MA CA* дан илгарилаб кетади)нинг кўрсаткичи бўлиб хизмат қилиши керак эди.

Шу нарсани ҳам айтиб ўтиш керакки, Бине ўз ҳаётининг сўнгги йилларида ижтимоий таъсирнинг, авваламбор таълимининг бола интеллектуал ривожланишидаги аҳамияти катта эканлигини таъкидлаб ўтган.

20-йилларда тестлари бутун дунёда кенг тарқала бошланди. Бироқ, тез орада тестологлар ўртасида интеллектуал тестлар нимани ўлчаши керак ва интеллектнинг ўзи нима? деган савол муаммо юзасидан келишмовчиликлар юзага келади.

1921 йил “Таълим психологияси” журнали саҳифаларида бахс-мунозара уюштирилди, бунда йирик Америка психологлари иштирок этдилар. Уларнинг ҳар бирининг интеллектига таъриф бериш ва интеллектни аниқлашнинг энг маъқул методини таҳлил қилиш сўралади.

Интеллектни ўлчашнинг (баҳолашнинг) энг маъқул услуби сифатида деярли катта олимлар тестни танлашди, бироқ уларнинг интеллектга берган таърифи парадоксал тарзда бир-бирини инкор қилар даражада эди. Интеллект “абстракт тафаккур қилиш қобилияти” сифатида белгиланади. (Л.Термен);

“Ростгўйлик, ҳақиқат мезон бўйича яхши жавоблар бериш жинояти” (Э.Торндайк);

“Муҳитга мослашиш имкониятини таъминловчи билимларнинг йиғиндисини ёки таълим олувчанлик қобилияти”(С.Колвин);

“Нерв системасининг модификацияларга нисбатан қобилияти” (Р.Пинтер) ва бошқалар.

Ч.Спирмен 20 га яқин интеллектга берилган қатор ҳолларда бир-бирларини инкор қилувчи таърифларни тўпласада ва ҳамма таърифларда тестлар ҳақиқатдан ҳам аниқ бир сифатларни ўлчамаслигини исботлайди. Шундай вазият вужудга келдики, бунда ҳар бир тестолог қандайдир психик функция ёки унинг йиғиндисини текшириб кейин уни интеллектнинг тадқиқ этилиши, деб эълон қила бошладилар.

Айнан бир субъект интеллекти диагностикасида турли хил тестлардан фойдаланиш, бир-биридан тубдан фарқ қилувчи маълумотларнинг олиниши мана шу ҳолат билан тушунтирилади.

Ҳозирги даврда ҳам тестология назариясида тахминан XX асрнинг 20 – 40 - йиллардаги ҳол сақланиб қолган.

Англиялик психолог Г.Айзенк эса инсон интеллектини ақлий жараёнларнинг кечиши тезлигига тенглаштириб кўрсатади.

Америкалик психологлар Р.Кеттелл ва Д.Карл интеллектни ташкил қилувчи 2 та таркибни ажратиб кўрсатадилар.

“Флюидли” ва “Кристаллашган”.

Интеллектнинг “Ф” таркиби билан ирсий аломат белгиланган ва инсон фаолиятининг ҳамма соҳаларида намоён бўлади. Ҳамда ўзининг юқори даражасига илк болалик ёшида ўсиб ўтгандан кейин эришади.

Интеллектнинг “К” таркиби шахснинг ҳаёти давомида орттирилган кўникма ва малакаларнинг йиғиндисидан иборатдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу моделда “К” интеллект бутунлай ирсий детерминацияга эга деган тушунчадан узоқлашганлигини билдиради.

IQ- *Intellect* лар *quotient* - интеллект коэффиценти хронологияга нисбатан ақлий ёшини ўзида мужассамлаштиради.

Ҳозирги даврда тестологларнинг ўзлари турли тестлардан олинган IQ ни бир-бири билан таққослаш нотўғри эканлигини тан олмақдалар.

Ю.Гутке: “Турли тестлардан олинган IQ ни бир-бири билан таққослаш қийин нарсадир, чунки ҳар хил тестларнинг асосида турли интеллект концепциялари ётади ва тестларга эса функциялар киритилади”.

Ҳозирги тестологияда янги системадаги тестларнинг “валид”лигини асослаш учун уларни мумтоз тизимга таққослайдилар. “Эски” ва “янги” тестлар бир гуруҳдаги кишиларга тавсия қилинади ва агар улар тестлардаги натижалар ҳар хил синалувчига мос келса, тушганлиги аниқланса, бундай “янги” тест валидликка эга, деб қабул қилинади. Қадимги тестлар сифатида одатда Бине тестларидан фойдаланилади.

Ҳозирги даврга келиб бутун интеллектуал тестлаш тизимида кризис юзага келди.

Тестология ва психология ўртасида чуқурлашиб бораётган ўзаро инкор сабабларини таҳлил қилиш жараёнида 30-йиллар психологиясидаги А.С.Виготский сўзи билан айтганда “психологик кризисни босиб ўтиши мақсади мувофиқдир.”

Кризис сабаби - амалий психологиянинг ривожланиши ва бутун методологиянинг амалиёт принципи асосида қайта кўрилиши билан, яъни унинг табиий фанга айланиши билан боғлиқдир.

“Бу принцип психологияга тазйиқ ўтказиб ва уни 2 қисмга бўлинишига мажбур қилади” - деб ёзади у, ўз ишларида. Технологиядаги кризис оқибатида монохометриянинг мустақил амалий тадқиқот соҳасига ажратиб чиқиши содир бўлади.

Айрим тестологлар тестдан ўтказиш процедурасини юқори даражага кўтаришга ҳаракат қиладилар, бунда улар математик ва статистик методлардан нафақат тест системаларини ташкил қилишда, балки шу билан бирга бу тестлар асосида ёзувчи интеллект моделидан ишлаб чиқишда ундан кенг фойдаланишга ҳаракат қиладилар.

Шундай қилиб, тестлаштиришда, интеллектни тушунтиришда ва баҳолашда **факторли анализ** методидан фойдаланадиган йўналиш кенг ривож топди.

Бу йўналишнинг намоёндалари Спирменнинг ишларига таянадилар.

Факторли (анализ намоёндалари) тестологияда шундай кузатишларга асосланадиларки, натижада айрим шахслар бир хил тестларни яхши бажарсалар-да, лекин бошқаларини ечишда муваффақиятсиз ҳаракат қиладилар.

Демак, турли тестларни бажаришда интеллектнинг ҳар хил компонентлари иштирок этади. Шундай қилиб, интеллектнинг ҳар бир компоненти ёки фактор, “тест ёки маълум турдаги вазифани бажаришга зарур бўлган ўзига хос такрорланмас қобилият бўлиб” ва ҳар бир “фактор шундай хусусиятлари билан характерланадики, натижада улар у ёки бу хилдаги тестларда умумий бўлиб ҳисобланади”. Бу ҳолдаги интеллект факторларининг тушунилиши уни аниқлаш усулларида келиб чиқади.

Синалувчилар гуруҳига бир қатор тестлар берилади. Бундан кейин турли тестларни бажариш натижалари ўртасидаги боғлиқлик коэффициентлари (коэффициент корреляции) ҳисоблаб чиқилади. Агарда бунда бир нечта тестлар ўртасида юқори даражадаги боғлиқ мавжуд бўлса, бу тестларни бажаришда ягона фактор қобилият иштирок этганлиги ҳақида фикр билдирилади. Бундан кейин эса ажратиб кўрсатилган факторга маълум ном берилади.

Агарда бир нечта факторлар ўзаро юқори корреляцион боғлиқликка эга бўлса, у ҳолда уларни иккинчи бор факторли анализга қуйишади. Олинган “иккинчи қатор фактори” деб аталувчи Спирменнинг генерал факторига тўғри келади.

Ҳозирги даврда Гильфорд томонидан юқорида берилган усул ёрдами билан экспериментал тарзда интеллектнинг 120 дан 90 фактори ажратиб кўрсатилган.

Синалувчининг интеллектуал ривожланганлиги ҳақидаги маълумотни олиш Гильфорд буйича, интеллектни ташкил қилувчи ҳамма факторлар шаклланганлик даражасини аниқлаш лозим. Бунинг учун уларга бир қатор тестлар ҳавола қилиниб, уларнинг ҳар қайси факторлардан биттаси ривожланганлик даражасини ўлчаш учун белгиланган.

Гильфорднинг интеллект характеристикаси ва уни ўлчашига ёндошишини таҳлил қилган, кўпгина тадқиқотчилар унинг позитив томонларини таъкидлаганлар. Л.И. Анциферова кўрсатгандек, “факторли анализ интеллектуал фаолиятнинг янги томонларини илгари суради, бу эса олдин шаклланган тушунчаларга психологик тадқиқотлар доирасида яна ҳам чуқурроқ ёндашишга имкон беради.

Бундан ташқари, Гильфорд ишлари ҳозирги тестологиядаги, инсон интеллекти моделини яратувчи унчалик кўп бўлмаган қийинчиликлардан бири ҳисобланиб, интеллектуал тестларни яратишда асос бўлиб хизмат қилади.

Шу билан бирга бу интеллект анализи ва диагностикаси методини ташкил қилувчи компонентларининг кўпгина заиф томонлари мавжуддир.

Аввало, Гильфорд ёндашишининг эмпиризмини таъкидлаш жоиз. Интеллектни факторларга ажратиб туриб, Гильфорд синалувчиларнинг турли хил интеллектуал тестлар бажариши натижаларининг корреляциясига асосланади. Бунга эса Небилицин таъкидлаганидек, субъективизм муқаррардир, у бошланғич тестларни танлашда ҳам, олинган натижаларни таҳлил қилишда ҳам намоён бўлади.

Бунинг исботи сифатида тестологиядаги факторли ёндашишнинг йирик намоёндаси Л.Терстоуннинг тадқиқотлари хизмат қилиши мумкин.

Терстоун Гильфорд фойдаланган математик методлардан фойдаланган ҳолда интеллектнинг моделини яратди. У Гильфорддагидек 120 эмас, балки 7 фактордан иборатдир:

1. Фазовий қобилият.
2. Идрокнинг тезлиги.
3. Сонли материални ўзлаштириш енгиллиги.
4. Сўзларни тушуниш.
5. Ассоциатив хотира.
6. Нутқнинг уйноқилиги.
7. Тушуниш ёки мулоҳаза қилиш.

Шундай қилиб, Гильфорд тузган интеллектнинг модели кўп жиҳатдан ихтиёрий хусусиятга эга.

Ҳатто шуни Гильфорднинг ўзи тан оладики, “образли элементларни билиш” деб ажратилган фактор аслини олганда ўзига хос 3 хусусиятдан ташкил топган: кинестетик формаларни таниш, товуш образларини идрок қилиш, таниш образларни қайта таниш.

Бошқа томондан, Гильфорд ажратган факторлар амалда бир қобилиятни намоёниш қилиши мумкин.

Гильфорднинг тафаккур “фактор”ларини ўлчаш учун яратган тестлари ҳам кўп даражада субъектив характерга эгадир, чунки инсон интеллектининг яққол ажратилмаган характеристикани ўлчайди. Ҳақиқатдан Гильфорд тестлари дивергент тафаккурга Торансон ва Джексонлар томонидан ишлаб чиқилган шу каби тестларга билан жуда суст корреляцияга эга.

Шундай қилиб, Гильфорд ёндошишидаги асосий кенглик, бу ўз “интеллекти структурасини” математик ҳисоблаш ёрдамида аниқланган бўлиб, ташки корреляциялар асосида куриб, топилган интеллект “фактор”ларнинг ўзига хослиги, моҳиятини, унинг ички психологик боғлигини очиб беришга ҳаракат қилмайди.

Шундай қилиб, факторли ёндашиш тестологияда кўп учрайдиган камчиликларини бартараф қила олмайди, чунки уларда энг асосий интеллект тушунчасининг назарий жиҳатдан ишлаб чиқилмаганлигидир.

Кўпгина ғарбнинг прогрессив психологлари тест тузишнинг статистик методларини яхшилаш ва уларни ишлаб чиқишнинг методларини

мукаммалаштириш билан чекланиб қолмасдан, балки тестларнинг назарий асосларини тубдан қайта кўриб чиқишни таклиф қиладилар.

Бу ўринда М. Коул ва С. Скрибнерларнинг ишлари катта қизиқиш уйғотади. Турли маданий шароитларда яшаётган одамларни билиш фаолиятининг ўзига хослигини ўргана туриб, муаллифлар бу уларнинг билиш қобилиятларини баҳолашда тестлардан фойдаланмасликни маъқул кўрадилар.

Улар айна бир хил масалаларнинг муваффақиятли бажарилиши, синалувчилар яшаётган реал шароитга боғлиқ эканлигини кўрсатиб берадилар. Авторлар у ёки бу масала ечилганлигининг натижасини эмас, балки уни ечиш жараёни ўзини, субъектнинг муаммо ҳал қилиш жараёнида қўллайдиган усулларни ўрганиш муҳим, деб билишлари принципиал жиҳатдан алоҳида аҳамиятга эгадир.

Тестологияни қамраб олган кризис унинг асосида янги йўналишларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди.

Аввало когнитив позиция доирасида вужудга келган йўналишни айтиб ўтиш керакки, унинг намоёндалари (Р.Глейзер, Дж.Кэррол, С.Лансберг, Д.Р.Пелигрино, Н.Фрост, Э.Хант, В.Эстес ва бошқалар.) интеллектуал тестларнинг ҳар бири индивиднинг қобилияти ва билимига қўядиган талаблар нуқтаи назаридан таҳлил қиладилар.

Бу билан тестнинг ҳақиқий валидлиги, унинг диагностика қилишига қаратилган мазмун аниқланади. Бу йўналиш намоёндаларининг таъкидлашича, ишнинг муваффақиятли кетишида бу каби изланишлар психометрик хулосаларнинг табиатини ўзгартириш имкони туғилади. Статистик баҳоларнинг ўрнига коррекцион амаллар қилиш борасида муайян талаблар илгари сурилади. Шу вақтгача бир қанча тадқиқотлар ўтказилган бўлиб, уларда бир қатор интеллектуал тестларнинг асосида ётувчи қобилиятларнинг машқлар асосида эришилиши мумкинлигини кўрсатилган:

Бу ишлар интеллектуал тестологиянинг критериал-ориентир (мезоний мўлжал) унинг қайта қурилишида биринчи қадам бўлиб ҳисобланади. Бу типдаги тестлашнинг фарқ қилувчи томони шундаки, бунда қандайдир муҳим мазмунли соҳа (билимлар ва кўникмалар) ва тест тузилмаси тиклаб олинади, ундаги вазифаларининг ҳар бири- бу мазмунли соҳанинг маълум томонини диагностика қилишга йўналтирилганлигидир.

Критериал-ориентирланган тестлаш индивиднинг билимларни ўзлаштириш даражасини аниқлашга қаратилган педагогик тестларда кенг қўлланилади.

Критериал-ориентир ёндашиш асосида яратилган тест индивид ақлий даражаси билан бошқа одамлар орасида қандай ўрин эгаллаганини кўрсатибгина қолмасдан, балки индивид ақлий ривожланиши ҳақида аҳамиятга молик тушунча бериши мумкин.

Тестологиядаги янги бир йўналиш қизиқарли ва келажаги порлоқ деб қараладики, уларнинг намоёндалари интеллектуал тестлар тизимини ақлий ривожланишнинг онтогенездаги психологик назариясига

асосланган ҳолда яратишга ҳаракат қиладилар. Бунда Ж.Пиаже назарияси асос қилиб олинади. Олдиндан шунини айтиш керакки, бу ҳаракатлар муваффақиятсиз тугади.

Жумладан, америкалик тадқиқотчи Р.Тадденхем Ж.Пиаженинг операциягача бўлган интеллектдан конкрет операциялар даражасига ўтишдаги бир қанча вазифаларни стандартлантириш буйича иш олиб борди ва уларни бажариш учун болаларга ҳавола қилинди. Олинган натижаларни баҳолаш жараёнида у қуйидагиларни таъкидлайди: “Ўта қарама-қаршилик, ёйинки вазифалар ўртасидаги мустақилликни кўриб, биз жуда хайрон қолдик..., бу вазифаларнинг ҳаммаси ривожланиш учун берилган босқичга қабул қилинган бўлсада, лекин улар ўртасида боғлиқликнинг йўқлиги қонун сифатида қараларди. Вазифаларнинг формал тафаккурда ишлатилганлигида бу хилдаги натижалар Британия интеллект мактабида ва бир қанча бошқа тадқиқотларда ҳам олинган.

Горизонтал деколяр фактларини анализ қила туриб, Тадденхем фикрича, улар “ақлий ёшга хос, ягона ривожланиш босқичида турган ҳар бир болани қараб чиқиш ва унинг кўрсаткичлари асосида ҳар қандай вазифанинг ечилишини олдиндан айтиб бериш ҳақидаги уйларни пучга чиқарадилар.

Биз юқорида айтиб утган ҳамма тестологиянинг ривожланишидаги ҳозирги замон йўналишлари ижобий характерга эгадир, чунки улар ёки бу даражада тестологияга хос бўлган эмпиризмдан интеллектуал ривожланган, маъноли, сифатли психологик талқинга ўтганлиги билан тавсифланади.

Бироқ санаб ўтилган ижобий тенденциялар билан бир қаторда, унга қарама-қарши бўлганлари ҳам борки, уларнинг намоёндалари аслини олганда тестология билан психологини бутунлай иккига ажратишга чақирадилар. Бундай тенденциянинг йирик намоёндаларидан бири - Г.Айзенкдир. Унинг позицияси қуйидагилардан иборат:

Индивид ақлий ривожланиш даражасининг 80%и генетик жиҳатдан ва фақатгина 20% и таълим ва тарбия билан белгиланади.

Генетик жиҳатдан берилган одамлар орасидаги интеллектуал фарқлар фикрий жараёнларнинг тезлигини ифодалайди:

“Оддий IQ-тест билан талаб қилинадиган одамлар ўртасидаги билим ва малакалар микдорининг фарқи, уларнинг ташқи дунёдан информация олиш ва фойдаланиш тезлиги фарқи билан тушунтирилади”.

Г.Айзенк бир қатор тадқиқотларни кўрсатадики, уларда индивид ЭЭГ потенциали унинг интеллект ривожланиши даражаси билан тушунтиришга ҳаракат қилинади. Жумладан, Ф.Чалке ва Дж.Эртп тадқиқотларида куриш стимули юзага келтирган латент даври (ақлий ривожланиш даражаси қанчалик юқори бўлса, латент даври шунчалик қисқа) ва синалувчиларнинг ақлий даражаси ўртасида боғлиқлик аниқланган.

Худди шу каби натижалар Д.Хендриксон тадқиқотларида эшитиш стимуллари билан фойдаланилганда олинган, бундан ташқари, кутилмаган

стимулга юзага келган амплитуданинг интеллект ривожланиш даражаси билан ижобий боғлиқлиги мавжуд эканлиги аниқланган. Шу билан бирга, бошқа тадқиқотларда (Э.Бекс, Р.Дастмен, Р.Инжел, Л.Роудес, Н.Хендерсон ва бошқалар) ўзгача натижалар олинганки, айримлари юқоридагиларга бутунлай қарама-каршидир. Бироқ у ёки бу натижаларни экспериментал тадқиқотларнинг енгил-елпи ўтказилганлиги натижаси деб таҳлил қилган ҳолда ташлаб юборади.

Ақлий ривожланиш даражаси ва юзага келган потенциал тасдиқловчи, ҳамда бу боғлиқликни нейрон механизмлари даражасида тушунтирувчи 3 та концепция диққатни жалб қилади. Э.Шафер концепцияси, М, куйидагилардан иборатдир:

Атроф-муҳит стимулига “жавоб” беришда кўп бўлмаган нейронлар ҳаракатга келадики, бунда стимул таниш бўлса, аксарият нейронлар ҳаракатга келади. Шундай қилиб, “адаптацияга юқори нейронли қобилятли” индивид (ва бундан, юқори интеллектга эга) кутилган стимулга юзага келган потенциалнинг нисбатан кам амплитудаси ва кутилмаган стимулга юзага келган потенциалнинг одатдагидек амплитудасини беради.

Психологик-педагогик диагностиканинг ўзига хос, хусусий методлари ҳозирги босқичда унчалик шаклланмаган. Бунинг асосий сабаби педагог-диагност, ўзининг амалий психологик диагностик фаолиятида шу вақтгача психологияда қўлланиб келаётган психодиагностик методлардан ва педагогиканинг тадқиқот ва ўқувчиларни ўрганиш методларидан фойдаланилади. Ижтимоий муҳит, ижтимоий омилларни ўрганишда эса социологияда, иктисодиётда мавжуд бир қанча методлардан фойдаланиш мумкин. Кейинги йилларда психологик-педагогик диагностик фойдаланиши мумкин бўлган метод ва методикалар сони кўпаймоқда, шу билан бирга унинг ўзига хос махсус методлари ҳам шаклланмоқда. Бунга мисол қилиб “Психологик-педагогик консилиум” методикасини келтириш мумкин (бу методикани ҳозирги вақтгача методикада қўлланилиб келаётган педагогик консилиум билан адаштирмаслик лозим).

Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда, психодиагностик методлар ва уларнинг баъзиларининг номларини кўрсатиб ўтишимиз мумкин. Уларга куйидагилар киради:

1) турли режа, дастур, мақсад ва мезонларга эга бўлган кузатиш методлари гуруҳи;

2) диагностик суҳбатлар;

3) диагностик суровномалар;

4) диагностик интервью;

5) барча типдаги анкеталар;

6) турли психодиагностик тестлар;

7) ўқув гуруҳининг хусусиятларини ўрганиш методлари;

8) педагогик тестлар, шу жумладан дидактик тестлар;

9) ўқув хужжатларини таҳлил қилиш, шу жумладан контент-анализ методи;

10) турли хилдаги жамоатчилик фикрини ўрганишга мулжалланган методлар ва ҳоказо.

Ҳаётий ва педагогик тажрибалар шуни кўрсатадики, диагностика фаолият билан шугулланмокчи бўлган педагог, баъзи ҳолларда амалиётчи-психолог ишни ўзида мавжуд методикалардан келиб чикиб, шу методика ёрдамида тадқиқот, текшириш утказиш, маълумот йиғишдан бошлайди. Кейин эса олинган натижаларни ҳаётга мослаштиришга ҳаракат қилиб, уз ишининг амалий аҳамиятини кўрсатишга ҳаракат қилинади. Бунда иш услубининг асосий камчилиги шундаки, баъзида жуда мукамал, ута илмий, амалий асосланган методикалар аниқ педагогик фаолиятнинг мақсад ва вазифаларига мос келмаслиги, улардан йироқлиги сабабли кутилган натижа бермайди. Педагогнинг диагностика фаолиятининг самарадорлиги, муваффақияти танланган ва қўлланилган методиканинг “ноёблиги” билан эмас, балки бу методиканинг шу муҳитга, шу даврда ўрганилаётган аниқ мақсадга, вазифага мослиги билан белгиланади. Шунинг учун ҳам ҳар қандай диагностика фаолият нимани ёки кимни, қайси мақсадларда ўрганиш, олинган натижалардан қандай фойдаланишимизни англашдан бошланиши шарт. Бошқача қилиб айтганда, педагогнинг диагностика фаолияти қуйида кўрсатилган босқичларда, кетма-кет олиб борилиши керак.

“ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ПСИХОДИАГНОСТИКА ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ”

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНГ ПСИХОДИАГНОСТИКА ҚИЛИШНИНГ УМУМИЙ ВАЗИФАЛАРИ

Мактаб таълим жараёнини психодиагностика қилиш у ерда таълим олаётган болалар ва усмирларнинг ривожланиши, билим даражаси, ақлий қобилиятлари, шахсий хусусиятлари ва х.к.лар ҳақида уларнинг ижтимоий нормаларга мос келиш-келмаслиги ҳақида бирмунча туларок хулосалар чиқаришга ва шу хулосалар ёрдамида ёш даврлар турли гуруҳларнинг таълим ва тарбия жараёнини керакли окимга йўналтириш имконини беради. Олинган психологик маълумотлар педагогик жараённинг самарали бўлишига олиб келади. Психодиагностик методларни қўллаш, маълумки, алоҳида психологик тайёргарликни такозо этади. Лекин баъзи ҳолларда уларни махсус тайёргарликдан утган педагоглар томонидан ҳам қўлланиши мумкин. Психологлар ва педагогларнинг ўзаро ҳамкорлиги мактаб амалиётидаги психодиагностик муаммоларнинг тез ва юқори малакада тадқиқ этилишига имкон яратади.

Мактаб педагогик психологик диагностикасида қуйидаги масалаларни асосийлари сифатида ажратиб кўрсатишимиз мумкин.

а) болалар ва усмирлар ривожланиши, йўналиши ва даражасини баҳолаш, уларнинг ўқув дастурларини ўзлаштиришлари ва тарбиясига йўналгандир.

б) педагог ва психологларнинг мактабдаги психодиагностик фаолиятлари бутунлигича педагогик жараёнга йўналган бўлмоги лозим ва у жамиятнинг ҳар томонлама ривожланган аъсосини тарбиялаш ва уқитишга йўналтирилган бўлиши керак.

в) психолог ва педагогларнинг биринчи вазифаси ўқувчилар ривожланишининг констант даражасини тадқиқ қилиш бўлибгина қолмай, ўқувчилар ёки синф жамоалари ҳақида турли психологик маълумотлар олинмоги керакки, бўларга кўра ривожланишга туртки берувчи педагогик ташкилий ишлар ҳақида хулоса чиқариш мумкин бўлсин.

Таълим жараёнининг анализи психологик диагностика йўналишларини аниқлаб беради. Биз психологик диагностика қўлланиши лозим бўлган туртта асосий муаммони ажратиб кўрсактишимиз мумкин.

ПЕДАГОГИК ЖАРАЁННИНГ ДИАГНОСТИКАСИ

Маълум бир предметдан дарс берувчи уқитувчи ўқув жараёнини доимо режалаштириб, амалга ошириб ва баҳолаб турмоги лозим. Ва алоҳида ўқувчиларнинг у ёки бу предметга бўлган қизиқишлари синфнинг таълим олишга бўлган шарт-шароитлари, йўналиши интилишлари ҳақидаги маълумотларга эҳтиёж сезади. Мана шу маълумотларга эга бўлмай туриб, дифференциаллашган педагогик жараёни ташкиллаштира олмайди. Бу талабалар таълим жараёни эффективлигини оширишда хал қилувчи аҳамиятга эгадир. Бу масалани Г.Вицлаг ўқув стратегиясини диагноз модели (К.Каунер ва Д.Рутенберг) ва ўзлаштиришнинг диагностик контрол модели билан (Г. Шальц) хал қилишни таклиф этади.

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИНГ ИНДИВИДУАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ШАРТ ШАРОИТЛАРИ ДИАГНОСТИКАСИ

Синф раҳбари вақти-вақти билан ўқувчиларнинг ривожланганлик даражасини баҳолаб турмоги лозим. Ҳар ўқув йилининг охирида ўқувчиларга умумий ёзма баҳолар тузиб чиқади ва уларга бир мактабдан иккинчисига ўтишда характеристикалар тузади. Бунда педагог психологнинг ёрдамига эҳтиёж сезади. Шунингдек кўп сонли болалар мавжудки, уларни ривожланишнинг турли босқичларида психологик диагностика қилиш лозим бўлади. Масалан, мактабга қабул қилишда, ёки кейинги таълим йўналишини танлашда ва хоказо.

Юқорида кайд этилган ҳолатларни таҳлил қилиш учун қуйидаги мисолга мурожаат қиламиз. Собик ГДР қонунларида шундай дейилади: Мажбурий таълим (10 йил) 1 сентябрдан 31 майгача 6 ёшга тулган болалардан бошланади. Бундан келиб чиққан ҳолда, демак мактабга бориши лозим бўлган бола 6,3 (6 ёш 3 ой) дан 7,3 (7 ёш 3 ой) ораликдаги ёшда бўлади."Истесно ҳолатларда мактабга бориши лозим бўлган болалар ўзининг жисмоний ва ақлий ривожланиши билан таълим олишга кодир бўлмасалар ва мактабга қабул қилинмасалар, уларнинг ривожланиш учун

алоҳида педагогик усуллар тайинланади. Кучли ривожланган балалар мактабга бир йил олдин қабул қилиниши мумкин, бу ерда 1-сентябргача фақат 6 ёшга тулган (31 майдан) кейин) балалар назарда тутилмоқда. Боланинг мактабга қабул қилинмаслиги ҳақида қарор махсус тиббиёт экспертизаси ва руҳий ривожланиш даражасининг чуқур таҳлили билан асосланмоғи лозим. Психик ривожланишни аниқлаш бевосита махсус методикалар ёрдамисиз амалга ошмайди. Шу сабабли собик ГДР да мактабга тайёргарликни текширувчи кўплаб методикалар ишлаб чиқилган эди. Болаларни махсус мактабларга йўллаш (олдидан) психодиагностик текширув асосида бўлади. Бу ҳолат уларга кейинги ривожланишларида индивидуал хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда максимал шарт-шароитлар яратиш имконини беради.

Психодиагностик методларни яратиш ва қўллаш қобилиятли болаларни махсус мактабларга қабул қилиш, Олий ва Ўрта Хунар таълим ўқув масканларига қабул қилиш муаммоларини ечишга ёрдам беради.

РИВОЖЛАНИШДА ОРҚАДА ҚОЛИШНИНГ ТУРЛИ ШАКЛ ДИАГНОСТИКАСИ ВА УЛАРНИНГ КОРРЕКЦИЯСИ

Биз 2 турли ортида қолишни фарқлаймиз: нерв системасининг органик бўзилиши натижасида ортида қолиш; (уларга клиник-психологик ва тиббий диагностика ва терапия лозим бўлади) ҳамда вақтинча ортида қолиш ва ноадекват хатти-ҳаракат (улар асосан соғлом болаларда ривожланишнинг номутаносиб ички ва ташқи шарт-шароитлар асосида юзага келадилар).

Психодиагностика нуқтаи-назарига кўра бу ер иккита масалани ҳал қилмоқ лозим.

а) ортида қолишнинг бартараф этиш мақсадида уни келтириб чиқарувчи ички ва ташқи номутаносиблик шарт-шароитларини уз вақтида диагноз қилиш.

б) қурилган чораларга қарамай ноадекват хатти-ҳаракатни сақлаб қолишга бўлган тенденция устунлик қилувчи ўқувчиларга, педагогик чоралар қуриш мақсадидаги диагностика.

Коррекцион чоралар қуриш учун асосий шарт- шароит ноадекват хатти-ҳаракатнинг туб сабабларини психодиагностик очиб бериш ҳисобланади. Бир вақтнинг ўзида узгаришларни ўрганиш учун психодиагностик методлар ишлаб чиқилмоғи лозим.

ЎҚУВ ЖАРАЁНИ ЭФФЕКТИВЛИГИНИ ПСИХОДИАГНОСТИК ТАДҚИҚ ҚИЛИШ

Педагогик жараёни бошқариш ўқув дастўрини амалга ошириши ва кечиши ҳақидаги маълумотларни талаб қилади. Бу хил маълумотлар мактаб директорида, методистларга, ўқув жараёнини бошқараётган педагогларга жуда зарурдир. Ўқувчиларнинг ўзлаштиришини таққослаш

имконини берувчи стандартлашган усулларни қўллаш психологлар ва педагоглар биргаликда очиши муҳим бўлган масалалардир.

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ПСИХОДИАГНОСТИК ТАДҚИҚ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИГА ҚУЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Таълим жараёнини психодиагностикаси юқори малакали мутахассислар ёрдамида ўқувчиларнинг шахсий хусусиятларини, интилишларини, кизиқишларини, интеллект коэффициентини аниқлашга ёрдам берар экан, бу уз навбатида бу жараёни сифатли ишончи ҳамда мураккаб методикалардан фойдаланишни тақозо этади. Ўқувчилар ҳақида максимал даражада аниқ маълумотларни олиш учун тадқиқот методикаларига бир қатор талаблар қўйилади. Қуйида биз ана шу талаблар ҳақида фикр юритамиз.

1. Текширув объектини аниқлаш.

Психологик, педагогик талаблардан келиб чиққан ҳолда қандай психодиагностик маълумотлар олинишини аниқ белгилаш мумкин. Диагностик методларни ишлаб чиқаришдаги кўпгина камчиликлар диагностика предметини етарли даражада аниқ белгиланмаганлиги натижаси сифатида тушунтирилади.

Текширув методини аниқлаш

Диагностика қилувчи хусусият аниқлангандан сўнг, шундай фаолият турларини танлаш лозимки, бўлар текшириляётган хусусият ҳақида маълумотлар бериш имконини берсин.

Методни таҳлил қилиш

Диагностик методларни адекват ишлаб чиқиш учун эксперимент утказиш шароитларини ва унинг натижалари таҳлилинн максимал даражада стандартлаштириш лозим бўлади. Эксперимент шартларини стандартлаштиришга қуйидагилар киради:

Экспериментни утказиш, асосан инструкция, масалан, тестлаштириш жараёнини тасвири.

Маълумотларни кайд қилиш, яъни эксперимент давомида экспериментнинг бориши ва натижаларини протоколлаштириш ва кайд қилиш.

Маълумотларни таҳлил қилиш, масалан, вербал маълумотларни классификациялаш ёки ўлчов натижаларини солиштириш.

Маълумотларни синтез қилиш, маълумки кайд қилинган дастлабки маълумотларда фақат ноаниқ психодиагностик ахборотларни олиш мумкин. Психометрик жараёнлар ёрдамида уларни бирлаштириш, гуруҳлаштириш, лозимки улар ёрдамида психодиагностик нуктаи назарга кўра уларни интерпретация қилиш мумкин бўлсин.

Маълумотларни интерпретацияси

Метод асосида ётувчи назарий концепция асосида психодиагностик маълумотларни таҳлил қилиш ётади.

Методнинг сифатлилик критерийларини аниқлаш

Диагностик маълумотларнинг ишончлилиги ва сифати маълум даражада текширув методи сифатига боғлиқ бўлади. Улар мос келувчи техник текширув ёрдамида аввало коррекцион статик методлар ёрдамида аниқланади. Методларнинг бир мунча асосий критерийлари қуйидагилар ҳисобланади.

Методнинг объективлиги, яъни олинган маълумотлар ва уларнинг психодиагностик интерпретацияси экспериментатордан боғлиқ эмаслиги. Г.Вицлак қуйидагиларни ажратиб кўрсатади: тест утказишнинг объективлиги, таҳлилнинг объективлиги, олинган маълумотлар интерпретациясининг объективлиги. Маълумки, турли эксперименторлар бир-биридан мустақил ҳолатда айна психологик метод билан, бир хил экспериментал шароитда фойдаланадилар. Улар олинган натижалари солиштирилиб методнинг объективлик коэффеценти чиқарилади. Аммо методнинг объективлигини амалий жихатдан текширишда бир мунча қийинчиликлар вужудга келади, чунки бир хил экспериментал шароитларни вужудга келтириш жуда қийиндир.

Методнинг валидлиги- психодиагностик методнинг натижалари айна ўрганилаётган объект хусусиятларига мос келишидир. Валидлик тушунчасини ишончлилик тушунчасидан фарқини ўрганилаётган тадқиқотнинг “объекти” ва “предмети” фарқини ажратиш билан тушунтириш қулайдир. Ишончлилик бу жараённинг объектларга нисбатан барқарорлигидир. Ишончлилик ҳар доим ҳам валидликни ифодаламайди. Кўпгина психологлар шундай хатога йўл қуйишадики, улар аввало текширишнинг маълум бир процедурасини таклиф этиб, объектларни барқарор фарқ қила олишга бўлган унинг ишончлилиги кўрсатилади-ю, аммо валидлик ҳақидаги масала очик қолаверади. Агар сенсор психофизикада ўрганилаётган сезги хусусиятлари оддий жисмоний стимуллар билан бир хил детерминациялашгани учун валидлик даражаси сезиларли аҳамият касб этмаса, дифференциал психометрикада валидлик муаммосининг аҳамияти кескин ошиб кетади.

Валидлик ишончлилик

Бу тест валидлиги унинг ишончлилигидан ошиб кетмаслигини тушунтиради. (А.Г.Шмельев “Основу психодиагностики”).

Маълумки, валидликнинг бир нечта турлари мавжуд. Мактаб психодиагностикасида улар ўқув предметининг ўзлаштиришга бўлган муваффақиятни текширишда тест масалаларининг айна шу предмет хусусиятларига мос келишида қўлланилади.

Конструктив валидлик - уни баҳолаш тестлаштириш объектини психологик анализ қилишни такозо этади. Яъни, тест натижалари назарий ажратилган хусусиятни кай тарзда текширишни ўрганadi. Масалан, ўзлаштиришнинг диагностик контролида мужассам бўлмаган индекаторлар ҳақиқатдан ҳам ўқув жараёнининг шарт-шароитларини намоён қиладими ёки йўқми ва хоказо.

а) Критериал валидлик - тест натижалари ёрдамида, индивиднинг бизни қизиқтираётган хатти-ҳаракат аспектининг ҳозирги вақтдаги ва келажакдаги ҳолати ҳақида ҳукм чиқариш мумкинми ёки йўқми, деган масалани аниқлаш имконини беради. Буни аниқлаш учун тест натижалари ташки критерийлар; масалан, мактаб баҳолари билан солиштирилади ёки турли тестлар натижалари таққосланади.

в) Прогностик валидлик- бунда ташки критерийлар сифатида ўзлаштириш ва ўқувчининг хулк-атвори прогнози келиб чиқади.

Методнинг ишончлилиги- “бу текширилаётган маълум бир шахсий белги ва хатти-ҳаракат хусусиятининг текширилишини аниқлик даражаси”. Бошқача айтганда тестнинг бир хил шароитларда олинган натижалари таққосланиб, ишончлилик коэффиценти аниқланади.

Психодиагностик методнинг ишончлилик даражаси учта шартга боғлиқ.

а) методнинг объективлиги;

б) тест мисолларининг бир хиллиги;

в) текширилаётган шахс хусусиятларининг стабиллиги.

Назорат саволлари:

1. Таълим жараёнини психодиагностика қилишнинг асосий вазифалари?
2. Педагогик жараён диагностикаси?
 - а) Г.Вицлак модели.
 - б) К.Каунер ва Д.Руженберг ўзлаштиришни диагноз қилиш модели ва хоказо...
3. Таълим жараёнининг индивидуал хусусиятларининг диагностикаси?
4. Ривожланишда орқада қолишнинг турли формалари диагностикаси ва уларнинг коррекцияси?
5. Ўқув жараёни эффективлигини психодиагностика қилиш?
6. Таълим жараёнининг психодиагностик тадқиқ қилишга қўйилган талаблар.
7. Методларнинг сифатлилик критерийларини аниқлаш?
 - а) методнинг валидлилиги нима.
 - б) валидлилик ишончлилик (А.Г.Шмельев).

в) конструктив валидлилиқ.

г) критериал валидлилиқ.

д) прогностик валидлилиқ.

8. Методларнинг ишончлилигини текшириш?

Психодиагностиканинг психометрик асослари

Тест нормаларининг репрезентативлиги.

Умуман статистик процентал шкала (ўлчам)лардан ташқири дифференциал психометрикада кўпинча фойдаланиладиган яна икки шкала (ўлчамни) ва ҳар иккисига тадбик этувчи 2 тест нормаларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Бўлар биринчидан, шартли равишда “абсолют тест нормалари” деб номлаш мумкин - ташхис чиқаришда “хом” (“сурой”) очколар амалда бўлади, иккинчидан, “критериал тест нормалари” бу нормаларни тадбик этиш икки ҳолда асосли, тўғри ўзини оклаган ҳисобланади. 1 тестнинг “хом” (“сурой”) шкаласи (ўлчами)нинг ўзи амалий аҳамиятга эга бўлганда (масалан, чет тилини ўрганаётган талаба ўрганаётган тилидан имкони борича кўпроқ суз билиши керак ва лексик тестнинг “хом” (“сурой”) кўрсатгичи амалий аҳамиятга эга бўлади). 2 критериал тест нормалари тадбик этилаётганда: эмпирик тадқиқот натижалари тести билан аниқланган “хом” балл қандайдир амалий фаолиятнинг берилган натижа бериши имконияти билан боғланади. (“Критериал” фаолият натижа бериш имконияти, юқорида келтирилган фикрга кўра, 30 минут давомида монологик синхрон таржима қила олиши мисол бўлиши мумкин).

Шкала (ўлчам)нинг потенциал нормаллаштириш.

1. Пунктларни нормаллаштириш. Берилган пункт учун ечим (калит) нормал модель базасида аниқланади (корректируется). Агар норматив сайланма (вуборка) орасида берилган топшириқни синалувчиларнинг 10 тасигина бажарса, “қийинчилик” интервали шкаласида (ўлчамида) берилган пунктга (параметрлари M_{k0} ва 0_{k1} бўлган нормал модель қабул қилинган шароитдагина) Q_1 ифодаси (значение) мос келади. (А. Анастазининг график иллюстрациясига қаранг. Китоб: “Психологическая тестирование”. М, 1982 г. стр 181). Агар 75% синалувчилар бажарса, сигма шкала (ўлчам)да пункт бали -0,67 га тенг. Пунктлар буйича баллар йигилиши натижасида, яъни аниқланган (скорректированной) нормаллаштириш натижасида, йиғинди баллар нормал тақсимотга яхшироқ яқинлашадилар.

2. Йиғинди баллар тақсимотини нормаллаштириш (ёки интервал нормаллаштириш). Бу ҳолда нормал тақсимот жадвали буйича (нормал интервал буйича) потенциал шкала (ўлчам)дан сигма шкала (ўлчам)га ўтиш амалга оширилади: интервалликка тескари, функциядан фойдаланилади - нормал тақсимотнинг ординатасидан абциссага ўтиш амалга оширилади. 4-расмда бу ўтишнинг шартли иллюстрацияси кўрсатилган (нормал тақсимот интеграл эгри чизигининг одатдаги S шкалага тескари эгри чизик).

1-жадвалда интервал нормаллаштиришга мисол келтирамиз. X қатори хом (нормаллаштирилмаган) очколарни ифодаласин. Бу очколар тўғри жавобларни оддий санаш (тест буйича) олинган бўлсин. P қаторда 62 та синалаётганлар сайланмаси (вуборкаси) да хом баллар учраши кўп-камлигини ифодаласин. F қаторда кулмулятив назарда тутати.

Худди шунингдек инсон (хайвонот) организми биологик характеристикаси жузъий узгаришларни тадқиқ этишда нормал тақсимотнинг вужудга келиши генотип тургун фактор ва фенотип узгарувчан тасодифий факторлари ўзаро таъсири мавжудлиги билан боғланади, шунингдек, индивидлараро психологик хилма хилликнинг келиб чиқиши нормал эгри чизик укида индивид урнини гуё олдиндан белгиловчи сифатидаги генотип код билан боғланади. Амалда эса кўпинча махсус статистик мураккаб жараёнда амалий ишда эришиладиган вужудга келадиган нормал эгри чизикни ирсият механизми амал қилишга нисбатан бериш учун ҳеч қандай асос йўқ.

Унга таъсир этувчи сунъий тадбирларсиз катта танлов (сайланмада) нормал тақсимотни олишга эришган ҳолларимиз ҳам яна генетика аралашувини билдирмайди. Нормал тақсимот қонуни ҳар сафар ўлчанаётган хусусият (индивид лаёқатининг маълум бир ривожланиши даражаси шаклланиши) га бир-бирига боғлиқ бўлмаган йўналиши ва кучига кўра какторлар таъсир қилаётганда қайта намоён бўлади. Субъект ўзида хис қилувчи, хис этувчи, унинг тириклик давридаги воқелик таъсирлари тарихи худди ўзаро боғлиқ бўлмаган турли-туман воқеа ходисалар кетма-кетлиги кабидир: айрим факторлар ижобий, бошқалар салбий йўналиш буйича таъсир этади. Натижада улар таъсирининг ўзаро ютиб юборилиши, йўққа чиқарилиши уларнинг муайян бир йўналишга (кўпрок ижобий ёки салбий) эга бўлишига қараганда кўпрок бўлади, яъни нормал тақсимот вужадга келади. Оммавий изланишлар шуни кўрсатадики, ўрта оммавий факторлардан (масалан, ота-онанинг маълумоти даражаси) бири устидан назоратнинг киритилиши нормал тақсимот эгри чизигининг табақалашувига олиб келади. Сайланма эгри чизиклар бир-бирига нисбатан силжиган бўлади. Бу натижалар статистик диагностик нормаларнинг ижтимоий маданий келиб чиқишини ёрқин исботи бўлиб хизмат қилади. Шундай оммавийлик (популяция) ларни бир турли дейиш мумкинми, уларга нисбатан бир хил сайланма механизми таъсир этади: Тестни вужудга келтириш (стандартлаштириш) ва уни диагностик тадбик этиш вазиятларида. Бу ерда “нормал ихтиёрийлик” феномени каби “шахс” ларни ҳам ҳисобга олишга тўғри келади. Агар стандартизация сайланмаси уз ихтиёри билан розилик берган студентларда шакллантирилса ва агар тестлар аралаш сайланмада (маъмурий йўл билан) утказиш мулжалланган бўлса, унда диагностик ҳукмларда маълум бир хатоликларга йўл қуйиш хафидан ҳоли бўлмайди, чунки кунгиллининг психологик портрети маъмурий мажбурлаш билан рози бўлган синалувчиникидан фарқ қилади.

Параметларни ҳисоблаш ва тақсимот

типларини баҳолаш

Сайланма тақсимотининг баёни учун, коидага кўра, қуйидаги маълум параметрларидан фойдаланилади.

1. Ўрта арифметиклик:

$$\bar{x} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n x_i = \sum_{i=1}^m P_i Y_i \quad (3.1.1.)$$

x_i = синалувчи i нинг баллари.

Y_i = баллар ортиб бориши тартиби буйича кўрсатинг.

P_i = i баллари учраши такрорланиш.

n = сайланмада синалувчилар сони.

m к шкала бўлинмалари сони (баллар сони) (йигилган) кўп-камлик:

$$F_i = \sum_{j=1}^i P_j$$

F^* қаторда кумулятив (йигилган) баллар:

$$F_i^* = F_i - \frac{1}{2} P_i$$

F_R қаторда-процент даража (ранг) лар.

$$P_i = F_i^* \cdot 100/n$$

Б қаторда жадваллардаги мос келувчи потенциал даража (ранг) лардан олинган нормаллаштирилган баллар берилган. Б-баҳолар чет эл адабиётларида Z -баҳолар, деб ҳам юритилади.

X	3	4	5	6	7	8	9	10	
P	2	18	13	8	10	6	4	1	n к 62
F	2	20	33	41	51	57	61	62	
F	1	11	26.5	37.0	46	54	59	61.5	
P	1.6	17.	42.7	59.	7	8	9	9	W к

R		7		7	4	7	5	9	100
					
					2	1	2	2	
Б	-	-	-0.2	0.2	0	1	1	2	М к 0
	2.1	0.9			Б к 1
					6	1	7	4	

Интервал нормаллаштиришдан фойдаланишни бошлаётганлар дуч келувчи қийинчилик шундан иборатки, одатдаги статистик жадваллар психометрикага мос келган эмас: потенциал даража (ранг) ифодасини (значение) жадвал ичидан мос келувчи сигма-бахона чеккасидан излаб топиш керак бўлади. Мулжалки (ориентация) енгиллаштириш учун PR мос келувчи, б ва стен мос келувчи жадвали кўринишидан қисман келтирамиз. **2-жадвал.**

Р	9	9	9	8	8	7	7	6	5	5	
R	9	5	0	5	0	5	0	5	0	5	
б	2,	1,	1,	1,	0,	0,	0,	0,	0,	0,	0,
ст	3	6	2	0	8	6	5	3	2	1	
е	3	4	8	4	4	8	2	9	5	3	
н	1	1	9	8	8	7	6,	6,	6	6	
	0	0					5	5			
Р	5	4	4	3	3	2	2	1	1	5	1
R	0	5	0	5	0	5	0	5	0	-	-
б	0,	-	-	-	-	-	-	-	-	1	2
ст	0	0,	0,	0,	0,	0,	0,	1,	1	6	3
е	5,	1	2	3	5	6	8	0	2	4	3
н	5	3	5	9	2	8	4	4	8	1	1
		5	5	4,	4	4	3	3	2		
				5							

Одатдаги жадвалларда смитрия мулоҳазасидан келиб чикиб маълумот факат $PR > 50$ ифодаси учунгина берилган $PR < 50$ учун мос келувчи маълумот ўша жадвалларнинг ўзидан $\delta = -\Psi^{-1} (1-PR/100)$ ни ҳисобга олиб келтириб чиқарилади. Масалан, $PR=35$ учун $1-PR/100 = -0,35$ к $0,65$ ни топамиз, кейин жадвал буйича Ψ^{-1} к $0,39$ ва бу ифодани манфий ишора билан оламиз $-0,39$ нормаллаштириш график методдан фойдаланиш кулай (нормал когоз, стандарт S шаклидаги эгри чизиы ва х.к.)

Нормал қонунни онтологиялаштиришнинг ноқонунийлиги

Анъанавий психометрикада нормал тақсимот берилган маълумотлар билан ишлашни енгиллаштирувчи воситачи тушунча сифатида намоён бўлади. Лекин бу нормал тақсимотнинг сунъий вужудга келтирилганини

ёддан чиқариш мумкин, дегани эмас. Ф.Гальтон асос солган /арб тестологияси анъаналар, психометрика ва биометрика назарий тушунча, тасаввўрининг ухшашлигини, бир хиллигини ўрганади.

2) Ута квадрат (стандарт) очиш:

$$S = \sqrt{\frac{\sum (x - \bar{x})^2}{n}} \approx \sqrt{\frac{\sum x^2 = (\sum x)^2 / n}{n-1}}$$

$\sum x^2 - n$ синалувчилар учун тест баллари квадрати йиғиндиси.

3) Асиметрия:

$$As = \frac{1}{s^3} (0 - 3c \frac{2}{x} + 2 \bar{x}^3)$$

х-ўрта арифметик
S-стандарт оғиш

$$O\text{-ўрта кублик: } o = \sqrt[3]{\frac{1}{n} \sum x^3};$$

$$C\text{-ўрта квадратлилик: } c = \sqrt{\frac{1}{n} \sum x^2}$$

4) Экссесс:

$$\sum x = \frac{1}{s^4} (a^4 - 4O^3 \bar{x} + 6c^2 \bar{x}^2 - 3\bar{x}^4) - 3$$

Q-туртинчи даражанинг ўртача куосаткичи

$$Q = \sqrt[4]{\frac{1}{n} \sum x^4}$$

Ўрта арифметиклик (математик кутилган натижа) стандарт хатоси куйидаги формула орқали баҳоланади:

$$\zeta_m = \frac{s}{\sqrt{n}}$$

Математик кутилган натижа хатоси асосида ишонч интервали курилади:

$$(\bar{x} - 2S_m, \bar{x} + 2S_m)$$

кайсидир синалувчининг тест балли агар ишонч интервали чегарасига тўғри келиб колса, синалувчи статистик маълумотнинг берилган даражаси буйича ўлчанаётган хусусиятининг юқори (ёки паст) кўрсаткичига эга, деб ҳисоблаш нотўғри бўлади. Бўлинма (шкала)ни стандартлаштириш психометрикада стандартлаштиришнинг икки шаклини фарқлаш лозим. Тестни стандартлаштиришда биринчи навбатда

инструкциялар утказиш, банклар, руйхатга олиш усули, шартлари ва х.к.лар тушунилади.

Тестларни стандартлаштиришсиз тест балларини норматив тақсимлашга, демакки, тест нормалари тақсимотига эришиб бўлмайди.

Шкала (бўлинма) стандартлаштириш дейилганда нормал (ёки сунъий нормаллаштирилган) бўлинма масштабини тармокли узгартирилиши тушунилади: Умумий ҳолда стандартлаштириш формуласи куйидаги кўринишга эга:

$$Z_i = \delta \frac{x_i - \bar{x}}{S} + M \quad (3.1.13)$$

x_i -”хом” бўлинмадаги бошлангич балл, унга тақсимот нормаллиги тасдиқланган.

x - “хом” тақсимот буйича ўрта арифметик.

S -”хом” стандарт о-иш.

M -танланган стандарт бўлинмаси буйича математик кутилма (ожадание) δ -стандарт бўлинма буйича стандарт огиш агар бўлинма олдиндан интервалларни сунъий нормаллаштиришга солинган бўлса, унда формула соддалашади.

$$Z_i = \delta Z_i + M$$

Энг кенг тарқалган стандарт бўлинмалар учун параметрлар келтирамиз:

1) Маккал Т-бўлинмаси (тест саволлар ММР ва бошқа тестлар):

$$M=50 \text{ ва } \delta=10$$

2) бўлинма 1Q: $M=100$ ва $\delta=15$

3) “стэной” бўлинмаси (1 дан 9 гача бутун сонли ифода стандарт тўққизлик);

$$M=5,0 \text{ ва } \delta=2$$

4) “стенлор” бўлинмаси (стандарт ўнлик, Кеттеллинг 16 PF): $M=5,5$ ва $\delta=2$

Интервалларни ноторвал, нормаллаштириш ва тармокли стандартлаштириш ёрдамида олинган стандарт балларни фарқлаш учун Р.Кеттелл “S-стенлар” ва “n-стенлар” тушунчаларини киритди. “n-стенлар” табиийки эмпирик нормал тақсимот критериясини аниқроқ акс эттиради. Кўргазма учун 16 PF тест саволномасидан А фактор учун шундай жадвал намунасини келтирамиз.

“Хом” очко	0-4,	5-6	7	8-9	10-12	13	14-15	16	17-18	19-20
(стену)	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10

стандарт шкала бўлинмаларни тадбиқ этиш амалда тест баллари тақсимотини анча содда яқинлаштирилган усуллариға мурожаат этишни тақозо қилади. Агар масалан, стенларға ўтказиш билан процентал

нормаллаштириш ва стенларга утказиш билан тармокли нормаллаштириш (3.1.13) формула буйича ҳар бир V учун стенларнинг мос келувчи бутун кийматини берса бу шуни билдирадики, тақсимот “стандарт унлик” гача аниқ нормалликка эга.

Стандарт бўлинма (шкала) ларни тадбик этиш турли тестлар натижаларнинг ўзаро муносабатда бўлиши, тестлар батареяси буйича “диагностик профиллар” куриш ва шу каби мақсадлар учун зарурдир.

Тақсимот барқарорлигини текшириш

Тақсимот барқарорлигини текшириш умумий мантиқий индуктив мулоҳаза юритишга асосланади: агар “ярим” (сайланма ярми буйича олинган) тақсимот бутун тақсимот конфигурациясини яхши моделлаштирилса (моделни ифодаласа) бу бутун тақсимот шунингдек бутун асосий мажмуа тақсимотини ҳам яхши моделлайди, деб таҳлил қилиш мумкин.

Шундай қилиб, тақсимот барқарорлигини исботлаш тест нормаларининг репрезентативлиги исботлашни билдиради. Барқарорлигини исботлашнинг анъанавий усули эмпирик тақсимотни қандайдир назарий тақсимотга яхшироқ яқинлаштиришни тушуниб олишга олиб келади. Лекин эмпирик тақсимотга назарий тақсимоти яқинлашмаса сайланмалар микдорининг сезиларли ортиб боришига қарамай умумийроқ бўлган индуктив методга мурожаат этишга тўғри келади.

Унинг энг содда варианты бутун сайланма натижалар буйича нормаллаштирилган шкалага “хом” (ишланмаган) очколарни утказиш жадвалини олишга йўналтирилган бўлиши мумкин. Кейин бу жадвални сайланма ярмидаги ҳар бир синалувчига тадбик этиш мумкин: агар сайланма ярмидаги нормаллаштирилган баллар тақсимоти нормалликка яхши яқинлашса, демак, нормаллаштириш жадвалида берилган тест нормаллари барқарордир. Нормал тақсимотга яқинлик Қолмогоров мезони (ўлчови) ёрдамида аниқланади ($n < 200$ бўлганда кучлироқ мезонлар “хи-квадрат” ёки “олига-квадрат” лардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир)

Бундай сайланманинг “ярми”, деганда тасодифий ярим тушунилади, унга синалувчилар тасодифий шаклда, усулда қабул қилинади, яъни тасодифий кетма-кетлик ёки куръа ташлашнинг бир мазмунда ёки бир хилда эканлигини текширишнинг тургун ва анча тўғри методи яна Қолмогоров мезонидан фойдаланиш билан боғлиқ. Бунинг учун жадвал маълумоти билан қуйидаги микдор таққосланади.

$$ke = \max(F_{i1} - F_{i2}) \sqrt{n/4} \quad (3.1.15)$$

F_{i1} - сайланманинг биринчи ярми буйича шкаланинг i -интервали учун йиғинди (кумулятив) нисбий частота.

F_{i2} - иккинчи ярим учун шундай частота

n -тула сайланма микдори.

K_e -Қолмогоров статистикаси эмпирик микдори.

Тест балларини тақсимлаш, анализ қилиш, тест нормалларини тузиш ва улар репрезентативлигини текшириш буйича операциялар:

1. Тестни тадбик этиш мулжалланаётган омилидан стандартлаштириш айланмасини шакллантириш (қандайдир параметри буйича тасодифий ёки бошланишга эга) ҳар бир синалувчида тестларни киска муддатда утказиш.

2. Танланган квонтлаш (тенг маънолик интервали) интервалини ҳисобга олдган ҳолда “ишланмаган” (“хом”) балларни гуруҳлаш. Интервал W/m катталиқ билан аниқландай. Бунда $W_{kx} \text{ тах-хм:n-тебраниш}$: m -тенг маънолик интерваллари микдори.

3. Тест баллари частотаси тақсимотини тузиш жадвал кўринишида ва мос келувчи частограмма ҳамда кумулят графиклари кўринишида.

4. Компьютер ёрдамида ўртача ва стандарт оғиш, шунингдек асимметрик ва эксцелл ҳисобини чиқариш текшириш натижаларини тақсимот эгри чизикларини визуал анализ қилиш билан таққослаш.

5. Қолмогоров мезони ёрдамида тақсимотлардан бирининг нормаллигини текшириш ($n < 200$ бўлганда кучлирок мезонлар ёрдами билан) ёки стандарт шкалага утказиш билан процентал нормаллаштиришни амалга ошириш, шунингдек, тармокли стандартлаштиришни амалга ошириш ва улар натижаларини таққослаш (стандарт очколарнинг бутун ифодасигача аниқлик билан)

6. Мос келиш бўлмаса, яъни нормаллик инкор қилинса, унда тақсимот тургунлигини сайланмани икки тасодифий бўлимларга ажратиб текшириш керак.

Бутун сайланма ва унинг ярми учун нормаллаштирилган баллар мос келса нормаллаштирилган шкалани барқарор деб ҳисоблайди.

7. Колмогоров мезони буйича тақсимот бир жинслилигини берилган оммавий белги вариантлаштирилишига нисбатан (жинс, ихтисос ва х.к) текшириш.

Бирга кушилган координатларда тула ёки ярим сайланмалар учун чистограмма ва кумулят графикларини тузиш. Фарқланишларда сайланмани турли кичик сайланмаларга ажратиш.

8. Процентал ва нормаллаштирилган тест нормалари жадвалларини тузиш (ҳар бир “ишланмаган” баллар тенг маънолиги интервал учун). Турли маънодаги кичик сайланмалар мавжуд бўлганда уларнинг ҳар бири учун алоҳида жадвал бўлиш керак.

9. Ўртача микдорни аниқлашдаги стандарт хатоларни ҳисобга олиб, ишончли интерваллар учун ($P < 0,01$ даражада) критик, нукталарни (энг юқори ва қуйи) аниқлаш.

10. У ёки бу тест ечимининг мулжалланаётган механизмни ҳисобга олган ҳолда олинган тақсимот конфигурациясини муҳокама қилиш.

11. Негатив натижа намоён бўлганда шкаланинг босқичлари сони буйича барқарор нормалар йўқ бўлганда (мезонли фаолият прогнозининг

буюрилган (аниқлиги буйича))-катгарок сайланмани текширишни амалга ошириш ёки мазкур тестдан фойдаланиш режасидан воз кечиш керак.

Назорат саволлари:

1. Тест нормаларининг репрезентативлиги деганда нималарни тушунаси?
2. Анастазининг график иллюстрациясини шарқланг?
3. Параметрларни ҳисоблаш ва тақсимот типларини тушунтиринг?
4. Нормал қонунни антологиялаштиришнинг ноқонунийлиги нима?
5. Тақсимот барқарорлигини текшириш усуллари?
6. Тест балларини тақсимлаш, анализ қилиш, тест нормаларини тузиш ва улар репрезентативлигини текшириш буйича операциялар?

Векслер методи ва унинг мослаштирилган варианты.

Мавзу: Интеллект ва уни ўлчаш

Интеллект тушунчаси собик совет психологиясида умумтан олинган эмас. Лекин С.Л.Рубинштейн (1973 й) фуқаролик ҳуқуқларни бу термин орқали тушунтирган. Унинг мазмуни ҳам турлича қабул қилинади. Баъзилар учун бу шахснинг умумий иқтидорлик эквиваленти бўлса, (Рубинштейн, Спирмен), бошқалар учун Янги амалий ва теоретик билимларни эгаллаш рамзи. (А.Бине, Д.Векслер, Л.М.Термин, Р.Л.Торндайк) ва учинчилар учун барча даражалардаги ҳаракатларнинг умумий регулятори (Ж.Пиаже).

Интеллект тушунишда Б.Г.Ананьев томонидан оригинал ёндашув таклиф қилинган. Б.Г.Ананьев инсон ривожланиш потенциалларининг умумий йиғиндисиди институтга алоҳида аҳамият берган. Интеллектни у, билиш кучларининг кўпдаражали ташкилланиши сифатида кўрган. Бу эса психофизиологик процессларни, шахс ҳолатлари ва хусусиятларини уз ичига олади.

Биз томондан ўрганилган ақлий ҳаракатлар йиғиндисини ўргатиш процесслари билан боғлиқ бўлган интеллектуал фаолият эффективлигини аниқлаш учун етарли деб ҳисоблаш мумкин. Уларни ўрганиш анъанавий тарзда психологияда ментиметрик йўналишлар билан боғлиқ ва конкретрок Л.Бине, Л.Термен, Д.Векслер номлари билан боғлиқ. Бу методикалар нафакат психодиагностик аҳамиятга, балки, ўлчаш техникасининг таққосий портативлигига ҳам эга. Буни дала шароитларида кенг қўллаш мумкин ва уз навбатида методикани ажратиб олишда кузга кўринарли роль уйнайди. Интеллектга методика танлашда асосий критерий бўлиб, ишончилиқ ва Д.Векслер (1955 й) методикасининг валидлиги. Бу методик экспериментал маълумотларга таққосланиш билан исботланган. Маълумотлар бошқа катгарок методикалар ва текширилувчиларимизни Олий ўқув юртида ўқишлари давомида давомий кузатишлар орқали бизнинг комплекс тадқиқотлардан олинган.

Интеллектга стандартлаштирилган Векслернинг методикаси 11 та турли-хил вазифалардан иборат, улардан хар-бири алоҳида методикани ифодалайди ва илгаритдан собик совет ва чет эл психологиясида қўлланилиб келинган, охирги пайтда эса инженер ва меҳнат психологиясида кенг кўшанилмоқда.

Векслер методикаси катта ёшдагиларни бутун катталиқ даври (16 ёшдан 15 ёшгача) мобайнида интеллект хусусиятларини ва узгаришларини аниқлаш учун белгиланган.

Векслер умумий интеллектни икки гуруҳда мавжудлигини тан олади: Вербал-6 ва новербал-5.

Вербал мактаб

1. Умумий хабардор бўлишнинг субтести.

Бу ерда нисбатан содда маълумотлар ва билимлар захираси ўрганилади, бунга мувофиқ эсда сақлаб қолишнинг тўғрилиги, тургунлиги. Маълум даражада мазкур субтест саволлари ёрдамида қизиқишларни аниқлаш мумкин. Экспериментал маълумотлар шуни кўрсатадики, умумий хабардор бўлиш ёки ўтиши билан сусайиши қийин бўлар экан. Ҳаммаси бўлиб 29 та савол таклиф этилади. Тўғри жавоб учун 1-балл.

Мисоллар:

- Резина нимадан қилинади?
- Нимага, куёшда тук кийимда оч кийимга нисбатан иссик бўлади?
- Гносеология нима?

Функция:

Материални узок вақт давомида хотирада сақлаб туриш. Ассоциациялар ва малака ташкилланиши.

Натижага таъсир этувчи факторлар:

Маданий муҳит, қизиқишлар.

2. Умумий тушунишликнинг субтести.

Субтест ифодалар маъносини тушуниш қобилиятини, фикр-мулоҳаза юритиш қобилиятини, “соғлом фикрни” ўлчайди. Яна ижтимоий, маънавий нормаларни тушуниш даражаси(ни) ифодаланади. Текширилувчидан берилган ҳолатни бир неча гаплар билан адекват ечилиши талаб этилади. Векслер “соғлом фикр” мукамал комплексли функция, ва бу ерда нафакат интеллектуал, балки эмоционал факторлар ҳам иштирок этади. Ёш ўтиши билан бу субтестга кўра аҳамиятли натижалар узгариши кузатилмайди, 14 та савол таклиф этилади. Баҳо жавобнинг тўғрилигига кўра қўйилади: 0,1,2.

Мисоллар:

- “Темирни иссиғида бос” қандай маънони билдиради?
- Нимага кар бўлиб тугилган одам гапиролмайди?

Функция:

Абстракт тафаккур. Билимлар ташкилланиши. Тушунчалар шаклланиши.

Натижага таъсир этувчи факторлар:

Реал ҳолатларга реакция. Диққат хажми.

3. Арифметик субтест.

Бу субтестда арифметик вазифалар сериясини огзаки ечиш талаб этилади. Вазифаларни ечишига қараб диққатни концентрациялаш қобилияти, сонли материални қўллашнинг энгиллиги ҳақида фикр юритиш мумкин. Арифметик операцияларни мияда бажариш қобилияти ёш ўтиши билан кескин ёмонлашмайди. Баҳолашда фақат жавобнинг аниқлигига

қаралмайди, вазифани ечиш учун сарфланган вақтга ҳам аҳамият берилади.

Мисоллар:

- Иккита олма консерваланган банкалар нархи 31 тийин. 12 та банканинг нархи қанча бўлади?

- Саккизта одам ишни 6 кунда бажара олади. Ишни ярим кунда бажариш учун нечта одам керак бўлади?

Функция:

Хотирада (арифметик операцияларни) сақланиб қолиши.

Натижага таъсир этувчи факторлар:

Асосий арифметик операцияларни эгаллаш имконияти.

4. Ухшашлик урнатиш субтести.

Текширилувчининг вазифаси - бир қатор тушунчалар умумийлигини урнатиш. Тушунчаларни шакллантириш қобилиятига қараб баҳоланади. Идрок этилган материални классификациялаш, тартиблаш, абстрактлаш, таққослаш, ухшашлик ва фарқларни ажратиш қобилияти кўринади. Бу субтест натижалари, вақт чегараланмаганлигига қарамай ёш ўтиши билан пасаяди. Баҳо 0 ва 2 баллар орасида варифланади ва текширилувчининг ташқи таққосланмайдиган тушунчаларни бирлаштирувчи умумийликни қанчалик яхши топилишига боғлиқ. Жавобларнинг қуйидаги даражалари ажратилади: конкрет, функционал ва конституционал. Масалан: “либос-польто” жуфтлиги ўртасида умумийликни ўргатишда қуйидаги жавоблар бўлиши мумкин:

1. Бир хил матодан қилинган ва туғмали.

2. Биз уларни кийиб юрамиз, иссиқлик беради.

3. Устки кийим.

Жавобларнинг бундай вариантлари юқорида берилган 3 та даражаларга мувофиқ, тушунчаларнинг 13 та жуфтлиги таклиф этилади.

Мисоллар:

- апельсин-банан; хаво-сув.

Функция:

Алоқа ва ўзаро боғлиқликларнинг анализи.

Вербал тушунча шаклланиши.

Натижага таъсир этувчи факторлар:

Маданиятга ёндашишнинг минимал имкониятлари.

5. Сонли қаторларни қайтариш субтести.

Диққатни ва оператив хотирани тадқиқот қилиш учун мулжалланган бўлиб, икки қисмдан иборат: сонларни тескари ва тўғри тартибда қайтариш. Геромми кўрсатишча сонларни тўғри тартибда қайта тиклаш ёш ўтиши билан сусаяди. Сонларни тескари тартибда қайта тиклаш нисбатан яққолроқ кўринади. Эксперимент текширилувчи сонли қаторларни хатосиз тиклай олишнинг сусайишига қадар давом этади. Биринчи серияда максимал балл-9. Иккинчи серияда максимал балл-8.

Тўғри тартибда эслаб қолинмайдиган сонлар:

6439 42731 619473 5917423 58192647

7286 75836 392487 4179387 38295174.

Тескари тартибда эслаб колинадаган сонлар:

283 3279 15286 539418 8122936

415 4968 61943 724856 4739128.

Функция:

Тезкорлик билан қайта тиклаш. Эшитув образлари. Баъзан курув образлар.

Натижага таъсир этувчи факторлар;

Диққат хажми.

6. Луғавий субтест.

Сўзлар руйхати, улар маъносини тушунтириш вазифаси билан таклиф қилинади. Бу субтестда суз бойлиги баҳоланади. Суз бойлиги олинган таълим даражасига боғлиқ. Ҳаммаси бўлиб 40 та суз бор, биринчи 10 та сўзлар кенг тарқалган, ҳар куни ишлатиладиганлар, иккинчи унталик-ўртача қийинчиликка эга бўлган сўзлар, уларни адекват трактовка қилиш учун маълум даражада маълумотли бўлиш керак бўлади, ва нихоят мукамал сўзлар, уларни маъносини англатиш учун чуқур билимга эга бўлиши керак. Субтест натижалари карши жараёнида оз микдорда узгаради. Баҳолаш у ёки бу сузни аниқ тушунтиришга нисбатан баҳоланади, 0 дан 2 гача бўлади.

Мисоллар:

1 гуруҳ сўзлари: олма, стол, нонушта, киш.

2 гуруҳ сўзлари: хукм, микроскоп, ибодатхона.

3 гуруҳ сўзлари: уруш, геонд, балласт.

Функция:

Тил ривожланиши. Тушунчалар шаклланиши.

Натижага таъсир этувчи факторлар:

Маданиятга ўргатиш имкониятлари.

Новербал мактаб.

7. Сонлар шифрофкаси (б) субтести.

Сонларнинг бир неча қатори берилади, ҳар бир соннинг тагида уунга мувофик символни чегараланган муддат давомида ёзиб чикмок керак. Курув ҳаракат малакаларни ўзлаштириш даражаси, курув ҳаракатли стимулларни интеграциялашга бўлган қобилият тадқиқот қилинади. Субтестни муваффақиятли бажариш 40 ёшдан бошлаб сусайиб боради. Баҳо белгиланган вақт ичида тўғри шифрланган сонлар микдорига мувофик.

1	2	3	4	5	6	7	8	9	Баҳо
]	Г	У	С		Х	қ	

Функция:

Такрор тарзда қайта тиклаш. Визуал-моторли интеграция. Курув образлар.

Натижага таъсир этувчи факторлар;

Ҳаракатли фаоллик даражаси.

8. Етишмаётган қисмларни топиш субтести.

Тестли вазифа 21 та суръатлардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бирида қандайдир қисми етмайди ёки мувофиксизлик мавжуд. Курув идрокнинг хусусиятлари кузатувчанлик муҳимлардан аҳамиятсиз қисмларни ажрата билиш қобилияти ўрганилади. 20 секунд вақт давомида берилган тўғри жавоб 1 балл билан баҳоланади.

Функция:

Курув идроки: анализ. Курув образлар.

Натижага таъсир этувчи факторлар:

Ураб турган атроф муҳитни идрок этиш малакаси. Баъзан куриш уткирлиги.

9. Косса кубиклар субтести.

Субтестдаги вазифа - 10 та расмларни кетма-кетликда ҳар хил рангли тахта кубиклардан (ҳар бир кубик диогонал буйича иккита рангга бўлинган: ок ва кизил) қайта тиклаш. Бу ерда авваломбор моторсенсорли кординация, материални осонлик билан монипуляция қилиш, қисмлардан бутунни синтез қилиш қобилият ўрганилади. Вақт ҳар бир вазифага кўра чегараланади. Баҳо бажаришининг аниқлиги ва сарф этилган вақтга боғлиқ.

Функция:

Шаклни идрок этиш. Курув идроки: синтез.

Визуал моторли интеграция.

Натижага таъсир этувчи факторлар:

Ҳаракатли фаолликнинг даражаси. Рангли курувнинг минимал даражаси.

10. Кетма-кет расмлар субтести.

Расмларнинг 8 та серияси такдим этилади, серияларнинг ҳар бири сюжет билан бирлаштирилган ва текширилувчи намоёиш этмаётган ходисаларни уларнинг даврий кетма-кетлигига мувофик тарзда тартибга солиш керак. Фрагментларни мантикий бутунликка келтириш қобилияти ўрганилади. Ситуацияларни тушуниш қобилияти. Векслернинг таъкидлашича такдим этиладиган ситуацияларни тушуниш учун хазилкашлик бўлиши керак. Баҳо илгариги субтестдек тўғри бажарилиши ва сарфланган вақтга боғлиқ. Алоҳида вазифаларга баҳо ҳар хил. 4 баллдан 6 баллгача. Вазифалар борган сари мураккаблашади.

Функция:

Муносабатларнинг курув идроки (визуал интуиция, муносабатга киришиш).

Натижага таъсир этувчи факторлар:

Маданиятга киришишнинг минимал имкониятлари. Баъзан курув уткирлиги.

11. Фигураларни тузиш субтести.

Текширилувчига маълум кетма-кетликда туртга фигуранинг қисмлари такдим этилади. (“Инсон”, “профиль”, “кул”, “фил”) қисмлардан нималарни тузиш. Коссанинг кубиклар субтестидан ўрганиладиган факторлар ўрганилади. Авваломбор, курув моторли координация. Субтест

вазифаларини муваффақиятли бажариш ёки ўтиш билан кўринарли сусаёди, лекин илгари келтирилган 3 та субтест сингари эмас. (Коссанинг “кубиклари етишмаётган қисмлар” ва “кетма-кет расмлар”). Баҳолашда сарфланган вақт ва тўғри бажарилганлик инобатга олинади.

Функция:

Курув идрок: синтез.

Визуал моторли интеграция.

Натижага таъсир этувчи факторлар:

Ҳаракат фаолликнинг даражаси.

Ҳаракатли фаолликнинг аниқлиги, яққоллиги.

Назорат саволлари:

1. Интеллект ва уни ўлчаш (С.Л.Рубинштейн)?
2. Векслер методи буйича интеллектни ўлчаш?
 - а) вербал ва новербал метод.
3. Умумий хабардор бўлишнинг субтести?
4. Умумий тушунишнинг субтести ва хоказолар?
5. Векслер методи буйича интеллектни ўлчашда функция, натижага таъсир этувчи факторлар деганда нималарни эътиборга оласиз?

**«УМУМИЙ ПСИХОДИАГНОСТИКА»
МАТНДАГИ ТУШУНИЛИШИ ҚИЙИН БЎЛГАН СЎЗЛАР ЛУҒАТИ
(ГЛОССАРИЙ)**

Аффект (латинча *affectus* – рухий ҳаяжонланиш, қизиқиш) қисқа муддатда ва шиддат билан содир бўладиган ҳиссий, ҳаяжонли жараён: ҳулқ-атвор, ҳатти-ҳаракат устидан назоратнинг сусайиши туфайли рўй берадиган кучли ҳис-туйғу (ғазабланиш, кўрқиш, нафратланиш, шодланиш). Мутахассислар нормал ва патологик аффектлар борлигини, шунингдек, аффектив реакцияларга озроқ ёки кўпроқ мойил бўладиган шахслар ҳам бўлишини таъкидлашади. Ўзида аффектив реакцияга нисбатан ҳисларга эрк бермаслик инсондаги нормал психик ҳолат ҳисобланади. Аффектлар таъсирига берилувчи кишилар одатда оломон орасида саросималик уйғотишга мойил бўладилар.

Англаш – психик мазмунни онгсизликдан актив белги шаклига кўчиришдан иборат психик жараёни бўлиб, бу мазмунни бошқа кишиларга етказиб бериш имконини беради. Англамоқ ўзига хабар бермоқ, ўз тажрибаси ҳиссиёти, эҳтиёжи, қизиқиши ва б. тўғрисида ўзига тушунтириш демакдир. Англаш демак нимадир тўғрисида ўз-ўзига ҳисоб беришдир. Субъектив ҳолда у ёки бу вазият, кечинма ва бошқаларни аниқ-равшан ва назорат қилинадиган инъикосидир.

Амалий психология – ижтимоий амалиётнинг турли соҳаларидаги амалий вазифаларни ҳал қилишда фойдаланиладиган амалий билимлар ва технологиялар мажмуасидир. Амалий психологиянинг муҳим хусусияти шундаки, у ёки бу вазифалар уларнинг манфаатлари учун ҳал этилаётган истеъмолчи ёки буюртмачини ҳамиша кўрсатиш мумкин.

Ақл – инсоннинг маънавий ва рухий фаолиятида барча олий нарсалар ходиасларни қандай бўлса, айнан шундай ҳолда билиш қобилияти, мавҳум фикрлаш ва тушунчалар яратиш хусусияти.

Ахлоқ - ижтимоий онг шаклларида биридир. Кишиларнинг тарихан таркиб топган ҳулқ – авори, юриш – туриш, ижтимоий ва шахсий ҳаётга ўзаро, шунингдек жамиятга бўлган муносабатларини тартибга солиб турувчи барқарормуайян норма ва қоидалар йиғиндиси.

Аттракция – (лотинча сўз – *attrahere* – ёқтириш, ўзига жалб этиш) – бу бир инсоннинг бошқа бир инсонга ижобий муносабати асосида ёқиши ва ёқтириш, ўзаро мобилликни тушунтирувчи эмоционал ҳисдир.

Алоқа – макон ё вақтда бир – биридан муайян масофада узоқликда жойлашган икки ёки бир неча ҳодиса ё объектнинг ўзаро боғланиш ҳодисаси.

Англаш - психик мазмунни онгсизликдан актив белги шаклига кўчиришдан иборат психик жараён бўлиб, бу мазмунни бошқа кишиларга етказиб бериш имконини беради. Англамоқ ўзича хабар бермоқ, ўз тажрибаси хиссиёти, эҳтиёжи, қизиқиши ва бошқалар тўғрисида тушунтириш демакдир. Англаш демоқ нималар тўғрисида ўз – ўзига ҳисоб беришдир. Субъектив ҳолда у ёки бк вазият, кечикма ва бошқаларни очик – равшан ва назорат қилинадиган иникосидир.

Аглерация – оломон

Билиш – оламнинг инсон онгидаги инъикос этиш жараёни . инсон ўзини камраб олган атроф – муҳит тўғрисида билиш ва тасаввурга эга бўлмай туриб, фаолиятнинг бирон бир тури билан шуғуллана олмайди. Билишнинг махсули натижаси билим бўлиб, ҳар қандай касбни эгаллаш фақат билим орқали рўй беради.

Виждон – ижтимоий ҳодиса бўлиб, кишининг ҳаётида содир бўлаётган ижобий ва салбий ҳодисаларга муносабатида ифодаланади. Виждон кишининг маънавий етуклигига боғлиқ.

Гуруҳларнинг тузилиши – гуруҳ қисмларининг кичик гуруҳларга нисбатан барқарор бўлиниши, гуруҳга кирувчи кишилар ўртасида гуруҳ вазифаларининг тақсим қилиниши.

Галлюцинациялар (лат. *hallucinatio* - алаҳсираш, кўзга кўриниш) инсонда касал пайтидаги психикасига таъсир этиши натижасида ҳосил бўладиган мавжуд бўлмаган, фантастик, хаёлий, уйдирма образлар.

Гуруҳ динамикаси (грекча *dynamis* – куч) – бу гуруҳнинг ўз ҳолатини ўзгартирадиган, ривожлантирадиган ёки бузадиган кучларнинг ҳамкорликдаги жараёнидир. У асосан икки хил йўналишдаги жараёнларда кўзга ташланади: гуруҳ аъзоларининг бирлашуви ва аксинча, кескинлашуви.

Гуруҳ муносабатлари – а) гуруҳ фаолиятининг характер ива мазмуни; б) гуруҳнинг умуман структурадаги ўрни, қадриятли бирлиги ва б. характеристикаси; в) гуруҳ аъзоларининг социал индивид сифатидаги ўзаро шахсий муносабатлари; г) бу муносабатларга жалб қилинган кишиларнинг индивидуал позицияларига кўра гуруҳда унинг аъзолари ўртасида қарор топадиган муносабатлардир.

Гуруҳ роли (ўрни) – гуруҳ учун бажарадиган вазифасига кўра инсоннинг шу гуруҳдаги барқарор, мустаҳкам ҳолати (ўрни, позицияси).

Гуруҳ – умумий бўлган бир ёки бир неча белгиларга кўра бирлашган кишилар йиғиндидир.

Гуруҳнинг бирдамлиги - фикрлар бирлиги, эътиқодлар, анҳаналар бирлигида, шахслараро муносабатлар, кайфиятларнинг ижобий характерида ва гуруҳ психикасининг бошқа белгиларида, шунингдек, ҳамкорликдаги амалий фаолиятнинг бирлигида намоён бўладиган гуруҳ аъзолари бирлигининг психологик характеристикасидир.

Гипотеза – ўрганилаётган зҳодисанинг сабаблари ва хусусиятларини тушунтирадиган асосли таҳмин тарзидаги билим шакли.

Гуруҳда кучларнинг муносабати – бу гуруҳий жараёнларни ҳамда гуруҳ аъзоларининг хулқ-атворини назорат қилиш имкониятларининг гуруҳ объектлари ўртасида тақсимланишидир. Лидерлик тушунчасида, гуруҳ динамикаси ва ш.к. ларда намоён бўлади.

Гений – бу янгиликларни яратувчи ва кашф қилувчи шахс.

Дунё образи - инсонга дунёда ҳаракатлана олиш учун мўлжал бўлиб хизмат қиладиган олам тўғрисидаги, бошқа кишилар, ўзи ва ўз фаолияти тўғрисидаги бир бутун, яхлит кўп даражали тасаввурлари тизимидир. Бу субъектив кечинмалар тилида яратилган ташқи дунёнинг ички моделидир. Таъкидлаш лозимки, бу оламни идрок қилиш натижасида ҳосил бўлган, ички режага ноавтоматик тарзда кўчирилган образлар эмас, балки ҳаётий фаолликнинг ҳар бири кейинги momentiдаги ҳодисаларни башорат қила оладиган, чуқур англолмаган тахминлар асосида актив қурилган тизимдир. Ўзини ва ташқи оламни фаол ўзлаштириш давомидаги текшириш усуллари билан (синов ва хатолар) яратилади.

Дикқат – онгнинг муайян объектлар тўплами, жараёнларга (ташқи ёки психикага боғлиқ) танланган ҳолда йўналтирилишидир. Баъзан назорат ва ўз-ўзини назоратни ҳам дикқатга киритишади.

Дунёқараш – тартибга солинган, ақлий онгли тизимга айлантирилган билим, таасвурлар ва ғоялар мажмуи бўлиб, у шахсни маълум бир қолипда, ўз шахсий қиёфасига эга тарзда муносиб ўрин эгаллашга чорлайди.

Дил- жон, қалб, юрак, кўнгил марказий осийе фалсафий тафаккурида ушбу тушунчалар деярли бир хил маънода ифодаланиб борлиқнинг номоддий асосида ҳамда инсоннинг туб моҳиятини ифодалаш учун хизмат қилиб келган.

Девиант хулқ – атвор – ижтимоий девиантликни келтириб чиқарувчи хулқ – атвор

Дадиллик – кишининг ҳаёт ва омонлиги учун омон бўлган кишиларни энгишда кўринадиган ирода кучидир.

Дўстлик – ўзаро бир- бирини тушунувчи 2 инсон ўртасида юзага келувчи эмоционал ижобий хисдиодатда бир жинс вакиллари орасида юзага келади.

Жамият – табиатнинг бир қисми, борлиқнинг алоҳида шаклини ифодалайдиган фалсафий тушунча одамлар уюшмасининг махсус шакли кишилар ўртасида амал қиладиган кўплаб муносабатлар мажмуасидир.

Индивид – одамзоднинг вакили, ўзига хос такрорланмас хусусиятлар эгаси ҳисобланиш одам.

Инновация – ижтимоий амалиётда сезиларли ўзгаришлар туғдирадиган турли хил янгиликлар яратиш ва тадбиқ этиш.

Идрок – субъект томонидан унинг онгига нисбатан ташқи дунёдан ажратиб олинандиган баъзи бутунлик ва яхлитликларнинг билиш жараёни ва ҳаракатлари давомида онгда акс эттирилишидир (бунга бошқа кишилар ва инсон ўз танасини акс эттириш ҳам киради). Айтайлик, инсоннинг ўз танасининг соғлиги ёки носоғломлиги тўғрисидаги ички аъзолардан келаётган сигнал натижасида шаклландиган образни идрок этиш ҳам,

этмаслик ҳам мумкин. Кўпинча эса идрок деганда табиий ва социал дунёдаги предметларни инъикос эттириш тушунилади. Объект бўлса ташқи муҳитда тайёр ҳолда бўлади-ю, у инсонга таъсир қилади ва натижада у инсон томонидан автоматик тарзда акс эттирилади, англанади, десак, унчалик тўғри эмас. Аксинча, инсон тартибсиз ҳолдаги кечинма ва тасаввурлар орасидан баъзи объектларни ажратиб олади ва бу билан гўёки ушбу тартибсизликларни тартибга келтиради. Инсон сезги аъзоларига таъсир қилиш учун бирон нарса идрок этилди, англанди дейишга ҳали эрта. Предмет ёки предмет эмас деб ҳисоблаш инсоннинг ўзига боғлиқ: ким учундир ташқи муҳитда муסיқавий овоз ва шовқинлар, уларда уйғунлашмаганлик (диссонанс) ва уйғунлик (консонаж); кимгадир эса машинанинг ишлашидан дарак берувчи шовқин ёки ҳайвонлар томонидан чиқарилаётган овозлар, ким учундир суҳбатдошнинг нутқидаги мантиқий урғу беришлар, кимгадир турар жойларни муваффақиятли ёки муваффақиятсиз режалаштириш ва бошқалар. Кимлар учундир эса, агар у бундай нарсаларни билмаса, улар гўёки йўқдек «зўр бериб эшитмаслик ва кўрмаслик» пайида бўлади.

Ирода – инсоннинг ўз психикаси ва ҳатти-ҳаракатларини онгли равишда бошқара олишида намоён бўладиган хусусияти (ҳолати) дир. Ирода онгли тарзда ўз олдига қўйган мақсадига эришиши йўлида рўй берадиган тўсиқларни енгиб ўтиш давомида намоён бўлади. Уни ўз-ўзини зўрлаб қийнаш билан тенглаштирмаслик керак. Ирода ҳамма вақт ҳам ўз-ўзини мажбурлаш билан боғлиқ эмас. Бу барибир ўз мақсадига эришишиши йўлида ишонч, келишиш, айёрлик, ўргатиш, ўз хусусиятларидан моҳирона фойдаланиш (одатлар, стандарт реакциялар, заифликлардан) бўлиши мумкин.

Ижтимоий норма – шахс хайтида шундай категорияки, у жамиятнинг ўз аъзоларихулқ – атворига насбатан ишлаб чиққан ва кўпчилик томонидан эътироф этилган ҳаракатлар талаби.

Ижтимоий санкция – нормаларнинг шахс хулқида номоён бўлишни назорат қилувчи жазо ва рағбатлантириш механизми.

Истеъдод нишонлари – қобилиятни ўстиришнинг табиий заминлари (уларнинг биологик асоси). Улар туғма ёки эгалланган бўлиши мумкин. Уларни рўёбга чиқмаган қобилиятлардан ҳам фарқлаш лозим. Фарқ шундаки, истеъдод нишонлари инсон хусусиятлари ва фазилатларидаги шундай биологик жиҳатларки, улар кейинчалик у ёки бу қобилиятга унинг компоненти бўлиб қўшилади. Бир хил биологик жиҳат бир қанча қобилиятлар таркибига кириши мумкин ва шундай таркибда истеъдод нишонлари ролини бажара олади.

Индивидуаллик - инсоннинг индивид, фаолият субъекти ва шахс сифатидаги бетакрор хусусиятлари тизимидир. Индивидуалликнинг мавжуд бўлиши инсоннинг таълим, тарбия, у билан фаол муносабатидаги индивидуал ёндашувининг асоси ҳисобланади. «Ҳар бир кишигача етиб бориш» - бундай ёндашувнинг идеалидир. Индивидуалликни инкор этиш (нодонлик, ишонч ёки кам англанган ҳаракат туфайли, масалан, техник ёки умумилмий ғояларнинг оддий формулаларига сиғиниш оқбаотида) зарурий тарзда бир қатор салбий оқибатларга олиб келади (шахслараро ва шахслар

ичидаги кескинлик, ихтиролар, рухий жароҳатлар, низолар иштирок этганларнинг асабий ҳолатлари ва таълим, тарбия, меҳнатдаги паст самарадорлик натижалари сифатида).

Интеллект, ақл – инсон ҳаёти давомида билиш фаоллигига тегишли бўлган барқарор ўзига хос ва ривожланиб борувчи хусусиятлар ва сифатлар тизими, унинг ички ва ташқи ҳаётий ҳолатлар, жумладан, ижтимоий муҳитда ҳам оқилона мўлжал ола билишдир. Одатда субъектнинг фаолият соҳасига боғлиқ ҳолда социал интеллект, техник интеллект, гуманитар интеллект, вербал, яъни оғзаки, новербал интеллектларни фарқлашади.

Илмий психология – инсон ва ҳайвон психикаси тараққиёти, пайдо бўлиш ва мавжуд бўлиши қонуниятларини аниқлашда фойдаланиладиган технология ва мураккаб тармоқланган белгилар тизимидир. Илмий психологиянинг асосий вазифаси – янгиликни аниқлаш эмас, балки бир томондан ишонарли билимлари эгаллаш, бошқа томондан эса, қайси ўринда улар ишонарли, қай ҳолда эса ёлғон ва ноаниқ эканлигини аниқлашдан иборатдир.

Ижтимоий установка - шахснинг атроф муҳитида содир бўлаётган ижтимоий ходисаларни, объектларни, идтимоий гуруҳларга маълум тарзда идрок этиш, қабул қилиш ва улар билан муносабатлар ўрнатишга рухий ички ҳозирлик сифатида одамлардаги дунёқарашни ҳам ўзгартиришга алоқадор категория.

Инсон – тушунчасига аниқ тариф бериш учун оламда мавжуд бўлган бошқа биологик мавжудодлардаг ажралиб турувчи энг муҳим хусусиятларни аниқлаш зарур.

Инсонпорварлик – гуманизм одамларга меҳр – мухаббат билан қараш, уларни хурмат қилиш, инсоннинг моддий фаровонлигини юксалтириш ва кишилардаюксак маънавий фазилатларни ривожлантиришга ғамхўрлик қилиш ғоялари билан суғорилган дунёқараш.

Инсоф – инсоннинг муайян жамиятда амал қилаётган ахлоқ меъёрини назорат қилиш ва ахлоқий баҳолаш.

Идеал – орзу интилишнинг олий мақсади. Тор маънода: шахс қобилиятларини ифодаловчи намуна.

Иллюзия – тана азоларимизга бевосита таъсир этиб турган нарса ва ходисаларни нотўғри (ноадекват) идрок қилишдан иборат билиш жараёнининг ходисаси.

Инсайт – ойдинлашув. Муаммонинг ечими, баъзан бирдан ёрқин юлдуздай ялт этиб пайдо бўлади. Бундай психологик ҳолат психологияда инсай – ойдинлашув дейилади.

Ижтимоийлашув – инсон томонидан ижтимоий тажрибани эгаллаш ва ҳаёт фаолият жараёнида уни фаол тарздаўзаштириш жараёни.

Image – образ

Конформизм (лат. conformis – ўхшаш, мос келадиган) – инсон томонидан ўзининг ҳақлигига ичидан шубҳаланмайдиган фикрдан носамимий равишда қайтиш туфайли бошқаларнинг фикрларини (эхтимол, нотўғри бўлса ҳам) танқидсиз қабул қилиш.

Кундалик онг - кишиларнинг бевосита кундалик тажрибасига асосланадиган ва улар мансуб бўлган социал жамоаларда ҳукмронлик қилувчи тасаввурлар, билимлар, тушунчалар ва ҳаракатларнинг йиғиндисидир.

Кайфият – инсоннинг психик ҳаётида намоён бўладиган, ўртамиёна ёки заиф самарадорликнинг нисбатан давомий, барқарор, эмоционал ҳолати бўлиб, у ёки бу ҳиссиётнинг устунлиги билан характерланади.

Кичик гуруҳ – умумий ишни бажарадиган ва бир-бирлари билан бевосита шахсий алоқада бўлган, 3 тадан 20-30 тагача кишидан таркиб топган, унчалик катта бўлмаган кишилар тўпламидир. У гуруҳ аъзоларининг ҳамдард бўлиши, «биз» эканлигини ҳис этиши билан боғлиқ хусусиятларга эга.

Лидерлик – гуруҳдаги шахслараро муносабатлар тизимида ҳукмронлик ва бўйсунувчанлик, ҳокимлик ва қарамлик муносабатларидир.

Малака – фаолиятнинг автоматлаштирилган кўникмаси, мустаҳкам маҳоратидир. Бошда онгни назорат қилинадиган ва бир меъёрдаги ҳаракат бўлган нарса ҳар бир кишига турмуш тажрибасига кўра автоматлаштириши мумкин. Кўникмалар фақат осон пайқаш мумкин бўлган ҳаракатчан бўлмайди, балки фикрловчи, социал-киришувчан, ташкилотчи ва бошқача ҳам бўлади. Автоматизмдан иборат бўлгани ҳолда кўникмалар айни пайтда ишда ижоднинг зарурий шарти ҳисобланади (бунга тушунарли мисол қуйидагича: шу созанда ўз асбобида мусиқа чалишнинг зарур техникаси, кўникмасини ҳосил қилгунга қадар у ижодкор бўла олмайди, чунки у ҳали «мусиқий» асбоблар клавишаларини, позициялар ва б. ни чалкаштириб кўйишдан қўрқади).

Мулоқотдаги конструктивлик – ҳамкорларнинг алоқаси давомида уларнинг эҳтиёжларини қондиришни таъминлайдиган, биргаликда ҳал қилинаётган масалаларнинг ижобий ечим топишига ёрдам берадиган, уларнинг индивидуал бетакрорлигини сақлаб қоладиган мулоқотдир. Мулоқотдаги конструктивлик (яратувчанлик) тушунчаси кишиларнинг мулоқот давомида ўз салоҳиятини ўстириш, шахсий ўсиши, социал етукликнинг шаклланиши томон ҳаракатланиши йўналишини кўрсатади.

Муносабатнинг ўзгариши (деформация) – бу муносабатлардаги шундай ўзгаришларки (бузилиш, қийинчиликлар, янглишишлар), улар муносабатдаги самарадорликнинг пасайиши ёки бузилишига, ҳамкорликларнинг соғлиғига, уларнинг обрўсига ёки рухий осойишталигига, моддий кадриятларига ва бошқаларга путур етказди. Ўзгаришларни уларнинг турига қараб турлича тушуниш мумкин: мас., менинг устимдан кулишаётгани учун бизнинг бегона эканлигимизни, бизнинг дўст эмаслигимиз, бир-биримизни тушуна олмаслигимизни, мени масҳара қилишаётганлиги ва кўплаб бошқа нарсаларни англай бошладим.

Мазмун – бевосита ҳиссий кечинмалар давомида ёки онгда акс этувчи қандайдир объект ўртасидаги муносабатни хира бўлсада англаш ва субъект ҳоҳишларига кўра пайдо бўладиган психик яхлитликдир. Бир нарса мен учун керак, эҳтиёжи бор, бошқаси эса – йук, керакмаслигини эътиборга олиб, айтишадики, «бу мен учун мазмунга эга» ёки «бунинг мен учун мазмуни

йўқ» ташқаридан қараганда бир нарса бўлиб туюлган юмуш (ўра қазиш) ёлланган ер қазувчи учун даромад қилиш мазмунига эга, археолог учун қандайдир буюқ тарихий муаммони ечиш, тасодифий йўловчи учун эса пиёдалар йўлининг бузилаётганлиги унга қандайдир бузғунчилик мазмунига эга бўлиб туюлади.

Меъёр – объектнинг сифат ва миқдорий жихатлари ўзаро боғлиқлигини англатадиган, мазмун ва шакл имконият ва воқеилик ўртасидаги зарурий уйғунлик таъминланишини ифодаладиган фалсафий тушунча.

Мослик – кишилардан ҳаракат қилиш келишувини ва яхши ўзаро бир-бирини тушунишини талаб қиладиган биргаликда ишлаш, вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш қобилияти.

Мотивация – инсон ҳулқ – атвори, унинг боғланиши ва фаоллигини тушунтириб берувчи психологик сабаблар мажмуини билдиради.

Менталитет – индивид ёки ижтимоий гуруҳнинг миллатнинг ўзига хос тафаккур тарзи, воқеликни маълум бир тарзда тушуниши ва ва бирликда ҳаракат қилишга тайёрлиги ва мойиллиги.

Мотив – шахсдаги у ёки бу ҳулқ – атворга нисбатан турган мойиллик.

Мардлик – ўзини пухта билиш дадиллик, қатиатлик, чидам ва тоқат пайтларида намоён бўладиган кучли ирода.

Нутқ – овоз берилган тил, у ёки бу тил белгиларини англатувчи овоз сигналларининг инсон томонидан қўлланиладиган тизимидир.

Онг – ҳайвонлар психикасидан фарқли равишда бутун инсон психикасини ифодалашда фойдаланиладиган термин. Инсон психикаси (онг) белгилилик (онг «хужайраси» белгиларнинг мураккаб тизимини ҳосил қилади), куруллилик (истаган онг бирлиги предметлар дунёсини акс эттириш воситаси сифатида фойдаланилади), предметлилик (ташки дунё элементлари билан мутаносиблиги ва қатъий уюшганлик (белгилар ва куруллар тизими кўплаб ўзаро мутаносиб категорияларни вужудга келтиради) хусусиятлари билан характерланади.

Онгсизлик англаб бўлмайдиган – аниқ, равшан англаш назорати учун предмет бўла олмайдиган кўплаб психик ҳодисалар тўплами. Онгда ҳар бир дақиқада бир вақтнинг ўзида чекланган миқдордаги тасаввурлар бўлиши мумкин (ўртача тахмин қилишларича 7 ± 2). Бунда ушбу дамдаги англамаган тасаввурларни биз аниқ онг зонасига осон «чақиришимиз» мумкин («ҳоҳлаганинг учун эсладинг»), лекин жуда кўплаб психик бошқариб турувчилар (регуляторлар) шундай ишлайдики, бунда инсон на фақат ўз-ўзига ҳисоб бермаслиги мумкин, балки буни у ҳаттоки ҳоҳлаган тақдирда ҳам уни қила олмайди. Масалан, соатнинг айлана шаклдаги циферблатини идрок қилаётганда бизнинг кўз қобиғимизда айлана эмас, балки эллипс (агар соатга ёндан қарасак) ҳосил бўлиши мумкин, бироқ соат қандай ҳолда турса ҳам биз циферблатни «айлана» сифатида идрок қиламиз. На фақат субъект идроки томонидан англана олмайдиган, балки психологияда янги шуғулланаётган киши учун ҳам тушунарсиз бўлган бу геометрик маънодаги ҳол психика механизмлари туфайли рўй беради (қаранг: доимийлик идрок хоссаси сифатида) ҳиссиётларнинг баъзи қисмлари («яхши»,

«маданиятлилик» билан сиғиша олмайдиганларини) онгдан сиқиб чиқарилади, лекин З.Фрейд таълимотига кўра, улар ҳатти-ҳаракатни сезиларли ҳолда бошқаришда давом этаверади ва ҳаттоки ички зиддиятларга ва асаб касалларикларини ҳам келтириб чиқаради. Психоанализнинг (бу термин фрейдизм томонидан мустаҳкам ўрнашиб қолган, шунинг учун ҳар қандай психика таҳлилини (анализини) психоанализ деб атамаслик керак) психотерапевтик амалиёти шунга асосланганки, сиқиб чиқарилган ҳиссиётларни топиб англаш предметига айлантириш лозим. Бу психоаналитикдан жуда катта ва ўткир маҳоратни талаб қилади (ўзини шундай деб ҳисолайдиганнинг кўпчилиги, афсуски, нафақа бу борада малакасиз, балки манфаатпараст ҳамдир).

Орзулар – инсоннинг келажак тўғрисидаги, хаёлига келган ва у учун муҳимроқ эҳтиёжлар ва қизиқишларни рўёбга чиқариш борасидаги режаларидир.

Оптация – (лотинча сўз – ортатио – хошиш, танлов) танлов босқичи. Одам томонидан профессионал тараққиётнинг босқичи танланишидир деб эътироф этилади. 11-12 ёшлар, 14-18 ёш даврларни ўз ичига олади.

Оптимизм – кечаётган воқеа ва ходисалар жараёнига нисбатан билдирилган икки хил қарама – қарши фикрлар ёки муносабатларни яхшиликка йўйиш.

Панелог – гуруҳ ичидаги мунозарадир

Психодиагностика (грекча psyche – руҳ ва diagnostikos – билишга қодир) – психологик фан соҳаси бўлиб, шахснинг индивидуал – психик хусусиятларини ўлчаш ва аниқлаш усулларини ишлаб чиқади.

Психотерапия (грекча therapeia – парвариш қилиш, даволаш) – кўплаб психик, асабий ва психосоматик ҳафгарчиликларда инсон ҳиссиёти, фикрлари, ўз-ўзини англашига комплекс даволовчи таъсирдир (асосан нутқ ёрдамида, бироқ фақат унинг ёрдамида эмас). Шартли равишда асосан мавжуд аломатларни йўқотиш ёки юмшатишга қаратилган клиник мақсадли психотерапия ва инсонга унинг социал муҳити ва ўз шахсига нисбатан муносабатини ўзгартиришга ёрдам беришни вазифа қилиб олган шахсий мақсадли психотерапия мавжудлиги эътироф қилинади.

Психо анализ – руҳий ҳасталикни даволаш усули ва психологик таълимот.

Психотехника (грекча techne – санъат, маҳорат) – психик жараёнларни содир бўлиш характеристикасини яхшилаш, мавжуд психик қобилиятларни ўстириш ва янгиларини шакллантиришда қўлланиладиган конкрет методик усуллар ёки усуллар тизимидир.

Предикатлар мантиғи – муҳокама юритиш жараёнларининг мулохазаларнинг ички структурасидан келиб чиқиб таҳлил қиладиган мантиқий система. У мулохазалар мантиғини ўз ичига олади. Предикатлар мантиғи тили мулохазалар мантиғи тилига қўшимча символлар киритиш ёрдамида ҳосил қилинади.

Репродуктив – фикрлашни бир тури.

Референт гуруҳ (лот. referens – хабар берувчи) – киши учун эътиборли бўлган, қадриятлари, фикрлаш ҳулқ-атвор, нормалари ва қоидаларини сўзсиз тан

олувчи ва уларни ўзи учун қабул қилувчи кишилар гуруҳидир.

Рефлексия – айнан ўзига ўхшаш одамлар образи орқали ўзи тўғрисидаги образни шакллантириш, жонлантириш.

Рол – шахсга нисбатан шундай тушунчаки, унинг конкрет ҳаётий вазиятидаги ҳуқуқ ва бурчларидан иборат.

Сезги – кўзғатувчиларнинг идрок аъзолари рецепторларига таъсири туфайли вужудга келадиган, объектив дунё хоссаларининг субъектив инъикосидир.

Социал индивид – барча кишилар учун умумий бўлган, белгилар, қуроллар билан ишлашда боғлиқ бўлган махсус инсоний тавсифларни акс эттириш, жамиятда қабул қилинган норма ва қоидаларни ҳисобга олиш, социал вазифаларни бажаришдир. Гап шахсий ёки индивидуал жиҳатлар тўғрисида кетаётгани йўқ.

Социал муҳит – инсоннинг аниқ мақсадлар режалар асосида фаолият кўрсатадиган дунёси.

Севги – бу нафақат хиссиёт, балки бошқаларни сева олиш қобилияти ва севилиш унинг асосий мезони – “инсоний фазилатлар” ҳисобланади.

Симпатия – ўзаро ёқтириб қолиш, бу севгининг илк босқичи ҳисобланади. Бунда асосан севги объектнинг ташқи жозибаси рол ўйнайди.

Талант (грекча *talanton* – дастлаб ўлчов, мезон, кейин эса кўчма маънода – қобилиятлар даражаси) – инсон қобилиятларининг, энг аввало у ёки бу турдаги фаолиятда улкан ютуқларга эришишини таъминловчи махсус юксак ривожланиш даражаси.

Ташаббускорлик – характернинг қимматли хислати бўлиб, бу хислат кўпчилик кишиларда оммавий тус олгандир.

Темперамент (лот. *temperamentum* – қисмларнинг тегишли мувофиқлиги, мутаносиблиги) – инсон ҳулқ-атвори ва психик жараёнларининг динамик характеристикаси бўлиб, уларнинг тезлиги, ўзгарувчанлиги, самарадорлиги, ишчанлиги ва бошқаларда намоён бўлади.

Тафаккур – турли масалаларни (назарий ва амалий) ечишга қаратилган ва бу юмушни адо этишни (жавоб топишни) таъминлайдиган кўплаб психик жараёнлар, ҳаракатлар, ҳолатлардир. Тафаккурни функционал тизим сифатида жалб қилиш қисман онгли, қисман одатлар, малакалар ва асаб тизими томонидан юзага келтирилган инсоннинг илгариги тараққиёти, тарбияси, ўз-ўзини шакллантиришдан иборат беихтиёр ҳаракатлари туфайли амалга оширилади.

Тил – инсон алоқалари, тафаккури учун ахборотни асраш ва авлоддан авлодга етказиб бериш воситаси бўлиб хизмат қиладиган белгилар тизимидир.

Унутуш – эслаш ва ёд бўлиб қолган ёки ўзлаштирилган материални қайта хотирлаш имкониятининг аста-секин сўниб боришини акс эттирувчи жараёндир.

Фантазия- ҳаёлниң борлиқдан, ҳақтқатдан биров узоклашув жараёнидир.

Физиономика – одам юз қирралари ва уларниң нисбати орқали одамниң хусусиятларини ўрганиш.

Фаолият – инсонниң воқеилиқни, ўзини ўзи ижодий ўзгартириш, такомиллаштириш, мукаммаллаштиришга йўналтирилган фаоллиги. Психологик жиҳатдан ички эҳтиёжни қондириш дея талқин этилади.

Характер (грекча *charakter* – босиш, зарб қилиш) – инсонниң фаолияти ва муносабати туфайли шаклланадиган ва намоён бўладиган барқарор индивидуал хусусиятлари йиғиндиси бўлиб, унга хос бўлган ҳулқ-атвор ва ҳаётий ҳолатларга жавоб бериш усулларини белгилайди. Характерда инсон учун хос бўлган, стандарт вазиятларда қўлланиладиган, ҳаётий вазифаларни кўйиш ва ечиш усуллари ўз ифодасини топади.

Хис-туйғу – инсонниң нисбатан барқарорлиги, умумийлиги, унинг шахс сифатидаги тараққиёти давомида шаклланган эҳтиёжлари ва (хусусан) кадриятларига мослиги билан фарқ қиладиган юксак ўзаро маданий боғланган хиссиётларидир.

Ҳаяжонланиш – (лот. *emoveo* – хайратга солмоқ, ҳаяжонга соламоқ) – психик ҳодисаларниң алоҳида тоифаси бўлиб, субъект томонидан бу ҳодисалар, предметлар ва вазиятлар инсонниң ўз эҳтиёжларини қондириш учун бевосита қизиққон кечинмалари кўринишида намоён бўлади.

Ҳаёл – инсонниң субъект сифатидаги онгидан бутун ҳолда идрок қилинмаган ёки сезги аъзолари ёрдамида идрок этила олмайдиган объектларниң инъикосиниң (тасаввурлар, схемалар ва бошқа образ-моделларниң) ёки жўрттага пайдо бўлишига ёхуд атайлаб қурилишига олиб келувчи билиш фаоллигидир. (мас., келажакни мўлжаллаган тарих ҳодисалари идрок этила олмайдиган ёки умуман мавжуд бўлмаган дунёниң воқеалари – мифлар ва эртақлардаги ҳайри-табийй персонажлар ва б.)

Ҳаётий маънолар – бу инсон учун унинг борлиқ билан бефарқ бўлмаган шундай алоқалари мажмуасики, уларда инсонниң уни ўраб олган воқеилиқдан объектив боғлиқлиги сифатида ҳам, унинг эҳтиёжлари ва интилишлари кўринишида ҳам ўз аксини топади. Биз кундалик ҳаётимиз давомида ҳаттоки, кўп ҳолларда ўзимизниң турмуш психологи эканлигимизни ҳам унутган ҳолда улардан жуда кўп фойдаланамиз. Бу ўринда «турмуш» сўзидан ташқари «кундалик психология» ёки «одатий психология» дейиш ҳам мумкин. Турмуш (одатий) психологияси кундалик онг таркибига киради.

Хотира – инсонниң ўтмиши тажрибасини эслаб қолиш, фикрий ташкил қилиш, сақлаш ва қайта эслашга йўналтирилган кўплаб психик жараёнлари, ҳатти-ҳаракатлари, ҳолатларидир.

Ҳатти-ҳаракат – инсонниң ахлоқий ўз-ўзини кўрсатиш моменти бўлиб, бунда у бошқа кишига нисбатан муносабати, ўз-ўзига, гуруҳ ёки жамиятга, умуман табиатга нисбатан шахс сифатида ўзини намоён қилади. Ҳатти-ҳаракат фаолият ёки фаолиятсизлик; сўзларда билдирилган позиция; имо-ишора кўринишида, қараш, нутқ оҳанги, матнниң маъноси шаклидаги бирон нарсага нисбатан муносабатда жисмоний тўсиқларни енгиб ўтиш ва

ҳақиқатни излаш томон йўналтирилган ҳаракатда кабиларда ифодаланади. Ҳатти-ҳаракат – социал ҳулқ-атворнинг асосий бирлигидир, унинг ҳамиша гувоҳлари бўлади: ўзининг социал ифодасини топмаган ички ечими ҳали ҳатти-ҳаракат бўла олмайди. Шунинг учун ҳатти-ҳаракат орқага қайтмас характерга эга, уни «қайта ўйнаб» бўлмайди – айнан шу ердан содир этилган ҳатти-ҳаракат учун шахсий жавобгарлик вужудга келади. Ҳатти-ҳаракатда инсон шахс сифатидагина намоён бўлиб қолмасдан, балки ушбу сифатда шаклланади ҳам.

Қайта ҳосил қилиш – кузатиш мумкин бўлган у ёки бу белгилар шаклидаги фаоллашган мазмуннинг қайта тикланиши ва қайта қурилишидан иборат бўлган аклий ҳодисадир.

Ўйлар – инсоннинг ҳаётидаги келажак ҳаёт манзараларини акс эттирадиган ширин тасаввурлари, фантазия ва орзу-ниятларидир.

Шахсий контакт – ўзаро ҳамкорларни ягона социал бутунликка (икки, уч ёки кўпроқ кишилардан иборат) бирлашув даражасини англлатувчи шахсий муносабат тавсифидир.

Шахс эркинлиги – инсонларнинг ўз ҳаёти ва фаолиятини амалга ошириш, озод шахс сифатида меҳнат қилиш, билим олиш, ўзи истаган касб, ҳунарли, диний эътиқод ва бошқалар ихтиёрий танлаш.

Шахс – инсон активлигига хос психик бошқарувчиларнинг махсус инсоний тизими, психикадаги шундай барқарор функционал тизимки, унинг ёрдамида инсон ўзи истикомат қиладиган муҳитда ташаббускор, мақсад сари интилувчан бўлибгина қолмасдан, балки яхшилашга ҳам қодир бўлади. Инсон шахс сифатидаги фазилатларни эгаллаганлигининг асосий белгиси унинг турли ҳатти-ҳаракатларни содир қила олиш қобилияти, яъни бир-бирини инкор этувчи имкониятларни танлаш, ўз ҳаёти ҳамда ўзгалар ҳаёти билан ҳам боғлиқ бўлган кўплаб муҳим моментларни сарҳисоб қила олиши, ўз ҳатти-ҳаракатлари учун маъсулиятни ўз зиммасига ола билиши кабилардир.

Шахсий алоқадорлик – бу боғлиқликнинг динамик жиҳати бўлиб, ҳамкорлар ўртасидаги мақсадга эришишда қўлланиладиган воситаларни келиши, улардан ҳар бирининг қўллайдиган стратегиясини координация қилишни таъминлайди. Алоқадорлик боғлиқликни иштирокчилар манфаатига мослаштиришнинг тез мослашувчан механизmidан иборат. У келишув *ўзаро ҳамкорлик* ёки курашга, ҳар бир томоннинг ўз мақсадига эришиши учун ундаши, муаммо ва вазифаларни ўзича тасаввур қилиши, уларни ҳал қилишнинг ўз усул ва воситаларидан иборат бўлиши мумкин.

Шахсий муносабат – бу ҳамкорликдаги фаолиятнинг эҳтиёжлари туфайли юзага келадиган ва *ўзаро алоқадорлик*даги стратегиялар келишувини *контактлар* ўрнатилиши ва ривожлантирилишининг мураккаб ва серқирра жараёни, улар ўртасидаги *муносабатлар*нинг ўрнатилиши ва сақлаб турилишидир. Контакт, ўзаро алоқадорлик, муносабатлар, коммуникация ва идрок шахсий муносабатнинг компонентлари ҳисобланади.

Шахсий алоқалар – бу муайян вақт ичида икки ёки ундан ортиқ кишилар ўртасида қарор топадиган барқарор муносабатлардир. Дастлаб ўзаро

алоқадорлик кўринишида пайдо бўлиб, кейин тез такрорланиши туфайли у барқарор муносабатларга айланади. Муносабатларга мисол: душманлик, мусобақа, муҳаббат, дўстлик, ишбилармонлик муносабатлари. «Жабрдийда-агрессор», «хотинбоз – фарқиға етадиган хоним», «инжиқ бошлиқ – сусткаш ижрочи» ва бошқа шунга ўхшаш қарор топган муносабатлар иштирокчилар уларни ўзгартиргунга қадар ноаниқ муддат давомида мавжуд бўлиб туради.

Эҳтиёжлар – инсон ёки ҳайвоннинг нормал яшаши учун зарур бўлган етишмовчиликни акс эттирувчи психик ёки физиологик кескинлик ҳолатидир. Эҳтиёжлар ҳолат сифатида субъектнинг ҳаётий фаоллигининг шу маънода манбаи ҳисобланадики, юз берган кескинликни йўқотишга қаартилган сезиларли таъсир кучига эга.

Қобилиятлар – у ёки бу сермаҳсул фаолиятни эгаллаш маҳорати билан боғлиқ бўладиган инсоннинг индивидуал – психологик хусусиятлари бўлиб, унинг ёрдамида инсон тенг бўлган бошқа шароитларда ушбу фаолиятни тез ва пухта, осон ва мустаҳкам равишда ташкил қилиш ва амалга ошириш йўллариини ўзлаштириб олади.

Эътиқод – шахнинг шундай онгли йўналишки, унга ўй- қарашлари, принцлари ва дунёқарашга мос тарзда яшашга имкон беради, эътиқоднинг предмети тарлича бўлади. Ватанга, динга, фанга, касбга, ахлоқий нормаларга, оилага, гўзаллика ва шунга ўхшаш.

Номе sapichs – ақлли зот.

Эхтирос – узок вақт давом этадиган ва барқарор бўлган эмационал ҳолат.

Қаттият - баъзи ҳолларда киши қабул қиладиган қаршилиқлар амалга оширишда имкониятларга ишонган ҳолда жуда тез маълум бир қарорга келиш.

ФАННИ ЧУҚУР ВА ПУХТА ЎРГАНИШ УЧУН ТАЛАБАЛАРГА АЙРИМ ТАВСИЯЛАР

- биринчи машғулотда мазкур фанга ажратилган маъруза машғулотлари ҳамда талаба мустақил иши соатларини аниқ ёзиб олинг;
- адабиётлар рўйхатини олинг.
- фанни яхши ўзлаштириш ва ўрганиш учун имконият даражасида дарс қолдирмасликка ҳаракат қилинг;
- агар дарс давомида сизда бирор савол туғилиб қолса, уни дафтارينгизга аниқ қилиб ёзинг ва ўқитувчининг маърузаси тугаши билан саволингизни шошилмасдан сўранг;
- фанни ўрганиш учун фалсафа ва бошқа зарур фанларни биргаликда ўрганишга ҳаракат қилинг;
- дарсда фаол қатнашишга ва бу фаоллигингиз фақат фанни ўрганишга қаратилган бўлишига ҳаракат қилинг;
- фан бўйича жорий ва оралик назоратларни деканат томонидан белгиланган жадвал асосида, ўз вақтида топширишни унутманг;
- жорий ва оралик назоратларга қўйилган саволлар тушунарсиз бўлса ёки унга жавоб бера олмасангиз назоратдан сўнг албатта вақт топиб, уни жавобини топишга ҳаракат қилинг;
- кутубхонага аъзо бўлган бўлсангиз фанга оид замонавий адабиётларни олиб мутола қилишга ҳаракат қилинг;
- интернет саҳифаларидаги маълумотлардан фойдаланмоқчи бўлсангиз албатта унинг илмий жиҳатдан асосланганлигига эътибор қилинг;
- қайси илмий адабиётдан, мақоладан ёки бошқа манбадан қандай маълумот олишингиздан қатъий назар унинг муаллифи, нашр этилган йили ва шахрини аниқ ёзиб олишни унутманг;

- сиз ўқийдиган қайси фан бўлишидан қатъий назар, ҳеч қачон, уни яхши биламан, такрорлаш шарт эмас деган хаёлларга борманг, иложи борича фанларни такрорлаб боришга ўрганинг.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Тошкент: Ўзбекистон, 2011.
2. Каримов И. А. Асарлар. 1-18 жилд. -Тошкент: Ўзбекистон,1996-2010.
3. Каримов И. А. Юксак маънавият - енгилмас куч. - Тошкент: Маънавият, 2008.
4. Каримов И. А. Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йуллари ва чоралари. -Тошкент: Ўзбекистон, 2009.
5. Каримов И. А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. - Тошкент: Ўзбекистон, 2010.
6. Каримов И. А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш - устувор мақсадимиздир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза (2010 йил 27 январь) / Асосий вазифамиз - Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. - Тошкент: Ўзбекистон, 2010.
7. Анастаси А. Психологическое тестирование: В 2 кн. Пер. с англ. (Под ред. К.М.Гуревича, В.И.Лубовского М. Педагогика, 1982г.).
8. Блейхер В.М. Бурлачук Л.Ф. Психологическая диагностика интеллекта и личности. К. Виша шк, 1978 г. 142 ст.
9. Бурлачук Л.Ф. Психодиагностика личности. К. Здоровья. 1989 г. 168 ст.
10. Давлетшин М.Г., Ковалев А.Г., Крутенцкий В.А. Қобилият ва унинг диагностикаси. Т., “Укитувчи” 1979 й.
11. Общая психодиагностика. М: Изд-во М., Ун-та. 1987 г. 305 ст. Под ред. А.А.Бодалева.

12. Практикум по психодиагностике, Дифференциальная психометрика. (Под ред. В.В.Столина, А.Г.Шмелева. М: Изд-во М., Ун-та, 1984 г. 154 ст.
13. Талызина Н.Ф., Карпов Ю.В. Педагогическая психология. М: Изд-во. М, Ун-та 1987 г.
14. Ғозиев Э.Ғ. Ўқувчиларнинг умумлаштириш усулларига ўргатиш ва уларнинг ақлий тараққиёти. Т., “кит” 1983 й.
15. Ғозиев Э.Ғ. Тафаккур психологияси. Т., 1990 й.
16. Ғозиев Э.Ғ. Психология. Т., “Ўқитувчи” 1994 й.
17. Ғозиев Э.Ғ. Ақлий камолотингизни аниқлай оласизми? “Университет” 1996 й. Т., Университет” 1996 й.
18. Ғозиев Э.Ғ. Замонавий ва индивидуал ва гуруҳий психология. Т., Университет. 1999 й. 1,2 б.т.
19. Ғозиев Э.Ғ. Психология муаммолари. Т., “Иқтисодиёт университети” 8,5 б.т.
20. Ғозиев Э.Ғ. Ташкилий психология маърузалар матни. Т., Университет 6 б.т.
21. Общая психология. М., просвещение, 1997 (под ред.) А.А.Петровского
22. Психологический словарь М.,: Педагогика, 1983. (под ред) Давидов В.В.
23. Словарь по практической психодиагностик М, 1993.

24. Немов Р.С. Психология . книга З.М. Владос. 2004. -631 с.
25. Общая психодиагностика. - М.: Изд-во Мос-ва. Ун-та, 1987, -305 б
26. Панасюк А.Ю. Адаптированный вариант методики Д.Векслера. - М.: Ин-тут гигиены детей и подростков, 1973. - 79 с
27. Практикум: по психодиагностики. Дифференциальная психометрика /Под ред. В.В.Столина, А.Г.Шмелева - М.: Изд-во Мос-ва. Ун-та, 1984. -154 б
28. Психодиагностическая работа в начальной школе. Ч.1. Определение готовности к обучению в школе. СПб. 1994.—78 с.
29. Психодиагностика: теория и практика /Пер с нем - М Прогресс, 1986.-207 с
30. Психологическая диагностика: Проблемы и исследования /Под ред. К.М.Гуревича. - М.: Педагогика, 1981.-232 с.
31. Тепеницина Т.Н. Анализ ошибок при исследовании внимания методом корректурной пробы // Вопр. психологии - 1959 - 145-153 с '
32. Филимоненко Ю., Тимофеев В. Руководство к методике исследования интеллекта у детей Д.Векслера. Адаптированный вариант. СПб., 1993, -57 с.
33. Худик В.А. Психологическая диагностика детского развития: Методы исследования. - К: Остива. 1992 -220 с

М Е Ё Р И Й Ҳ У Ж Ж А Т Л А Р

1. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари:

1. Таълим тўғрисидаги қонун Т.: 1997. – 29 август
2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури Т.: 1997. - август
3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2003.
4. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши. -Т.: 1991. 21 окт.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари

1. ”Мамлакатимизда демократик ислохатларни янада чуқурлаштириш ва фуқоролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” Ўзбекистон адабиёти ва санъати.2011 йил 18 феврал №8
2. “Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони // «Халқ сўзи» газетаси, 2005 йил 20 июн.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

1. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиётининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш фаолиятимиз мезони бўлиши даркор. “Халқ сўзи” газетаси, 2006 йил 25 феврал.

2. Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. “Халқ сўзи” газетаси, 2006 йил 11 феврал.
3. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005, - 92 б.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997.
5. Ислом Каримов . Юксак маънавият - енгилмас куч. Тошкент ”Маънавият” 2008.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДА

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 225-модда)

УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонун фуқароларга таълим, тарбия бериш, касб-хунар ўргатишнинг ҳуқуқий асосларини белгилайди ҳамда ҳар кимнинг билим олишдан иборат конституциявий ҳуқуқини таъминлашга қаратилган.

2-модда. Таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонундан ҳамда бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Қорақалпоғистон Республикасида таълим соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларидагидан ўзгача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари

Таълим Ўзбекистон Республикаси ижтимоий тараққиёти соҳасида устувор деб эълон қилинади.

Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги;

таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги;

умумий ўрта, шунингдек ўрта махсус, касб-хунар таълимининг мажбурийлиги;

ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишини: академик лицейда ёки касб-хунар коллежида ўқишни танлашнинг ихтиёрийлиги;

таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги;

давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиқлиги;

таълим дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув;

билимли бўлишни ва истеъдодни рағбатлантириш;

таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириш.

4-модда. Билим олиш ҳуқуқи

Жинси, тили, ёши, ирқий, миллий мансублиги, эътиқоди, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, хизмат тури, ижтимоий мавқеи, турар жойи, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қанча вақт яшаётганлигидан қатъи назар, ҳар кимга билим олишда тенг ҳуқуқлар кафолатланади.

Билим олиш ҳуқуқи:

давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ривожлантириш;

ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда таълим олишни ташкил этиш;

таълим ва кадрлар тайёрлаш давлат дастурлари асосида бепул ўқитиш,

шунингдек таълим муассасаларида шартнома асосида тўлов эвазига касб-хунар ўргатиш;

барча турдаги таълим муассасаларининг битирувчилари кейинги босқичдаги ўқув юртларига киришда тенг ҳуқуқларга эга бўлиши;

оилада ёки ўзи мустақил равишда билим олган фуқароларга аккредитациядан ўтган таълим муассасаларида экстернат тартибида аттестациядан ўтиш ҳуқуқини бериш орқали таъминланади.

Бошқа давлатларнинг фуқаролари Ўзбекистон Республикасида халқаро шартномаларга мувофиқ билим олиш ҳуқуқига эга.

Республикада истиқомат қилаётган фуқаролиги бўлмаган шахслар билим олишда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг ҳуқуқларга эга.

5-модда. Педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи

Тегишли маълумоти, касб тайёргарлиги бор ва юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.

Педагог ходимларни олий ўқув юртларига ишга қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган [Низомга](#) мувофиқ танлов асосида амалга оширилади.

Педагогик фаолият билан шуғулланиш суд ҳукмига асосан ман этилган шахсларнинг таълим муассасаларида бу фаолият билан шуғулланишига йўл қўйилмайди.

6-модда. Таълим муассасасининг ҳуқуқий мақоми

Таълим муассасасини аккредитациялаш ваколатли давлат органи томонидан аттестацияга асосан амалга оширилади.

Таълим муассасаси юридик шахс бўлиб, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда барпо этилади. Нодавлат таълим муассасаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда давлат аккредитациясидан ўтган пайтдан бошлаб юридик шахс ҳуқуқлари ва таълим фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлади.

Таълим муассасаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган устав асосида фаолият кўрсатади.

Таълим муассасаси аттестация натижаларига биноан давлат аккредитациясидан маҳрум этилиши мумкин.

Таълим муассасалари ўқув-тарбия мажмуиларига ҳамда ўқув-илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари ва уюшмаларига бирлашишга ҳақли.

Таълим муассасалари уставда белгиланган вазифаларига мувофиқ пулли таълим хизматлари кўрсатиш, шунингдек тадбиркорлик фаолиятининг бошқа турлари билан шуғулланишга ҳақли.

7-модда. Давлат таълим стандартлари

Давлат таълим стандартлари умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим мазмунига ҳамда сифатига қўйиладиган талабларни белгилайди.

Давлат таълим стандартларини бажариш Ўзбекистон Республикасининг барча таълим муассасалари учун мажбурийдир.

8-модда. Таълим бериш тили

Таълим муассасаларида таълим бериш тилидан фойдаланиш тартиби Давлат

тили ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тартибга солинади.

II. ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ВА ТУРЛАРИ

9-модда. Таълим тизими

Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими қуйидагиларни ўз ичига олади: давлат стандартларига мувофиқ таълим дастурларини амалга оширувчи давлат ва нодавлат таълим муассасалари; таълим тизимининг фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлаш учун зарур бўлган тадқиқот ишларини бажарувчи илмий-педагогик муассасалар; таълим соҳасидаги давлат бошқарув органлари, шунингдек уларга қарашли корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар.

Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими ягона ва узлуксиздир.

10-модда. Таълим турлари

Ўзбекистон Республикасида таълим қуйидаги турларда амалга оширилади:

мактабгача таълим;

умумий ўрта таълим;

ўрта махсус, касб-хунар таълими;

олий таълим;

олий ўқув юртидан кейинги таълим;

кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;

мактабдан ташқари таълим.

11-модда. Мактабгача таълим

Мактабгача таълим бола шахсини соғлом ва етук, мактабда ўқишга тайёрланган тарзда шакллантириш мақсадини кўзлайди. Бу таълим олти-етти ёшгача оилада, болалар боғчасида ва мулк шаклидан қатъи назар, бошқа таълим муассасаларида олиб борилади.

12-модда. Умумий ўрта таълим

Умумий ўрта таълим босқичлари қуйидагича:

бошланғич таълим (I—IV синфлар);

умумий ўрта таълим (I—IX синфлар).

Бошланғич таълим умумий ўрта таълим олиш учун зарур бўлган саводхонлик, билим ва кўникма асосларини шакллантиришга қаратилгандир.

Мактабнинг биринчи синфига болалар олти-етти ёшидан қабул қилинади.

Умумий ўрта таълим билимларнинг зарур ҳажмини беради, мустақил фикрлаш, ташкилотчилик қобилияти ва амалий тажриба кўникмаларини ривожлантиради, дастлабки тарзда касбга йўналтиришга ва таълимнинг навбатдаги босқичини танлашга ёрдам беради.

Болаларнинг қобилияти, истеъдодини ривожлантириш учун ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этилиши мумкин.

13-модда. Ўрта махсус, касб-хунар таълими

Ўрта махсус, касб-хунар таълим олиш мақсадида ҳар ким умумий ўрта таълим асосида академик лицейда ёки касб-хунар коллежида ўқишнинг йўналишини ихтиёрий равишда танлаш ҳуқуқига эга.

Академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари эгалланган касб-хунар бўйича ишлаш ҳуқуқини берадиган ҳамда бундай иш ёки таълимни навбатдаги босқичда давом эттириш учун асос бўладиган ўрта махсус, касб-хунар

таълими беради.

Академик лицей ўқувчиларнинг интеллектуал қобилиятларини жадал ўстиришни, уларнинг чуқур, табақалаштирилган ва касб-хунарга йўналтирилган билим олишларини таъминлайдиган уч йиллик ўрта махсус ўқув юртидир.

Касб-хунар коллежи ўқувчиларнинг касб-хунарга мойиллиги, маҳорат ва малакасини чуқур ривожлантиришни, танланган касблар бўйича бир ёки бир неча ихтисос олишни таъминлайдиган уч йиллик ўрта касб-хунар ўқув юртидир.

14-модда. Олий таълим

Олий таълим юқори малакали мутахассислар тайёрлашни таъминлади.

Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш олий ўқув юртларида (университетлар, академиялар, институтлар ва олий мактабнинг бошқа таълим муассасаларида) ўрта махсус касб-хунар таълими асосида амалга оширилади.

Олий таълим икки босқичга: давлат томонидан тасдиқланган намунадаги олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатлар билан далилланувчи бакалаврият ва магистратурага эга.

Бакалаврият олий таълим йўналишларидан бири бўйича пухта билим берадиган, ўқиш муддати камида тўрт йил бўлган таянч олий таълимдир.

Магистратура аниқ мутахассислик бўйича бакалаврият негизида камида икки йил давом этадиган олий таълимдир.

Фуқаролар иккинчи ва ундан кейинги олий маълумотни шартнома асосида олишга ҳақлидирлар.

15-модда. Олий ўқув юртидан кейинги таълим

Олий ўқув юртидан кейинги таълим жамиятнинг илмий ва илмий-педагогик кадрларга бўлган эҳтиёжларини таъминлашга қаратилгандир. Олий ўқув юртидан кейинги таълим олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларида (аспирантура, адъюнктура, докторантура, мустақил тадқиқотчилик) олиниши мумкин.

Илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш, илмий даражалар ва унвонлар бериш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

16-модда. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш касб билимлари ва кўникмаларини чуқурлаштириш ҳамда янгилашни таъминлайди.

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

17-модда. Мактабдан ташқари таълим

Болалар ва ўсмирларнинг яқка тартибдаги эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақти ва дам олишини ташкил этиш учун давлат органлари, жамоат бирлашмалари, шунингдек бошқа юридик ва жисмоний шахслар маданий-эстетик, илмий, техникавий, спорт ва бошқа йўналишларда мактабдан ташқари таълим муассасаларини ташкил этишлари мумкин.

Мактабдан ташқари таълим муассасаларига болалар, ўсмирлар ижодиёти саройлари, уйлари, клублари ва марказлари, болалар-ўсмирлар спорт

мактаблари, санъат мактаблари, мусиқа мактаблари, студиялар, кутубхоналар, соғломлаштириш муассасалари ва бошқа муассасалар киреди. Мактабдан ташқари таълим муассасаларининг фаолият кўрсатиш тартиби қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилади.

18-модда. Оиладаги таълим ва мустақил равишда таълим олиш

Давлат оилада таълим олишга ва мустақил равишда таълим олишга кўмаклашади. Болаларни оилада ўқитиш ва мустақил равишда таълим олиш тегишли таълим муассасаларининг дастурлари бўйича амалга оширилади. Таълим олувчиларга ваколатли давлат муассасалари томонидан услубий, маслаҳат ва бошқа йўсинда ёрдам кўрсатилади.

19-модда. Таълим тўғрисидаги ҳужжатлар

Аккредитация қилинган таълим муассасаларининг битирувчиларига давлат томонидан тасдиқланган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжат (шаҳодатнома, диплом, сертификат, гувоҳнома) берилади. Давлат томонидан тасдиқланган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжат оилада таълим олган ёки мустақил равишда билим олган ва аккредитация қилинган таълим муассасаларининг тегишли таълим дастурлари бўйича экстерн тартибида имтиҳонлар топширган шахсларга ҳам берилади, давлат таълим муассасаларида ўқитилиши шарт бўлган ва рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб қўйиладиган мутахассисликлар бундан мустасно.

Олий маълумот тўғрисидаги дипломга ўзлаштирилган фанлар рўйхати, уларнинг ҳажмлари ва фанларга қўйилган баҳолар ёзилган варақа илова қилинади.

Диссертация ҳимоя қилган шахсларга белгиланган тартибда фан номзоди ёки фан доктори илмий даражаси берилади ва давлат томонидан тасдиқланган намунадаги диплом топширилади.

Давлат таълим стандартларига мос келган тақдирда Ўзбекистон Республикаси билан хорижий давлатларнинг ҳукуматлари ўртасидаги икки томонлама битимлар асосида ҳар икки томоннинг маълумот тўғрисидаги ҳужжатлари белгиланган тартибда ўзаро тан олинishi мумкин.

Тегишли босқичдаги таълимни тугалламаган шахсларга белгиланган намунадаги маълумотнома берилади.

Давлат тасдиқлаган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжат навбатдаги босқич таълим муассасаларида таълим олишни давом эттириш ёки тегишли ихтисослик бўйича ишлаш ҳуқуқини беради.

Ш. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

20-модда. Таълим олувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш

Таълим муассасасида таълим олувчилар қонун ҳужжатларига ва норматив ҳужжатларга мувофиқ имтиёзлар, стипендия ва ётоқхонада жой билан таъминланади.

21-модда. Таълим муассасалари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш

Таълим муассасалари ходимларига иш вақтининг қисқартирилган муддати белгиланади, ҳақи тўланадиган йиллик узайтирилган таътиллар ҳамда қонун

ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар берилади.

Таълим муассасалари иш ҳақиға мўлжалланган мавжуд маблағлар доирасида мустақил равишда ставкалар, мансаб окладларига табақалаштирилган устама белгилашга ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш ва уни рағбатлантиришнинг турли шакллари қўллашга ҳақли.

22-модда. Етим болаларни ва ота-оналарининг ёки бошқа қонуний вакилларининг васийлигисиз қолган болаларни ўқитиш

Етим болаларни ва ота-оналарининг ёки бошқа қонуний вакилларининг васийлигисиз қолган болаларни ўқитиш ва уларни боқиш давлатнинг тўла таъминоти асосида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

23-модда. Жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болалар ва ўсмирларни ўқитиш

Жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган, шунингдек узок вақт даволанишга муҳтож бўлган болалар ва ўсмирларни ўқитиш, уларни тарбиялаш ҳамда даволаш учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари ташкил этилади. Болалар ва ўсмирларни ушбу таълим муассасаларига юбориш ва улардан чиқариш ота-оналарининг ёки бошқа қонуний вакилларининг розилиги билан психологик-тиббий-педагогик комиссиянинг ҳулосасига биноан амалга оширилади.

Ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг ўқувчилари қисман ёки тўла давлат таъминотида бўлади.

24-модда. Ижтимоий ёрдамга ва тикланишга муҳтож бўлган шахслар учун ўқув-тарбия муассасалари

Алоҳида шароитларда тарбияланиш ва ўқишга муҳтож бўлган болалар ва ўспиринлар учун уларнинг билим олиши, касб тайёргарлиги ва ижтимоий тикланишини таъминлайдиган ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари ташкил этилади.

Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташ муассасаларида сақланаётган шахсларнинг таълим олиши ва мустақил билим олиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шароитлар яратилади.

IV. ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ БОШҚАРИШ

25-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълим соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълим соҳасидаги ваколатларига қуйидагилар киради:

таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органларига раҳбарлик қилиш;

таълимни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

таълим муассасаларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартибини белгилаш;

таълим муассасаларини аккредитациядан, педагог, илмий кадрларни аттестациядан ўтказиш тартибини белгилаш;

бошқа давлатларнинг таълим муассасаларига Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида таълим фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи

рухсатномалар бериш;
қонун ҳужжатларига мувофиқ хорижий давлатларнинг таълим тўғрисидаги ҳужжатларини тан олиш ва ҳужжатларнинг эквивалент эканлигини қайд этиш тартибини белгилаш;
давлат таълим стандартларини тасдиқлаш;
давлат томонидан тасдиқланган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжатларни тасдиқлаш ва уларни бериш тартибини белгилаш;
давлат грантлари миқдори ва таълим муассасаларига қабул қилиш тартибини белгилаш;
давлат олий таълим муассасасининг ректорларини тайинлаш;
таълим олувчиларни аккредитация қилинган бир таълим муассасасидан бошқасига ўтказиш тартибини белгилаш;
қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар.

26-модда. Таълимни бошқариш бўйича махсус ваколат берилган давлат органларининг ҳуқуқ доираси

Таълимни бошқариш бўйича махсус ваколат берилган давлат органларининг ҳуқуқ доирасига қуйидагилар киради:
таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини рўёбга чиқариш;
таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва услуб масалаларида уларга раҳбарлик қилиш;
давлат таълим стандартлари, мутахассисларнинг билим савияси ва касб тайёргарлигига бўлган талаблар бажарилишини таъминлаш;
ўқитишнинг илғор шакллари ва янги педагогик технологияларни, таълимнинг техник ва ахборот воситаларини ўқув жараёнига жорий этиш;
ўқув ва ўқув-услугият адабиётларини нашр этишни ташкил қилиш;
таълим олувчиларнинг якуний давлат аттестацияси ва давлат таълим муассасаларида экстернат тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш;
давлат олий таълим муассасасининг ректорини тайинлаш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш;
педагог ходимларни тайёрлашни, уларнинг малакасини оширишни ва қайта тайёрлашни ташкил этиш;
қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар.

27-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг таълим соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:
таълим муассасалари фаолиятининг минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш эҳтиёжларига мувофиқлигини таъминлайдилар;
таълим муассасаларини ташкил этадилар, қайта ташкил этадилар ва тугатадилар (республика тасарруфида бўлган муассасалар бундан мустасно), уларнинг уставларини рўйхатга оладилар;
ўз ҳудудларидаги таълим муассасаларини ваколат доирасида молиялаш миқдорларини ва имтиёзларни белгилайдилар;
таълим сифати ва даражасига, шунингдек педагог ходимларнинг касб фаолиятига бўлган давлат талабларига риоя этилишини таъминлайдилар;
қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширадилар.

28-модда. Таълим муассасасини бошқариш

Таълим муассасасини унинг раҳбари бошқаради.

Таълим муассасаларида қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолият кўрсатадиган жамоат бошқаруви органлари ташкил этилиши мумкин.

29-модда. Таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органлари билан нодавлат таълим муассасалари ўртасидаги ўзаро муносабатлар

Таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органлари нодавлат таълим муассасаларида таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилади.

Нодавлат таълим муассасалари таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган тақдирда, аккредитация қилган органлар уларнинг фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ тўхтатиб қўйишга ҳақли.

Нодавлат таълим муассасаларига қабул давлат ўқув юртлари учун белгиланган тартибда ва муддатларда амалга оширилади.

V. ЯКУНЛОВЧИ ХУЛОСАЛАР

30-модда. Ота-оналар ёки қонуний вакилларнинг вазифалари

Вояга етмаган болаларнинг ота-оналари ёки қонуний вакиллари боланинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишлари шарт ҳамда уларнинг тарбияси, мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими олишлари учун жавобгардирлар.

31-модда. Таълимни молиялаш

Давлат таълим муассасаларини молиялаш республика ва маҳаллий бюджетлар маблағлари, шунингдек бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

32-модда. Таълимни ривожлантириш фондлари

Таълимни ривожлантириш фондлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юридик ва жисмоний шахсларнинг шу жумладан чет эллик юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари ҳисобидан ташкил этилиши мумкин.

33-модда. Халқаро ҳамкорлик

Таълим муассасалари таълим муаммолари юзасидан халқаро ҳамкорликда иштирок этадилар, чет давлатларнинг тегишли ўқув юртлари билан бевосита алоқалар ўрнатиш, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда улар билан қўшма ўқув юртлари ташкил этиш ҳуқуқига эга.

34-модда. Таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишда айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,
1997 йил 29 август,
464-І-сон

